

37(59)7

Тошпұлат Ахмад

*Сөгінсанғиз
мени изланг...*





Dmitry

DAVID TAYLOR
"LAWYER WITH A PEN"

84 (54)7

ТОШПҮЛАТ АХМАД

Соғинсанниң мени иѣланы...

(Эсселар, хотиралар, лавҳалар)



Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент – 2015

УУК 821.512.133-4

КБК 84(Ү)7

А98

Такризчи:

Хотам Умиров,

филология фанлари доктори, профессор

Ахмад, Тошпӯлат

Соғинсангиз мени изланг (Матн) : эссе, хотира, лавҳалар / Т.Аҳмад. –Тошкент : Faфур Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – 236 б.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир, публицист, драматург Тошпӯлат Аҳмаднинг ушбу китоби Сизни ошуфта этади. Ўзининг хаётийлиги, кўламининг кенглиги билан китобхон эътиборини тортади.

Асарда С.Айний, Ойбек, Комил Яшин, Ҳалима Носирова, Уйғун, Ж.Икромий, Мирзо Турсынзода, шунингдек, Үткир Ҳошимов, Fулом Каримий каби адиллар билан бўлиб ўтган учрашувлар, уларнинг ҳакиқий киёфалари Сизни лол қолдиради.

Умуман, тўпламдан жой олган эссе, хотира, лавҳалар китобхонда катта кизиқиш уйғотади.

УУК 821.512.133-4

КБК 84(Ү)7

ISBN 978-9943-03-664-2

© Тошпӯлат Ахмад

© Faфур Fулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий
уйи, 2015

СЎЗБОШИ

Кўлимда шоир, драматург ва публицист Тошпўлат Аҳмаднинг “Софиссангиз мени изланг...” эсселар, хотиралар, лавҳалар тўплами.

Янги тўпламни тўрт кунда ўқиб чиқдим. Ўқиб чиқдим-у, бироз хаёлга толдим. Кейинги йиллардаги кузатишларимга қараганда аксарият шоирлар етук ёшда насрга қўл урадилар. Мени хурсанд қиласигани шундаки, шоирларнинг насрдаги бу тажрибалари омадли бўлади. Айтмоқчиманки, насрга қўл урган шоир биринчи навбатда матннинг ички оҳангини жуда яхши ҳис этади. Сўз, ўхшатиш, ибораларни ўз ўрнида ишлатади, қадрини яхши билади.

Юкорида шоирлар етук ёшида насрга қўл уради, дедим. Тошпўлат Аҳмаднинг янги тўпламида бундай эмас. Аксарият асарлар шоирнинг бутун умри давомида ёзилган. Демак, умр давомида ижодкорни тўлқинлантирган воқеа-ҳодисалар китобхон учун жуда ўқишли, қулай тарзда қоғозга тушган.

Елкадош биродарим – Тошпўлат Аҳмад Бухоро адабий мухитида камол топган энг пешқадам шоир ва публицистлардан бири. Гўзал воҳамизнинг шоир кадами етмаган ери қолмаган. Уни Бухоронинг ҳар бир шаҳар, қишлоғида энг хушқадам меҳмон сифатида қарши оладилар. Ҳамма жойда унинг дўст-биродарлари бор.

Шоир публицистикаси ўзининг ҳаётийлиги, кўлами ning кенглиги билан китобхон эътиборини тортади.

“Мен кўрган биринчи ёзувчи – Айний эди...” эссесида бўлажак шоир болалигига улуғ ёзувчи Садриддин Айний

билин учрашувини жуда самимий ёзган. Буюкларнинг ҳар бир сўзи тарих, улар, албатта, ижобат бўлади. Тошпўлат Аҳмаднинг болалигига улуғ ёзувчи билан учрашуви бўлажак шоирнинг тақдирини олдиндан белгилаган бўлса, не ажаб!

Шоир эсселарида, энг аввало, ҳаётий далиллар, она Бухоро замини улуғлари, воҳамиз қадриятлари муҳаббат ила қаламга олинади. “Тош туғён” эссеси улуғ ёзувчи Ойбекнинг Бухорога ташрифи воқеаларидан бошланиб, сўнгра шариф шаҳар тарихидаги энг оғрикли, фожиали воқеалар қаламга олинади.

Тошпўлат Аҳмад публицистикаси шу билан эътиборга сазоворки, у ҳар бир тарихий далилга, ҳаётий воқеаларга ватанпарварлик, миллийлик нуктаи назаридан ёндашади. Ҳар бир тарихий шахснинг Бухоро тарихида тутган ўрнига караб, унга ижодкорнинг холис баҳосини беришга интилади.

“Буюк олим ҳузурида” асари эса ўзбекнинг забардаст олими, ҳақгўй ва довюрак инсон Иброҳим Мўминов ҳаёти ва илмий фаолиятига бағишлиланган. Буюк олим ҳақидаги бир неча ҳаётий эпизод унинг накадар улуғ инсон эканлигини ёркин бўёқларда очиб берган.

“Ҳақ рост...” эссеси эса ёзувчи Комил Яшин ва унинг турмуш ўртоғи Ҳалима Носированинг Бухорода бўлиши ва уларнинг миллатимизнинг асл фарзанди Файзулла Хўжаев ҳақидаги хотираларига боғланиб кетган. Бухоро фарзандлари Ибн Сино ва Файзулла Хўжаев, буюк олимнинг онаси Ситорабону ҳамда Ҳалима Носирова... Бу шахслар, улар тақдиридаги ўхшашликлар жуда нозик ишоралар билан қаламга олинади.

Тўпламда улуғ адибларимизнинг Бухорода бўлишларига бағишлиланган хотираларга кенг ўрин берилган. Жумладан, “Уйғун ва бошқа адиблар Бухорода”, “Сайд Аҳмад Бухорода” каби хотира эсселар енгил юмор билан ёзилгани туфайли жуда осон ўқилади. Бир-икки чизги билан ижодкор ўзбек адибларининг жуда содда, самимий сиймоларини яратга олган. Айниқса, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ ёзувчиси Сайд Аҳмадга бағишлиланган хотиралар жуда ёдда қоларли.

“Устоз Икромий сабоқлари” эссеси улуг ёзувчи, улкан романиавис, Бухоро тарихининг ҳақиқий билимдони Жалол Икромий ижоди ва муаллифнинг у билан бўлган учрашувларига бағишилаб ёзилган.

Эсседа Жалол Икромийнинг ўз устози Садриддин Айнийдан олган сабоқлари таҳлил этилиб, ўзбек ёзувчи ва шоирлари Шароф Рашидов, Абдулла Ориповлар ижодига юксак баҳо берилган. Ажойиб ёзувчининг инсон сифатида жуда камтар-камсуқумлиги, ниҳоятда меҳнатсеварлиги, Бухорои шарифга бўлган чексиз муҳаббати кенг ёритилган.

Умуман олганда, тўпламдаги барча асарлар – эссе, хотира, лавҳалар китобхонда катта қизиқиш уйғотади.

Мен юкорида Тошпўлат Аҳмаднинг биргина тўплами ҳақида фикр юритдим. Унинг кейинги йигирма беш йил, умуман олганда, эллик йиллик ижодий фаолияти ҳақида муқаммал фикр юритиш учун эҳтимол, бир китоб ҳам камлик қилас. Лекин шуни яхши биламанки, Тошпўлат Аҳмад эллик йил мобайнида жуда баракали ижод қилиб, ўттиздан ортиқ китоб чоп эттириди. Буларни умумий ном билан Бухорои шариф, Она Ўзбекистон, юртимизнинг энг сара инсонлари ҳақида қасидалар дейиш мумкин.

Тошпўлат Аҳмад нафакат оташнафас шоир, балки самимий инсон, содик дўст, ажойиб, ахил оила бошлиғи ҳамдир. У фарзандлари, неваралари даврасида ширин ҳаёт кечириш билан бирга ижодий ҳамда ижтимоий фаолиятини ҳамон давом эттираётир. Дўстимиз, акамиз етмиш ёшдан ошган бўлса-да, ҳамон жўшқин ижод билан машғул.

Сўзимни мухтасар қиласар эканман, ҳамкасбимга улкан муваффакиятлар тилайман.

Жўра ФОЗИЛ,
ёзувчи

МЕН КҮРГАН БИРИНЧИ ЁЗУВЧИ – АЙНИЙ ЭДИ...

Күрган-кечиргандарим кўп бўлган. Мен уларни китоб варағидай аста-аста оққа кўчиравераман. Гап шундаки, қадим дунёнинг гузарлари, кўчалари, йўллари, сўқмоклари аро кезаверсанг, одамзоднинг аслини ҳам, пастини ҳам кўра билар экансан.

– Кўп йиғлаган кўз одам қалбига чуқур назар ташлайди, – дегандилар отам, – оҳ-вохни кўп кўрдим. Фашист деганнинг кекирдагини узиб, уруш ўрталарида ярадор бўлиб қайтганман. Лекин биласанми, ҳаётда энг яхши сабок берадиган мактаб муҳтожлик экан. Мен ҳам шунақа хокисорман. Бир кичкина ҳовлида (уч сотих) акам билан яшаганмиз. Шу ҳовлида амакинг, ёзувчи Аҳад Ҳасан туғилди, унинг укаси олим Аҳрор Ҳасан ҳам худди шу ерда кўз очди. Улардан кейин (Рахмат, Раҳмон акаларинг – улар ёшликтан вафот этишди) сен туғилдинг, уканг, сингилларинг ҳам шу ҳовлида нашъу намо топишди.

Аҳад амакинг Самарқанддаги университетни тугатиб, бир йил ўтмай кишлоқ мактабида директорлик қила бошлади. Онаси эса бригадир эди. Бирин-кетин фарзандлари туғилгач, янги ҳовлига кўчди. Биз эса шу гувала ҳовлида қолдик. Икки жойимдан немис ўқи тешган. Доим қўлим, елкам оғриб, баъзан шалвираб ҳам қоларди. Урушдан олдин кетмончи эдим. Кичкина боғимиз бўларди. Ана шу ердан рўзғоримиз бут эди. Шундай кунлардан бирида мени раис чорлаб қолди.

– Аҳмад ака, – деди у юрагини очиб, – бугундан бошлаб омборчи бўласиз. Хат-саводингиз бинойи, лотин ёзувини

ҳам, арабчани ҳам яхши биласиз. Хуллас, бошқарув аъзоси бўласиз.

– Раҳмат, – дедим мен, – лекин биласиз, доим касалман, кўл чатоқ...

– Кўйинг бунақа гапларни, яхши бўлиб кетасиз, эртага иш бошлайсиз. Кўряпсиз, зўр-зўр йигитлар урушда қолиб кетишди. Нима қиласиз, ҳаёт шунақа...

Шундай қилиб, омборчиликни бошлайдилар отам. Кўп ўтмай, кассирликни ҳам елкага оладилар. Шундай кунларнинг бири, яъни 1949 йилнинг ёз ойлари раис отамни чақириб:

– Эртага аzonда Бухорога борасиз, – дейди, – шофёр Отамурод ака билан бирга, “полутурка” машинада. Тўппатўғри “Аҳмад карвон саройи”га бориб тушасизлар. Бу жой Самарқанд дарвоза кўчасидан тахминан беш юз метр масофада. Ўзимизнинг омборхонамиз бор. Уни топасизлар, тушунарлими?

– Хўш, хўш, – дейди отам раисга, – нима опкелайлик: буғдойми, унми?

– Тўхтаб туринг, Аҳмад ака, – дейди раис кўзи пирпираб, – гап шундаки, сиз обқўмнинг бир ходимини кутиб оласиз. Кўришгач, катта бир меҳмонни, яъни Садриддин Айнийни сизга кўрсатади. Биласизми у кишини?

– Суратларини кўрганман, бугун у киши билан юзмаюз кўришиш насиб этаркан-да, – дейди отам хурсанд бўлиб. – Маҳаллайи боло қишлоғидаги масжидни у кишининг оталари курган. Қишлоқдаги жиянларини кўргани келаётган бўлсалар керак-да.

Шундай қилиб, икки-уч шляпалик кишилар Айний бобони етаклаб “полутурка” ёнига келишди. Кўл олишгач, исмимни айтдим.

Айний бобо сўради:

– Шоғирконга, кейин Денов қишлоғига борамиз, – сиз ўша қишлоқданмисиз?

– Худди шундай. Жиянларингиз: Олимхон, Бобохон, Иброҳимхон, Орифхонлар – менинг жўраларим. Уларни кўрсангиз, хурсанд бўласиз.

– Мана, раис бобо, – деди Айний бобо, – яхши ҳамроҳ топиб беряпсиз. Айтган жойимизга борамиз-а, Аҳмаджон!

– Албатта, албатта, – дедим кулиб.

Айний бобо машина кабинасига, ўзим эса кузовга чиқдим. “Катталар” эса бизни йўлга кузатиб юбордилар.

Шундай қилиб, қайдасан, Шоғиркон, дея кетяпмиз. Шағал йўл – ўнқир-чўнқир, пасту баланд, чанг. Атрофини қамиш, тиканлар босган. Зарафшон дарёсигача масофа босиб ўтилгач, анча ҳолсизланган Айний бобо кабинадан тушиб, дарёдан сув ичди. Рўмолча билан пешанасидаги терни артиб, менга қаради:

– Аҳмаджон, Шоғирконгача қанча масофа қолди, – деди Айний бобо ненидир чамалаб. – Суғутгача-чи?

– Аниқ айтолмайман-у, лекин оз қолди, – дедим меҳмонга қараб, – кўряпман, чарчадингиз. Анави тут дарахти соясида бир оз дам олинг. Сизни кутиб турамиз.

– Йўқ, йўқ, укажон, тезроқ кетамиз, – деди Айний бобо, – биласизми, боя исмингизни эшишиб Аҳмад Дониш кўнглимга келди. У кишининг оталари Дўрмоннинг Суғут кишлоғида туғилган. Бухорога бориб, мадрасада ўқиди. Кейин оиласи бўлади. Кўп ўтмай, Аҳмад туғилади, тўғрими? Энди, – кулимсираб, менга қаради Айний бобо, – қаранг, Худо сизга ҳам хумдай калла берипти, укам, адашингиз Аҳмадга (Дониш) ҳам худди шундай бош берган. Менку уни кўролмадим. Лекин уни дўстлари, биродарлари Дониш савлатли, серсоқол одам, деб айтишган. Шу туфайли у кишини “Аҳмади калла” деб атаганлар. Бу ҳакда эшигантисиз?

– Албатта, – дедим мен, – Суғутда жўраларим бор. Бирга жанг қилган фронтчи бир дўстим Аҳмад Донишнинг ҳовлиси ёнида яшайди. Хоҳласангиз, у ерга борамиз.

— Жуда яхши бўларди, — деди Айний бобо, — маъкул. Кетдик бўлмаса...

Отам ниҳоятда бағрикент, кўнгли очик, гуфтори равон, лафзи гўзал инсон эди. У ҳеч кимни ёмонламас, шундан бўлса керак, дўстлари кўп эди. Қишлоғимиздагилар отамни “Афанди” деб атагандилар. Чунки у киши Афандинамо латифалар, чўпчаклар, нақллар, маталларни шундай чиройли топиб айтардики, баҳри дилингиз очилиб кетарди. Дадамнинг қишлоғимиздаги Омон коровул, Амин мироб, Истам тўқимдўз деган ўртоқлари бўларди. Улар ҳақида отам тўқиган латифанамо ҳангомалар ҳамон қулоғим остида жаранглайди (вакти келиб, булар ҳақида ёзаман, албатта).

Отам ўша куни Айний бобо билан юзма-юз сухбат қилган, баҳри дили очилган. Бу ҳакда менга ўқувчилик, кейинрок, талабалик даврларимда ҳам гапирганларини эслайман. Ўшанда меҳмонни йўл-йўлакай Суғутга олиб борганлар. Устод Айний Аҳмад Доңишнинг қариндошларини кўриб, ниҳоятда хурсанд бўлган.

— Афсуски, — деганди Айний бобо менга қарата, — ҳаёт ҳамиша танти эмас-да. Шундай эмасми, Аҳмаджон. Нимагадир Доңиш Бухорода яшаётган ҳовлига бир неча марта борганман-у, аммо уни учратолмаганман. Кўп ўтмай, у киши вафот этган.

— Хуллас, — деганди отам менга юзланиб, — Султонрўд кўпригидан ўтгач, машинани Денов йўлига бурганмиз. Ўшанда Айний бобо етмиш ёшларда эди. Нимагадир машина кабинасидан тез-тез тушар, далаларга теран соғинч, ташналиқ билан назар солар эди.

Кўп ўтмай, “полутурка” Денов қишлоғига етиб келди.

— Энг биринчи ҳовли – бизники! – дейди кузовдан тушган отам Айний бобога қараб шодмонлик билан, – устоз, илтимос, чарчаб келдингиз. Бир пиёлагина айронимиз бор.

— Бажо, бажо! – дейди Айний бобо хурсанд бўлиб, – майли, ҳовлингизга кирамиз.

Ўшанда онам, онажонгинам:

— Ассалом, домлажон, хуш келибсиз, — дея лутф ила уларни қарши олади. Айний бобо такаллум ила айвонга ўтади. Шу пайт мен бола, “дадажоним келибдилар” дея отамни кучаман ва меҳмонга “Ассалому алайкум” деб қўлимни узатаман.

— Баракалло, баракалло, — дейди Айний бобо мени бағрига босиб, кейин пешанамдан ўпади.

— Хўш, сен кимнинг ўғлисан? — дея менга қараб кулади ва қўлимни кафтларига қўяди.

— Дадамнинг, — дейман Айний бобонинг бежирим соқоллари, юз-кўзларига қараб, — исмим Тошпўлат. Сиз-чи, бобожон, отингиз нима?

Айний бобо хохолаб:

— Менинг исмим Садриддин! Айний бобоман! Эсингда турсин. Каттароқ бўлсанг, менинг кимлигимни биласан, — дейди меҳмон тагин бошимни силаб, отамга қарайди.

— Аҳмаджон, ўғлингизнинг кўзларидаги олов бор экан. Болага ёшлигидан эътибор бериш керак. Ҳозирданоқ ўқисин. Келажаги пойдор бўлади. Маъқулми? — дея отамга юзланади Айний бобо.

Шу пайт онам дастурхон кўтариб келади.

— Домлажон, — дея Айний бобога қарайди отам, — келинингиз нон ёпган экан. Қаймокли патир ҳам. Душанбеда бунақаси бўлмаса керак, нима дейсиз?

— Ҳар жойнинг уни, буғдойи ўзиники, укам. Жилвонники, яъни сизларники зўр-да, — дейди Айний бобо салмоқлаб.

— Ташаккур! — дейди отам, сўнгра менга қарайди:

— Болам, қара, онанг чақиряпти, ошхонадан косани тезда обкел!

Мен дарҳол онамнинг ёнига бораман ва косани отажоним қўлларига тутқазаман.

— Айний бобо, биласизми, бу баҳорий асал ўзимизники. Танга даво бу! — дейди отам қулиб-қулиб, — хусусан, кексаларнинг кўзини чароғон, белини бақувват қиласади.

Айний бобо табассум ила “раҳмат, бажо!” дейди. Худди шу пайт отини симёочга бойлаган раис ҳовлимиизга киради. Айний бобога бағир очади, кучади, озгина каравотга ўтириб, меҳмон билан хушлашгач, меҳмонни, отамни етаклаб, хўжалик боғига қараб кетадилар.

Ўшанда кетаётган Айний бобо тағин менинг бошимни силаб, “Болам, фақат ўқигин. Тушундингми, кўп ўқигин. Менга ўхшаб шоир бўласан, ё ёзувчи бўласан” дейди.

Умр ўтар экан. Бошида ироқи дўппи, эгнида кител, бежирим, ипакдай соқолли мана шу сиймо – ҳамон менинг кўз ўнгимда турибди. Одамнинг баъзан хотираси секин-секин бошқача бўларкан. Лекин мен қанча-қанча ўтиб кетган кишиларнинг авлод-аждодларини ўзим хотирамда қайта ўтқазяпман.

Айний бобони ҳам. Отам айтганидек, ўшанда устоз хўжалик меҳмонхонасида бир кеча тунаб, Маҳаллайи боло қишлоғидаги отасининг масжида фотиха ўқиб, жиянларининг уйига киради. Бир пиёлагина чой ичиб, Юқори Олот қишлоғидан ўтиб, “Куллар” романида айтилган Қоко далаларни кўради, сўнғра Жилвон томонга ўтади. Адоқсиз чўлнинг гиёхлари, саксовуллари, юлғунлари меҳмоннинг димогини чог этади. Шунда ҳамроҳларига юрагини очади:

– Ҳали шундай кунлар келадики, – дейди Айний бобо кўзларини уфқа тикаркан, – ҳаётларинг бошқача бўлади. Ўша кунлар келади. Жилвоннинг ҳар қарич тупроғида олтин гуллайди. Бу жойларга тезроқ сув обкелинглар. Одамлар кўчиб келиб, қадрни, меҳрни ниҳолдай парваришлайдилар... Ҳа, ха, ўша кунлар келади...

Шундан сўнг Айний бобога арава келтиришади. Устод ҳамроҳлар билан омонлашиб, Фиждувон туманига – она-қишлоғи Соктарега ўтиб кетади.

Денов – менинг киндик қоним тўкилган тупроқ. Бу ерга жуда кўп буюклар келишган. Шоирлар, ёзувчилар, олимлар... Мен кўрганим биринчи ёзувчи эса Айний бобо эди. Кейин қанча-қанча сўз лочинларини кўрдим. Улар ҳам

кўнглимнинг булбуллари ва хозир ҳам худди шундай. Айний бобо эса бошқача – у киши отам айтганидек, ҳақиқий авлиё эди. Тарих у кишининг юрагидай гуллаган, у киши эса адл чинордай барваста бўлган. Ҳа, ҳа, Айний – тарих, тарих эса – Айний!



ТОШ ТУҒЁН

“Кўксимни ёлгиз олтин учунгина чўқилашияпти,
деб ўйлама тагин. Олтин остида занглаб ётган
тарихингни изляпман, эй она-Замин”.

(Илҳом Ҳасаннинг “Оlam тўла ялпиз”
китобидан)

1968 йилнинг авжи баҳорида – вафотидан атиги бир ойча олдин атоқли адабимиз Ойбек шахримизга ташриф буюрганди. Ўша унтилмас кун кечагидай эсимда. Домла рафиқаси Зарифа Сайдносирова, Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия ҳамда биз – маҳаллий қаламкашлар қуршовида қатор тарихий обидалар, осори-атиқаларни томоша қилдилар. Гарчи бу улуғ зот авваллари ҳам Бухорои Шарифга бир неча марта келиб, эҳтиросларини қатор насрый ва назмий асарларида баён этган бўлса-да, бу галги зиёрати замирида тамоман бошқача бир рух устувор эди. Устоз ҳар бир обида олдида узоқ ўлтирас, пештоқлар, деворлардаги битиклар, шоҳ байтларни хижжалаб ўқир, ҳар ғишт, ҳар бир накшу нигордан янгича маъно, янгича ташбех излар эди.

Намозшомга яқин Ойбек домлани Арк қўрғонига олиб чиқдик. Пири комил адаб қўлларини орқа килганча, шинаклар олдига келди. Шу тахлит чор атрофга узоқ тикилди. Зулфия опа бизга – орқада турганларга “жим, халақит берманглар” деган маънода майин ишора этди. Ойбек домла гўё ҳамроҳларини, ҳамма-ҳамма нарсани унуглан,

факат сўнгсиз хаёллар, ажиб эҳтирослар ила масур эди. Бу илохий ҳолат анчагача давом этди. Ниҳоят, домла биз томонга ўғирилди. Иккала қўлини ҳам силкитганча “Т-т-туғён! Т-т-тош туғён!” деб юборди (устоз ўша пайтларда ноҳак зуғумлар туфайли хасталанган эди). Бу – ҳайратомуз ифода эди. Она-шахримиз ҳақида шунчалик кўп таърифу таҳсинлар эшигтан бўлсак-да, бу сўзлар бизни тамоман лол этиб қўйди.

Хўш, нега “туғён!” Боз устига, “Тош туғён!” Ўшандада бу саволга ўзимизча жавоблар топган эдик. Аммо дил тўлмаганди, чала-ярим эди Бухоро ҳақидаги тасаввурларимиз.

Йиллар кечиб ўтди орадан. Дину диёнат, имону инсоф, эътиқоду тариқат қайтиб келди ўзимизга, ўзлигимизга. Мен ҳам шариф шахримизни қайта инкишоф этишга тушдим. Мана, яна ўша қадими Арк кўргони устидаман. Сахий куёш шаҳарни майин шуълаларга кўмиб, уфққа томон оҳиста оғиб бормокда. Кўз ўнгимда шаҳар манзараси. Офтоб ёнбошлиб бораётган ўша ғарбий тарафда Чорбакрнинг баҳайбат гумбазлари ялтираб кўринади.

Шарқий тарафда эса Чорминор юксалиб турибди. (Гўё бу минорлар одаму олам, замину замон ташвишлари, қувончуғами, шодлигу кулфатини чекиб ўтирган чор дарвиш, чор табиби ҳозиққа ўхшаб кетади назаримда...)

Жанубда, бугунги кўркам бинолар ўртасида бежирим кўғирчоқдек бўлиб Намозгоҳ кўзга ташланади. Шимолда катта-кичик иморатлар устида ҳаволаниб турган ҳар хил замонавий миноралар.

Булар каттакон, улкан доиранинг тўртта авж нуктаси. Доира ичида эса, бир томонда Баёнкулихон, Сайфиддин Бохарзий обидалари, Абдуллахон, Модарихон мадрасалари, Чашмаи Аюб ва машҳур Исмоил Сомоний мақбараси, бошқа бир томонда Кўкалдош, Но-дир Девонбеги мадрасалари, Девонбеги хонақоси, Тоқи Саррофон, Мағоки Аттор, Тоқи Телпакфурушон, Тими Абдуллахон, Тоқи Заргарон гумбазлари, Абдулазизхон,

Мирзо Улуғбек, Мирараб мадрасалари ва улуғвөр Жоме иморати. Ўртада, ана шу улкан доирага ўқ марказ бўлиб Минораи Калон кўкка бўй чўзган. Албатта, Бухоро манзараси бу билан тугамайди. Бир қарашда кўзга ташланмайдиган гумбазу гумбазчалар, минораю минорачалар қанчадан-қанча.

Ҳа, бу – устоз Ойбек ҳайратомуз ибора билан “Тош түғён!” деб атаган буюқ силсила! Бу – қадимда Туронзамин деб аталган маъвода яшагаң донишманд, зукко ва қўли гул ота-боболаримиз илму донишларининг дурдона яратмалари. Бу ақлу заковатнинг, теран тафаккурнинг сайқали, ҳар бир ғишига меҳр-муҳаббат шароралари сингдириб тикланган ҳалоллик ҳайкаллари!

Айтинг, қайси бир юртда бу қадар түғён силсила, түғён кодиру қудрат, түғён маҳорат тажассуми мавжуд? Булар фотиҳ Искандар, боскинчи Кутайба, жоҳил Чингизхон, қонхўр Жўжию Бўжилардан, не-не боскину савашлардан, талон-тарожлардан бизгача омон етиб келган тарихимизнинг гултож асарларидир.

Биз узоқ йиллар ҳақиқатни хаспўшлаб келдик. Давр ўзи шунаقا эди, Бўғзимизга тиг, манглайимизга тўппонча тираб, ёлғонни рост деб айтасан, дея зўрлашларни унутиш мумкинми? Агар шундай бўлмаганда, босқинчилар сардори Фрунзега шаҳримизнинг қок марказида ҳайкал ўрнатармидик? (Хайрият, истиқлол туфайли уни тарих ахлатхонасига жўнатдик.) Минг йиллик босқинлар бир томону, бу очофатнинг босқини бир томон бўлди. Аслини айтганда, у салафлари сингари бир найрангбоз фотиҳ эди. “Бухорода инқилоб ясаймиз” деган ёлғон сафсалалар билан сон-саноқсиз қотилларни, тўпу тўпхоналарини бўшлаб келди бу заминга. Унга эса тилла зарур эди, беҳисоб молу мулк, давлат зарур эди! “Ўқни аямангиз! Кўлингиздан шамшир тушмасин! Токи бу “жахолат ўчфи”ни кон билан сугорайлик!..” Шундай эди бу мустабид жаллоднинг маслаги.

Босқинчилар ўз саркардаларининг буйруғини айтганидан ҳам зиёдроқ адo этишди. Бухорои шариф зобитлар оёғи остида ингради, тўлғанди, оловларда жизғанак бўлди. Етти жойидан яраланган Минораи Калоннинг оху фифони самога ўрлади. Мағоки Атторнинг, масжиди Калоннинг, тимларнинг, тоқларнинг, не-не табаррук мадрасаю масжидларнинг кули кўкка совурилди. Бухоро илму урфон тошқинлаган бир олтин коса эди. Уни фрунзечилар қон билан тўлдирдилар. Бухоро мадрасаю масжидлари Маккатуллоҳ сингари саждагоҳ эди, уни фрунзечилар отхонаю итхонага айлантиридилар... Алалхусус, Бухорои шариф хувиллаб колди. Минг-минглаб азиз фарзандлари бу юртдан бош олиб, дарбадарликка маҳкум этилди. Фрунзе эса Бухоронинг тиллалари, зебу зийнатлари, беҳисоб бойликлари ортилган ўн беш вагонли эшелон пештоқига қонга бўялган байробини тикиб, Москвага, “доҳий”лар хузурига ғолиб кузғундай кириб борди...

О, дардингни олай, она-шахрим – Бухорои шарифим! Кошкийди, шу даҳшату ваҳшатлар билан оху фифонинг тугаган бўлса. Кўп ўтмай, белига, кўксига қайиш боғлаган, бир қўлида тўппонча, бир қўлида қилич тутган комиссар – раҳбарлар етиб келди. Элиаваси, Манжараси, яна алламбало номли “хўжайинлар” савлат тўкиб келишди.

Балки эсингда йўқdir, эй қўз ёшлари қабокларида қотиб қолган шахрим! Бутуниттифоқ оксоқолими-ей, эчки соқолими-ей, ҳар қалай, иягида тўрттагина туки бор Калинин деган кимса еримизга “ташриф буюрганида” унинг истиқболига милтифининг найзасига бир неча “босмачи қўрбошилар”имиз калласини санчиб олган аскарлар чиқишиган экан. Ўшанда Калинин “бобо” битта кутсиз аскарининг ёлкасига беозоргина уриб, “Маладес, бизга қарши курашганинг қисмати шундай бўлиши керак, давом этавер каллакесарлигингни” дея алқаган экан... Мана, “Биз Туркистонга озодлик келтирамиз, Бухорои шарифга истиқлол ҳадя этамиз”, дея айюҳаннос солган марказлиқ

“инқилоббоши”лардан бирининг аянчли башараси! Ўшанда канча-канча фидойиларинг майдонга чиқишиган эди. Улар Ўрмон полvon, Салим коровулбеги, Абдулла полvon, Мурод мерган, Остон коровулбеги, Эргаш полvon сингари эрк ва озодлик, дея босқинчиларга қарши курашган хақиқий ватанпарварлардир. Биз эса чин босмачиларни эмас, ўз юртдошлишимизнинг номини ёмонлаб келдик зуғумлар оқибатида. Тўғриси, алдовларга учдик. Ёлғон, ҳавои сафсаталар қалбимизни ром этди.

Файзулла Хўжаевнинг ниятлари бошқача эди. У Туркистонни мустакил жумхурият сифатида дунё аҳли билан боғламоқни кўзлаган эди. Ниятлари беғубор, беканор эди унинг. Ёшлиқ қилдими, тажрибаси етишмадими, алданганини аввалига сезмади. Кейин эса кеч бўлган эди. У ҳибсга олинишидан сал олдинроқ онаизорининг бағрига бош қўйиб, шундай деган экан: “Онажон, нега мени бадбаҳт қилиб туғдингиз. Халқимнинг озодлиги, ҳурлиги йўлида елиб-юурсам-у, меҳнатларим зое кетаётган бўлса, бундан ортиқ баҳтсизлик борми дунёда?..”

Ха, энди рўйи-рост тан олмоқ жоиз: фарзандинг Файзулла Хўжа алданган инсон эди. Больshawойлар олдинига Бухорода Халқ Шўролар Жумхуриятини тузишиди. Бу жумхурият энди тетапоя бўлаётганида келгиндилар талвасага туша бошлишди. Чунки ёш Бухоро давлати дунё аҳлига қўл чўзаётган эди-да. Йўқ, Бухоро қарамми – қарамлигича қолсин! Кўп ўтмай, Ўзбекистон совет социалистик республикаси ташкил қилинди-ю, Бухоро жумхурияти тугатилиб, унга қўшиб юборилди. Ўзбекистон эса Россия таркибидаги ўлкага айлантирилди. Чорасиз Файзулла Хўжа, Ақмал Икром, улар атрофидаги яна қанча-канча алданганлар томошабинга айланиб қолдилар, холос. Чунки инон-ихтиёр Москва қўлида эди. Тилим деб, элим деб бош кўтарганинг кисмати дорга айланди. Кези қелди, ошкор айтамиз: Файзулла Хўжа доҳий билан бир неча марта учрашган, сұхбатларини тинглаган, Туркистонга озодлик

берамиз, деган ваъдаларини эшитган инсон эди. У Сталин шахсига дастлаб бошқалар қатори сифиниб юрган. Чунки Сталин “Бухоро Шарқнинг дарвозаси, Файзулла Хўжа ана шу дарвозанинг буюк дарвозабони” дея эътироф этган. Бу сўзларни унинг ўзига бир неча марта айтган. Таассуфки, бу жоҳил “доҳий” ўз икрорига субутсизлик кўрсатди. Бегуноҳ Файзуллани Кремлга ёндош Бутирка қамоқхонасига ташлаттириб, ўзи трубкасини тутатиб, ҳеч нима кўрмагандай юраверди...

Энди англаб етдик: босқинчи деганнинг азал-азалдан учта нияти бўлар экан: улар ёзувингни, она тилингни, ғурурингни йўқотаркан. Ана шунда инон-ихтиёrsиз, кишанбанд кулга айланиб қоларкансан... Не бадбаҳтилкки, шундай кўргиликка жумла элимиз маҳкум бўлди...

Сўзлайверсак, сенинг-да дардинг, яраларинг янгиланаверади, азизим Бухоро! Куллик занжирини узаман деган не-не ўғлонларинг шаҳид кетди! Файзуллалар, Сайджоновлар, Бурхоновлар, Мухитдиновлар, яна қанчаканча асл зиёлиларинг, фидойиларинг, озодлик дея оҳ урган жигарбандларинг кўзи очиқ кетди бу оламдан. Айтишларича, 1938 йил 4 октябрда судсиз, хукмсиз отиб ташланган Абдурауф Фитратнинг кафтидан бир битик топилган экан: “Она-Туркистоним, жафокаш халқим! Сен зулмлардан озод бўлган кун қабримдан бош қўтариб тураман!” дея ёзилган экан ўша бир парчагина қоғозга.

Бу нидо ҳаётдан тўймай кетган юзлаб, минглаб ўғлонларингнинг лабларида қотиб қолган орзу-армонлар эди. Ҳа, мустамлакачилар энг донгдор, энг номдор алломаю уламоларимиз, шоиru адибларимизни “туркпараст”, “исломпараст”, “халқ душмани” деган соxта айблар билан шундай маҳв этган эдилар.

Жонингта жон, кипригингга нур бўлай-да, жонфило Бухоро! Бардоцинг метиндан, қаноатинг қатрондан эканми, дейман! Марказ деган юҳо “бер-бер” деса, беравердинг, “чўз” деса, йўқ демадинг. Жуда сахийсан-да, жумла Туркистон халқларига

ўхшаб. Бесару сомон, чексиз-чегарасиз Иттифок деган сохта мамлакатни “Она-Ватан” деб айтишни ўргатиши сенга ҳам. “Россия, Россия, азамат ўлка...”, “Ўлсам айрилмасман қучокларингдан” дея куйлашди баъзи зуғум жонидан ўтган шоирлар. Сен ҳам уларга жўр бўлдинг бошқалар қатори. Бу юрт учун гадо бўлсанг ҳам фидо бўл, дейишди. Хўп, дединг! “Она-Ватан”нинг бошига фалокат ёғилиб келганида бир четда қараб турармидинг! Ўзингни ўт-оловларга урдинг. Султон Жўра бўлиб, Нарзи Ражаб бўлиб минг-минг ўғлонларинг кўкракларини қалқон этишиди душман ўқига. 20 мингти шахид қолиб кетишиди ёт тупроқларда. Ҳамон уларнинг доғи бувижону бобожонларимиз юракларини сўлдириб-сўлдириб келаётир.

Уруш ғалаба билан якунланди. Бунда Туркистон халқларининг (жумладан, сенинг ҳам) катта хиссаси қўшилганини эътироф этмаганлар тарих олдида катта гуноҳкордирлар. Кейин қайта тиклаш бошланди. Гўё ҳамма нарса силлиқ давом этар эди. Сен ҳам аста қад ростлай бошладинг. Марказ эса укки кўзларини тикиб, ҳамиша хушёр бокар эди забт этган ерларига. Мақсади: бўйинг чўзилмасин, пачоқлигингча яшайвер! Шу мақсадда мажбурият, қўшимча мажбурият, устама мажбурият деган занжирларни ўйлаб топар эди. Сув текин оқарди сенинг ҳам бор бисотинг, беҳисоб бойликларинг. Боғларинг талош, тоғларинг талош, ер остию ер устидаги жами маъданларинг нафси наҳангларни тўйдиришга кетарди. Қалбингдай қайноқ газинг бўлса-да, унга ўзинг исинолмасдинг. Алдагани бола яхши дегандай, марказ ҳар замон бир “химмат” кўрсатиб қоларди. Озурда кўксингга кўп қатори битта нишонни такарди-ю, тағин сени ипсиз боғлаб қўяр эди.

О, бу ишларни дабдабаю шов-шувлар билан адо этарди юхолар. Сен бечора бу “саховат” остида хийланайранг борлигини англамасдинг. Орденли вилоятимиз, дея ғуурурланиб, “катта оғамиз”, “улут оғамиз” шаънига шарафлар ўқирдик. Биргина сен эмас, албатта. Иттифок

аталган собиқ юртнинг жумла элу элатлари мана шундай алданиб яшадилар. Шу туфайли косанг оқармади, нонинг ҳамиша кемтиқ бўлиб келди сенинг ҳам...

Айтаверсам, санайверсам, шўролар давридаги чеккан кулфатинг, ҳасратларингнинг чеки йўқ, онагинам Бухоро! Энг даҳшатлиси, забткорлар ўтган йиллар ичидаги турли уйдирмаларни пешкаш қилиб, миллатимиз гулларини чилпиб-чилпиб келишди. Аммо улар ўз қўллари билан эмас, бетайин қотиллар қўли билан амалга оширишди разилликларини. Улар – Апресян, Рудзутак, Гдлян, Иванов, Каракозов ва яна аллақандай одамзод киёфасидаги ваҳшийлар эди. Сенинг-да жону жигарларинг ингранди, тўлғонди, сўнгсиз кийнокларга дучор бўлди, кўплар ҳаётдан беватан кўз юмишди бу жаллодлар дастидан. Яширин занжирлар билан ўралган собиқ иттифоқ эса тобора чайқалиб борар эди. Унинг ёлғон ва сохта иттифоқлиги жумлаи башарга ойдай равшан бўлиб қолганди. Алалхусус, у чок-чокидан сўкилиб, парчаланиб кетди. Бу – тарихнинг одил хукми! Зўрлик, зуғум, истибоддага асосланган тузумнинг умри ҳеч қачон бокий бўлган эмас...

Оллоҳнинг иноятими, ё пешанаси ярқироқ инсонлар эканмизми, кўксимизда бирдан офтоб чақнагандай бўлди. Ўзбекистонимиз 1991 йил 31 август куни Мустақилликка эришди. Бу – ҳалқимизнинг 134 йиллик асрий орзуси амалга ошган бахтли кун эди. Ўша куни сен ҳам осмонларга учдинг, қадим Бухором! Минораи Калонинг бу фараҳбахш қувончдан бир силкиниб, қаддини яна ростлаб олгандай бўлди, назаримда. Боғларинг, боғчаларинг, тимларинг, тоқларинг, нилий гумбазларингу тошфарчли қўчаларинг, болорларинг Истиқлол шабадасидан бир яшнаб кетди, бирам очилиб кетдики! Ҳаттоқи, мозорларингда мунғайиб юрган боболаримиз пок руҳлари чеҳрасида ажиб табассум пайдо бўлган эса, не тонг!.. Шундай бўлиши даркор эди. Ахир, бу кунга осонликча эришмадик-ку!

Истиқлол – буюк неъмат, буюк шон. У – қадду камолинг, жамолинг, истиқболингни оламга шоён этгувчи кўзгу!

Мана, бу неъматдан, шону шукуҳдан баҳраманд бўлмоқдасан, бўйу бастингни кўзгуга солиб, ороланяпсан, азиз Бухором! Ўзбекистонимизни бутун дунё тан олгани сир эмас. Сен ҳам унинг бир ардоқли зуррётисанки, қадамларинг залворли бўлаётир. Гарчи азалдан етти иклизма овозадор бўлсанг-да, кўлинг калта эди. Бугун эса жаҳонга рўбарў турибсан. Негаки, белинг мустаҳкам, кўлинг ёғли, топган-тутганинг ўзингники, ўзбекники, Ўзбекистонники! Шу туфайли дўсту ёрларинг кўпаймоқда. Бири грек, бирори олмон бўлса, яна бири хитой... Курия, Швейцария, Америка, Япония ва яна қанча-қанча давлатлардан ҳамкору ҳамдаст бўламиз, деб ишбилармонлар келишмоқда. Чунки сен қадимдан Буюк ипак йўли устидаги шаҳарсан. Майли, келаверишсин. Сен ҳам бораверасан. Инчунин, ўртада дўстлик гуллайди, хаётимиз теранлик касб этади. Ёш фарзандларинг дунёни танийдиган бўлади. Ахир, улар – сенинг келажагинг. Келажагини ўйлаган юрт асло кам бўлмайди. У асрлар оша яшашга, яратишга ҳакли!

Ўйлаганинг, ёзганинг сари гапнинг қуюги чикавераркан... Илҳомим сарчашмаси, асло тугамас қайнар булоғимсан, Бухорои шарифим! Гарчи неча йиллар таланган, топталган, тўпларга тутилган эсанг-да, сени бу заминдан йўқотолмадилар. Йўқотолмасдилар ҳам! Чунки сен имону эътиқод, илму урфон шахрисан. Минг йиллардан бери “Дил ба ёру даст ба кор” деб келаётган табаррук маъвосан. Ҳазрат ибн Сино, Имом Исмоил Бухорий, Муҳаммад Наршахий, Хожа Ҳафзи Кабир, Хожа Абдулхолиқ Фиждувоний, Хожа Орифи Моҳитобон, Хожа Бобоий Самосий, Ҳазрати Мир Кулол, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Исматулло Бухорий ва яна юзлаб буюк уламолар, шоири донишманларга она бешик бўлган диёрсан.

Қадим китобларда битилишича, сенинг бағрингдан фалакка нур фаввораси отилиб турармиш. Рост! Бу – буюк боболаримизнинг пок нурга айланган уйғоқ рухлариидир. Мана шулар туфайли сени Бухорои шариф дерлар, сени Маккатуллоҳ билан тенг ҳисоблаб келадилар.

Ишончимиз комилки, сен яна қадим аслингга қайтасан. Бокий қадриятлар, инсофу диёнат, илму дониш тоабад гуллаб-яшнайди бағрингда. Мухтасар айтганда, “тош туғён”ли Имон қалъаси эдинг ва шундай бўлиб қоласан. Бунга қүёш қадар табаррук Истиқлол фотиҳа беради! Омин!

1993 йил



БҮЮК ОЛИМ ҲУЗУРИДА

Ҳали-ҳали эсимда: 1970 йил сентябрь ойининг охирги кунлари эди. “Бухоро ҳақиқати”нинг ўша пайтдаги бош муҳаррири Ҳомид Мўминов мени ҳузурига чорлаб қолди. Ўшанда камина – ёш йигитча таҳририятда оддий адабий ходим бўлиб ишлардим. Кирсам, телефонда ким биландир сўзлашаётган экан. Бир оз кутишга тўғри келди.

– Бўпти, Қаюм ака, бугун битта ходимимизни, албатта, жўнатаман, – дея дастакни жойига қўяркан, мен томонга юзланди муҳаррир:

– Ҳўш, ишлар қалай?

– Ёмонмас, кетяпти.

– Эшитдингиз-а, ким билан гаплашганимни, – деди у алоҳида таъкидлаб, – Қаюм ака Муртазоев эди, обқўмнинг биринчи котиби. Биласиз-а у кишини?

– Ҳа, албатта, – дедим ийманиб.

– Гап бундай, ука, – сал жиддийлашиб уқтира кетди муҳаррир. – Бир муҳим топширик бор. Шуни бажаришингиз зарур. Биласиз, бир ҳафтадан сўнг вилоятимиз пахта топшириш режасини бажаради. Шунга Иброҳим Мўминовдан табрик хати обкелиш керак.

– Ия, домла, бу иш мени қўлимдан...

– Келади, ука, қўлингиздан, албатта, келади. Мен ўйлай-ўйлай, сизни бекорга танлаганим йўқ. Ҳозироқ хизмат сафари қоғозларини расмийлаштиринг-да, зудлик билан ўйлга чиқинг. Академияга бориб, Жамолжонга учрашсангиз, сизни домланинг ҳузурига олиб киради. Қолган гапларни

англатасиз. Факат хушёр бўлинг. Иброҳим Мўминович сизни имтиҳон қилишлари ҳам мумкин...

Мени хаёлга толдиргани муҳаррирнинг сўнгти сўзлари эди. Поездда кетяпман-у, эртанги учрашувнинг қандоқ кечишини ўйлайман. Кимсан, фалсафа илмининг зукко билимдони Иброҳим Мўминовдек улуғ олим билан юзмайоз бўлиш осон дейсизми? Ҳали талабалик йилларим домланинг Бедил, Ҳофиз, Муқимий, Фуркат, Аҳмад Дониш, Аваз Үтар ва бошқа мумтоз шоир-мутафаккирларимиз хақидаги қатор мақолалари, Гегель фалсафасининг туб мағзи хусусидаги китобларини ўқиганларимни хотирлайман. “Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли” хақидаги рисоласининг шов-шувидан қисман хабардор бўлсам-да, ҳамон бу асар бизгача етиб келмаганини эслаб, хижолатга тушаман. Қизик, домла мени қай тарика имтиҳон қиласкин?

Эрталаб поезддан тушиб, тўғри Ўзбекистон Фанлар академиясига йўл олдим. Ўша йиллари ҳозирги ҳассос адабимиз, Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол аспирантурада ўқирди. У кишини топиб, мақсадимни айтдим.

– Бу – нозик масала, – деди Жамол ака ўйчан ҳолатда. – Домланинг мингта иши бор. У кишининг ёнига кириш ҳам осон эмас. Яхшиси, Тўра Мирзаевни топамиз. Мендан кўра Тўра ака “эски”роқ, бунинг устига домланинг яхши кўрган шогирди. Масалани қойил қилиб тушунтиради.

Рости гап, Тўра Мирзаев билан ҳам “ошимиз пишмади”.

– Йўқ, шоир, – деди у киши дабдурустдан. – Бугун бўлмайди. Домла эртанги илмий кенгашга тайёргарлик кўряпти. Бундай вақтда валломатни ҳам қабул қилмайди. Келинг, бу ишни эртага қолдирамиз.

– Бўпти, акалар, – дедим ҳафсалам пир бўлиб, – ўзим бир таваккал қилиб кўраман.

Шундай дея иккинчи қаватга кўтарилдим. Мана, тепасига “қабулхона” деб ёзилган кора дермантинли, савлатдор эшик. Ичкарига кирсам, хушбичим, чиройли

бир аёл машинкада алланималарни ёзиб ўтирган экан. Унга кимлигим, нима мақсадда келганимни англатиб, “бу иш жуда зарур, шу туфайли домла мени қабул қилсиналар”, дея илтимос қилдим. Аёл “яхши” деди-ю, ўнг тарафдаги эшикни очиб, ичкарига кириб кетди. Тұғриси, шу лаҳзаларапа вужудимни ҳаяжон қоплади. “Ишим ўнгидан келармикан, йўқмикан? Бир энликкина азиз қутлов хатларини ёзиб, менга ишониб топширармиканлар бу улуғ инсон?” Шундай хаёллар домида ўтиарканман, эшик бирданига очилди.

– Киаркансиз, марҳамат! – деди котиба аёл. Нафас ютиб, энтикиб ичкари киарканман:

– Ассалому алайкум, домла, – дея қўлларимни юрагим устига қўйдим.

– Ваалайкум. Келгин, укам! – деди у киши ўрнидан хиёл қўзғалиб. Бориб, узатилган қўлни кафтларим орасига олдим.

– Хўш, йигит, ишлар қалай? Бухорои шариф жойидами?

– Раҳмат, домла. Ҳаммаси жойида. Сизга юртдошларингиздан салом обкелдим!

– Саломат бўлинглар, – деди домла хушнудлик билан. – Режани бажараётган экансизлар-да!

– Шунака, домла. Бир ҳафтадан сўнг рапорт берамиз!

– Яхши, жуда яхши, табриклайман. Гапнинг сираси, бухороликларнинг олдига тушадигани кам. Заҳматкаш, азамат, бир сўзли ҳалқ-да бизнинг юртдошлар. Хўш, йигит, ўзинг қаерликсан? Қишлоқданмисан, ё шахарлик?

– Шофирикondанман.

– Ие, ҳамشاҳар эканмиз-ку, – деди домла тағин ҳам чехраси очилиб, – кайси қишлоқдансан?

– Деновдан!

– Буни қара, тоза қўшни эканмиз-ку! Бу, Жалол Расулни танийсанми?

– Танийман, домла!

– Раисми ҳалиям?

– Йўқ, пенсияда.

– Шунаقا дегин. Кўрганингда мендан салом айт. Хўш, яна битта якин дўстим бор эди, И smoил Мавлон деган. Бухорода Фитрат домла қўлида бирга ўқиганмиз. Бу кишиниям биласанми?

– Биламан, домла. Бу кишиям пенсияда, соғ-саломатлар.

– Яхши, укам, сен менга Шофирикунинг ҳидини обкелдинг. Ўзиям тўрт-беш йил бўлди-ёв Тезгузар томонларга ўтмаганимга. Лекин келаси йил ёзда бир Жилвонга ўтмоқчиман. “Жилвон”нинг маъносини биласан-а? “Порлаш, ялтираш, жилва”, яъни “олтинга хос” дегани. Шундайми?

“Синов бошланди”, дедим ўзимча. Сўнг ҳаялламай, сўзларини маъқулладим:

– Шундай, домла!

– Шу Жилвоннинг қип-кизил, чўғдаккина қумида кўмилиб, маза қилиб ётганга нима етсин? Беланги бўлганни ҳам тузатворади.

Билмадим, Иброҳим Мўминович ҳамشاҳrim дебми, кайфиятлари яхши эканми, ҳар қалай, очилиб-сочилиб кетди. Вардонзе қалъаси, Суғут, Андақи қишлоклари, Шофирикон ва Фиждувон шаҳарлари тарихи ҳақида шу қадар тошиб-тошиб сўзладики, бу қадар аниклигу тиниклик, улуғ бир донишмандлик, ўқтам салоҳият сеҳри мени тамоман лол этиб қўйганди. Ўшанда илк бор Хожа Абдухолиқ Фиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд ва Хожа Ориф Моҳитобон ҳақида маълумотга эга бўлдим. Кейинроқ шундай ҳақиқатни англадимки, зиёлиман деган ҳар бир одам ўз туғилган қишлоғи, шаҳри, азиз юртининг тарихини бекаму қўст билиши зарур экан. Зеро, ватанпарварлик киндик қонинг томган тупроқни севишдан бошланади, дейилиши бежиз эмас.

– Укам, – деганди домла ўшанда салмоқлаб, – ҳақиқий ижодкор бўламан десанг, фалсафани, тарих илмини яхши ўрган. Бухоро – беҳишт шаҳар. Унинг ҳар битта ғишида минг йиллар армони ётибди. Буни сен ва сенга ўхшаган ёшлар

чангу ғубордан тозалashi керак. Ҳали шундай замонлар келадики, кадим Туркистон заминига бутун дунё нигохини қадайди. Ана шунда халқимиз шошилиб қолмаслиги зарур. Тұғрими?

– Албатта, домла!

– Қани, энди қоғоз-қаламингни ол. Мен айтиб тураман, сен ёзіб оласан.

Мен дархол шайландым. Домла дераза томонга бир нигоҳ қадади-ю, дона-дона қилиб айта бошлади:

“Азиз юртдошларим – бухоролик жону жигарларим!

Сизларни пахта тайёрлаш йиллик режасини муваффакиятли бажарганингиз билан астайдил табриклайман. Бу – захматли, бетиним меңнатингизнинг ҳалол самарасидир. Тикланган хирмонингиз халқимиз баҳт-саодати йүлида хизмат қилишини истайман. Сизларнинг ҳар бирингизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга омонлик тилайман”.

– Етарли бўлса керак-а, – деди домла хушнудлик билан.

– Зўр бўлди, домла, ташаккур, – дедим.

– Унда остига имзомни қўшиб кўйгин. Айтганларини бажариб, “Иброҳим Мўминов, Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти” деб ёздим.

– Қани, энди менга бер-чи, ёзганларингни бир кўриб қўяй.

Домла мўъжазгина коғозга астайдил кўз югуртиргач, қўзойнагини қўлга олди.

– Бехато ёзибсан, ҳуснихатинг ҳам ёмонмас, – деди. – Энди, битта маслаҳатим: тарихни қўпроқ ўқи. Ўтмишни билмаган одам бугун ҳақида аниқ хulosса чиқаролмайди. Бундайлар мукаммал инсон ҳам бўлолмайди.

Домла стол остидаги тугмачани босган экан шекилли, шу пайт хонага котиба аёл кирди.

– Манг, қизим, дархол икки нусхада чоп этиб келинг.

Шундан сўнг домла яна бир неча дақиқа Бухорои шариф ҳақида, қадриятларимиз боқийлиги ҳусусида насиҳатомуз сўзлар айтди. Котиба аёл киргач, “Қутлов”ни тезда ўқиб, чиройли имзо чекди.

— Мана, укам, табрикнома тайёр! Мендан Қаюм Муртазоевга, Жўракул Ориповга (ўшанда Шоғиркон райқўмининг биринчи котиби эди) алоҳида салом айтгин. Ишларингга муваффақият, — деди самимият билан.

— Домла, — дедим “Кутловнома”ни оларканман, — бир илтимос, ранжиманг тағин. Агар имкон бўлса, шунга муҳр қўйиб берсангиз (энди ўйласам, бу талаб менинг соддалигим экан).

— Ия, ҳали муҳр ҳам керакми? — деди домла мулойим оҳангда. — Ишни пухта қиласиганлар хилидан экансанку. Майли, сен айтганча бўлсин. Шундоқ пастга тушсанг, чап томонда кадрлар бўлими бор. Кириб, муҳр қўйдириб чиқақол.

Домлага ташаккур айтиб, гўё бебаҳо хазинани қўлга киритган кишидек ташқарига чиқдим. Вужудимда чексиз бир илиқлик, нигоҳларимда чақин бир туйғу зоҳир бўлганди. Тўғриси, ўша дақиқаларда мендан баҳтли одам йўқ эди. Ҳамон ўша лаҳзаларни эсласам, Иброҳим Мўминовичнинг салобатли, улуғвор сиймоси кўз олдимда пайдо бўлади, ғоятда табаррук сўзлари қалбимда акс-садо беради: “Укам, тарихни кўпроқ ўқи. Ўтмишини билмаган мукаммал инсон бўйлолмайди...”

Азизлар, мукаммал инсон бўлишга интилайлик!

1993 йил

ҲАҚРОСТ...

Бир вақтлар кекса-ёш шоирлар, ёзувчилар, истеъододли олимлар, журналистлар Бухорога тез-тез келиб туришаради. Уларни Бухорои шарифнинг осори-атиқалари бағрида саёҳат қилдирар, Лаби ҳовуз ёки бошиқа кўркам жойлардан бирида ўтириб, ажсойиб сұхбатлар қурадик. Жонга роҳат, руҳга қувват эди бундай сұхбатлар. Ўша қунларни эслаб, хотираларимни қозозга түқяпман. Уларни ўқисангиз, кўнглиңгиз хуморланади, тарих қатларида пинҳон дардли ҳақиқатлар кўзингизни ёшлини тиради, дарёи азимдай мавжудлантиради...

1. Бир бандаси бўлсан экан Бухоронинг

Эсимда, 1979 йилнинг апрель ойида таниқли драматург, ёзувчи Комил Яшин рафиқалари – машхур хонанда, Ўзбекистон халқ артисти Ҳалима Носирова билан Бухорога ташриф буюрганди. Уларни аэропортда кутиб олиб, вилоят ижроқўмининг катта боғидаги меҳмонхонага жойлаштиридик. Бир оздан сўнг вилоятнинг энг катта раҳбари келиб, домлани, опани кучоқлаб, омонлашди. Кейин уларни “Чайка”да олиб кетди.

– Э, болам, – деди Яшин ака иккинчи куни эрталаб, – биласан-ку, катталарнинг иши кўп. Бирга юрсанг, олам-жаҳон ташвишлари жонингга тегиб кетади. Қўй, бугун шахсан ўзинг бизларни кўп жойларга оборасан. Ҳозир Файзулла Ҳўжаевнинг ҳовлисига борамиз. Биласанми у жойни?

— Биламан-ку, лекин ҳовли харобага айланган-да, — дедим андак хижолат аралаш Яшин акага боқиб.

— Майли, борини кўрамиз-да, шундай эмасми, Ҳалимахон, — деди Яшин ака кўзойнагини тақиб. Сўнгра машинага ўтиришди. Кўп ўтмай тор кўчалар оралаб, Файзулла Хўжаевнинг харобага айланган ҳовлисига етиб бордик. Ана шунда Ҳалима опа юрагини очди:

— Мен сенга айтсан, болам, — деди опа тўлқинланиб, — Файзулла Хўжа яхши одам эди. Менга Ўрта Осиё ҳалклари тарихи, айникса, кўхна Самарқанду Бухоро ҳақида илк бор маълумот берган инсон эди у. Соҳибқирон Амир Темурнинг юришлари тўғрисида соатлаб эринмай, зўр завқ-шавқ билан гапириб берар эди. Шундай эмасми, Яшин ака, ахир сиз ҳам гувоҳ бўлгансиз-ку бундай сухбатларга.

— Опанг тўғри айтаяпти, — деди Яшин ака менга караб, — дафтарчангга мана бу зўр гапни ёзиб қўйгин. 1923 йилнинг бошларида Файзулла Хўжаев дўсти Мукаммил Бурҳонов билан бирга Германияга боришади. Улар “даволаниш учун борганимиз” дейишган. Аслида ўз дардларига эмас, эл дардига даво излаб борганилари ҳақиқатга яқинроқдир.

Яна бир гапни айтай: 1935 йилнинг куз оқшомларидан бирида Файзулла Хўжаев хонадонига “Ўзбекбирлашув” маҳкамаси ходимлари — Муинжон Аминов, Раҳматулло Музafferов, Ота Хўжаев, мен ва Ҳалима опанг бирга боргандик. Ўшанда изтиробга тўлган Файзулла Хўжаев: “Эй Худо, Ўзбекистонимиз ўз-ўзини бошқарган, гуллаб-яшнаган кунини кўришни насиб этгин!” дея хитоб килганди. Унинг сўзлари ҳамон кулоғим остида жаранглаб тургандек. Бухорои шарифнинг бундайин буюк фарзанди боши бадалига шунчалик кўп пул ваъда қилингандики, дунёдаги ҳеч бир одам бу қадар баланд “нархланмаган” эди. Булар эсингда турсин, болам. Қани эди, мен ҳам ундей Бухоронинг ҳақиқий бир бандаси бўлсам экан. Бу тупроқнинг ҳар зарраси тиллодан ҳам аълороқдир. Агар билсанг, Исмоил Сомоний “Тирик эканман, Бухоро қалъасининг девори мен ўзимман!”

дея наъра тортган экан. Ҳа, ана шундай улкан куч беради ўз фарзандларига Бухорои шариф!

— Кел, болам, — деди Яшин ака аллақандай изтироб ичида менга жиддий караб, — шундай экан, юртимизнинг ҳар қарич ерини кўзимизга суртайлик.

2. “Вой, унинг қўзлари”

Файзулла Хўжанинг нураётган ҳайҳотдай ҳовлисида ўтирибмиз. Яшин ака жим, Ҳалима опа ҳам бир оз ликиллаб турган бошини эгиб, хаёлга толган эди. Бирдан опа йиғлагандай менга қаради:

— Хой, болам, бу ерга ҳеч ким қарамас экан-да! Ана қарант, бир оппок шарпани кўряпман, ўша Файзулла Хўжанинг руҳи! Вой, унинг қўзларини кўрсангиз эди! Ажойиб, чиройли инсон эди раҳматли. Акамдай эди у киши. Русча, форсча, ўзбекчани, немис ва турк тилларини зўр биларди. Шундай одамни йўқотди-я...

Уни кўп марта кўрганман, суҳбатлашганман. Хотирамда қолган яна бир гапни айтай, — яна лутф бошлади опа, — 1935 йил баҳор кунларининг бирида дўстларининг даврасида мену Яшин ака ҳам бор эдик. Оналари — Райхон Сайдмурод кизи чойнак кўтариб кирди. Чой куйиб берди. Ўшанда хаёлга чўмиб ўтирган Файзулла ака изтироб ичида онасига қараб: “Онажон, сиз мени бахтсиз қилиб дунёга келтирган экансиз. Мен ватаним, миллатим, халқим учун жонимни жабборга бериб ишляпман. Лекин мен бирорларнинг буйруғини кул мисоли бажаришдан бошқа ҳеч нарса қила олмаяпман. Ахир бундай “инқилоб”ни хоҳламаган эдик. Биз фақат амирни ағдариб,adolatli давлатни барпо қилмоқчи эдик, — деди. Сўнгра ўксиб-ўксиб йиғлади. Вой, унинг қўзларини бир кўрсангиз эди. Бу бир дарёки, мавжлари поёнига етолмайсан. Маъносини такрор-такрор уринганинг билан талкин этолмайсан.

Келинг, болам, Жамол Камол деган ҳамشاҳарингизнинг “Файзулла Хўжаевнинг кўзлари” номли ажойиб шеъридан бир бандини сизга ўқиб берайин. Эшитинг:

Ажаб бир суврате, дўстлар, боқиб мен ҳар сафар дилсўз,
Ажаб бир чакнаган сиймо, ажаб бир порлаган юлдуз,
Бу кўзлар мунчалар шахло, бу кўзлар мунчалар маъюс,
Бу кўзлар айласа ҳар неки ошкору ниҳон айлар,
Бу кўзлар имтихон айлар, бу кўзлар имтихон айлар...

Бундай буюк инсон дунёга қайтиб келмайди. Ҳа, ҳа, келмайди! Бундай истеъдод эгалари ҳар бир халқ тарихида юз, икки юз йилда бир келиши мумкин.

3. Ибн Сино ва Файзулла Хўжаев

Афшонага қараб кетяпмиз. Яшин ака тарихни яхши билар экан. Ҳалима опа у кишидан ҳам билағон. Ҳазрат Навоийни, Фузулий, Машраб, Румий, Фаридуддин Аттор асарларини, ғазаллари, рубоийларини шундай айтардики, маза қиласингиз.

Яшин ака эса ибн Сино ҳаёти ва ижодини ниҳоятда яхши билар экан. Ўша кунларда бобомизнинг минг йиллик юбилейи муносабати билан турли мақола, қисса, драма, достону шеърлар тез-тез босилаётган эди.

– Мен ҳам бир нарса ёзаяпман, – деди Яшин ака менга қараб, – Ҳалима опанг бир оз хабардор. Шундай эмасми, Ҳалимахон, – деди Яшин ака баланд овозда. Чунки опанинг қулоғи кексалик боис андак оғирлашиб қолган эди.

– Шунаقا, – деди опа кафтини қулоғига қўйиб, – акангиз ибн Синонинг шайх ур-раис, файласуфлар сардори, ҳакимлар сultonи, олимлар халифаси ва боз шоир эканлиги ҳақидаги драма устида ишляптилар...

Шундан сўнг опа ибн Синонинг дунёдаги илк жарроҳ ва буюк шикастабанд бўлганлигини, шунингдек, кўпчиликка номаълум бир қанча кирралари ҳакида барадла сўзлади.

– Биласизми, йўқми, болам, – деди Ҳалима опа яна сўзини Файзулла Хўжага буриб, – Файзулла ака оқсаб юрарди. Кўпчилик бунинг тарихидан бехабар эди. Бу асорат унда касалликдан эмас, балки автомобиль ҳалокатидан сўнг қолган. Бу тўғрида бизга ўзи гапирганди. 1925 йилнинг ёзида у Абхазиянинг чегара можаросини ҳал қилиш ишида қатнашади. Ўшанда аварияга учрайди. Боку шаҳрида шифокорлар унинг синган, суяклари майдаланиб кетган бир оёгини бутунлай кесиб ташламоқчи бўлишган. Файзулла ака эса буига розилик бермайди. Сўнгра унинг илтимоси ва дўхтирларнинг розилиги билан уни бухоролик табиблар даволаган. Гап шундаки, Файзулла ака онаси Райхон Саидмурод қизига телеграмма юборган. Онаси икки табибни етаклаб, Бокуга тезлик билан етиб борган. Табиблар ибн Сино усулинни қўллаб, оёқ суякларини жой-жойига қўйиб, тахтакачлаган ва Файзулла ака бир ой ичидага ўз оёғи билан соғ-омон уйга кириб келган...

Буни қаранг, ибн Сино бобомизнинг донишмандлиги туфайли неча асрлар оша синиқчилик илми ривожланиб, самара бериб келмоқда. Файзулла Хўжаев ҳам ана шу ноёб таълимдан баҳра олганлар, – илова қилди Ҳалима опа.

Сўнгра Абу Алининг гўзал бир лутфини баён этди. Ҳамон ўша ҳикмат – ҳақиқат дафтарчамда! Баъзан қанот чиқариб, нутқимга, ёзганларимга кўчади: “Мени касал қўргани чакирганларида, бемор подшоҳ саройида туғилганми ёки гадо кулбасидами, деб сўрамайман. Мен унга ўз виждоним амрию ўз фанимнинг талаблари асосида ёрдам бераман...”

– Қани эди, – деганди машхур хонанда шундан сўнг ҳаяжонини яшиrolмай, – ҳозирги ҳакимларимиз қалбида ҳам ибн Сино бобомизнинг мана шу сўзлари жаранглаб турса!

4. Ситорабону ва Ҳалима Носирова

Ўша куни Афшонада қад ростлаётган музей биносини кўриб, орқароқдаги кичик бокка разм солдик. Баҳор эмасми, ўриклар, гилослар гуллаган. Шабада эсиб турибди.

Шу пайт вилоят ижроқўми раиси Убайд Асадов (раҳматли) келиб қолди. У республика халқ депутати эди. Яшин ака Асадовни билар экан, шекилли, қадрдонлардек омонлашди. Ҳалима опа ҳам уни оналардек бағрига босди.

– Э, Яшин ака, опажоним-е, сизларни кўриб, бошим осмонга етди! Мен бўлсам, Тошкентда эдим. Ҳозиргина самолётдан тушдим. Сизларни излаб дарҳол орқаларингдан келяпман, – деди қувончини яшиrolмай Убайд ака.

– Яшин ака, сиз ҳам, опам ҳам чарчагансизлар. Анави чойхонага кириб, бир пиёла чой ичайлик.

– Убайдхон, – гап бошлади Ҳалима опа, – ҳозиргина нонушта қилганмиз. Келинг, ибн Сино юбилейи ҳақида сўзлашайлик. Яшин акангиз Абу Али ибн Сино юбилейини нишонлаш қўмитасининг аъзоларидан бири. Афшонада янги гаплар бўлса, қўмита аъзоларига айтиб берадилар. Шунака эмасми?

Ижроқўм раиси хийла ўйга толиб турди, сўнгра завқланиб деди:

– Зўр гап шуки, тезда мана шу саҳнда юз нафар бола яйраб ўйнайдиган чиройли боғча куриб берамиз. Кеча фаолларимиз бу боғчанинг номини “Фунча” деб аташ фикрига келдилар. Сизга маъқулми, опа?

Ҳалима опа бир оз паришонланиб, сукут саклади. Сўнгра:

– Убайдхон укам, – деди, – Афшона тарихини, ибн Синонинг қайси оиласда туғилганлигини яхши билсангиз керак-а?!

Албатта, албатта, – деди Убайд ака киприклари пирпирраб, – отасининг исми Ҳусайн, онаси эса Ситорабону бўлган. Шу қишлоқнинг сулув қизларидан бири.

— Яшанг! — хурсанд холда Убайд акага кўзларини тикди Ҳалима опа, — “Ғунча” ўз йўлига. Боғчага “Ситорабону” деган номни қўйсак. Йиллар ўтиб, фурсати етиб, бу боғчага Ҳалима Носирова ном қўйган эди, дея эслаб юрарсизлар. Хўш, нима дейсиз, Убайдхон? Ахир Сиз вилоят ижроқўмининг раиси-ку.

— Тасанно, раҳмат! — дея ўрнидан туриб кетди Убайд Асадов.

Кейин Ҳалима опанинг қўлларини кафтига олиб, меҳр ила силади.

— Зўр, ажойиб ном. Ўз-ўзидан пайдо бўлди-я. Сен нима дейсан, шоир болам! — деди қарсак уриб Яшин ака.

— Гўзал иш бўлди, Яшин ака, — дедим мен ҳам ҳаяжонимни яшира олмай.

— Ажойиб! — дея тағин хитоб қилди Яшин ака, — бу таклифни қўмита йигилишида, албатта, ўртага қўяман. Опангизнинг бу фикри катталарга ҳам маъқул бўлади!

5. “Дарё сенинг боқишингдан”

Афшонадан қайтаётганимизда сухбатимиз мавзуи Абдурауф Фитратга кўчди. Опа тағин тўлқинланиб кетди:

— Фитрат домла билан Самарқандда, кейинроқ Тошкентда учрашиб сухбатлашганмиз, — деди опа мен томонга бурилиб. — У киши ҳакида бир хорижий олим “Фитрат Бухоро ҳалқ жумҳуриятининг ғоявий отаси, шеърлари эса миллий қайғуларининг манбаи” дея эътироф билан гапирган эди.

— Ҳа энди, Фитрат — Фитрат-да! У киши Туркистон маърифатпарварлари осмонида порлаган энг ёркин юлдуз эди. Ҳам адид, ҳам шоир, ҳам драматург, ҳам адабиётшунос, ҳам тарихшунос, ҳам публицист сифатида катта обруқозонганди. “Шашмақом”ни ниҳоятда яхши биларди. Қанийди, ўша кунлар қайтиб келса-ю, Фитрат домланинг танбурни эшилиб-эшилиб чалаётганини кўрсайдингиз. Домла ҳазрат Навоийнинг “Қоши ёсинму дейин, кўзи қаросинму

дайин” матлаъли ғазалини шундай чиройли айтардики, кўнглингиз ором оларди. Ёки ўзининг “Бир оз кул” деган шеърини ажиб хиргойи киларди. Мана, бир эшитинг:

Икки кўзим, малак юзим, севгилим,
Жонлар сенинг юзгинангдан айлансан.
Кизил гулим, кора кўзим, тилагим,
Дарё сенинг бокишингдан ўргилсан...

– Вой, болам, – дея менга жилмайиб қаради у киши, сурма кўзлари чақнаб кетди опанинг. – Майли, менам секингина куйлай шу кўшиқни. Комил акангиз бу кўшиқни ўзимизнинг даврамизда неча марта эшитган. Энди икковларинг бир маза қилинглар!

Ҳалима опа кўшиқни шундай чиройли куйладики, майин ва бамисли қўнфироқ овоз баҳор эпкинларига қўшилиб, бағриңгизда гўё тири камон мавжлар гуллаётгандай туюлар эди.

– Опажон, – дедим оҳангдан ҳузурланиб, – олтин қалит ҳар қандай эшикни очади, – деган экан ибн Сино бобомиз, – сиз эса олтин овозингиз ила неча-неча кўнгилларнинг эшикларини очяпсиз. Тасанно сизга! Фитрат домламиз танбур, дуторни қойиллатиб чалган. Файзулла Хўжаев эса қанча-қанча санъаткору адибларнинг бошини силаган. Энди Сизга бир гапни айтайин: Ибн Сино бобомиз ҳам янги соз, яъни ғижжак устида неча йил бош қотирган. Албатта орзуларига етган. Ўшанда Абу Али бир шогирди қўлига ўзи ихтиро қилган мусиқа асбоби, яъни ғижжакни узатади. Шунда шогирд:

– Мен сизни дурадгор пичоғини ушламайсиз, деб ўйлагандим. Энди маълум бўлдики, пичоқ билан ёғоч ҳам бошқа билимлар сингари сизга таслим бўларкан. Бу билан рухни даволаш ҳар қандай ғаму ғурбатдан тасалли топиш мумкин, устоз, – деган экан.

– Вой, болам, гапнинг отасини айтдингиз-ку, – деди Ҳалима опа хурсанд бўлиб. – Нима дейсиз, Яшин ака. Бу шоирингиз тарихни яхши биларкан-а!

— Түғри-да, Ҳалимахон, бу укам калом индаллосини түғри айтди. Зёр гап! Энди мен айтадиган бир түртликни дафтарчангга ёзиб ол. Бу ҳам Абу Али ибн Синонинг рубоийларидан бири. Мана, опанг ҳам, сен ҳам эшиг, жумлаи олам ҳам:

Жаҳонда қолмади мен билмаган фан,
Не мушкул бўлса ечдим дониш илан.
Ва лекин бу ўлим отлиқ тугунни
Ечолмасдан ўтар бўлдим жаҳондан.

Ҳа, дунё армонларга тўла...

2008 йил



УЙҒУН ВА БОШҚА АДИБЛАР БУХОРОДА

Уйғун домла 1976–1984 йиллари – икки марта Бухоро вилоятидан Ўзбекистон Олий Кенгаши депутатлигига (Галаосиё сайлов округи) сайланган эди. Шу боис шаҳримизга тез-тез ташриф буюради. Ҳар гал у кишига ўзи ҳам, сўзи ҳам жон озиги бўлган шоир ва драматург Туров Тўла, қувноқ ҳамда дилкаш шоир Зоҳиджон Обидов ҳамроҳлик қилишарди (уларни Оллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин). Сайловчилар билан учрашуводан ташқари кўплаб туманларда шеърхонлик кечалари ўтказардик. Бир ажойиб сұхбатлар, воқеалар, ҳангомалар бўлардики, эшиитсангиз маза қиласиз. Ўзим гувоҳ бўлган ўша саргузаштлардан айримларини қогозга туширишига ҳаракат қилдим. Ўқиб кўринг, азиз китобхон, юз-кўзингизда табассум ўйнамаса, мен бенавбат...

1. “Бу наказингизни хозир ғатоп қиласиз-да”

Уйғун домла депутатликка сайланганидан бирор йил ўтгач, Бухоро тумани маркази – Галаосиё шаҳарчасида кўркам маданият саройи курилиши бошлаб юборилади. Нима бўлади-ю, бинонинг иккинчи қаватига келганда курувчиларни бошқа бир муҳимроқ иншоотни тезрок тугатиш баҳонасида олиб кетишади. Ишчилар шу кетганча икки-уч ой кўринишмайди, маблағ йўклиги боисми, бино чалалигича қолиб кетаверади. Уйғун домла депутат эмасми, сайловчилар ҳар бир учрашувода шу бинони битказишига ёрдам беришларини такрор-такрор сўрашар, фалон мактаб,

фалон боғчамизни тиклашга ҳам хукуматдан пул ундириб беринг, дея «наказ»лар беришарди.

Үйғун домла эса гоҳида асабийлашиб, гоҳида босиқ жилмайиб, “хўп бўлади, айтганларингни албатта бажараман” дея астойдил ваъда берар, сўнг гапни айлантириб, бу масала маҳаллий ҳокимиятнинг иши эканлигини, хусусан, маданият саройи курилишини чўзиб юбориши сиёсий жиҳатдан хато эканлигини айтиб, уни тезлатиш масъулиятини яна райқўм котиби ҳамда районжроқўм раиси зиммасига силлиқкина қилиб юкларди. Шундай учрашувларнинг бирида залнинг ўртароғида ўтирган ўсма-сурмали, нозиккина бир аёл қўл кўтариб ўрнидан қўзғалди.

— Үйғун домулло, — деди у бир оз кимтиниб, — сиз бизни улуғ шоиримиз, яна айтсан, улуғ депутатимиз ҳам. Бизлар сизга ишонамиз-да! Ҳеч бўлмаса, шу саройни қурмаётган айборларни аниклаб, битта фельетон ёзиб, газетага чикиш қилолмайсизми?

Минбарда ўтирган Үйғун домла шу заҳотиёқ жавоб қилди:

— Бу «наказ»ингизни хозирнинг ўзида гатоп қиласизда, кизим. Ҳой, Зоҳиджон ханда, — деди у киши пастда — олдинги қаторда ўтирган шогирдларига мурожаат қилиб, — сиз “муштум”чисиз. Шу бугунок “Туя гўшти еган бино” деган шеърий фельетон ёзасиз, хўпми! Сиз эса, мулла Тошпўлат, — деди менга хитобан, — шундай сарлавҳа остида зўр танқидий мақола ёзасиз. Бирини “Муштум”га, бирини эса вилоят газетасига чиқаришни мен бўйнимга оламан. Қалай, кизим, мақбулми шундай қилсак?

Нозиккина аёл “рахмат, домулло, тўғри”, дея ўрнига ўтирди. Залда қарсаклар янгради.

Зоҳиджон акани-ку билмадим, лекин мен танқидий мақолани ёзганим йўқ. Тўғриси, ёзишга улгуролмадим. Негаки, бу гап вилоятимиз катталарининг кулоғига ўша заҳотиёқ бориб етгач, матбуотда урилишдан қўрқишиган, шекилли, маданият саройи курилиши Үйғун домла жўнаб

кетмасданоқ бошлаб юборилган эди. Шуни айтадилар-да, катта одамнинг бир оғиз гапи йўқни йўндиради деб.

2. “Хурракни ким тортадир?”

Ромитан туманида Ҳамро Саидов деган ғоятда дилкаш, бағри кенг шоиртаб киши бўларди (Илойим жойлари жаннатда бўлсин)! Бу одамнинг ёзувчилардан, санъат ахлидан дўст-биродари кўп эди. Хусусан, устоз адибимиз Одил Ёқубов билан оға-ини эканидан шахсан хабардорман.

(Ҳамро ака узок йиллар жамоа хўжалиги раиси, давлат хўжалиги директори бўлиб ишлаган, кейинги йилларда туман партқўмитаси саркотиби лавозимида фаолият юргизарди. Айтиб ўтиш жоиз: бу кишининг Гдляндай инсон киёфасидаги маҳлукни ўз кабинетида бир уришдаёқ сулайтириб ташлагани, оғзи-бурнини қонга ботирганини ҳамон одамлар гапириб юришади. Ӯшанда Гдлян Ҳамро акани порахўрликда айблаб, кўп микдорда пул ва олтин топиб беришни талаб қилган экан. Ҳамро ака пок ва номусли раҳбар эмасми, ҳақорат “эваз”ига гурзидай муштини ишга соглан. Оқибатда уни ўн йилга кесиб юборишади. Фақат мустакиллик туфайли фидойи ва олийжаноб инсон Сибирдан она-юртига қайтиб келишга муяссар бўлганди. Аммо инфаркт бўлиб, соғлигини адойи тамом қилиб. Бундан бир неча йил олдин машъум ўлим бу инсонни орамиздан бемаҳал олиб кетди. Биз бухоролик ёзувчилар Ҳамро аканинг “Қора қунлар” номли саргузашт қиссасини вафотидан сал олдинроқ чоп эттиришга муваффақ бўлгандик.)

Шу Ҳамро акамиз бир куни менга қўнғироқ қилиб қолди:

– Тошпўлатжон. Салом, укам, омонмисиз? Бу, Уйғун акамиз келибдилар, деб эшитдим, ростми?

– Рост, рост! – дедим.

– Тоза занглаб кетдик-ку, жигар. Эртага Ромитанга олиб келмайсизми? Зўр бир учрашув ташкил қилиб бераман.

Тошпұлат Ҳамидга таклифимни айтудим, рози бўлди.
Қани, эртага етиб келинглар.

– Бўпти, Ҳамро ака. Сиз таклиф киласиз-у, биз бормаймизми?

Шундан сўнг учрашув жойи, ўтказилиш вақтини келишиб, саркотиб билан хайрлашдим.

Иккинчи кун Ромитанда чинакам адабиёт байрами бўлди. Уйғун домла, Туроб ака, Зоҳиджон ханда, раҳматли Тошпұлат ака тўлиб-тошиб шеърлар ўқиб беришди, дилўргар кўшиклар янгради.

Кечкурун Ҳамро ака барчамизни боғга – бир пиёла чойга таклиф этди. Тўғриси, зиёфат жуда куюқ бўлди. Тошпұлат ака парткўмита котиби эканлигини ҳам унугтан, нуқул “теша тегмаган” латифалар айтар, Зоҳиджон Обидов, Ҳамро ака билан “ичакузди” асқияларни тўхтатмасди. Боғда гўё қаҳқаҳа гулхани ёнарди. Шу тариқа зиёфат ярим кечагача давом этди. Барчамиз Бухорога қайтмай, боғда тунайдиган бўлдик. Ҳамро ака бош мезбон эмасми, хоналарни тақсимлай кетди:

– Уйғун ака, манави “люкс” сизга. Айвонда кичик Тошпұлат билан муҳарриримиз Жўра Фозил, ўнг биқинингизда Туроб ака билан Зоҳиджон Обидов, чап биқинингиздаги хонада эса, мен билан Тошпұлат Ҳамид дам оламиз. Биз икки жўрани пародамиз бир хил, – деди кулганча саркотиб, – розимисиз шунга?

– Биз рози, – деди Уйғун домла бош силкиб.

Ҳаммамиз ўринларимизга кириб олгач, чироқлар ўчирилди.

Хийла сокинлик хукм сурди.

Бир вақт босинкирабман, шекилли, уйғониб кетдим. Қарасам, Уйғун домла узун чоловорда елкасига катакли, бесўнақай костюмини ташлаганча ҳовлида юрибди.

– Ҳа, домлажон, нима бўлди? – дея сўрадим воқеанинг тагига ета олмай, – уйқунгиз кочдими?

– Уйқунг кочдими эмиш... Дард бўлди, бало бўлди, – порози оҳангда гапира кетди Уйғун домла. – Эшитяпсанми,

Ҳамро аканг битта хўқизни обкелиб, бўғизлаяпти шекилли.
Нега анграясан, хурракка қулоқ сол, хурракка...

Дарҳол чироқни ёқдим. Ҳайҳотки, Уйғун домла ётган “люкс”нинг чап биқинидаги хонадан чидаб бўлмас даражадаги хуррак овози тарааларди. Масалани англагач, гапни ҳазилга бурмокчи бўлдим:

– Шунга шунчами, домла. Райқўм билан обқўм хуррак бўйича ким ўзарга баҳслашяпти, холос.

– Кул-а, кул, масҳарабоз, – деди Уйғун домла ҳамон шаштидан тушмай. – Қани, дарров ҳаммаларини уйғот. Мен ухламагач, қолганларгаям уйку йўқ. Тез бўл.

Ноилож ўнг тарафдаги эшикни тақииллатдим.

– Кираверинг, мулло Тошпўлат, – дея ичкаридан овоз берди Туроб ака, – биз уйғокмиз, қулоққа пахта тиқиб ётувдик. На илож. Нима, Уйғун ака уйғокмилар?

– Ҳа, уйғоклар, ташқарида. Чикиб, ўзингиз тинчит-масангиз.

Туроб ака дарҳол ўринидан туриб, ташқарига йўл олди. Зоҳиджон ака ҳам хохолаганча қўлтиқтаёқни дўқиллатиб, у кишига эргашди. Мен эса чап томондаги – “қўшофиз милтиқ”дан хуррак ўқи отилаётган хонани қаттиқ-қаттиқ уриб, тез ортимга қайтдим.

Туроб ака секин мени четга имлади.

– Укам, “Жигули”ни тезда ўт олдиринг. Бухорога қайтмасак бўлмайди. Кўряпсиз-ку, акаларигиз хурракда ўнинчи тезликни олишган. Уйғун ака бўлса, паشا пар урсаям ухлолмайдилар. Асаблари чатокроқ...

– Бўпти, Туробжон ака, ҳозир тойчоқни ҳозирлаймизда, – дея машина томон бурилаётганимда Тошпўлат ака билан Ҳамро Саидов ичкаридан шошилинч чиқиб келишди. Иккови ҳам гап нимадалигини сезишган, бир оз ўсмоқчилааб сўрашди:

– Тинчликми, Уйғун ака? Қаёққа шошиляпсизлар? Бу ер обқўмнинг боғидан яхширок, тинчроқ, шекилли.

– Раҳмат, миннатдормиз. Жуда зўр дам олдим, – деди Уйғун домла костюмини кия туриб, – икковингга битта саволим бор лекин.

– Марҳамат, Уйғун ака, эшитамиз.

– Айтинг-чи, Ҳамробой, хурракни ким тортади?

– Иби, Уйғун ака, нозик савол бердингиз-ку, – жилмайди Ҳамро ака, – агар айтсан, шу сабил қолгур хурракни эркак тортади-да!

– Бекорларни айтибсиз, – бош чайқади Уйғун домла, – билмасангиз билиб қўйинг: хурракни дуррак тортади!

Ўргада шундай беғубор қаҳқаҳа кўтарилидки, Тошпўлат Ҳамид қорнини ушлаганча, Ҳамро Сайдов кўзларидан ёш оқизиб, Зоҳиджон ака хохолаганча, Туроб Тўла эса ингичка овоз билан завқланишар, уйғониб кетган қоровул эса ҳангманг эди...

3. “Вой-бўй, даҳшат экан-ку” ёки бир байтбарак тарихи

1982 йил, май ойининг сўнгги кунлари эди. Уйғун домла ўша садоқатли шогирдлар курсовида яна Бухорога келди. Галаосиёда – сайловчилар билан учрашувдан сўнг меҳмонларни “Ромитан” давлат хўжалигига элтадиган бўлдик.

– Ие, мулло Тошпўлат, яна хурракбозликками? – сўради Уйғун домла жилмайганча.

– Йўқ, устоз, дурракбозликка! – деди шу заҳоти менинг ўрнимга Зоҳиджон ака. Роса кулишдик.

Бизни хўжалик марказида кучок-кучок гулларга кўмиб кутиб олишди. Маълум бўлдики, адабий учрашувга хали бир соатча вақт бор экан. Шу туфайли бир оз ҳордиқ чикаргани боғ томон яёв йўл олдик. Саркотиб Ҳамро ака шошилинч вилоят марказига чақирилган экан. Бошқа мезбонлар орасида райқўмнинг мафкура бўйича мудираси – Сайёрахон исмли ниҳоятда сулув, машҳур мусаввир Чингиз Ахмаров

суратларыда ифодалангандай күркем ва бежирим аёл ҳам бор эди. Кетиб боряпмиз-у, барчамиз бу аёлга қараб, тамоман лол эдик. Хусусан, Уйғун домла. “Вой-бўй, даҳшат эканку”, дер эди у киши ҳар замонда. Бироқ, орада ийманиш ва андиша, одоб борлиги боис ҳаяжон, хиссиётларни жиловлаб, дамимизни чиқармасдик.

Боққа етиб келиб, ихчамгина ҳовуз устида курилган шийпончада дам ола бошладик. Дастурхонда минг турли ноз-неъматлар. Бир пиёла чойдан сўнг мезбонлар узр сўраб, клубни ҳозирлагани кетиб қолишиди. Ҳалиги гўзал аёл ҳам.

Ёлғиз ўзимиз қолга, кайфияти чоғ Уйғун домла таклиф килиб колди:

– Туробжон, “даҳшат”ни кўрдиларинг! Бир байтбарак қилмаймизми?

– Сизни тушундим, Уйғун ака, – деди Туроб ака майинлик билан, – ёшлиқ эсга тушдими дейман-да, яъниким, ишқ дарди кекса қалбни ҳам булбул қилур, дегандай. Биз тайёр.

– Яшанг, шоир, – завқланди Уйғун домла, – унда мулло Тошпўлат, сиз қофоз ва қаламни ҳозирланг.

Мен дархол ён дафтарчамни қўлга олдим.

Уйғун домла бирпас хаёлга толга, бир байт шеър айтиб юборди. Шу заҳотиёқ ёзиб олдим, сўнгра дафтарча бир-бир давра айланди: ёзик, чиздик, ўчирдик, хуллас, ишкий байтбарак тайёр бўлди.

– Энди би-ир баланд овозда ўкинг, – деди Уйғун домла мамнунлик билан. Топширикни бажарганимдан сўнг, “зўр бўпти” дея шундай таъкидлади: – Мулло Тошпўлат, хоҳланг бу шеърни анави ҳурлиқога беринг, чор дарвешидан унга ҳадя бўлади. Журъат этмасангиз, ўзингизда турсин. Вакти келиб, бирор жойда ёритарсиз, Тўғрими, Зоҳиди ханда, ошики ганда?

– Албатта-да, устоз, – дея хоҳолади Зоҳиджон ака.

Тўғриси, хафа бўлмасин деган андишада шеърни Сайёрахонга бермадим. Тағин ёшгина, оилали жувон ҳакида

ортиқча гап-сүз ҳам тарқалишини истамадим. Чунки эл оғзига элак тутиб бўлмайди-да.

Лекин мана, орадан кўп йиллар ўтди. Устозларимиз бир-бир оламдан кўз юмишди. Барчамизни мафтун этган ўша сулув синглишимиз эса, бугун ширин-шакар неваралар куршовида. Демак, ўша байтбаракни энди bemalol ёритиш мумкин. Зеро, шеър қаҳрамони ва бошқа китобхонлар ҳам гўзаллик дегани шоир халқига қанчалар илҳом бағишлишига, улар қалбини булбулигўёга айлантиришига имон келтирсалар, ажаб эмас. Марҳамат, ўша ишқий байтбарак сизнинг қўлингизда:

Уйгун:

Эй, фалак, мақтанма кўп, бизда ҳам Сайёра бор,
Сочлари сумбул мисол, кўзлари хуммора бор.

Туроб Тўла:

Бир келиб, Шош шахридин ишқида бўлдик адо,
Кўйида дилхасталар бағри чок, садпора бор.

Зоҳиджон Обидов:

Демаким садпора, балки чин девонадир,
Машраби шайдо манам, васлида оввора бор.

Тошпўлат Аҳмад:

Ҳой гўзал, лол бўлма кўп, лоф қалом алдамчиdir,
Гар десам, бизнинг билан Зоҳиди маккора бор.

Туроб Тўла:

Мен дедим: “муштум”чи у, илмасин қармоғига,
Эй, иним хушёр туринг, чалгали ноғора бор.

Зоҳиджон Обидов:

Урнама кўп, Тошпўлат, урнашинг зое кетар,
Рози бўл, поччанг бўлай, қалбима ёр-ёра бор.

Тошпўлат Аҳмад:

Мен дедим: бундай пари қаримас, ёшга раво,
Бир илож айлаб уни обқочаман, тайёра бор.

Үйгүн:

Чўзмангиз гапни ҳа деб, барингиз модапараст,
Йўқ эса сизни тийиб қўйғучи Сайёра бор...

4. “Тирик шоирларни кўрганмисизлар?”

Қайси йили эканлиги аниқ эсимда йўқ. Лекин май ойининг ўрталари эди. Оближрокўм сессияси тугаб, ташқарига чиқарканман, бир одам мени имлаб чакирди (бу киши узок вакт вилоятнинг нуфузли раҳбарлик лавозимини бошқарган, айни пайтда бошқа бир туман фирқа кўмитаси саркотиби бўлиб ишларди. Исли шарифларини шартли равишда “Н.В.евич” деб аташни лозим кўрдим).

– Менга қара, ука. Үйгун ака келган эмиш. Эртага биз томонларга олиб ўтмайсанми? – деб қолди Н.В.евич, – биз иккимиз жўра. У кишиям депутат, биз ҳам шу. Мажлисларга бирга қатнашамиз. Мен яқинда Тошкентга борганимда Үйгун акани таклиф қилиб қолувдим. Нима дединг, олиб борасанми?

– Албатта-да, Н.В.евич, – дедим мамнуният билан, – ҳозир обқўм дачасига боряпман, уларни кўндириб, кейин сизга жавобини кўнғироқ қилиб айтаман.

– Шундай қил, ука, – би-ир шеърни хуморидан чиқайлик. Бизам шоир. Сен билмасанг ҳам Неъмат Амин билади бизни шоирлигимизни, – жилмайди Н.В.евич, – яххиси, тилпон-пиллон қилиб ўтирма, мени тополмаслигинг мумкин. Эртага соат бирларда тўғри олиб боравер, сизларни кутаман...

Кейинги куни белгиланган вақтдан ярим соатча олдин етиб бордик. Қарасак, айтилган жойда одам зоти кўринмайди. Қаршидаги маданият уйи биноси ҳам бўмбўш. Мехмонларни машинада колдириб, райқўм биноси ичкарисига киарканман, коровул тўхтатди.

– Ким керак, оға?

– Н.В.евич!

– У киши банд, ҳеч кимни қабул қилмайдилар.

– Кечирасиз, – дедим энсам қотиб, – ҳеч кимни қабул қилмасалар ҳам, мени қабул қиладилар. Бориб айтинг. Тошкентдан катта меҳмонларни обкелганман.

– Эй, оға, ўзбекмисиз ўзи? Сизга ўзбекча гапирияпман. Райқўм бобо банд. Гастинсада укол оляптилар, дўхтирлари келган, – овозни баландлатиб, уқтира кетди коровул, – менга ҳеч кимни қўйма, деганлар.

– Акахон, – дея сал паст тушиб илтимос қилдим коровулдан, – унда бўлим мудириними, учинчи котибними, чақиринг бўлмаса.

Коровул “бу бошқа гап” деганча узун йўлакка йўналди. Райқўм котибининг маҳсус дам оладиган хонаси қаердалигини яхши билардим. Шу боис фурсатни ғанимат билиб, тезда ўша ёққа жадалладим. Бориб, кора дермантин эшикни очсан, йўлак кираверишида нозиккина, баланд пошнали туфли, ёнида бесўнақай, бир жуфт эркакча этик. Эшиги қия турган қўшни хонадан ғалати овоз эшитилади:

– Вой-вой, ўлдирдинг-ку, астароқ, синдиридинг-ку белни. Хой, маржахон, айланай сендан, астароқ деяпман сенга.

– Ничево, Н.В.евич, потерпити немножко.

Ҳеч нимага тушунолмай, ним очик турган эшикни иккичубор такиллатдим.

– Вот, дурак ахраник, – сўқинди аёл киши норози оҳангда, – чем стучать чай принеси, шай килтир мунда...

Ёшлик эканми ёки ташқаридаги меҳмонларни интиқ қилмаслик талвасаси боисми, тоқат қилолмай, эшикни очиб, ичкарига мўраладим. Не кўз билан кўрайки, Н.В.евич диванда ярим яланғоч ҳолатда юзтубан ётар, ғоятда хушбичим, семизгина аёл у кишининг оёқларига миниб олиб, белини, елкаларини эзиб-эзиб уқаларди.

Аёл менга кўзи тушиши билан сакраб ўрнидан турди.

– Вот, чукинган малай, нашёл время смотрет.

Эшикни тезда ёпиб, ижирғанганча ортимга қайтдим. Коровул бетоқат бўлиб мени ахтарарди. Меҳмонхона

томондан келаётганимни кўриб, фиғони фалакка чиқиб кетди.

– Хой, боди бола, инсофинг йўқ экан-ку сени. Энди райқўм бобо “онамни кўзимга кўрсатади”. Ишдан ҳайдайди.

Уни тинчлантираётгандим, кўзлари бежо Н.В.евич келиб қолди. Менга кўзи тушгач, бир оз важоҳатидан тушди.

– Ҳа, Аҳмаджон (мени шундай деб атарди у), нима қилиб юрибсан? Бошқа вақт қурувдими сенга? Нима бало, ё пойлаб келдингми? – дея шумшайди кайфи баланд Н.В.евич.

– Қўйсангиз-чи, Н.В.евич, – дедим норозилигимни яширолмай, – ўзингиз меҳмонларни таклиф қиласиз-у, келсак – бу ахвол.

– Иби, Аҳмаджон, мен кимни таклиф қилибман? Ёдимда йўқ-ку.

Кечаги гап-сўзларни эслатдим.

– Иби, эсим курсин мани, – бирдан хушёр тортди Н.В.евич, – кайф билан хаёлдан кўтарилипти-да. Кел, хафа бўлма, ҳозир ҳаммасини зўр қиламан. Уйғун акани ўзи қаерда?

– Ташқарида, машинада ўтириптилар.

– Энди, укам Аҳмаджон, сенга айтсам, бел чатоқ. Радикулитим бор, – нолиганнамо гапира кетди Н.В.евич, – анави маржахонни Бухородан чакиртирувдим, эски танишлардан. Массажни зўр қилади-да ўзиям,вой-войлатиб юборади-е! Сенам мени ёшимга кир, кейин биласан радикулит нималигини. Манга қара, яна айтиб юрма Уйғун акага боя кўрганингни. Сен ақлли боласан-ку. Ростини айт, оқ тужа кўрдингми, ё йўқ?

– Оқ тужа ҳам, қора тужа ҳам кўрганим йўқ, – дедим бепарво оҳангда, – факат белингизга миниб олган бўталокни кўрдим, холос.

– Иби, ана маҳмадона, сенам анави Саид Аҳмадга ўхшаб сатирикмисан нима бало?

– Мен-ку сатирик эмасман, Н.В.евич, – дедим жиддий қилиб, – лекин Уйғун домла ўзлари билан катта бир сатирикни обкелгандар, “Муштум”чи!

– Нима-чи?

– “Му-уш-тум”чи! – дона-дона қилиб таъкидладим, – “Муштум” журналида ишлайды, Зоҳиджон Обидов деган шогирдлари, ўзиям фельетонни қийиб ташлайдигандардан.

– Иби, хали пильетон ҳам бўламиз шекилли-ку, – саросималанди. Н.В.евич.

– Бўлмасам-чи, уларни шахсан таклиф қилиб, кутиб олиш ўрнига меҳмонхонангизда бепарво ўтирангиз, ёзмай нима қиласди, ёзади-да.

– Ўв, шоир бола, кўп жаҳлимни чиқарма лекин, – тутакиб кетди саркотиб, – ҳозир айтдим-ку сенга, ҳаммасини зўр қиласман деб, зиёфат ҳам тонг бўйи бўлади, фақат оғзингдан гулламасанг бўлгани. Тушундингми?

– Тушундим, Н.В.евич, гап бундоқ бўпти-да.

– Ҳе, отангга раҳмат. Қани юр, бўлмасам.

Бирин-кетин меҳмонлар истиқболига шошилдик. Н.В.евич бора солиб Уйғун домлани қучоклаб олди. Кейин бошқалар билан ҳам бағирлашди.

– Ие-ие, қайси шамол учирди, Уйғун ака? Хуш кўрдик, хуш келибсизлар, – мулозамат қила кетди саркотиб, – узр куттириб кўйганим учун. Шу десангиз, давлениям озгина кўтарилипти. Ана, Аҳмаджон кўрди, укол олаётувдим. Тўғрими, Аҳмаджон?

Н.В.евич жавобимни ҳам кутмай, меҳмонларнирайқўм биноси ичкарисига бошлади. Кабинетига киргач, дарҳол телефон дастагини кўтариб, рақам терди.

– Менга қара, ҳўв бодича, – дея уқтира кетди у кимгадир, – ҳозир дўмкультурани тахтайсан, тушундинг! Мактаб болачалар, кутубхоначи, милиса болалар, муаллимлар қолмасун. Бозорни радиосидан ҳам эълон қил, хоҳлагандар бўлса, кирсун. Ишқилиб, зални тўлдир. Уйғун ака келганлар, бир культурни

мероприятия ўтказайлик... Қалай бўлди, Уйғун ака? – дея қандайдир ифтихор билан гапира кетди Н.В.евич, – ҳозир ярим соатдан кейин ҳаммаси гатоп бўлади. Энди ўзингиз яхши биласиз. Бўлсанг, биринчи бўл экан. Нима десангиз, ерни тешади-да!.. Ё нотўғрими? Ҳа, яшанг. Менга қара, Аҳмаджон, – нимадир эсига тушиб, мен томонга ўгирилди Н.В.евич, – сен ука, бир дўмкультурага боргин, камчиликлари бўлса, айтиб тузаттири. Мен ўзим бу азиз меҳмонларни зериктирмайман...

Маъқул деб қабулхонага чиқарканман, ортимдан етиб келган Н.В.евич “бир минутга” деб мени тўхтатди:

– Аҳмаджон, сендан бир илтимос. Меҳмонларни номи-фамилияси, қасби-кори, унвон-пунсонлари, ишқилиб, ҳаммасини бир қоғозчага ёз. Шпаргалка дегандай. Мен учрашувни ўзим бошлайман, кейин сен давом эттирасан. Келишдикми?

– Келишдик! – дея Н.В.евичнинг очик турган кафтига қўл ташладим...

Оз эмас, кўп эмас, орадан бир соатлар ўтгач, маданият уйида юз эллик-икки юз чоғли одам тўпланди. Залда боғча боласидан тортиб, соқоли кўксига тушган чоллар, бозорчию милиса болалар ҳам бор. Н.В.евич меҳмонларни бошлаб киаркан, “қани, қарсак бўлсун” деб юборди. Гулдурос қарсаклар остида улар саҳнага кўтарилишди. Н.В.евич йигирматача ордену медаллари тақилган костюмини кийиб чиққан экан, қарасангиз кўзларингиз қамашади. Бир вақт у киши савлат билан ўринларидан қўзғалиб, микрофонга яқин келди.

– Қани, хўв бодичалар, жим ўтуринглар, тинчлик сақлансин.

Зал хийла тинчигач, Н.В.евич бир ихтиро қилгандай, ўргата савол ташлади:

– Қани менга айтинглар-чи, сенлар умрларингда тирик шоирларни кўрганмисизлар?

Зоҳиджон ака “во-ҳа-ҳа” деб юборди. Зални ҳам қийкирик, қаҳқаҳа босиб кетди. Карасам, Туроб ака жилмайиб бош чайқар, Уйғун домланинг эса қовоклари осилганди.

– Қани ҳўв. Тише, тише деяпман, ҳўв бодичалар, – зални тинчлантирмокчи бўлди яна Н.В.евич, – нимага куласанлар? Мен тўғрисини айтяпман, бундан олдин тирик шоирни кўрмагансанлар. Кўрган бўлсаларинг ҳам сурат-пуратини газетаю китобларда кўргансанлар, уларни ҳаммаси ўлиб кетган. Мен бўлсам, тирик шоирларни олиб келдим. Қани, бир қарсак бўлсин! Энди буларни сенларга таништирай.

Н.В.евич бурун устига қўзойнак қўндириб, мен ёзиб берган шпаргалкани қўлга олди:

– Мана бу киши, филдай одам, – табассум килди Н.В.евич, – Раҳматулло Отакўзиев Уйғун бўлади. Иби, Уйғун ака, сизни отингиз Раҳматулломи?

Уйғун домла бош силкиб, тасдиклади.

– А, Уйғун нима, лақабингизми? – сўради Н.В.евич таажжубда.

– Тахаллуслари! – дедим мен чидаёлмай.

– Аҳмаджон, сен жим ўтири, маҳмадоналик қилма. Агар билсанг, бизни Бухорода тахаллус демайди, лақаб дейди, – уқтира кетди Н.В.евич, – тўғрими? Ҳа, яшанглар... Уйғун акамиз зўр шоир, дараматург! Ҳамзайуфга ўхшаганда-а? Э, бор бўлинг, домулло. Кейин бу киши лауреат а-ака-демик. Э табриклаймиз, академик ҳам бўлган экансиз-да, Уйғун ака. Қойил сизга-а. Яна айтсам. Бу киши мендай депутат. Мажлисларга бирга катнашамиз. Қани, бир қарсак бўлсин бу кишини шаънига!

Қарсаклар ёғилгач, Н.В.евич давом эттириди:

– Уйғун акани ёнларига ўтирган манави кичкина одам Тўла Туроб бўладилар.

Кимдир, пастдан Тўла Туроб эмас, Туроб Тўла, деб тузатган бўлди.

– Ҳай, нима фарқ қилди, бор ана сенингча бўлсун – Туроб Тўла. Розимисан? – дея бўйинни чўзиб жилмайди Н.В.евич, –

бу кишиям шоир, дараматург, кўшиқчи шоир. Ие, Тўла ака. Ашулаям айтар экансиз-да. Бугун бир маза қилиб эшитамиз чоки сизни.

Залда бирор кулар, бирор анграйган, бирорлар эса саркотибининг савияси ҳаминқадарлигидан хижолат чекар эди.

– Энди мана бу учинчи киши, – овозини баландлатди Н.В.евич, – Зоҳиджон Обид бўладилар. Бу кишиям шоир, кўшиқнавис. Ие, сизам кўшиқ айтасизми? Зўр-ку! Яна бу оғайнимиз сатириқ, пилетончи. Бизларни пилетон-милетон қилиб юрманг тағин, Зоҳиджон ака, ҳа шундай бўлсин. Энг зўри шундаки, – бирдан мен ёзиб берган қоғозчага кўз ташлади Н.В.евич, – Зоҳиджон акамиз қишлоқ хўжалиги ходимлигидан ўсиб чиққанлар. Зўр касблари бор. Аслида бу киши мол дўхтири, яъне, ветеринар шоир!

– Масхарабозлик! – деб юборди ўзини тиёлмай Уйғун домла.

– Н.В.евич, шпаргалкадагини тўғри ўқинг, – дедим мен ҳам ўрнимдан сал қўзғалиб, – Зоҳиджон ака ветеринар эмас, ве-те-ран! Уруш ветерани!

– Иби, шундайми? Кўз қурсин-а, кўз. Карибмиз-да. Ҳай, ана сенингча бўлсун: ве-те-ран. Менга ўхшаган ветеран! – ишишайди қўксидаги нишонларни кўрсатиб Н.В.евич.

Зал яна чайқалиб кетди. Хусусан, Зоҳиджон аканинг ноўхшов “хо-хо”си томошибинлар кулгисини баттар қўзғатарди.

Кайфи ҳамон баланд Н.В.евич бир оз саросималанди. Кейин ўзини ўнглаб, томоқ қириб, ҳеч нима бўлмагандай мени кўзлари билан имлаб кўрсатди:

– Манави тўртингчи бола ўзимизни маҳаллий шоир Аҳмаджон Тошпўлат бўлади. Таништирмасам ҳам ўзларинг буни яхши биласанлар. Қани, Аҳмаджон, энди навбат сенга. Бу ёғини ўзинг давом эттири.

Шундан сўнг Н.В.евич викор билан ўрнига бориб ўтирди.

Менга қийин эди, азоб эди. Қадрли меҳмонларни ҳарчанд

таъриф этмайин, ижодларини таъриф-тавсифламайин, барι бир ўрнига тушмасди. Табиийки, шеърхонлик кечамиз ўзига яраша ўтди. Лекин ўшанда Уйғун домланинг вазминлиги, босиклигига қойил қолгандим. У кишига қараб фариштасифат Туроб Тўла ҳам, йўқ жойдан асқия тўқиб, барчани кулдирадиган Зоҳиджон Обидов ҳам гўё ҳеч бир нохуш воқеа рўй бермагандай қисқа-қисқа чиқишлиар қилдилар. Энди ўйласам, устозларимиз тўпланган ўз китобхонлари кайфиятини ўйлашган, уларда заррача гуноҳ йўқлигини ҳисобга олишган экан.

— Мулла Тошпўлат, — деганди ўшанда Уйғун домла йўлда келарканмиз, — аввало, хаёлни бўлмай, рулни тўғри бошқаринг. Сўнгра шуни унутмангки, бизнинг ҳар кунимиз — бир тарих. Яхши воқеа ҳам, нохуш воқеа ҳам унутилмас солнома. Вақти-соати келганда буларни қаламга олинг. Ҳозиргина бўлиб ўтган томоша ҳам эсдан чиқмасин. Сиз ҳали ёшсиз, ҳаётнинг баланд-пастини кўп кўрмагансиз. Шундай бўладики, маънавиятнинг кўчасидан ўтмаган чаласаводлар фақат биринчи бўлишга интилишади. Йўлини қилиб, бўладиям. Бўлгач, бодапарастлик қиласиди, масхарабозлик қиласиди, фарки йўқ. Меники тўғри, деб юришади ва бошқаларният ўз ортларидан эргаштиришга ҳаракат қилишади. Чунки у биринчи-да! Нима дедингиз, Туробжон, Зоҳиди ханда? Тўғрими? Афсуски, халқимиз кўпинча турли ўйинлар, ўйинчиларга, лўнда айтсан, буюк алданишларга ишониб юради. Аммо бундайларнинг умри қисқа. Вакт деган улуғ ҳакам ҳаммасини ўз ўрнига кўяди, албатта, ўз ўрнига кўяди! Сиз эса, укам, кўрган-кечирганларингизнинг барини қайд этиб бораверинг. Тарих ҳеч қачон кўмилмайди, у бир куни қалкиб чикади...

Азиз китобхон! Кўряпсиз, Уйғун домла насиҳатларини ерда қолдирмадим. Хуш-нохуш кечинмаларни баҳоли қудрат тасвирлашга ҳаракат қилдим. Баҳолаш эса Сизга тан.

5. “Расво ниҳоллар экан”

1978 йилнинг апрель ойи эди. Авжи баҳор, ҳамма ёқда яшнаш-яшариш. Туманлардаги бир ҳафталик учрашувлардан сўнг Уйғун домла ва ҳамроҳларини Бухоро педагогика институти (хозир Бухоро университети)дагилар таклиф этиб колишиди. Бордик. Институт эшиги олди тирбанд. Профессор-ўқитувчилар, талабалар қутлови ва қуршови остида меҳмонлар катта залга киришди. Ректор Жума Намозовнинг кириш сўзидан кейин таниқли олимлар Уйғун домланинг ҳаёти ва ижод йўли хусусида маъruzалар қилишиди, бир гуруҳ талабалар шеърларидан ёд айтишиди. Кайфияти кўтарилиган Уйғун домла очилиб-сочилиб, хотираларидан сўзлади, янги ғазалларидан ўқиб берди. Туроб Тўла, Зоҳиджон аканинг чиқишлари хам авж пардаларда ўтди.

Табиийки, учрашувдан сўнг бир пиёла чой берилди. Залдан чиқиб, институт ҳовлисига, у ердан бокқа қараб йўналдик. Олдинда профессор Жума Намозов билан Уйғун домла, колганлар эса орқароқда кетяпмиз.

– Мана бу боғни, Уйғун ака, – дея овозини баландлатди ректор бошқалар ҳам эшитсин кабилида, – беш йилча бўлди барпо этганимизга. Албатта, ҳашар йўли билан. Юз хилга яқин ниҳоллар ўтқаздик. Ниҳолларни Сурхондан, Қашқадарёдан, Жиззаху Тошкентдан, эҳ-хе, кўп шахру кишлоклардан талабаларимиз, домлалар олиб келишиди. Мана бу гулларимизга қаранг, райондан тортиб гулхайригача бор, назаримда саксон хил бўлса керак.

– Зўр бўпти, – дея маъқуллади Уйғун домла мамнунийт билан, – савоб иш қилибсиз. Одамдан яхшилик қолиши керак-да, шундай эмасми?

– Албатта-да, Уйғун ака, келажак авлод учун қилдик бу ишларни, – дея сўзни илиб кетди Жума Намозов, – энди сизга, домлажон, яқиндагина тугатган янги бир ишимизни кўрсатай. Десангиз, фонтанча қурдик. Ҳой, Сайджон, – дея

орқага юзланиб, озғингина, бўйчан бир йигитни чақирди ректор, – югар, фонтанни очиб юбор, бир маза қилиб томоша қиласайлик.

Йигит жадаллаб кетгач, боғ ичкарисига қараб бурилдик. Тўғриси, боғ кўрса-кўргулик эди, чаманзор, роҳатижон. Фаввора ёнига келдик. Унинг атрофига арчага ўхшаган, иғнабарг ям-яшил ниҳоллар ўтқазилган.

– Мана бу ниҳолларни, – дея яна ифтихор билан сўзга киришди профессор Жума Намозов, – икки ҳафтача олдин Самарқанддан обкелдик. Номи – туж, домлажон. Янаги йили келинг, ўзиям, туямисан тужа бўлади-да, яъни тужа баробар ўсмаса, хаммасини қўпориб ташлайман.

– Ҳозироқ қўпориб ташланг, – деди Уйғун домла тунд ва норози қиёфада шарт орқага бурилиб, – расво ниҳоллар экан.

Бечора ректор ва бошқа мезбонлар ҳангуманг қолишиди. Ахир, улар Уйғун домлага баъзи дўстлари қўйган “туякуш” деган номдан тамомила бехабар эдилар-да...

6. “Шу бола сал овсарроқми дейман?”

Бир гал домлаларни Навоий туманига олиб бордик. Гурӯҳ йўл бошловчиси обқўмнинг ўша пайтдаги мағкура бўлими мудири Абдулла Музффаров эди. Катта меҳмонлар келишибди, деб биринчи котибдан тортиб оддий ходимларгача атрофимизда. Ҳар бир учрашув байрамона руҳда ўтарди. Айниқса, туман қўмитаси бўлим мудири Аҳмад Ҳамидов деган киши (Оллоҳ раҳмат қилган бўлсин!) давраларга қўр қўшиб турарди. У Зоҳиджон ака билан тил топишган, шекилли, нуқул асқиябозлик қиласар, оҳори тўкилмаган латифалар айтиб, барчани бетиним кулдиради. Тўғриси, Аҳмаджон акани “Навоийнинг афандиси” деганларича бор эди.

– Укам, сизни онангиз кулиб туриб туққанми ёки туға туриб кулганми? – дея сўраганди Уйғун домла завқланганча.

— Үндай десангиз ҳам тұғри, бундай десангиз ҳам тұғри, Уйғун ака, — деганди у самимий оқанғда, — минг йилда бир кепсиз биз ёқларга, хурсанд бўлинг дейман-да. Бир тўйиб кулса, ўн марта палов егандай бўларкан киши. Сизлар бўлса, юз мартадан кулдиларинг, шундай эмасми, домлажон?

— Яшанг, тўғри айтдингиз. Ие, шошманг, укам, — бирдан хушёр тортди Уйғун домла, — ҳали қуруқдан-куруқ бизни оч жўнатасизлар, шекилли.

Бўлди кулги. Шу баланд рухда машиналарга ўтириб, Самарқанд худудига яқин Ҳазора деган жойга бордик. Бу ерда райқўмнинг кўркам боғи, унда катталар учун маҳсус қурилган меҳмонхона бор экан. Ярим кечгача давом этган зиёфатдан сўнг меҳмонлар боғда тунаб қоладиган бўлишди.

— Укажон, — дея мени четга имлади Абдулла ака Музafferов, — ишим жуда кўп. Мен Бухорога қайтишим зарур. Эрталаб Самарқанддан машина келади. Меҳмонларни кузатиб, сўнгра қайтарсиз. Хушёр туриング. Тағин домлаларни бирор хафа қилмасин.

Абдулла акани жўнатгач, яна хийла сухбатлашдик. Сўнг белгиланган хоналарга кириб, ётадиган бўлдик.

— Сиз тўрдаги хонага ўтасиз, — деб қолди Аҳмад Ҳамидов Уйғун домлага тавозе билан.

— Ие, шунақами? — дея унинг ортидан эргашди Уйғун домла. “Хушёр туриинг” деган топшириқ олганим боис мен ҳам улар изидан боравердим.

— Бу хона, сизга айтсан, домлажон, табаррук хона, — мақтайди кетди завқланганча бўлим мудири, — Ойбек домла ҳам ўлимларидан бир ой олдин шу хонада тунаб кетувдилар...

— Ие, шунақами, шу-шунақами? — кўзлари катта очилиб, лаблари осилди Уйғун домланинг.

Аҳмад Ҳамидов эса мақташда давом этарди:

— Бу диван-каравотни қаранг, бай-бай. Пуржиналари таранг. Бу кеча маза қиласиз, домлажон. Мани айтди дерсиз, бир чўзилиб кўринг.

– Рахмат, раҳмат, чўзилгандай бўлдим, – асабийлашиб, дона-дона уктира кетди Ўйғун домла, – келинг, шу диван ҳам, хона ҳам табарруклигича қолсин. Бизга оддийси ҳам бўлаверади. Кани, бошланг бошқа хонага.

...Устознинг айтгани вожиб бўлгач, бўлим мудири иши кўплигини айтиб, кетиб қолди. Ўйғун домла ўринига кира туриб, мендан сўраб қолди:

– Мулла Тошпўлат, бу болани кўпдан танийсизми?

– Кўпдан, СамДуда олдинма-кейин ўқиганмиз, хушчақчақ йигит.

– Шунака денг? – кошлари тугунчаланди Ўйғун домланинг, – хушчақчақлиги рост-ку, аммо сал овсарроқ, бефаросатроқ эканми дейман.

Мен “билмасам” дегандек елка қисиб, хайрли тун деганча, ўз хонамга кириб кетдим.

7. “Биз шунаقا зўр йигитмиз-да...”

Шоир Сайёр билан кўп йиллик қадрдонман. Шу киши туфайли қабри нурга тўлгур Тўлқин билан ҳам ака-ука тутингандик. Шу боисдан уларни Бухорога тез-тез таклиф этардим. Келишарди. Дала шийпонларида, мактаблар, ўкув юртларида қизгин адабий учрашувлар ўтказардик. Ҳали-ҳали эсимда: 1988 йилнинг май ойлари эди. “Шеърхонлик” муносабати билан уларни Жондор туманидаги жамоа хўжалигига олиб бордим. Ҳовуз бўйидаги серсоя, кўрккам дала шийпонида икки-уч юз ҷоғли одам тўпланган. Учрашув бошланишидан олдин Сайёр ака қулоғимга шипшиди: “Укам, ҳар галгидек менга охирида навбат берсангиз”. Билардим. Сайёр ака давра сўнгида тўппа-тўғри одамлар орасига чиқар, турли ҳангомалар, латифалардан айтиб, барчани хушнуд этар, беш-ўнта ишқий шеърларидан ўқиб бериб, олкишлар селини ёғдиртиради. Шуни назарда тутиб, “бўпти, акам, сиз айтгандек бўлади” дея микрофонни кўлга олдим. Бирин-кетин Ғулом Шомуродов, Музаффар

Турсунов, сүнгра Түлкин ва мен чикишлар қилдик. Навбат Сайёр ақага келганды, билмадым, хаёлимга түсатдан келдими, ёки қизиқчилик йўлигами, шундай деб гаи бошлабман:

– Азиз юртдошлар, эшитгансизларми ёки йўқми, ҳозир сизларга бир воқеани маълум қилмоқчиман. Бундан йигирма йилча олдин тошкентлик бир олғир йигит Бухорога келиб, нихоятда гўзал, паричехра бир шоира кизни ўғирлаб кетиб, турмуш қурган. Ўша ўғирланган киз бугунги ардоқли, истеъдодли шоира опамиз Гулчехра Жўраева бўлади. А “ўғри” йигит эса ҳозир сизлар билан юзма-юз ўтирган мана шу шоир Сайёр бўлади. Навбат у кишига!

Бундай карасам, Сайёр акам беҳад хурсанд, бош чайқаб, ғуурланиб, керилиб ўтирибди. Бирорлар ҳайратда, бирорлар чапак чалишарди. Шу пайт олдинги қаторда ўтирган томошабинлардан бири – новча, озғирноқ йигит ўрнидан хиёл қўзғалди. У менга қаратса тожикчалаб шундай деса бўладими:

– Акамулло, ин шоиратона афташон худди афти дуз барин будаст (бу шоирингизнинг кўриниши ҳам ўғрига ўхшар экан).

Гуриллаб кулги кўтарилиди. Тўғриси, бошқалар қатори мен ҳам ўзимни тўхтатолмасдим. Сайёр ака билан Тўлкин ҳам новча бола кулгили зўр гап айтган бўлса керак деб, қарсак чалиб, жилмайишарди.

Қийқириқ бир оз босилгач, Сайёр ака мендан секин сўради:

– Бу акамиз нима дедилар, Тошпўлатжон?
– Бу акамиз айтаяптиларки, – дея таржима қила кетдим,
– бу шоирингиз кўринишидан ҳақиқий бў-ўз болага ўхшар экан...

Мамнун бўлиб, кайфияти кўтарилиган Сайёр ака ҳалиги новча йигитга қаратса “биз шунаقا зўр йигитмиз-да, акаси” дея кўкрак керганча давра ўртасига чиқди...

САИД АҲМАД БУХОРОДА

1. “Бухорода ҳам ер қимиirlайдими?”

1976 йилнинг авжи баҳор пайтлари эди. Ардокли ва мумтоз шоира опамиз Саида Зуннунова (Илоҳим қабрлари нурга тўлсин!) таваллудининг 50 йиллиги Бухорода ҳам нишонланиши керак эди. Тайёргарлигимиз зўр: учтўрт жойда учрашувлар белгиланган. Маъракадан бир кун олдин (қайси кунлиги аниқ эсимда йўқ) оқшом соат ўнларда устоз Саид Аҳмад, Саида опа, Ойдин Ҳожиевани кутиб олдик. Улар Самаркандан кечроқ чиққанлари боис кечикканларини айтиб, узр сўрашди. Мехмонларни яқинда фойдаланишга топширилган басавлат “Бухоро” меҳмонхонасига жойлаштирилди.

– Қалайсан, шоир, – деди Саид Аҳмад домла жомадонларини жой-жойига қўйиб, ювениб-тараниб олганидан сўнг, – яхши юрибсанми?

– Раҳмат, домла, ёмонмас.

– Қўй-чи, сен бола бизни нечанчи қаватга обчиқдинг?

– Ўн биринчи қаватга, хонангиз – люкс, домла.

– Люксинг курсин, пастроғи йўқмиди? Бу ердан тушибимизни ўйламабсан-да. Қани, бир айвончасини кўрсат менга бу люксингни.

Бирин-кетин айвон (балкон)га чиқдик. Устоз бир дам нурларга чулғанган эски шаҳар обидаларига тикилиб тургач, пастга қаради.

– Вой-бўй, жуда даҳшат-ку, – деди бош тебратиб, – ўв, шоир бола, ростингни айт: Бухорода ҳам ер қимиirlайдими, йўқми?

- Зилзила демоқчимисиз?
- Ҳа-да, болам.
- Қўрқманг, домла. Бухоро сейсмик зонага кирмайди, кимиirlаса ҳозиргача кимиirlарди-да.

– Ўв, болам, худо билади, деб айт. Биласан-ку, худонинг каромати бисёр! Ҳозир бориб, учта парашют топиб келтирасан. Мабодо, ер кимиirlаса, опаларинг билан пастга сакраймиз...

Кула-кула меҳмонлар билан хайрлашиб, уйга жўнадим. Ёрабким, устознинг кўнглига соглан эканми, ё башоратми, эрталаб соат саккизларда шундай кучли зилзила бўлдики, Бухорои шариф бунақасини ҳеч қачон кўрмаган бўлса керак. Ўша дақиқаларда меҳмонхонага яқинлашган эдим. Машина рули кўлимдан чиқиб кетди. Карасам, кўркувдан бақирган ким, вой-войлаган ким, хуллас, даҳшат эди. Бир оз саросимадан сўнг меҳмонхонага югурдим. Не кўз билан кўрайки, пастда – биринчи қават йўлагида Саид Аҳмад домла, Саида опа, Ойдинхон қалт-қалт титраб туришар, рангларида ранг қолмаган эди.

– Ўв, бола-я, пишмаган бола, – дея менга норози қиёфада гапира кетди устоз, – бунақа дабдабали жойдан кўра бизни битта вайрона дала шийпонига жойлаштиранг бўлмасмиди. Обқўмингдан ўргилай сени, югар опангга сув топиб кел, адойи тамом бўлди-ку бечора.

Гўё Бухорода зилзила бўлганига, азиз меҳмонларнинг оғир ахволга тушишларига ўзим айбдордек, дўконга караб югурдим...

2. “Бу бинони “ЦКЧА”, бунисини “Шум” деб атанг...”

Саид Аҳмад домланинг 60 йиллик юбилейлари арафаси эди. Авжи баҳорда устозни Бухорога таклиф этдик. Илтимосимиз инобатга олингач, домлани энг аввал Шофирконга олиб борадиган бўлдик. Бу ерда Жўракул

Орипов деган киши туман раҳбари бўлиб ишларди. Уруш кечган, нихоятда хокисор, олий мактаблар таълимини кўрмаган бўлса-да, дехкончиликни пухта эгаллаган пок ва соддадил раҳбар эди (жойлари жаннатда бўлсин, илоҳим!)...

Устозни гулларга кўмиб, самимий кутиб олишди. Сайд Аҳмад домла аввалдан танишлиги боис Жўракул Орипов билан бағирлашиб кўришди, сўнг бошқалар билан ҳам. Шу ернинг ўзида қизғин сухбат бошланиб кетди. Кийкирик кулги авж олди.

– Сиз зўр шоирсиз-да, Сайд Аҳмад ака, – деди устознинг қўлтиғидан қўлинни ўтказиб олган Жўракул Орипов, – мана энди, оғайнни, бизни ишларимизга ҳам бир баҳо беринг.

– Қайси ишларингизга, райқўм бобо?

Жўракул ака домлани чеккароққа бошлади.

– Мана бу уч қаватли бинони бир йилда қурдик. Райқўмни янги биноси Иттифоқнинг гербini кўринг, гербini. Шу гербни баландроғига байроқ ўрнатамиз. Мана бу бино эса бизнинг янги “ЦУМ”имиз, яъни Марказий универсалний магазин. Қалай?

– Зўр, Жўракул ака, – деди Сайд Аҳмад домла мазза қилиб кулганча, бир гап айтайми?

– Айтинг, шоир.

– Манови райқўм биноси эмас, ҳақиқий ЦКча бўлибди. Иттифоқни герби, байроғи бўлгач, ЦКча бўлмай нима бўларди. Шундай эмасми?

– Тўғри, Сайд Аҳмад, тўғри-ю, лекин бир оз...

– Энди Жўракул ака, – дея яна завқланиб кетди устоз, – мана бу бинони “ЦУМ” деманг, “ШУМ” дeng, яъни Шафирканский универсалний магазин.

– А, буям тўғри, шоир. Ҳов, менга қара, – дея юзланди Жўракул Орипов орқароқда келаётган бир ходимиға, – эртага ЦУМни олиб ташлаб, “ШУМ” деб ёзdir. Сайд Аҳмад – доно, улуғ шоир. Улуғ одамнинг гапини ерда қолдириб бўлмайди...

3. “Ўша баҳтли шоир биз-да...”

Шоғиркон маданият саройидаги учрашувдан сўнг Саид Аҳмад домлани Жилвон томошасига олиб борадиган бўлишди. Машинада кетяпмиз. Жўракул Орипов йўл бўйи туманнинг келажак истиқболи ҳақида сўзлар, Жилвон чўли ўзлаштирилаётган, янги боғ-роғлар, хўжаликлар, туар жойлар барпо қилинаётганини ифтихор билан ҳикоя қиласар, ҳар замон “қалай, Саид Аҳмад ака, зўрми?” – дея сўраб қоларди. Устоз ҳам завқланганча “зўр эмас, Жўракул ака, жуда зўр, олтин” деб кўярди. Нима бўлди-ю, машина бир чайқалиб кетди.

– Ўв бала, каллангни жойига қўйиб ҳайда, – дея ҳайдовчининг оркасидан никтади Жўракул ака, – мен тарихда ёмон отлиф бўлиб қолишни истамайман. Биласанми, машинада мен билан бирга улуғ бир шоирни олиб кетяпсан. Бир кор-ҳол бўлса-я... Худо сакласин. Нима дедингиз, Саид Аҳмад ака?

– Рост, Жўракул ака, мен бир оддий шоир, сиз бўлсангиз, номдор раҳбар... Эргага газеталарга бирин-кетин никролог чиқиб қолса, мен эмас, энг аввал ўзингиз жавоб берасиз.

– Ана мен айтмадимми? – дея кўзлари бежоланди раҳбарнинг. – Ўв, шофёр, каллангни жойига қўйиб ҳайда машинани...

Орага хиёл жимлик чўқди. Ҳайдовчи радионинг қулогини буради. Ундан ғоятда сўлим бир қўшиқ янгарар эди:

Йўқламаган ҳар кунинг йилча бўлурми, ҳай-ҳай,
Шунчалик шафқат билмас дилча бўлурми, ҳай-ҳай.

Васлингнинг умидида дунёдан ўтиб боргум,
Қаноатда Саида филча бўлурми, ҳай-ҳай.

– Ана бу ашулага борман-да, Саид Аҳмад, – дея сўзга киришди яна Жўракул ака бош тебратиб. – Ўв, менга қаранг, сиз ромончи шоирсиз-а?

– Ҳа, Жўрақул ака, биз ромончи шоир, – тасдиқлади устоз мамнунлик билан.

– Энди сиз ҳам, оғайни, ашула-пашула ёзиб туинг, халқни оғзига тез тушасиз. Ё нодурустми, Сайд Аҳмад?

– Сиз айтасиз-у, Жўракул ака, нодуруст бўладими? Бўпти, шу кундан бошлаб ашула-пашула ёзганим бўлсин.

– Бу бошқа гап, шоир, – дея хурсанд жилмайди котиб. – Менга қаранг, Сайд Аҳмад, ҳозир “ҳай-ҳай” ашуласини эшидик-а? Шуни ким ёзган?

– Саида Зуннунова деган шоира.

– Э, ҳа, шундайми? Ўв, менга қаранг, шу аёлни эриниям зўр шоир дейдилар-а? Бечора, қамоқларда ётиб келган эмиш. Биласизми уни?

– Ўша баҳтли шоир биз-да, Жўракул ака!

– Иби, шундайми?..

Ўргада беғубор кулги кўтарилди.

4. “Ноёб” галстук

Сайд Аҳмад домланинг етмиш беш ёшга кириши арафаси. Устоз қаламкаш дўстлари, шогирдларидан Одил Ёкубов, Ўткир Ҳошимов, Носир Фозилов, Неъмат Аминовлар билан бирга Бухорога ташриф буорибди. Мен ўшанда “Бухоро ҳақиқати” вилоят газетасида бош муҳаррир бўлиб ишлардим. Азиз меҳмонларнинг келиши негадир мендан “сир” тутилган. Бирордан эшитиб, улар хузурига шошилдим. Сўраб-сuriшириб, Неъмат Аминовнинг куёви – Аҳмаджонларникига бордим. Зиёфат куюқ, сухбат, қаҳқаҳа авжида экан.

– Ҳа, болам, сенам каттакон бўб кетибсан-да, – дея бағрига босганча “узиб” олди Сайд Аҳмад домла, – нега бизни кутишга чиқмадинг?

– Узр, устоз. Келишларингдан бехабарман.

– Ҳой, кўзойнак бола, менга қара, – дея юзланди устоз чеккароқда ўтирган вилоят ҳокимлиги ходимига, – сен айтмовдингми бунга?

— Бу кишини топ-тополмай, котибаларига тайинлов-дим, — дея чайналди ходим.

— Кечирасиз, — дедим кулганча, — ёлғон гапириб нима қиласиз? Котиба штати кисқарганига олти ойча бўлди-ку.

— Тушунарли, — деди Сайд Аҳмад домла аллақандай “сир”ни англагандай бўлиб, — айт-чи, эртага ҳокиминг бизни соат нечада қабул қиласи?

— Тўккизу нол-нолда!

— Бўпти, сенга жавоб, ишинг жуда кўп сенинг. Ўзимиз-нинг одам келди, хор бўлмаймиз...

Кўзойнакли киши кетгач, сұхбат янада кўр олди.

Эрталаб белгиланган вактда ҳоким қабулхонасига чиқдик.

— Озгина кутасизлар, — дея узр сўрагандай бўлди ҳоким ёрдамчиси, — қабулларида киши бор.

Кутдик, кутавердик – ўн, ўн беш, йигирма дакика. Вакт ўтиб бораради. Ўргада сукунат хукмрон. Ниҳоят, тоқати тоқ бўлган Сайд Аҳмад домла менга қаради.

— Мухаррир болам, бу неchanчи қават?

— Ўн иккинчи.

— Ростингни айт, бу ерда зилзила бўлмайдими?

— Зилзила ҳокимга кириб-чиққанимиздан кейин бўла-ди, — дея менинг ўрнимга жавоб қилди Ўткир Ҳошимов.

— Ўв, болам, нафасингни иссиқ қил-е. Бухородаги ер қимирилашнинг мазасини мен татиб кўрганман. Ҳозир ётган меҳмонхонангнинг оёғи осмондан келувди. Ўзинг гапириб бер, шоир буларга. Бу гал парашютни унутганинг йўқми?..

“Парашют” воқеасини Одил акага айтиб беришга улгуролмадим. Эшик очилиб, ҳоким меҳмонларни ичкарига таклиф этиб қолди. “Қабул маросими” фоят қиска бўлди. Ҳоким иши тифизлигини, ҳозир қайсиdir туманда мажлис ўтказиши зарурлигини айтиб, узр сўраган бўлди. Сўнг тутгачани босиб, ёрдамчини чакирди. У киргач, кўзи билан имлаб, ички эшикни кўрсатди. Ёрдамчи йигит тезда кириб, ингичка, узун ғилофли бир нарсани олиб чиқди.

— Энн-дии, — дея ўрнидан күзгалди хоким сал жилмайиб, — Саид Аҳмад домла, мана бугун сиз етмиш беш ёшга кираётган экансиз. Табриклаймиз. Мана шу савғони кичик бўлсаям, катта ўрнида кўрасиз.

У ярим газча келадиган ингичка ғилофдан кизғиши гулли, узун галстук (бўйинбоғ) чиқарди.

— Муборак бўлсин, домлажон, илойим юз ёшгача шу галстукни тақиб юринг.

Табаррук ёшга кираётган нуроний устоз лолу ҳайрон эди. Қолганлар ҳам. Барчанинг кўнглидан бир ҳадик кечарди: олай деса, олишга арзимайди. Олмай деса, вилоятнинг бош раҳбари совғани узатиб турган бўлса. Ажабо, устоз қайси йўлни танларкин?

— Раҳмат, ҳоким бова, раҳмат! — дея сарак-сарак қилганча сўзлай кетди устоз. — Вой-бўй, бу ноёб бўйинбоғни қаердан топдингиз-а? Жа машаққатлар чекибсиз-ку! Ўткир болам, сен бир қара бунга, ўзиям Американскийми дейман.

— Қарибсиз, устоз, галстук билан галстук ўртасида фарқ бор. Бу мировой галстук. Парижники!

— Сен ҳам танимас экансан бўйинбоғ деган зормандани, — сўзни илиб кетди Одил ака, — буни анави кўзи қисиқ японлар тўкиб чиқаришган, атайлаб Саид Аҳмад aka учун. Хўш, сен нима дейсан, Носир қозоқ?

— Вой-баёв, бовурларим, — дея галстукни кўлига олди Носир Фозилов. — Агар билсаларинг, бунака бўйинбоғни фақат Африкада негрлар боғлаб юришади. Куттуғ бўлсин, устоз, сизга жа ярашади-да, шунақаси!

— Қани, мен ҳам бир кўрай-чи, — деди Невъмат Аминов галстукни қўлида астойдил айлантириб, — жа зўрку-а? Буни узунлигини қаранг. Нақ икки метрча келади-я! Устоз, хурсанд бўлинг, бунақасини чирок ёқиб ахтарсангиз ҳам тополмайсиз. Фақат бўйинга эмас, белингизга боғлаб юрсангиз ҳам бўларкан. Манави лапарчасини биқинга осилтири-иб юрасиз, лазгинларга ўхшаб...

– Бўпти, Неъмат болам, бўпти, хурсандман. Яқинда сен ҳам олтмишга кирасан. Агар маъқул тушган бўлса, сенга берақолдим шу зормандани. Бошқа совға кутма мендан. Манави ҳоким бовангдан иккимизга табаррук тўёна бу.

Мехмонлар бири олиб, бири қўйиб, хохолаганча ўринларидан кўзғалишиди. Лифтга яқинлашарканмиз, ёрдамчи мени чақириб қолди.

– Ҳокимга қарапкансиз.

Ичкари кирсам, ҳоким ҳамон тик турганча важоҳатли, юз-кўзлари терлаб кетганди.

– Устозу жўраларингизни гапини эшитдингизми? Бу ҳоким экан деб андишаям килишмайди-я! – деди у тунд киёфада. – Нима, мен ёмон совға бердимми?

– Ёмонмас-у, лекин кўп яхшиям эмас-да, – дедим рўйирост, – шундай улуғ ёзувчи етмиш беш ёшга киради-ю...

– Бўлди, тушунарли, сиз ҳам ўшаларни биттаси – гапни аямайсиз, қайсарсиз. Мени эмас, уларни қўллайсиз. Майли, боринг, учрашувларга ўзингиз бош бўлиб, яхши ўтказинг. Тағин хафа бўлиб кетишмасин улар, ҳаммаси “Муштум”чи!..

Ўша куни Бухоро туманида, кейин Қоракўлда шундай тантаналар бўлиб ўтдики, таърифиға тил ожизлик қиласи. Халқ, оддий китобхон Сайд Аҳмад домлани, қолган барча адилларни бошларига кўтаришиди. Юбиляр устозга зарбоф тўнлар кийдиришиди. Одил Ёқубов, Ўткир Ҳошимов, Носир Фозилов, Неъмат Аминовларнинг ҳам хурматлари жойига қўйилди. Буни, албатта, маънавиятнинг, ёзувчи заҳмати, сўз қудратининг қадрига етадиганлар қилишиди. Ҳар қалай, “ноёб галстук” воқеасидан кейин бўлиб ўтган бундай самимий учрашувлар менинг ҳам кўнглимдаги хиракликини тарқатгандай бўлди.

ҚАДИМ-ҚАДИМДАН БҮЁН...

1978 йил март ойининг охирлари эди. Москвадаги Марказий Адабиётчилар уйининг қаҳвахонасида шоир Ҳабиб Саъдулла (Оллоҳ раҳматига олган бўлсин!) билан чой ичиб ўтиргандик. Бир пайт: “Йигитлар, ёнларингда ўтирсак бўладими?” – дея сўраб қолди нуроний бир киши соф ўзбек тилида.

Ўгирилиб қарасак, тепамизда машҳур шоир, оташин адаби Мирзо Турсунзода, ёнида эса шогирди Шавкат Ниёзий туришибди.

– Марҳамат, устоз, мана бу ёкка – тўрга ўтинглар, – дея ўрнимиздан қўзгалиб, саломлашдик. Атрофга разм солсак, дарҳақиқат, қаҳвахона тирбанд. Дўстларимиз курсига оҳиста чўкди.

– Хўш, йигитлар, қайдан келгансизлар? – сўради Турсунзода устоз мулойимлик билан.

– Биримиз наманганлик, биримиз Бухородан, – дедик лутф билан.

– Раҳмат, ажойиб! Лекин бир нарсани сўрасам майлими?

– Сўранг, устоз, юрагингиздагини эшитайлик, – дедим хушнудлик ила.

– Мана, кўряпсизлар. Ўзбекчани яхши билар-каиман-а?! Тўғрими? – дея мулозамат билан менга қаради. – Хўш, кадрдонларим, сизлар-чи? Тожик тилини биласизларми?

– Биламиз, домла! Тўғриси, мен яхширок биламан, – дедим у кишига ва шогирдига қараб.

Шу пайт Ҳабиб хурсанд бўлиб, тожик тилида бурро-
бурро сўзлай кетди:

– Не, жўражон, – деди у менга қараганча шаҳло кўзларини
пирпиратаркан, – ман ҳам тожикиро хуб медонам.

Кейин мен устоз Ғафур Ғуломнинг машхур шеъридан
айта бошладим:

Якин қуда-кудағай, қадим-қадимдан буён,
Бирининг ўғли тожик, келини ўзбек қизи.
Отаси фарғоналик, модари аз Бадахшон,
Она тилиси тожик, аммо ўзбекдир ўзи.

– Ўзал! Офарин! – деди устоз мамнун ҳолда. Шавкат
Ниёзий эса “Тасанно! Тасанно!” деганча кўлини кўксига
кўйди. Ҳабиб Саъдулла эса “Ўзбегу тожикнинг дили ҳам,
тили ҳам, хаёти ҳам, баёти ҳам бир – оҳанрабо! Шундай
эмасми, устоз”, – деди хурсанд бўлиб.

– Албатта-да! – деди Мирзо домла кўзлари қувончдан
порлаб. – Бир гапни айтай: Жомийлару Навоийлар, Айний
ва Қодирийлар дўстлик тамал тошини кўйганларки, ўша
қадрдонлигимиз ҳозиргача давом этаётир. Масалан, Жалол
Икромий билан Абдулла Қаҳхор дўст бўлишган. Ёки
Пиримкул Қодиров билан Фотих Ниёзий, Одил Ёқубов билан
Фазлиддин Муҳаммадиев, Лойик билан Абдулла Орипов,
Мўмин Қаноат билан Эркин Воҳидов бир-бирларига қўл-
қанот бўлиб ижод қилишяпти. Мен эса Миртемир билан
қадрдонман. Зулфия ва Гулчехра Сулаймоновалар опа-
сингилдек учрашиб, кўришиб туришади. Ҳозир Душанбеда
кўплаб ёш қаламкашлар етишиб келишяпти. Сизлар ҳам
улар билан дўст бўлиб, ижодий ҳамкорлигимизни давом
эттиришларингиз керак. Зуллисонайн ижодкор бўлишга
нима етсин?! Тўғрими, укажонларим?

– Тўғри, – дедим самимият ила у кишига караб, –
Бухорога келинг, сизни шогирдларингиз билан кутиб олишга
тайёрмиз.

— Ташаккур, — деди Мирзо домла, — аммо сизлардан бир оз хафа бўлганмиз...

— Нега, устоз?

— Гап шундаки, Садриддин Айнийнинг ҳовлисини, унинг ёнидаги масжидни вайрона қилиб қўйибсизлар. Менга айтишди. Хусусан, устоз Айний ёшлигига таҳсил олган ўша масжид хор-зор бўлиб ётибди экан. Ёки раҳбарларингиз бундан бехабарми?

Бирпас тараддуланиб қолдим. Устоз ҳаммамизнинг кўнглимиzdаги оғриқли гапни топиб айтаётганди.

— Ўтган йили Бухорода даҳшатли зилзила бўлганди. Кўплаб иморатлар қатори Айний бобомизнинг уйи ҳам, унинг ёнидаги масжид ҳам зилзилага дош беролмаган. Биз, бухоролик шоир-ёзувчилар раҳбарлар билан бирга Ғиждувонга бориб, ҳолатни ўргандик. Заарар кўрган биноларни, жумладан, Садриддин Айний ҳовлиси ва масжидни таъмирлаш лозим, деган хуносага келинди. Ҳозирда у ерда иш қизғин. Яқин кунларда Соктаре қайта чирой очади. Сентябрь ойида устознинг юз йиллигини нишонлаш кўзда тутилган. Шу муносабат билан ажойиб боғ ҳам барпо этиляпти. Боғ ўртасида устоз Айний бюстини ўрнатиш режалаштирилган. Вилоятнинг шахар ва туманларида юбилейга тайёргарлик авжида. Бухоро шаҳридаги кўчалардан бирига, қатор мактабларга устознинг номи берилган. Устоз номи билан юритиладиган вилоят мусикали драма театри қайта жиҳозланяпти. У кишининг “Дохунда” асари юбилей муносабати билан сахналаштириляпти...

— Тасанно, укажон! — дея ҳаяжонланиб ўрнидан туриб кетди Мирзо домла. — Менга нотўғри хабар етказишган экан. Шунча ишлар бўлаётган экан-у, мен ноўрин хафа бўлиб юргаи эканман-да. Устоз Айнийнинг қариндош-урұғларига, вилоят ва туман раҳбарларига менинг миннатдорчилигимни, албатта, етказинг. Насиб этса, юбилейга бораман. Сизлар ҳам Душанбега бориб туринглар...

Афсуски, устоз Мирзо Турсунзода ўша учрашувдан кўп ўтмай оламдан ўтди. Устоз Айний кезган кўчаларни, у киши яшаган уйни, таҳсил олган масжидни зиёрат қилса, умрига умр қўшилармиди... Устоз Айнийнинг отаси Шоғирконнинг Маҳаллиболови қишлоғида барпо этган масжидни тавоф этиб, унинг гўзал устунига ўйиб ёзилган “Дунё яхшиликдан яралган, яхшилик ила равнақ топгусидир” битигини ўқиб, хайратга тушармиди. Биз, бухороликларнинг қадриятларга нечоғлик содиқлигимизни кўриб, яна бир бор тасанно айтармиди? Ахир, одамзод дунёга ё ибодат, ёки иморат учун келади. Иморатни ибодатга айлантириш эса дунёдаги камдан-кам халқларга насиб этган. Устод Айний ва Мирзо Турсунзода каби улуғлар ана шундай баҳт насиб айлаган зотлар эдилар. Шу боис улар икки халқ қалбida абадий яшайверадилар.

УСТОЗ ИКРОМИЙ САБОҚЛАРИ

1. Суғдийларнинг авлоди...

Жалол Икромий домла билан устозу шогирд сифатида кўп жойларда бирга юрганмиз. Қачон юртга келса, дарҳол телефон киларди:

– Ман омадам, Тошпўлотжон! Шумо нағзми? (Мен келдим, сиз яхшимисиз?) – дерди. Сўнгра ўзбекча гапиради. Чунки домла ўзбек тилини ниҳоятда яхши билар, хусусан, Абдулла Қаҳҳор, Одил Ёқубов, Пиримкул Қодиров, Сайд Аҳмад, Абдулла Орипов ва бошқа шоибу ёзувчилар билан тез-тез мулокотда бўлар ёки улар билан хат орқали муносабат ўрнатганди. Устоз, хусусан, Абдулла Қаҳҳор билан жуда кадрдон эди. Улар ўртасидаги дўстлик – устод Айнийдан мерос. Бу ҳақда бир неча марта сўзлашганмиз.

– Абдулла Қаҳҳор бир қадар шўх, ҳазилкаш, хушзабон ва хушмуомала киши, – деганди Икромий домла бир сухбатда, – лекин ҳар кимга ҳам эмас! У лаганбардорлик ва хушомадгўйликни, иккюзламачилик ва сохталикни ёмон кўрар, ёлғон-яшиқ сўзламокни билмасди. Ўрни келса, қаттиқ гапирад, аяб ўтирасди. Гоҳо эса чилпарчин қилиб ташларди. Ҳеч кимдан қўрқмасди. Дўстларига меҳрибон, душманларига эса шафқатсиз эди. Ўз қадрини яхши билар, бирорвлардан тамагирлиги йўқ эди. Ўрни келганда, – деганди Икромий домла, – бир ҳақиқатни айтайин: устоз Айний қайси бир шогирдининг одам бўлишига кўзи етса, уни раҳмсиз “савалар”, танқид тигига оларди. Абдулла Қаҳҳор эса ўз

шогирдларидан бўладиганлари учун жон койитар, шарафли ижод йўлидан тоймаслик, ёлғон ёзмаслик ва ҳаромдан ҳазар килишни уқтириб, талабчанлик қиласарди.

Шунака ажойиб инсон эди у. Кўп марта мулокот килганмиз, Тошкентда ҳам, Душанбеда ҳам! Абдулла Қаҳхор билан сўнгги учрашувимиз Москвада иттифоқ ёзувчиларининг қайси бир анжумани олдидан содир бўлган эди. У “Москва” меҳмонхонасининг мен яшаётган каватидаги хоналардан бирида жойлашган экан. Уни бир оз бетоб деб эшитгандим. Сиҳат-саломатлигини сўрадим.

— Хечкиси йўқ, бир оз чарчаганман. Ўтиб кетса керак, — деди.

— Хайриятки, Кибриёхоним ёнингиздалар. Энди ҳар иккимизнинг ҳам ёшимиз шуни тақозо этади: хонимларимиз доим кўз олдимизда бўлишлари керак, — дедим.

Абдулла Қаҳхор чиройли жилмайди:

— Тўғри айтдингиз, хотин деганингиз нондай гап экан, доим ёнингизда бўлса ҳам кўнгилга урмас экан.

Кулишдик. Хасталик уни енга олмаганидан, ҳамон шўхлигини қўймаётганидан кўнглим кўтарилиди. Ҳа, бутун умр заргарона ижод қилган, ўз ҳалқи билан ифтихор этган мағрур ёзувчигина чинакам баҳтли ижодкордир...

Сұхбатларимизнинг яна бири Шароф Рашидов ҳақида кечган эди.

— Мен бу инсонни, — деганди Икромий домла, — дўстим, биродарим деб биламан. Байрам деганлари кўп эди. Шундай саналарда Рашидовнинг “Муаллим Икромий” ёки “Домла Икромий” деган телеграммалари келарди. Ўша кунларни ҳақиқий байрамона кайфиятда ўтказар эдим. Дарҳақиқат, бу инсон катта қалб эгаси, доно адиб, дўстни эъзозлай оладиган, хусусан, ёшларнинг ҳақиқий мураббийси, устози эди. Майли, бирорлар айтишар, лекин у абадий барҳаёт сиймолар сирасида яшайверади...

— Энди тўғрисини айтсам, — дея кулимсираб, дил дафтарини очдилар Икромий домла, — XX асрнинг

60–70-йиллари ўзбек шеъриятининг гултожи деб Абдулла Ориповни биламан. Абдуллажон ва бизнинг Лойифимиз – икковлари жўра. Унисиям, бунисиям – бир-биридан зўр. Ҳа, энди, Абдуллажоннинг ибн Сино хақидаги достони “даҳшат”! Ўқиб-ўқиб, тасанно айтганман унга! Ўтган йили Душанбега Абдуллажоннинг келганини эшишиб, вазоратнинг меҳмонхонасидан топдим. Уни ўғлимдай бағримга босиб, пешонасидан ўпдим. Кейин ҳол-жонига қўймай, ҳовлига олиб кетдим. Истеъодли шоир укамнинг оёғи остига қўй сўйдим. Машхур ҳофиз Жўрабек Муродовни ва бошқа ёрдўстларни чорладим. Абдуллажон ниҳоятда хурсанд бўлди, ота-ўғилдай суратга тушдик.

– Жоним укам, – дедим унга, – Бухорою Қаршининг тупроғи бир. Одамлари ҳам. Сиз ҳам, мен ҳам битта чўлнинг гиёҳ ва гулимиз. Келиб туринг, тез-тез учрашайлик. Илоҳо, гўзал шеърларингиз мағрур жаранглайверсин!

– Шунаقا, ўзбегу тоҷикнинг илдизи битта, – деганди тагин устоз мамнуният билан, – ҳар икки ҳалқ чўнг чинор дараҳтининг кайрилмас икки танасидай гап. Бу чинорнинг бирор япрогига ҳам гард тегизмаслигимиз керак. Ғафур Ғулом жуда тўғри башорат этган:

Суғдийларнинг авлоди – оға-ини меҳрибон,
Ким бундан фарқ ахтарса, тарихда бўлур кулгу...

Мана шу буюк иқрор туфайли Ўзбекистонни ҳам, Тожикистонни ҳам юрагимга туташ жонажон масканлар деб биламан: бири кош-у, бири кўз. Келинглар, жўралар, дўстликни биродарликни, ҳамжиҳатликни доимо эъзозлайлик.

2. Мен ва менинг...

Икромий домла ўндан ортиқ романлар муаллифи. Буларнинг ҳар бири ҳалқимизнинг маънавий дурдоналари.

Хусусан, “Олов қизи” романи ёзувчининг олмос истеъдод соҳиби эканини кўпчиликка яна бир исбот этди. 1964 йилда мазкур асари учун ёзувчига Рудакий номидаги Давлат мукофоти берилган.

– 1964 йилнинг баҳори эди, – дея эслайди Икромий домла, – Москвадан поездга чиқсан, машхур ёзувчи Мариетта Шагинян ҳам Душанбега иш билан кетаётган экан. Танишдик. Гап мавзуси ижодга бориб тақалди. Шунда у кишига эндиғина машинкалланган “Олов қизи”нинг русча нусхасини бердим. Тўғриси, шундан кейин ўзимга жабр бўлди. Чунки яқин сұхбатдошимдан ажралгандим-да...

Мариетта хоним купеда уч кеча-кундуз бош кўтармай, романни ўқиб чиқди. Сўнгра, устозим кимлигини билгач, “Агар Айний тирик бўлганида сени астойдил қутлаб, пешанангдан ўпган бўларди”, деди. Романинг давомини ёзишимни ва уни зудлик билан чоп этиш лозимлигини айтди. Орадан кўп ўтмай, асар Москвада босилди. Ундан кейин “Бухоронинг ўн икки дарвозаси”, “Ағдарилган таҳт”ни ҳам рус китобхонлари самимий кутиб олдилар!

– Тўғри, “Шоди”, “Сафар Махсум саргузаштлари”, “Хатлон” каби аввалги романларингиз ҳам, – дедим устозга саволомуз нигоҳ қадаб, – сизга кўп шуҳрат келтирган. “Қора кузғунлар” романингизнинг ёзилиш тарихи, тақдирчи?

– Энди, укам, – деди чой хўплаб устоз, – бу асаримда пораҳўрлик, товламачилик, гурухбозлик, ошна-оғайни гарчиликка қарши курашга чакирганман. Ёзувчи дегани иллатларни баъзи шахсларда кўради ва уларни “қора кузғунлар” деб атайди. Шундай эмасми? Бу асар энг аввал рус тилида, сўнгра чех, польяқ, немис, булғор ва бошка қардош халқлар тилларида босилди. Кейин сиз шахсан озурда бўлдингиз, чарчадингиз. Романинг сиз амалга оширган ўзбекча таржимаси менга ҳам, бошқаларга ҳам манзур бўлганди. Биласизми-йўқми, “Зоғҳои бадмур” (“Қора кузғунлар”)ни Шароф акага олдинроқ юборганман. Чунки у киши тожик тилини яхши биларди. Ўшандা

“Бухоролик шоир шогирдимиз романни таржима килса-ю, нашриёт китобни тезроқ босса. Бунга не дейсиз”, дея Шароф акага хат ҳам ёзганман. Ҳа, энди нима дейин. У киши билан ниҳоятда ака-уқадай қадрдон бўлганмиз. Қачон Тошкентга тушсам, албатта мени қабул киларди. Адабиёт ва дунёнинг паст-баландлари ҳақида гурунглашардик. Бир томони шундаки, у киши пойтахтдагина эмас, вилоятлар, ҳатто қишлокларда яшаётган истеъододли шоир-ёзувчиларнинг ижодини кўриб, сўраб, уларни доим кўз остига олиб юрарди. Шулар қатори сизни ҳам. Чунки республика газета-журналларида босилган шеърларингиз, публицистик мақолаларингиз у кишига маъқул бўлган. Бу ҳақда менга айтганлари эсимда.

– Раҳмат-у, лекин буюк бир раҳбар ва машҳур адидан қутлов олиш ҳазилакам гап эмас, – дедим юз-кўзим терлаб, – бунинг учун қаттиқ ишлаш керак-да ахир, мен бўлсан...

– Тушундим, тушундим, – деди Икромий домла қулим-сираб. – Биласизми, Хожа Ориф Моҳитобон авлиё бобомиз айтадилар: “Эй ориф, бу дунёда вужудинг билан ва у дунёда қалбинг билан бўл!” Дарҳақиқат, сиз, укам, романними худди ўзингизнинг асарингиздек билиб, бутун вужудингиз илиа таржима қилгансиз. Бунинг учун тасанно, укам!

– Устоз, мен ҳам сизга ўхшаб ялқовликни ёмон кўраман, – дедим Икромий домлага қараб, – агар соглик кўтарса, фақат ишлаш керак экан. Биласизми-йўқми, ўшанда Тошкентдан хукумат вакили – таниқли адабиётшунос олим Пирмат Шермуҳаммедов келганди. Вилоят фирмә кўмитасига чакириб, шундай деганди:

– Тошпўлатжон укам, тўғрисини айтай. Шахсан Шароф ака сизга салом айтдилар. Шоирлигинги зни билар эканлар. Уч-тўрт ой ичida Жалол Икромийнинг “Зоғҳои бадмур” романини таржима килиб, нашриётга элтиб бериш керак. Бу – каттанинг сизга билдирган ишончи! Ҳамма ишни кўйиб, қаттиқ ишлаш керак. Шундай эмасми?

– Ташаккур, Пирмат ака! – дедим хурсанд бўлиб, – келинг, Мавлоно Румийнинг бир ажойиб сўзини айтай: “Бўйи гул бошад далели гулистон”, яъни “гулнинг хиди гулистондан далолатдир”. Ахир мен ҳам бу икки буюк инсоннинг сўзларидан – гулларидан атир оламан-да! Айтганингиздай, роман таржимасини тезда тугатаман.

Ойлар, кунлар ўтиб кетар экан. Одамлар ҳам... Роман таржимасини тугатиб, нашриётга ўз вактида элтиб бердим. Афсуски, роман корректураси қўлга етганида Шароф ака вафот этди.

– Вой жигарим-е, – деганди ўшанда Икромий домла ийғлагудай бўлиб, – шундай одам дунёдан ўтар экан-да. У киши бетакрор инсон эди. Раҳбар сифатида ҳам, адиб сифатида ҳам! Абу Райхон Беруний домламиз айтадилар: “Аждодингнинг шуҳратига суюнма, ўзингга ўзинг шуҳрат топ!” Ўзига ўзи абадият ҳайкалини тиклай олган шундай инсон эди Шароф ака! Ҳар бир инсоннинг қадр-киммати ўз ишини қойил қилиб бажаришида, – деган улуғ хикмат ҳам устоз Берунийдан мерос.

– Келинг, энди укам, – деди Икромий домла сўзининг охирида, – сизга мавлоно Румийнинг бир гўзал сўзини айтайн; мана, эшигининг: “Оламни гўзал гулистанга айлантирувчи хаёлдаги нур – Инсон қалбидаги Оллоҳга бўлган меҳр нуридир. Бу меҳр нури барча инсонларга берилган. Чунки инсон Оллоҳ меҳридан яралган ва Яратувчининг меҳри унинг қалбida жойлашгандир”. Менинг дўстларим, биродарларим, шогирдларим қалбим, бағрим – гавҳарларимдир. Мен уларни қалбимдаги ёник меҳр билан севаман, соғинаман...

3. Устод Айний бўлганларида...

Икромий домланинг 60, 70 йиллик юбилейларида катнашганман. Бухорода ҳам, Душанбеда ҳам! Саксонинчиси эса ниҳоятда зўр бўлганди. Биродарим, ёзувчи Аминжон

Шукуров (Оллоҳ у кишини ўз раҳматига олган бўлсин!) билан Душанбе вокзалида тушганимизда бизни кутиб олишди. Вазорат ва Республика Ёзувчилар уюшмасининг ходимлари домламизнинг уйига олиб боришиди. Қарасак, кўй сўйилган. Машхур шоир-ёзувчилар, санъаткорлар, олимлар – Мўмин Каноат, Шерали Лойиқ, Юсуф Акобиров, Мехмон Бахти, Камол Айний, Мухаммаджон Шукуров, Ато Мухаммаджонов ва бошқалар бизга кучоқ тутишди. Икромий домла эса хушу хандон.

– Юртдан Аминжону Тошпўлатжон келишибди-я, дажонам, дилижонам шумо, – ҳар биримизни ўпиб, қучиб, ўртага ўтқазди устоз, – она Бухоронинг тупроқ ҳидларини олиб келишяпти бу шогирдларим, шундай эмасми?

– Тасанно, тасанно! – дейишиди меҳмонлар.

– Энди, гап шундай, – деди Икромий домла бизга қаратса, – ҳозир хатми Куръон қиласигиз. Ташифларингиз бошимиз устига. Эртага “Лоҳутий” театрида менинг тўйим бўлади. Сизларга албатта сўз берадилар...

Дарҳақиқат, шундай бўлди. Дунёning кўп жойларидан қанча-қанча сўз фидойилари минбарга чиқиб, устозни алқашди. Рус, польяқ, румин, чех, булғор, араб ва эрон адибу олимлари юбилиянинг нечоғлик азиз ва улкан санъаткор эканлиги тўғрисида тўлқинланиб сўзладилар. Ўзбекистонлик таникли шоир ва ёзувчи Ҳамид Ғулом эса ўзбек халқи номидан лутф айлади. Кўнглидаги барча истакларини изҳор этди. Сўнгра менга ҳам сўз берилди.

Энг аввало, ўзбек, сўнгра тожик тилида Икромий домланинг том маънодаги Бухоро фарзанди, Бухоро куйчиси эканлиги ҳакида баралла гапирдим. “Бутун умр она тупрофини, унинг ўтмиши, бугуни, келажагини, одамларини ўйлаш ҳақиқий санъаткор ёзувчининг бахти, иқболи эмасми? Чинакам фарзандлик шукухи эмасми”, – дея яқиндагинаFaфур Ғулом номидаги Адабиёт ва Санъат нашриётида устознинг “Қора кузғулар” романни менинг таржимамда босилганини айтиб, китобни Икромий домлага такдим

этдим. Залдагилар гулдурос қарсак чалишди. Аминжон Шукуров иккимиз устознинг елкасига зар тўн ёпдик. Сўнгра Икромий домлага багишлиланган шеъримни ўқиб бердим;

Ажиб чаманзорга кирдим мен, дўстлар,
Дилда файрат билан юрдим мен, дўстлар,
Жилвагар рангларни кўрдим мен, дўстлар,
Мақтовор туғанмас боғ экан, бу боғ.

Боқсам, ушбу боғнинг навоси авжли,
Мұхаббатдай бокий чашмаси мавжли,
Гар айтсам, сартосар дунёси авжли,
Вафодан яралган боғмикан, бу боғ?

Боғбонинг айт менга, чашмажон, дедим,
Мехринffa, сехринffa ташна жон, дедим,
Күёшга ошносан, яшна, ён, дедим,
Эътиқод яратган боғмикан, бу боғ!

Чашма майин кулиб: тинглагил, деди,
Боғбонлик таълим мин англагил, деди,
Боғбонлик – бокийлик, ёд этгил, деди,
Садоқат яратган боғ эрур бу боғ.

Гар билсанг, боғбоним – меҳнаткаш, ҳалол,
Не-не ниҳолларни этган баркамол,
Яъни Икромийдир, номлари Жалол,
Мехрга ошиён боғ эрур бу боғ.

Бош эгиб, боғбонга таъзим, шон, дедим,
Бағри Бухородай нурга кон, дедим,
Ўзбеку тожикка тенғ ўғлон, дедим,
Мангу бехазондир у яратган боғ,
Мангу жонажондир у яратган боғ!

Шеърни тугатар-тугатмас, ёнимга келган таниқли шарқшунос олим Камол Айний қулогимга секингина пи-чирлади:

– Биродарим, жоним укам, тожик тилида шундай ажойиб гапирдингизки, устоз Икромийнинг кўзларида нур порлаб кетди. Ўзбек тилидаги шеърингиз эса кўнглимизни яйратди. Агар устод Айний сафимизда бўлганларида, сиздан бағоят миннатдор бўлардилар.

– Ташаккур, – дедим Камол акага, – анча олдинроқ Айний домлага ҳам балладалар ва бир неча шеърлар бағишилаганман. Эшитмаган бўлсангиз, уларни сизга жўнатаман. Демак, бузрук отангизнинг руҳларини анча олдинроқ шод этмоқка уринганман! Ахир устод Айнийнинг асарларини кўнглимнинг бир парчаси, деб биламан. Устод Айний – тирик тарих, халқ ва миллат фахри! У кишининг ҳар бир каломини бағримизга босишга, қабрлари тупроғини кўзимизга суртишга бурчлими!

4. “Фитрат – устозларимдан бири...”

Устоз Жалол Икромий тарих билимдони эди. Айниқса, яқин ўтмиш гувоҳи сифатида кўп нарсани билар, қалбида устозлар хотираси билан боғлиқ дардлари қатма-қат эди. Ҳар гал Бухорога келганида, у кишини гапга солар ва айтганларини қоғозга туширишга ҳаракат қиласадим. Ушбу битикларни ҳам ана шундай сухбатлардан бири чоғида ёзиб олганман. Устознинг дард тўла ҳикоясини қандай бўлса – шундайлигича эътиборингизга ҳавола этмоқни жоиз билдим:

“Бухоро педагогика билим юртининг юқори курсида ўқиб юрган чоғларимда Абдурауф Фитрат бизга адабиёт фанидан дарс берарди. Бу киши муаллимлар орасида энг зукко, адабиёт соҳасининг етук билимдони эди.

Фитратнинг ўзи бухоролик, замонасиининг мунаvvар фикрли кишиларидан бири бўлиб, Бухоро жадидлари билан бирга Туркия (Истамбул)га бориб, илм таҳсил қилди. У буюк истеъдод соҳиби, ватанпарварлик, халқпарварлик,

инсонпарварлик руҳидаги нафис, тожик ва ўзбек тилларида ёзилган катор китоблар муаллифи эди: “Ҳинд сайёхи”, “Мунозара”, “Сайха”, тўнтаришдан кейин яратилган “Ҳинд ихтилолчилари”, “Абулфайзхон” сингари пьесалари шулар жумласидандир. “Дорилмуаллимин” ҳаваскорлик дастасида мазкур “Абулфайзхон” пьесасини сахналаштириб, Ҳалқ уйида намойиш ҳам этган эдик. Мен бу спектаклда, асосан, суфлёрлик қилдим, баъзан кичик ролларни ўйнашга ҳам тўғри келди. Ёдимда, ҳаваскорларнинг бу чикиши томошибинларга жуда маъқул бўлди ва биз уни бир неча маротаба намойиш этган эдик.

Яна шуни биламанки, Фитрат тўнтаришдан кейин Бухоро Ҳалқ Республикасида маориф нозири эди. Бухоро миллий мусиқа мактаби бевосита унинг ташабbusи билан ташкил қилинди.

Домла Ҳалим Ибодов, Акамуллои Тоҳиржон, Отагиёс, Отажалол каби “Шашмақом” дарғаларини бир ерга жамлаб, улар қўли остига талай шогирдларни йиғди, Мутаваккил Бурхонов ва Мухтор Ашрафий каби машхур бастакорлар ўша Фитрат ташкил қилган мактабнинг собик ўқувчилари эди. У профессор Мироновни Бухорога чакириб, Отажалол ва Отагиёсларни унга ҳамроҳ қилди ва “Шашмақом”ни нотага ёзиб олишни бошлади. Афсуски, ўшанда “Шашмақом”нинг факат аввалги китоби чоп бўлди, қолган қисмларининг нашри кейинрок Ўзбекистон ва Тожикистонда етук мусиқа билимдонлари – Юнус Ражабий, Фазлиддин Шаҳобов, Шоҳназар Соҳибов, Бобокул Файзуллаев ва бошқалар саъй-ҳаракати билан амалга оширилди.

Фитрат Бухоро ҳалқининг маданий-маърифий савиясини ошириш йўлида шоён хизматлар қилди. У икки-уч йил Москвада илм таҳсил қилгандан сўнг, яна Бухорога қайтди ва бизнинг “Дорилмуаллимин”да адабиётдан дарс бера бошлади. Фитрат мумтоз, ширинсухан шоир, забардаст носир ва аъло даражадаги драматург ҳам эди. Асарлари ўз вақтида катта нуфуз ва обрў қозонди. Чунончи, “Сайха”да

она тупроғи Бухоро ҳакида күйиб-ёниб күйидаги мисраларни тизади:

Тонгла тавоф айлагани чик, Ватанимдур,
Ох-ох, не Ватан, саждагоҳу жону танимдур.

Иzzat-шарафим, тинчим у, аршимда тўлин Ой,
Ҳам қалбим у, ҳам Каъбам у ва ҳам чаманимдур.

Истибдод хароб айлаган аҳволи намоён,
Фам панжасидан чок-чок либосу баданимдур.

Золим чангалидан то халос этмай яқосин,
Кўймам сира, бўйнимга илинган кафанимдур.

Бор энди, шитоб панжасини ул ера қўй ва
Деворини ўп, лаб-даҳанинг – лаб-даҳанимдур.

Аввал бу менинг орзу саломимни қил ифшо,
Сўнг айла гўзал шаҳри Бухорони тамошо.

Фитрат ватани – Бухорони жону дилидан севарди, унинг озодлиги йўлида улкан қўшиш ва жонбозликлар кўрсатди. Файзулла Хўжаев билан ҳамдам, ҳамнишин ва дўст эди. Устод Айний унинг истеъоди ва ижодига юксак баҳо берган эди. Шўро даврида у олим сифатида ҳам довруқ қозонди, профессор илмий даражасига ноил бўлиб, олий ўқув юртларида адабиёт тарихидан дарс бера бошлади. Бу соҳадаги талай тадқиқотлар қилиб, китоблар ёзишга улгурди. “Қутадғу билиг”ни аввал у топди, тадқики билан шуғулланиб, мақолалар ёзди. Фитрат бизнинг синфимизга кириши билан барча талабалар нафасини ичига ютиб, устодни жон-кулоги билан тинглашар эди. У шеър коидалари, наср ва драматургия янгиликларини равшан мисолларда тушунтириб берарди. Дейлик, шеъриятда вазнлар хилма-хиллиги – ҳижо ва аruz вазнлари борлигини, мен аввал шу

домламдан эшитганман. Устоз аруз вазнини бизга шундай тушунтирган эди: арузни бармоқ билан санаб бўлмайди: аруз вазнини идрок этишда шоирнинг кулоғи – тарози; аруз вазни бир қадар узун мисралардан иборат. Масалан: фоилотун, фоилун; ёхуд мафоилун, фоилун ва ҳ.к. Агар бир шеърни аруз вазнига солсак, куйидагича бўлади:

Ёр бепарво, фалак бе дарду, даврон бесутун,
Дарди йўқ, ҳам дарди чўқ, душман қавий, толеъ забун.

Ёр(и) бепар – фоилотун, во фалак бе – фоилотун, дарду даврон – фоилотун, бесутун – фоилун.

Дарди йўқ ҳам – фоилотун, дарди чўқ душ – фоилотун, ман қавий то – фоилотун, леъ забун – фоилун.

Фитрат келтирган мана шу мисол ҳали-ҳануз хотирамдан чиқмайди. Устоднинг сабоқлари таъсирида мен ҳам адабиёт ва шеъриятга меҳр bogладим, ўзбек тилида шеърлар ёза бошладим. Ammo менинг бу шеърларим мактаб деворий газетасидан бошқа жойда эълон қилинмаган. То 1927 йилгача бирон-бир шеърим ёки мақолам бирон-бир газета ё журналда чоп қилинмаган. Лекин Фитрат меҳрини дилимга шу қадар жо қилган эдики, шеърнависликни ҳеч тарк қилмасдим. Албатта, ёзувчи бўлиб етишишимда бошқа омиллар ҳам бўлган (қатор роману қиссалар мутолааси, устод Айнийга яқинлигим, ҳалқ оғзаки ижоди билан танишиш...) Бироқ, асосий омил шу – дорилмуаллимдиндаги адабиёт дарслари бўлди. Фитрат бизга, чамаси, бир йилча дарс бергандан сўнг, уни Самарқандга – Ўзбекистоннинг собиқ педагогика институтига муаллимликка сафарбар этишди. Кўп ўтмай бизнинг синфимизни ҳам ўша олий ўқув юртига кўчиришди.

Бу олий ўқув юртида бизга адабиёт дарсларини Фитрат ва Алавий деган ўзбек шоири ўтар эди. Фитратга ўқув юрти ётоқхонасидан бир кошона (коттедж) ажратишган эди.

Мана шу кошона ёнида биз талабалар учун ётоқхона барпо қилишди, унинг қуриб битказилган вақти тахминан 1928 йилнинг март ойларига тұғри келади. Мен, Уйғун ва яна бир дүстимиз бир хонада истиқомат қиласып келді.

Фитрат умрининг охирларида Тошкентда эди, қаерда ишлаб, қайси үқув юртида дарс берганини билмайман. Машъум 1937 йил кириб келди. Бошқа таниқли кишилар, етук сиймолар қатори Фитратни ҳам ҳибсга олишди. Шундан кейин ундан ном-нишон бўлмади. Фақат бир неча йиллардан кейин Фитрат ва Айнийнинг ҳамкори ва котиби, бугунги кунда Бухоронинг нуроний донишмандларидан бири Ғуломжон Изомий менга Фитратнинг охирги кунлари ҳақида қуидагиларни гапириб берди: “Ўша пурдаҳшат 1937 йилда мен Тошкентда – муаллимлар тайёрлаш курсида таҳсил олар, гоҳ-гоҳ Фитратнинг ҳовлисига ўтиб, ундан хабар олиб турардим. Ўша кунларда Фитратни ҳамма ёқдан чеклаб, хонанишин қилиб қўйишган, газеталарда бошқалар қатори уни ҳам “васф” айлаб қўйишарди. Бир куни пешиндан кейин Фитратнинг Бешёғочдаги ҳовлисига ўтдим. Аввал дарвоза тирқишидан мўралаб кўрдимки, Фитрат елкасига чопон ташлаб олган, белида белбоғ, бошида пахтачин кулоҳ... У гоҳ ҳовли юзидағи таҳта карт устига чиқар, гоҳ унинг зиналаридан пастга тушиб, бир оз юргач, яна юқорига қўтарилиларди. Бу ҳол узлуксиз такрорланарди. Устозимнинг бу аҳволига ич-ичдан ачиндим. Бир йўталиб қўйиб, дарвозадан ичкари кирдим. У мени қўриши билан супа лабига тушиб келди, юзида андак табассум зоҳир қилиб, энгил-бошимга разм солди-да, деди:

– Ҳа, маҳсум, қўрқмай келаверибсиз-да?! Келинг, келинг, лекин ҳушёр бўлинг!

Уйға кирдик, сухбат асносида айтдик, замона нобоп бўлиб қолди, мену сизга ўхшаганларни олишяпти. Сизга маслаҳат шуки, иложи бўлса, бу ердан тезроқ кетиб, бирон-

бир кунжу баҳилага ўзингизни олинг, пинҳон бўлиб, жонингизни халос қилинг! Сиз менга ўхшаган пешанақашқа эмассизки, ҳар жойда таниб қолишса...

Мен Фитратнинг маслаҳати билан ўша куниёқ азм қилдим: ҳақикатан ҳам, бу ердан кетмасам бўлмайди. Иттифоқан, чойхонада ўтириб, бир мусофирина миши билан ҳамсухбат бўлиб қолдим. Гапига қараганда, у Нурота маориф бўлимининг мудири бўлиб, муаллим излаб бүёққа келган, менга ўхшаган одамларга эҳтиёжманд экан. Агар хоҳласам, у билан бирга кетишимни айтди. Менинг эски муаллим эканлигим, бүёққа малака ошириш учун келганимни билиб, жуда хурсанд бўлди ва шу захотиёқ иккарамиз маориф шўъбасига равона бўлдик. У маориф мудиридан мени Нуротага юборишлирини илтимос қилиб сўради. Маориф мудири рози бўлди ва тавсияномамни дуруст қилиб берди. Эртаси куни Нуротанинг олис бир тоғли қишлоғига етиб бориб, муаллимлик қила бошладим ва даҳшатли 1937-1938 йиллардаги қатағонлар ўтиб кетгунча, яъни то урушнинг охирги йилигача ўша ерда қолиб, сўнг Бухорога қайтдим. Аммо Фитратни хибс қилганларидан сўнг, у қайтиб келмади”.

Афсус, минг афсуски, Фитрат каби бузруквор зот, донишманди мўътабар, шоири якто, беназир ёзувчи 1937-1938 йиллардаги қатағонлар тегирмонига тушиб, беизбенишон кетди. Хайриятки, ушбу сатрларни ёзиб турганим бир пайтда Ўзбекистонда Фитрат ва Чўлпонларнинг табаррук номлари тамом оқланиб, асарларини чоп қилишини бошлаб юборишиди...”

5. Шукронা

Жалол Икромий домла илк ижодни ўзбек тилида бошлаган. Асар “Бухоро кизига” деб номланган. Афсуски, у устод Айнийга маъкул бўлмаган: “Кўй, сендан шоир чиқмайди. Насрнинг майдони кенг. Маъкулми? Ҳикояни

бошла. Агар маслаҳатимга юрсанг, келажагинг бошқача бўлади”, – деган устод.

Ўшанда 18 ёшида, яъни 1927 йили унинг биринчи хикояси – “Шабе дар Регистони Бухоро” тожик тилида ёзилиб, Самарқанддаги “Раҳбари Дониш” журналиниң биринчи сонида босилган. Бундан мамнун бўлган устод Жалол Икромийни шогирдликка қабул қилган ва хикоясига оқ йўл ёзган.

Икромий домланинг мана бу лутфи асло ёдимдан чикмайди: “Бошдан ҳам, охиригача ҳам устод Айнийнинг этагидан ушлаганман ва унга содик бўлиб қолганман. Эшитинг, араб ҳикматларидан бирини айтайн: “Кучинг етса, олим бўл. Агар олим бўлолмасанг, олим одамга шогирд бўл. Буни ҳам эплолмасанг, чин олимларни ҳурмат қил. Бу ҳам қўлингдан келмаса, олимларнинг жаҳлини чикарадиган иш қилма”. Мен ана шу йўлда яшаганман ва нимаики ёзган бўлсам, улар қалбимнинг шукроналаридир, кўзимнинг алангаларидир”.

6. Инсон тафаккури ойнадирки...

Устоз Жалол Икромий оташин публицист, истеъододли драматург ҳам эди. “Мұхабbat уруғи”, “Она қалби”, “Бахт йўли”, “Гулзордаги тикан”, “Дохунда”, “28-тун” каби пьесалари тожик театр сахналарининг дурдоналарига айланган.

– Энди, – дедим устозга, – бошқача савол бермоқчиман: Ҳар бир адебнинг севимли, ўз ижодининг гултожи санайдиган асари бўлади. Драмаларингиздан қайси бирини шу қаторга қўясиз? Қайси асарингизни энг қисқа муддатда ёзгансиз?

– О, бу зўр гап, – деди устоз олис-олисларга боқар экан, – бир дўстим бўларди. Ҳисорлик! Кўп йил мактабда директорлик қилган. Нима бўлади-ю, тергов идораси ходимлари уни кабинетидан олиб кетадилар.

Унга қўйилган айбларга бир қаранг: райкўм биринчиси Фалончи Фалончиевичга пора бергансан. Кўлингда ишлаётган фалонча аёл билан бамисли ошиқ-мошиқ бўлиб юргансан. Ўқувчиларнинг пахта пулларини шахсан ўзинг чўнтакка ургансан. Ва ҳоказо-хоказо гаплар...

Терговчилар директор бечорани у ёқдан-бу ёққа судраб, уриб-суреб, қамоқхонада бир йилга яқин ушлаб турадилар. Иродаси шунчалик мустаҳкам эканки, прокурор ҳам, судьялар ҳам унинг айбини бўйнига кўя олмаганлар. Нихоят, уни суд залидан чиқариб юборганлар.

– Бу даҳшат-ку, – дедим устозга боқиб, – кейинги қисмати нима бўлди унинг?

– Зўр бўлган. Чиройли фельетон тухматчиларни чилпарчин қилиб ташлаган. Директор эса ўзининг лавозимини қайтариб олган. Ана шу воқеани эшитгач, бир ҳафтагача ўйлаб юрдим. Хўш, нима қилиш керак? Ҳикоями, қиссами, романми? Ўйлаб-ўйлаб пъесани танладим. Образларни, ғояни ҳам топдим. Ана шунда Худо менга жасорат ва қатъият берди. Бир кун ичida асарни тугатдим, сарлавҳасини “28-тун” деб қўйдим. Иккинчи куни сахарлаб ёзганимни қайта-қайта ўқидим, ажойиб асар дунёга келди.

Демак, тафаккурингда чарх урган ғояни тезда қоғозга тушириш керак. Йўқса, хаёлинг чалғиб кетади. Ўйлаб, фикрлаб ёzsанг, албатта муродингга етасан. Холосам шуки, тафаккур – адиллар қалбининг тириклиги! Инсон тафаккури бамисоли ойна – унда эзгу амаллар ҳам, хунук амаллар ҳам акс этади. Буларни саралаб, бадиий бўёқ бериб қоғозга тушириш ва китобхон қалбидан жой эгаллаш – ёзувчининг улкан бахти!

7. Икромий –“аккумулятор...”

Устоз Икромий Душанбеда 6-7 ой, баъзан бир йилгacha қолиб кетарди. Нима бўлди-ю, бир гал жўнаб кетиб, бир ойдан сўнг қайтиб келди.

– Ман омадам, келдим! – деди устоз телефонда тожикчаю ўзбекчани аралаштириб, – вактингиз бўлса келсайдингиз, бир гап бор!

– Шунақами? – дедим ҳайрон бўлиб, – унда тезда етиб бораман.

Устоз мени даҳлизда кутиб олди. Ичкарида эса ўғли Жонон ва Аминжон Шукуров бор экан. Омонлашдик.

– Нима бўлди домламизга! – дедим Жононга қараб, – кайфиятлари яхшимас, чамамда.

– Ҳамма гапни ўzlари айтадилар. Нима қиласай, ўzlарини ўzlари касал қилаяптилар. Шундай эмасми, отажон! – деди ўғил нохуш кайфиятда.

– Дам шин (жим ўтири) – деди устоз Жононга, кейин мену Аминжонга қараб:

– Мен сенларни фарзандларимдай биламан, тўғрисини айтайин: юрт хумор қиласади. Лабиҳовузни, Намозгоҳни, Аркни, ўзим туғилган ҳовлини, пасту баланд кўчаларни соғинаман. Отам-онамнинг хокини кўзимга суртгим келади. Шу туфайли келаман-да юртга. Тушимга киради улар ва касалланиб қоламан. Шундай эмасми? – деди хунибйрон бўлиб.

– Рост, рост, тўғри! – дея тикилдим устозга. – Илҳомим жўшиб кетди. Агар рухсат берсангиз, иш столингизга ўтириб, бир нарса ёзсан?

– Бажо, бажо! Дуруст-дуруст, – деди устоз.

Дарҳол қўлимга қалам ва қофоз олиб, ташқаридаги дараҳтларга тикилиб, ёза бошладим:

Камтарин, чўнг устоз Жалол Икромий,
Шундай дегандилар бир кун самимий:
“Болам, билсанг мен аккумуляторман,
Токим пасайса, юртдан заряд оламан.
Бухором менга тенгсиз мадор беради,
Кейин қалбим илҳом гулларини теради...”

Қоғозни олиб, улар олдига бордим.

– Қани, эшитайлик, – деди устоз мамнун бўлиб.

– Марҳамат, тингланг, – дедим. Мулойим ўқиб бердим.

Устоз озгина қараб туриб, жойидан туриб кетди:

– Ташаккур, тасанно, – дея мени бағрига босди у, – ажойиб. Мен ҳақиқий аккумуляторман! Топгансиз, маъқул! Юрт – мен учун қувват. Токим энди пасайиб колмайди. Энди мен бу шеърни Душанбега олиб бораман. Бухородан бориб қолган ҳамشاҳарларимизни, Камол Айний, Юсуф Акобиров, Муҳаммаджон Шукуров, Атожонни чақираман-у, уларга ўқиб бераман. “Ҳа, ҳа, сизлар ҳам Бухорога – юртга тез-тез бориб, заряд олинглар. Чунки Бухоро ҳаммамизга мадор беради, кейин қалбимиз илҳом гулларини теради. Ҳа, Бухоро – хар биримизнинг чашмаи нуримиз, иймонимиз, киблагоҳимиз”, – дейман!



ОДАМИЙЛИК САБОГИ

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, бетакрор адаб Одил Ёкубов билан қадрдон бўлганмиз. Бир куни:

– Бухорага бормоқчиман, – деди устоз телефонда, – мени кутиб оласанми?

– Албатта, устоз, – дедим хурсанд бўлиб, – сизни Хизрни кутгандай кутаман-да.

– Ақлли боласан. Шунинг учун сени яхши кўраман-да. Эртага аэропортда мени кут, – дея гўшакни жойига кўйди.

Эртаси куни устозни кутиб олдим. Ўзлари танҳо.

– Менга қара, меҳмонхонани кўй. Ромитанга борамиз. Оксоколни бир хурсанд қиласайлик, – деди “Жигули”га ўрнашиброк ўтириб олиб.

Одил ака айтиётган киши кўп йиллар жамоа хўжалиги раиси, давлат хўжалиги директори, сўнгра туман биринчи котиби лавозимларида ишлаган, қатағондан – Гдлян деган ёвуз кўлдан омон қайтган Хамро Саидов деган ажойиб инсон!

– Хўп бўлади, – дедим устозга, – кетдик бўлмаса.

Машинани Газли йўлига буриб, тезликни оширдим. Меҳмон ён-атрофга назар соларкан, “Бухоро ҳам ўсиб кетибди-я! Бинолари, арчазорлару гулзорлари кўркам. Энг яхиси, бу ернинг одамлари. Уларнинг қўлида газета-журнал, китоб кўрдим. Боя аэропортда мени қўргач, анчамунча киши қўлинни кўксига қўйиб, салом берди. Кела солиб мен билан багирлашган адабиётсеварлари ҳам бўлди. Одамлар ёзувчини билишар экан-да, дея яйраб кетдим”, деди.

— Ие, устоз, кимсан Одил Ёқубовни нафақат Бухоро, балки бутун дунё билади-я! Жуда камтаринсиз-да!

— Мақтовни жуда ошириб юбординг, — деди Одил ака мийигида кулиб.

— Ҳа, энди, устоз, хоҳлайсизми-йўқми, зўрни зўр дейдилар-да! — дедим устозга зимдан қараб.

— Шоир укам, — деди у киши бийрон-бийрон сўзлаб, — одам деган юрагидаги ҳақиқатни рўй-рост айтиши керак! Мен ҳам рўйи-рост айтаман: юрак қони билан ёзган асаринг — каттами, кичикми, албатта, ўз ўқувчисини топади. Эҳтимол, сени кўпчилик билавермас, лекин сен одамларни яхши билишинг керак. Майли, бу гапларни кўй. Ҳамро аканинг аҳволи яхшими?

— Боёкиш касал-да, хаста, — дедим хомушланиб, — жигари чаток, дейишяпти. Яқинда Жўра Фозил деган ёзувчи дўстим билан Ҳамро аканинг уйига боргандик. Оқсоқол ўша-ўша! Кўзлари кулиб туради, “Жоним укам-ей, келибсиз-да, бир ажойибсиз-ей”, — дея бағрига босади.

— Ҳа, энди Ҳамро ака Ҳамро ака-да, жуда ажойиб инсон у! — дея лутф қилди устоз. — Сен билмайсан, у киши билан қирқ йилдан бери ака-укамиз. Адабиёт туфайли, ёзувчилик туфайли тез-тез мулоқотда бўлганмиз. У кишининг ёзувчилигини билсанг керак?

— Биламан, устоз, биламан. Ҳамро аканинг “Қора кунлар” деган саргузашт асарини муҳокама қилиб, “Бухоро” нашриётида чоп эттирганмиз. Сулаймон Шодиев деган шоир укамиз асарни жиддий назардан ўтказиб, Ҳамро акани жуда хурсанд килган эди. Ҳозир аканинг “Ашури пахта” деган қиссаси бўлимда турибди.

— Ёрдам бергин, оқсоқолга, жоним укам, — дея елкамга қўлини кўйди устоз, — мен ҳам ёрдам бераман. Ҳамро ака кадрдоним-да.

Кўп ўтмай, Ҳамро аканинг уйларига етиб бордик. Дарвозани такиллатсак, бир йигит югуриб чиқди.

– Ие, Одил ака келибдилар-ку! – қувончдан түлқинланиб устозни құча кетди йигит. – Одил ака, ўзингизмисиз?! Ўзингиз келибсиз-да, шунча жойдан ташвиш чекиб!

– Қалайсан, Түлқинжон, яхши юрибсанми? – деди устоз табассум қилиб, – Тошкентта бормайдиган бўлиб қолдинг-ку!

– Бораман, устоз! Яқинда албатта бораман! Дадамни ўша ердаги дўхтирларга кўрсатмоқчиман. Сўнгти пайтларда хасталик кўп безовта қиляпти, у кишини, – кўзини ерга тикиб, маъюс сўзлади Тўлқинжон.

– Қани оқсоқол, уйдами ё ташқаридами? – сўради устоз Тўлқинжонга қараб.

– Уч кун олдин вилоят касалхонасига жойлаштиргандик, – тағин хомуш тортиб жавоб берди Тўлқинжон, – яхши бўлсалар керак...

– Ие, шунақами? – деди устоз, – тўғрисини айт, оқсоқолга нима бўлган?

– Ўша жигар, мазалари йўқ.

– Бўйти, ўғлим, ҳозир ўша ерга борамиз, манави аканг билан, – гапни қисқа қилди Одил ака.

– Йўқ, йўқ, шундай юборолмайман сизларни, дадам эшитсалар хафа бўладилар. Бир ҳафта олдин сиз келасиз, деб кўчкор олиб қўйгандилар. Ҳозироқ қассоб олиб келаман, оёғингиз остига сўйдирман ўша кўчкорни.

– Менга қара, Тўлқинжон, – йигитни гапиргани кўймади устоз, – мана, кўрдим, кўчкоринг тайёр экан. Ҳозир борамиз-да, дадангни бағримизга босиб, кайфиятини кўтарамиз, сўнг уйга олиб келамиз. Мана шу кўчкорни бирга сўямиз. “Тандир”ни, Тўлқинжон, сен ўзинг боплайсан! – Шундай дея менга ҳам ишора қилди: – Ҳамро аканинг пуштикамаридан бўлган ҳалол бола-да бу! Нима дейсан, шоир?!

– Жуда тўғри айтдингиз, устоз, – дедим Одил аканинг фикрини қувватлаб, – Ҳамро акасиз дастурхон татирмиди?! Кетдик, бўлмаса!

Одил ака машинага ўтириди. “Жигули” шаҳар томонга йўналди.

– Энди, укам, – дея бошини кўтарди Одил ака, – оқсокол ёмон касал экан-да. Хўш, нима қиласиз? Мехмонхонага оборасанми ё касалхонага?

– Кўряпман, устоз, кайфиятингиз бузилди. Хўп десангиз, оқсоколни кўрайлик. Кайфияти яхши бўлса, бизниги борамиз. Келинингиз ош киляпти.

– Э, шунаками? – деди устоз кайфиятлари кўтарилиб, – бу гапинг маъқул...

Ҳамро ака ётган бўлим бош шифокори бизни яхши кутиб олди.

– Эй, Одил ака-е, келибсиз-да биз томонларга, – дея мулозамат ила қучоклади устозни бош шифокор. – Хизрга ўхшатаман сизни. Бағрикенг ёзувчисиз. Ҳамма китобларингизни ўқиганман. Хусусан, “Улуғбек хазинаси”ни! Мен уни хар куни варақлайман, маза қиласман! Хўп десангиз, кабинетимга кирайлик. “Хазина”нгиз столим устида турибди.

– Эй, укажоним, яхши йигит экансиз. Дўхтир деганиям бадиий китоб ўқиркан-да! – кувониб кетди устоз, – бу масалада дўхтириларни яхши билмас эканман.

– Нега энди ўқимас эканмиз? Бутун умрим китоблар ичиди ўтяпти. Шеъру достонларни, хикоя, қисса, романларни севиб ўқийман. Уйимда шахсий кутубхонам бор. Сизнинг барча китобларингизни йиғишга ҳаракат қиласман.

– Э, кўп яшанг! Испингиз нима, укам?

– Тўра Болтаевман! Олий тоифали терапевтман.

– Отангизга раҳмат-ей! Ҳали кўп сухбат қиласиз сиз билан. Агар билсангиз, биз оқсоқолни, Ҳамро акани кўргани келдик. Хўш, аҳволи қалай?

– Э, шунақами? Унда кабинетимга кирайлик. Кейин bemalol гаплашамиз.

Ихчамгина кабинет озода, саришта экан. Бўлим мудири дархол жойига ўтиб, бизга чой қуйиб узатди.

– Энди, Одил ака, тўғрисини айтаман, оқсоқолнинг мазаси йўқ, – деди мудир ерга қараб, – қўлимиздан келган ишни киляпмиз. Бу ёғи Худодан, Одил ака! Нима қилайлик, ҳаёт шунақа!

Дунёнинг пасту баландини обдон кўрган, ўку дўкка кўкрагини қалқон қиласерив, чандон тобланган Одил ака бу гапни эшлитиб, жойидан туриб кетди. Кўзлари намланди.

– Наҳотки? – деди руҳсизланиб, – оқсоқолни кўрамизми?

– Кўрасизлар Ҳамро акани! Майли, палатага кирайлик! – дея жойидан турди мудир, – фақат илтимос, кўп ўтирунглар. Келишдикми?

– Хўп, хўп, – деганча бирин-кетин хонага кирдик.

Ҳамро аканинг аёли Одил акани билар экан, жойидан туриб йифлаб юборди.

Атайлаб келибсиз! Раҳмат сизга! Акангиз энди...

Шу пайт Ҳамро ака кўзини очди. Одил акага, менга қараб, “ким булар” дегандай тикила бошлади. Кейин ўрнидан турмокчи эди, бўлмади! Кўзғололмади! Сўнгра:

– Одилжон ака, сизмисиз? Наҳотки? Жоним укам, – деди менга бокиб. – Одилжон акамиз эмасми шу киши? Тўғрими?

– Тўғри, Ҳамро ака. Ҳақиқий Одилжон ака!

– Ўргилай сиздан, Одилжон ака! Сиз келасиз-у, мен ўлар эканманми? Ҳали яшайман, ўлмайман, Одилжон укам!

Одил аканинг кўзи ёшга тўлди. “Акажоним”, дея Ҳамро акани бағрига босди, юз-кўзидан ўпди.

– Нима бўлди сизга, оқсоқол? Яхши эдингиз-ку?

– Энди, укажоним, биласиз, ўша абллаҳ Гдлян мени тамом қилган. Ҳа, жигаримни тилка-пора қилган. Эшитгансиз, мен бу ифлоснинг юзига тупуриб, боплаб тарсаки туширганман, кетига тепганман, йиқилган кабинетимда! “Казо-казоларга пул бериб, райқўмлигингни сўраб олгансан. Ё фалон пул берасан, ёки турмада чиритаман сени”, – деганди. Ўшандан бери шуни ўйлайман. Даҳшат!!! Ўзи айтгандай, Сибирга бадарға қилди. Вой-бўй, Одилжон ака, одамни йўқотиш ҳеч гап эмас экан. Музхонасиға, обхонасиға, каръерига ўтқазар,

мен бечоранинг жигаримга фақат урдиарди. Айтардим:
“Вой, аблах, итвачча-я, худо сени урсин-а, Гдлян эмассан –
илонсан, аждархосан!..”

– Қўйинг, Ҳамроҳон ака, ҳаммаси ўтиб кетди-ку, –
деди Одил ака жиғибийрон бўлиб. – Ўша ҳаромининг
падарига лаънат! Ҳали кўп яшайсиз. Ажойиб дўхтирлар
кўп. Улар сизга ёрдам беришяпти. Бўлим мудири ҳам зўр
йигит экан.

– Э, Тўрабойми, отасига раҳмат унинг, – дея жим қолди
Ҳамро ака. Бироз кўзини юмди. Кейин:

– Одилжон ука, илтимос, Тўрабойга айтинг, менга бир-
иккита яхши укол ўтказсин. Ҳозирок жойимдан тураман.
Бир қишлоққа борайлик, Ромитанга! Нима дейсиз?

– Оқсоқол, қадрдоним, – дея бошини сарак-сарак қилди
Одил ака, – Тошпўлат билан уйингизга бордик. Бир пиёла
чой ичдик.

– Тўлкин бор эдими?

– Бор эди. Менга аталган қўчқорни ҳам кўрдик.

– Иби, Одилжон ука, бу, Тўлкин сўймадими қўчқорни?

– Қассобни опкелиб, биргалашиб сўйишиди. Жигарини
беш секундда кабобча қилишиди. Маза қилдик. Ярмисини
тандирга босдик. Ҳозир борамиз-у, сизнинг дуойи
жонингизни қилиб ўтирамиз.

– Раҳмат сизга-е, менинг юрагимсиз-да, Одилжон ака!
Келинг, бир ўлай пешанангиздан. Тўғрисини айтами?

– Айтинг, оқсоқол?!

– Бу дунёда буюклар кўп. Лекин, лекин... Одил Ёқубов
битта-да, укажоним!

– Ҳамро ака, қўйинг бунақа гапларни. Сизга ўхшаб мен
ҳам битта одамман-да! – деди Одил ака юрагини бўшатиб.
Оқсоқол эса секингина елкасини кўтарди, бир қултумгина
сув ичди.

– Барибир айтаман, Одилжон ака! Хоҳласангиз-хоҳ-
ламасангиз, сиз яхши одамсиз, дўсту биродаримсиз, энг тўғриси,
буюк ёзувчисиз! Бундан бошқа гапим йўқ, Одилжон ака!..

Кейин Ҳамро ака бошини ёстиққа қўйди. Хўрсинганча секингина йўталди.

– Одилжон ука, – дея яна қўзини очди Ҳамро ака, – сиз ишли одамсиз, бугун-эрта кетсангиз, янгамга, Искандарга салом айтинг. Ҳа, энди, умр шунаقا-да. Ким билади!

– Кўйинг бунаقا гапларни, оқсоқол! Мана, кўрасиз. Яхши бўп кетасиз, – деди Одил ака ўрнидан туриб, – бир оз дам олинг. Биз ташқарида ўтирамиз. Хўпми, оқсоқол!

Ҳамро ака “Рахмат, раҳмат!” – деб қолди. Кейин биз даҳлизга йўналдик. Бўлим мудири “Одилжон ака, касал кўргани эмас, меҳмон бўлиб келинг уйимизга. Кутиб оламиз”, дея мулозамат килди. Устоз “Ташаккур!” дегандек ишора қилиб, машина томонга юрди.

– Ромитанга ҳам, уйингга ҳам бормаймиз. Чарчадим. Меҳмонхона олисми? – сўради Одил ака хафаҳол оҳангда, – наҳотки Ҳамро ака ўтиб кетса...

– Билмасам, устоз? – дедим машина рулини буриб, – ҳамма нарса Оллоҳнинг иродасидан-да!

– Тўғри айтдинг, укам! Энди, Ҳамро бошқача одам-да! Сен билмайсан, мен Ҳамрони худодан сўраб топганман. Ҳамма асарларимни – хикоя, қиссаларимдан романларимгача ўқир эди. Ё телефонда ёки Тошкентга бориб, юрагидагини айтар, “Фалон асарингизни ўқиб, маза қиласман-да!” – деб қўярди, қайта-қайта қучарди мени.

– Ҳақиқий жўрангиз экан-да!

– Э-э, сўрама? Ҳамро ака – одамнинг гули, юракнинг дармондориси! Бундан бошқача сўз айттолмайсан у киши ҳақида. Чунки “Диёнат” романимдаги Отакўзи Ҳамро аканинг айнан ўзи! Бағрикенг, билим доираси чексиз, меҳнатдан толмайдиган, ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган, дунънинг пасту баландини кўра олган Ҳамро акада ана шуидай хислатлар бор эдики, романда улардан кўплаб фойдаланганиман. Эшитяпсанми, шоир?

– Зўр нисон экан-да, Ҳамро ака! – дедим машинадан тушарканмиз, – у кишининг ҳақиқий китобхон, қалбан

зиёли одам эканлигини билмас эканман. Илохим, кўп умр берсин-да!

Меҳмонхона ходимлари Одил акани кутиб олишди. Дарҳол чой обкелишди. Устоз ёнбошлади.

– Ана энди бу иш зўр-да, – деди Одил ака озгина чехраси очилиб. – Кулок сол, Ҳамро ака “Улуғбек хазинаси”ни неча кайта ўқиган. Улуғбек ва ўғли Абдуллатиф орасида кечган диалогни эса ёдлаганди. Ўша оҳанрабо сўзларни йиғлаб-йиғлаб айтарди, у киши. Хусусан, мана бу сўзларни: “...Хоҳласанг, ўз падарингни қатл эт, хоҳла, Мовароуннаҳр сарҳадидан ҳайдаб, дарбадар кил, боз ихтиёр сенدادур! Лекин ёлғиз тилагим: илм йўлида отанг қилган ишларга, унинг шогирд ва устозларига тегмагайсен. Тегсанг... ота қарғишига учраб, тоабад бадном бўлурсен. Ота рози – Худо рози, ёдингда бўлсин: ал қасосил мин ал-Ҳақ! Ҳеч бир ёмонлик интикомсиз қолмайдур!..”

Бу сўзлар устозни титратиб юборди, шекилли, кўзларида ёш пайдо бўлди.

– Нима бўлди сизга, устоз? – дедим сал хавотирга тушиб.

Одамзод кизик экан-да. Ўз сўзларим ўзимни йиғлатётганини қара... Қанийди, Ҳамро ака ҳам сухбатимизга қўшилса! Энди, укам, сен ҳам чарчадинг. Бориб, дамингни ол. Мен ҳам икки соатгина ором олай. Кейин уйингга оборасан. Келин пишираётган бухороча ош ҳам унгача тайёр бўлиб қолар. Бўпти, энди йўлга туш. Икки соатдан кейин сени пастда кутиб тураман.

Дарҳақиқат, устозни ҳовлимга олиб кетдим. Аёлим дарвозадан кутиб олди. Ўғлим Одилжон эса Одил бобосининг қўлига сув кўйди, сочик тутди. Одил ака унга завқ билан бокар экан, “Ие, Одилбойми бу? Кап-катта дастёр йигит бўпти-ку”, – дея бағрига босди, пешанасидан ўпди. Шундан сўнг дастурхон бошида сухбатни давом эттиридик.

– Умр ўтар экан-да! Эсингдами? – деди устоз менга қараб, – институтларингда 50 йиллик юбилейим бўлиб ўтган эди. Тўғрими?

– Албатта-да, устоз. Эсимда! 1976 йил 29 ноябрь куни эди.

Хаммамиз хурсанд бўлиб кетгандик. Ўшанда секингина қулоғингизга: “Устоз, ўғиллик бўлдим, ҳозир туғуруукхонадан келяпман”, дедим. Бирдан ўрнингиздан туриб, мени қучдингиз. Сўнг узок бағрингизга босиб туриб, “Мен бир Адолат бандасиман. Шу ўғлинг мендайadolатли бўлсин! Истасанг, унга менинг исмимни кўй. Одилжон бўлсин, Одилбой бўлсин! Тушундингми?” дедингиз. Ўшанда хурсанд бўлиб кетганимдан қучоқлаб олгандим сизни. Қўлларингизни маҳкам қисганман. Ҳа, ҳа, гапнинг индаллоси шу, устоз! – дедим. “Раҳмат сенга”, – деб кўйдингиз секингина қулиб...

– Ҳа энди, одамнинг яхши кунлари ҳам, ёмон кунлари ҳам бўлар экан, – дея чой ича бошлади устоз. – Мана, бўлиб ўтган гўзал кунларни эслатдинг. Ажойиб! Карасам, ихчамгина ҳовли қилибсан, боғчаси бор экан. Фарзандларинг маза қилиб яшасин! Ахир, барчамиз бола-чака деб яшаймизда. Шундай эмасми?

– Рост, устоз, – дедим.

Кейин у киши яна вазминлик билан сўзлай бошлади:

– Қанийди, ҳар бир фарзандимиз Адолат учун, Ҳақиқат учун кураиса экан. Ҳалқ учун, Ватан учун жонини беришга тайёр турса экан! Ўшанда ҳаёт гуллайверади, умримиз пойдор бўлиб, чараклайверади...

Қадрдонларим! Мана, устоз Одил Ёкубов ҳакидаги эссе поёнига етмоқда. Бу сұхбатлар 1992 йил сентябрь кунларидан бирида бўлиб ўтган эди. Кейинги куни Одил акани Тошкентга – йиғилишга чакиришди. Ҳамро ака эса бир ҳафтадан сўнг вафот этди. Устоз “Афсус, афсус!” дея телеграмма жўнатганди Ҳамро ака оиласига.

Одил ака бошқача эди. Бухорога тез-тез келар, аввал Ҳамро акани кўриб, бир-икки кун у кишининг хамом-мехмонхонасида ётиб, дам оларди. Сўнгра Ғиждувонга бориб, Абдухолик Ғиждувоний қабрини зиёрат қилар, Шо-

фирконга бориб, ёзувчи Аҳад Ҳасан билан сухбат қуарар, кейин Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд бобомизни қўргали Когон туманига етиб бораардик. Дўстлари – Ўқтам Усмонов, Саъдулла Кароматов, Шукрулло, Жамол Камол, Аҳмаджон Мелибоевларни етаклаб, Жилвон, Варажша қир-адирлари, чўлларида юрар, одамлар ҳақида мақолалар ёзарди. Мен уларга доим ҳамроҳ эдим.

Одил ака Бухорони ниҳоятда яхши кўрарди. Ибн Сино, Наршахий, Имом Бухорий, Нақшбанд боболар ҳақида тўлқинланиб гапирав, “Улар тафаккурнинг ҳақиқий даҳолари” дея уларга хурмат бажо этарди.

– Бухорони шариф дейдилар! У дунёнинг еттинчи гултожи! Мен уни шундай атайман. Чунки Бухоронинг ости ҳам, усти ҳам маъдан! У ҳаммамизники, у Шарқнинг нодир гавҳари! – дея лутф этарди устоз.

...Бу сўзлар ҳеч қачон хотирамдан ўчмайди. Одил аканинг мунаvvар ёди ҳам! Зеро, юртини жон-дилидан севган инсонлар абадул-абад одамлар юрагида, тилагида яшайверадилар!



БУХОРО – ТИЛЛО ТОФ!

(“Кўнглим гули – набирам” туркумидан)

– Болам, бу дунёда шоир кўп экан. Жуда кўп экан! Аммо Навоий бобомизнинг бир ажойиб сўзлари бор. Эшит: “Ҳар бир кофиябоз шоир эмас, шеърга тоза ҳислар ва теран фикрларни сингдира олган кишигина хақикий шоир бўла олади...” Мана, кўрдингми? Тилинг истаганини эмас, дилинг истаганини гапир, дейишади. Корейсларнинг бир яхши магали мени мафтун этган. Уни доим айтиб юраман. Мана, нима дейди улар: “Гуруч тўкилса, териб оласан, сўз айтилса, уни кайтиб ололмайсан”. Ақлли сўзлар! Шундай эмасми?

– Тўгри, бобожон!

– Оллоҳ сўзини парваришилаб, юрагимизга, шууримизга, онгу идрокимизга жойлаган. Шунинг учун, бўтам, тилингни ёмон сўзлардан сақла. Агар шоир бўлсанг, ҳар бир лутфинг, қаломинг гавҳар доналаридаёниб турсин. Кичик бир шеърни сенга ўкиб бермоқчиман. Уни русчадан таржима қилиганман. Кулоқ сол:

Ҳиндлар шундок дерлар:
Ушбу заминда
Энг аввал илонлар юрган судралиб.
Тоғликлар дейдилар:
Қадим-қадимдан
Бургут яшаб келган Ер шохи бўлиб.
Менинг ишончим шул:

Дўстлар, энг аввал
Ерда пайдо бўлган ҳазрати Инсон.
Бургутга айланган улардан кўпи,
Баъзилари эса бўлгандир Илон...

- Ажойиб шеър экан, бобожон. Уни ким ёзган?
- Расул Ҳамзатов! У аварларнинг буюк шоири. Унинг кўплаб китобларини қайта-қайта ўқиганман. Расул оғамиз шунчаки шоир эмас, донишманд, ўз халқининг фидойи, Шомилга ўхшаган қаҳрамонларини куйлаган, алқаган, юртининг донғини дунёга таратган даҳо инсон! Унинг “Менинг Догистоним” асари ўйлаб-ўйлаб, куйлаб-куйлаб, сўйлаб-сўйлаб ёзилган тафаккур булоғидир. Мен уни шундай деб биламан. Бўтам, сен ҳам уни ўки, тақрор-тақрор ўки! Юрагингда, тилагингда шундай гулхан фикрлар пайдо бўладики, ўзингни унутасан, онгу шуулинг чараклаб кетади.
- Бобожон, сиз бу одамни кўрганмисиз?
- Кўрганман, болам. Шунчаки кўриш эмас, юзма-юз сухбат курганман!
- Йўқса, баҳтли экансиз, бобожон!
- Пешанангдан ўпай, бўтам! Эшит: 1988 йилнинг ёз кунларидан бирида москвалик шоирлар сафида у киши ҳам шахримизга келганди. Кўп жойларда уларни нон-туз билан кутиб олганмиз. Хусусан, Расул оғани! У кишининг сўзларини, шеърларини тинглаб, маза килганмиз.
- Шундай кунларнинг бирида у киши Лабиҳовуз атрофи-ни сайр кила туриб, хитоб килди: “О, Бухоро, Бухоро! Сен Шарқ бешигисан!” Сўнгра ҳовуз атрофидаги сўрилардан бирига ўтиридик. Устознинг бир нечта шеърларини ўзбек тилига ўғирганимни айтсам, чехраси янада очилиб кетди. “Қани, ўки ўша шеърларни, бир эшитайин”, – деди у киши кўзлари порлаб. “Хўп”, – дедим! Сўнгра бийронлик ила шеър ўкийй бошладим. Тугатгач, устозга тикилдим. Устоз хитоб қилиб юборди: “Воҳ-воҳ! Браво, браво! Ўз тилим – аварчага ўхшаб, ўзбек тили ҳам қалбга ором баҳш

этар экан-ку! Кел, қўлингни бер, – деди устоз қучоғини кенг очиб, – яқинда янги китобим босиляпти, Москвада. Уни сенга юбораман. Шеърларимни таржима қилсанг, хурсанд бўламан”. Кейин шундай деди: “Биламан, дунёда Бухоронинг шуҳрати баланд. Чунки у илм чашмаси, маънавият булоғи. Факат, дўстим, – деди у менга қараб, – Кавказ – Кавказ-да! У тоғлар диёри, қоялари осмонга етган юрт. Хафа бўлмайсан, Бухорода бундай тоғлар йўқ-да. Атрофи чўл, сахро... Шундай эмасми?”

Ўйлаб колдим. Кейин Расул оғанинг кўзларига қараб, кулиб-кулиб шундай дедим:

– Сиз менинг, Бухоронинг ҳам меҳмонисиз. Тўғрисини айтсам, Бухоронинг тоғлари кўп. Улар осмон қадар, чўққилар қадар, муҳташам қоялар қадар!

Устоз наҳотки, дегандай елкасини қисиб, “Бўлса керак, бўлса керак”, дея менга қаради. Дарҳол у кишига разм солдим:

– Анави пурвиқор токқа каранг, – дедим салобат тўкиб турган Минораи Калонга ишора қилиб, – у Авиценна – ибн Синодир! Ҳакиқий, қуламас Тоғдир! Шундай эмасми?

Расул ога ҳайратланди. Кейин бошини чайқаб, “Браво!” деб кўйди. “Яна ким у тоғлар?” – дея менга юзланди.

– Муҳаммад ибн Исмоил, яъни Имом Бухорий! Буюк Тилло Тоғ у!! – дедим мен.

Мехмон яна “Браво!” дея шодлик ва ҳайратини изхор этди.

– Яна шундай тоғлар кўпми юртингда?!

– Кўп! – дедим хурсандлик билан, – олимлар, шоирлар, авлиёлар. Улар мингдан зиёд. Тўрт-бештасини айтаман. Мана, адиллар – Аҳмад Доғиши, Садриддин Айний, Абдурауф Фитрат, Жалол Икромий! Ҳалқ артистлари – Олим Хўжаев, Муҳтор Ашрафий, Раззок Ҳамроев, Мутал Бурҳоновлар! Булар – Бухоронинг катта-кичик тоғлари! Уларни бутун дунё билади. Бу сўзларим сизга мақбулми, Расул оға. Нима дейсиз?

— Сен мени лол этдинг, укам. Бухорони кафтиңгга күтариб, хар бир тошини, хар заррасини бағрингга босяпсан. Ўз юртингни юрагингга жойлаяпсан. Улуғ юртдошларингни тоғлар деб алқаяпсан. Койил!

— Ҳа, устоз, Бухоро усти ҳам, ости ҳам Тилло тоғ! Тилло тоғ — Бухоро!

— Сўзларинг маъқул. Ташаккур сенга!

Кўзларим порлаб кетди, Расул оғанинг бу лутфларидан сўнг! Мана, болам, сен ҳам эшийтдинг ўша ибратга лиммолим сухбатни.

— Ҳа, бобожон, менга ҳам Бухоро ҳақида жуда кўп сўзлагансиз. Мени, укамни, опаларимни бағрингизга босган каби шахримизни ҳам багрингизга босиб, юртим — тупроғим, ардоғим, чароғимсан, дегансиз. Расул бобога ҳам ана шу самимиятингиз маъқул келган-да, бобожон.

— Яша, болам! Умрим бўйи тафаккур — донишмандлар қалбининг тириклиги ҳақида ўқийман, ёзаман. “Нажх ул-балоға” асарида шундай ажойиб сўзлар бор: “Оллоҳ неъматлари хусусида фикр эшитиш ибодатдан афзалдир. Ким билган нарсаси ҳақида кўп фикр юритса, унинг илми ривож топади, мураккаб ҳақиқатларни ҳам тушунади. Инсон тафаккури бамисоли ойна, унда эзгу амаллар ҳам, хунук амаллар ҳам акс этади...” Мана, кўряпсан, донишмандлар — бамисоли кўрғон. Расул оға ҳам худди шундай буюк инсондир. “Менинг Догистоним” ана шундай донишмандлик ҳайкалидир! Қанийди, мен ҳам донишмандлик китобини ёзолсам!

— Бобожон, ёзолгансиз ва ёзяпсиз.

— Болам, балки мен яратса олмаган ҳайкални сен яратарсан. Ҳа, ҳа, сен яратишинг керак! Чунки Бухоро — тилло Тоғ! Уни ҳеч ким буза олмайди, йўқота олмайди. Бухоро — Булбул сўз! Бухоро — Кўнгул сўз! Бухоро — Ҳайратнома, Қадрнома, Фикратнома, Фитратнома! Айланайтилларидан, дилларидан, киприкларидан, юзу кўзларидан ўпай! Расул оға айтганидек, Бухорони бутун дунё кучсин, биз уни такрор-такрор тавоғ

этайлик! Зотан, Бухоро – кўнглинизинг сарвари, гавҳари,
шамсу камаридир!

Гўзал Ҳилолсан, Бухоро,
Мири Кулолсан, Бухоро.
Балогардонсан – Нақшбанд,
Ошно – қадрдонсан, Бухоро!



МАРДЛИК ҲАЙКАЛИ

(“Құнглым гули – набирал” түркүмидан)

– Бир улуғ шоир бўларди. У кишини Максуд Шайхзода дейишади.

– Эшитганман, бобожон. Уларнинг “Яхшилар қадри” деган шеърларини доим айтиб юрасиз. Мен ҳам уни ёдлаганман. Айтиб берайми?

– Айт, болам!

– Дўстлар, яхшиларни авайлаб сақланг,
“Салом” деган сўзнинг салмоғин оқланг.
Ўлганда юз соат йиглаб тургандан,
Уни тиригида бир соат йўқланг.

– Яхши қилибсан, болам, бу тўртликни ёдлаб. Шоир бу сатрларни шунчаки эмас, бутун умр йўлига қараб битган. Э, нима дейин? Билсанг, Мақсуд бобонинг бутун ҳаёти ғамандух, таҳлика ичра кечган. Шунга қарамай, шоир мардлик ва шижаотни юрагида атиргулдай илдизлатган. Шунинг учун Максуд Шайхзода ўзбек адабиётининг XX асрдаги байроқдорларидан бири хисобланади.

– Сиз у кишини кўрган бўлсангиз керак-а, бобожон??

– Самарқандда ўқирдим, университетда! 1962 йилнинг сентябрь кунларидан бирида у киши билан учрашганмиз. Кўлларини олганмиз. Шеърларини тинглаб, хурсанд бўлганмиз. Хусусан, “Тошкентнома” достонидан гўзал

парчаларни айтиб берганлари ёдимда. Уларда узбек халқининг гўзал фазилатлари, Тошкентнинг сўлим боғроғларию муҳташам кўчалари таърифи уфуриб турган самимий сатрлар бисёр эди. Устозимиз тарихнавис шоир сифатида ном қозонгани – айни ҳақиқат. Болам, ушбу достонни, албатта, ўқишинг керак. Ахир у киши дунё тарихини, Турон тарихини ҳам ниҳоятда яхши билган. Адигнинг “Мирзо Улуғбек”, “Жалолиддин Мангуберди” каби драмалари ана шу пухта билим, огоҳлик маҳсули. Шукрулло деган шоир шундай деган: “Ўзбек адабиётининг тўрт устуни бор. Булар – Faфур Гулом, Максуд Шайхзода, Абдулла Қаҳҳор ва Ойбек!” Шу тўрт буюк адиб ўзбек адабиётини буюкларга хос асарлар билан бойитишган. Билсанг, улар виждан амри билан асар ёзишган.

– Хўш, бошқалар-чи, бобожон?

– Э, болам, бошимни кўп айлантирма. Ҳар ким ўзининг дуторини чертади. Бири баланд, бири паст, дегандай, ҳамирни узоқ қор, гапни қисқа қил, дейишади. Бир гапни айтай: Абул-Аъло ал-Мааррий деган бир араб шоири шундай ёзади:

“Бир куни Қайс ибн Саъд ибн Сайфийни учратиб, ундан сўради:

– Одам Ато фарзандларининг нечта камчилиги бор?

Дўсти жавоб берди:

– Одам фарзандларининг камчиликлари шу қадар кўпки, уларнинг саногига етиш қийин. Лекин ҳамма камчиликларни яширишнинг бир йўли бор.

– У қандай йўл?

– Тилни тийиб юриш!”

– Бобожон, бундай сўзларингизни эшитгач, ўйлаб қоламан. Гапларингиз шираси мени хушёр килади, ёки...

– Тушундим, болам. Ҳадисда бир чиройли гап бор, яъни “Яхши сұхбатдош атирурушга ўхшайди, гарчи у сенга атиридан бермаса ҳам, хушбўй хиди сенга етиб боради”. Сен ҳам ана ўша атирурушга ўхшаган сұхбатдошсан мен учун.

Тўғрисини айтайин! Шайхзода домла ниҳоятда бағрикенг инсон, машхур навоийшунос, атоқли драматург, истеъдодли шоир, адабиётшунос, таникли таржимон ҳам эди. У кишининг бу даражада серкирра истеъдод сохиби эканлигини пайқаган айрим ғаламислар устозни “йўқотиш”га киришадилар. Айникса, Мильчаков ва унинг атрофидаги гумашталари шоирга “миллатчи”, “аксилинқилобчи” тамғаларини ёпиширадилар.

Бобожон, “миллатчи” дегани ким?

– Э, болам, “миллатчи” дегани ўз ҳалқини, юртини, Ватанини, унинг ғурурини, шуурини бағрига босган, юртнинг эрку озодлигини мағрут куйлаган, миллатпарвар, ватанпарвар киши деганидир.

– Демак, Шайхзода бобо миллатпарвар эканлар-да?!

– Отангга раҳмат, болам. Шайхзода домла ҳакиқий элсевар, эркесвар киши эди. Шундай одамни 1952 йилда 25 йиллик қамоқ жазосига хукм қилишади.

– Йигирма беш йил?! Бу даҳшат-ку, бобожон?!

– Шундай, болам. Ўша Мильчаков деган иблис киши қанчадан-канча шоир-ёзувчиларнинг бошига етган. Шулар қатори устоз Шайхзоданинг ҳам.

– Ўша иблис деганингиз қаердан келган, бобожон?

– Узокдан, болам. Ўзбек деган миллат дунёда кўкармасин, кўшиғи, куйи, алласи янграмасин деб, шапкасини фижимлаб, сенларга кўрсатиб кўяман, деб юртимизга келган. Ёзувчилар уюшмасида уя куриб, “Звезда Востока” журнали бош мухаррири, сўнгра партия раҳбари сифатида адиллар, шоирларга карши фитналар уюштирган, тухматчилиги билан “ном козонган”. Ахири, Абдулла Қаххор бобо ўша олчокнинг никобини йиртиб ташлайди. Агар билсанг, ҳалқ укувсиз, ҳасадгўй, ёвуз раҳбарни, мен ёзувчиман деб юрган истеъдодсиз кишини ҳеч қачон тан олмайди. Мильчаковга ўхшаган разиллар ҳаёт чархпалагидан тушиб кетади. Шундай, болам! Шайхзода бобо эса сургундан қайтиб келади. Ажойиб асарлар яратишда давом этади.

– Бобожон, Шайхзода устоз мукофот олганларми?

— Йўқ!..

— Нега, бобожон?

— Айтмасам, дилим куяди. Эшитсанг, хафа бўласан! Йўкса, эшит: 1959 йилнинг февраль ойида Москвада ўзбек адабиёти ва санъати ўн кунлиги бўлиб ўтади. Йигирмага якин адиблар учрашувларда қатнашадилар. Москвадан қайтишга, бир гурӯҳ ёзувчилар ўн кунлик хисоботи муносабати билан Фарғона водийси меҳнаткашлари ҳузурига боришади. Бу гурӯхда Сайд Аҳмад, Шухрат, Аскад Мухтор, Туроб Тўла ва Шайхзодалар ҳам бўлишган. Учрашувлар жуда чиройли ўтади. Меҳмонхонада дам олишаётганда радиодан бир хушхабар тарапади. Ўн кунлик қатнашчиларидан баъзилари орден, медал ва Фахрий ёрлиқлар билан тақдирланадилар. Лекин рўйхатда Шайхзоданинг исм-шарифи йўқ... Эртасига газетани кўриб, устоз анча хафа бўлишини ҳис қилган Сайд Аҳмад бу кўнгилсизликни юмшатиш мақсадида сўз котади:

— Шайх ака, давлат сиз билан менга мукофот бермаса керак. Менимча, ёруғ дунёда яшаётганимизнинг ўзи – катта мукофот.

— Тўғри, одам мукофотсиз ҳам яшай олади. Лекин талабаларим мени мукофотга лойик кўрилдимикин, дея интиқиб кутишмоқда, – дейди маҳзунлик ила Шайхзода бобо.

— Хўш, бобожон, у кишига нима учун мукофот берилмаган?

— Бу дунёда дўстидан кўп душмани, ҳамкору ҳаммаслагидан кўра рақиби кўп бўлади, одамнинг. Бу ҳам ана шундай разил одамларнинг иши-да, болам. Тинимсиз “думалоқ” хатлар гирдобида қолган одам мукофотга лойик кўрилармиди? Аммо Шайхзода бобо унвону мукофотларсиз ҳам ажойиб асарлари, юксак инсоний фазилатлари билан халқимиз қалбидан мустаҳкам ўрин ола билди. Кел, болам, устознинг яна бир тантлиги ҳақида сўзлаб берай сенга!

— Айтинг, айтинг, бобожон.

— 1954 йил июнида сургундан қайтган устоз бир хонали уйда қийналиб яшай бошлайди. Ниҳоят, ўн йилдан сўнг у

кишига беш хонали уй берилади. Лекин устоз бу уйда яшашни хоҳламайди. Чунки бўшаган уй вазифасидан туширилган собиқ раҳбарга тегишли эди. “Мен бошқаларнинг баҳтсизлиги устига ўз баҳтимни куришни истамайман”, дейди устоз. Мен бу ҳақда шеър ҳам ёзғанман. Ҳа, болам, Шайхзода бобо ана шундай мард, алп инсон эдилар!

— Бобожон, кечак иш столингиз устида кичкина бир китобни кўриб колдим. “Корейс ҳалк маколлари” экан. Менга, айниқса, биттаси жуда маъқул бўлди: “Ким яхши ёзса, қаламидан шикоят қилмайди”. Шундай эмасми, бобожон?

— Ажойиб мақолни топибсан! Шайх бобо ҳам ана шундай буюк ёзувчи эди. Мехнат, изланиш у кишининг доимий шиори эди. Гўзал шеъру достонлар, бетакорр илмий тадқикотлар ана шу меҳнат натижаси. Мангуберди ва Улуғбекни ҳалкимизга такрор танитган ҳам Шайхзода бобо бўлади, болам. Устоз Мирзо Улуғбек номидан дунёга қаратса шундай нидо килади: “Эй, дунё, дунё, бевафосан, биламан сени, лекин сенга ёмон фарзанд эмасдим-ку!..” Бу сўзларда бутун умри андух-надомат, азоб-уқубат ичра ўтган улуғ шоирнинг дил фарёди мужассам. Ёру дўстларнинг қандайдир сабаблар билан бевафолик килиши у кишини доим кийнаган. Ҳатто дўстларидан бирига хат ёзиб, шундай деган устоз: “Кошки барча ошноларим сен каби вафодор бўлса...” Начора, тақдирида шундай кўргиликлар бор экан. Аммо мен устоз ўзларини баҳтсиз хисоблаган, деб айтольмайман. У кишининг мана бу сатрларини ўз умрига берган баҳоси деб биламан:

Умрлар бўладики,
Тиригига ўликдир.
Ўлимлар бўладики,
Ўлган одам тирикдир.

1967 йилнинг 19 февраля соат 11:30 да Шайхзода бобо хаёт билан видолашди. Шу куни бутун шеърсевар халқимиз кўнглига оғир мотам чўкди...

Юртбошимиз 2001 йили – Мустақиллигимизнинг ўн йиллиги олдидан тарихий Фармонга имзо чекди. Унга кўра адабиётимиз ривожига бекиёс хисса қўшган бир гурӯҳ фидойилар вафотидан кейин “Буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотландилар. Улар қатори атоқли шоир Мақсад Шайхзодага ҳам шундай олий нишон берилди. Бундан эллик йил олдин собиқ шўро ҳукумати устозга кичкина бир медални раво кўрмаганди.

Ҳа, Истиқлол бизга жуда кўп нарсани ўргатди! Устоз Шайхзода каби ўнлаб фидойилар хизматининг қадри ғоят баланд эканлигини, уларнинг маънавий мероси халқимизнинг улуғ қадрияти ўлароқ асрлар оша ўз муносиб баҳосини топаверишини исбот этди! Зоро, донишманд боболаримиз тўғри топиб айтишган: “Ҳақиқат эгилади, букилади, аммо синмайди!”

Мана, неча йиллардирки, Истиқлолимизнинг кутлуг байрамларини нишонлаяпмиз. Не баҳтки, бу байрамларда Шайхзода бобо ўз шеъру достонлари, ажойиб лутфлари билан бизга гўё даврадош бўлиб турибди. Бу эса устоз сиймосининг, бетакрор асарларининг мангу бокийлигидан шаҳодатдир:

Миллатнинг боғбони – камтарин, хоксор,
Хуршиди тобонсиз – меҳрибон, хушёр.
Ахир Сиз чинорсиз – Мақсад Шайхзода,
Ахир Сиз минорсиз – бокийликка ёр!



“БУҒДОЙ СҮЗИНГ БЎЛСИН...”

(“Кўнглим гули – набирам” туркумидан)

- Мана бу мақолни эшитганмисан, болам?
- Айтинг, бобожон.
- Унда айтайн: “Буғдой нонинг бўлмасин, буғдой сўзинг бўлсин...”
- Ажойиб экан-ку, бобожон!
- Энди, болам, дуо билан эл кўкаради. Сўзни эса сўз очади. Мен ҳам бир гапни очай, майлим? Бу дунёда бир-биридан гўзал, бир-биридан ширин, бир-биридан тотли сўзларни эшитсанг, улар юрагингга ўрнашади. Кейин ўйлаб кўрамиз. Кўрамиз-у, азалийлик бор экан-ку, деймиз, шундай эмасми?
- Албатта, албатта.
- Унда қулоқ сол: Бир вақтлар – Самарқандда ўқиётган йилларим, бир-биридан яхши устозларим кўп эди. Лекин ҳаммасини зўр деб айтолмайсан-да! Буюклардан буюги деб Воҳид Абдуллаевни билардим. О, у киши билан сұхбат курсанг, сўзини эшитсанг, кўнгил боғинг очиларди. Юраклари бамисли – чашма, кўзлари – нур булоғи! У киши булбулигўё, тиллари бийрон, сўзлари ҳақиқий “асал”, гапирганида одамларни лол этарди. Лафзи пок, каломи пок, олими барҳақ эди. Улардан дунёнинг кўп пасту баландини сўраб, жавоб олганман: коронғу нима-ю, ойдинлик нима; ташналиқ нима-ю, ошиналиқ нима; хўрлик нима-ю, ҳурлик нима? Рухинг юксакларда парвоз қилган бундай онларда

“бўғдой сўзинг бўлсин”, деган калом ёдга келарди. Хуллас, қаниди экан, ул устоз тирилса-ю, бир кунгина сўзларини мияга куйиб, “Хой тулпор, қани Навоийдан, Бобурдан, Машрабдан бир шингил айтгин-чи”, деса. Эшитяпсанми?

— Албатта, бобожон, шундай донойи танҳо олим ҳозир ҳам борми?

— Бор, болам, бор, бир-бир ярим. Тўғрисини айтаман-да! Лекин Вохид Абдуллага ўхшаган дарёдил тарихнавис, шоири нуктадон, олими баржаста санокли-да! Ул киши тарихни, адабиётни, адабни, фалсафани ниҳоятда зўр биларди. Қойил колардим устозга! Умрим бўйи авлиёларни учратдимми ёки йўқми, билмадим, лекин авлиёликка даъвогарларни жуда кўп кўрдим. Устозим эса даҳоликка – буюкликка ҳеч қачон даъвогарлик қилгани йўқ. Ниҳоятда камтарин, хоксор, афандимонанд, бамисли Моҳитобондай – чиройли, гўзал инсон эди...

Энди, болам, қайси талаба мавзуни сўзлаб берса, “Баракалло, тулпор!” дея хурсанд бўлар, бошка талаба гумроҳ бўлиб турса, “Вой буни қара, сени “хумпар” деб айтсам, бу ёғи қанақа бўлади-а!” дерди (мана шу “тулпор” деган чиройли сўз – каттага нисбатан ҳам, кичикка нисбатан ҳам тез-тез айтиларди). Умуман, домла бирор талабага “уч” қўйганини кўрганим йўқ. Шогирдим бўлса-ю, наҳотки академикдан 4-5 баҳо ололмаса-я, – деб қўярди устоз. Айтаман-да, яхши сўз болдан ширин деб.

Энди, болам, бир гапни айтаман: мен ҳанузгача (45 йилдан бери) устознинг конспектларини бағримда ардоқлайман. О, бир кўрсанг эди, тасанно, деб айтасан!

— Бобожон, у кишини донишманд деб бўладими?

— Бўлади, бўтам, бўлади! У кишининг “Дафтаридан”, кел энди болам, ўша пайтларда ёзиб олган жумлаларимни сенга кўрсатайин. Устоз ўша сўзларнинг остига чизган. Мана, эшит:

“Мавлоно Жалолиддин Румий дўстларига ўлимидан сўнг “Э воҳ”, дея йиғламасликларини васият қилган. “Ўлгани-

миздан сўнг мозоримизни ердан ахтарманг! Бизнинг мозоримиз орифлар кўнгиллариридир!” деган у киши”.

Қандай гўзал бу сўзлар, шундай эмасми, болам, бағрингни ёритади-я! Ёки бошқа бир жумлага кара:

“Темурий хукмдор ва шоир Ҳусайн Бойқаро кунлардан бир куни Мир Алишер Навоийга карата шундай дебди: “Агар мен подшоҳлик ишлари билан шуғулланишдан кўл тортишга жазм этсам, Шайх Нажмиддин Кубро мозори остонасининг жорубкаши – супурувчиси бўламан...” Шогирднинг ўз устозига нисбатан айтатётган бу сўзларини дил розининг гавҳари дейиш мумкин. Билиб қўйки, болам, одамга энг ярашиқли либос – одоб либосидир. Мол улашиб ҳеч кимга етказа олмайсан, ширин сўзинг эса ҳаммага етади. Ҳа, ха, дунё сир-саноати ана шунақа...

Ҳазрат Навоийнинг ушбу сатрларини ҳам устознинг ўша “Дафтар”идан айнан кўчирганман:

Йигитликда йиф илмнинг маҳзанин,
Қарилик чоғи сарф қилғилани...

Демак, болам, ҳар бир одам йигитлигига ёк илмни, ирфонни, ҳаётни, дунёни бағрига боссин, ҳазрат Навоий айтганидек, қарилик чоғи сарф этсин экан. Ахир, фозилнинг фазилати шунда: билганини “биламан”, билмаганини “билмайман”, дейди. Ахир, лукманинг ҳалоллиги – иймоннинг мустаҳкамлигидан. Ҳа, устозимиз Воҳид Абдулла ана шу илмпеша, донишманду ҳалқпарвар, олимни беназир, инсони комил эди. Қанийди, болам, ул кишининг ойдин йўли меники каби сенинг ҳам йўлингни нурафшон, кўнглингни чарофон этса! Омин!

“ЮРАК, СЕНСАН МЕНИНГ СОЗИМ...”

Қадрли дўстим, машхур адиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мухаммад Али бир ажиг сатрни уйида, кўча-кўйда, давраларда бот-бот айтиб туради. Шу сатрни тез-тез бағрига босади, кўзига суртади. Кейин “Юрак, сенсан менинг созим”, деб кўяди. Нимагадир кўзлари намланади. Астасекин лаблари пичирлай бошлайди:

“Юрак, сенсан менинг созим,
Тилимни найга жўр этдинг.
Кўзимга Ойни беркитдинг,
Юрак, сенсан ишқибозим.

Сенга тор келди бу кўкрак,
Севинчинг тошди кирғокдан.
Тилим чарчар, ажаб, гоҳи
Сени таржима килмоқдан...”

– Қаранг-а, – дейди адиб менга қараб, – булар шунчаки сатрлар эмас, шахсан мен уларни самимиятнинг шуъласи деб биламан. Бундай гўзал мисраларни тизиш фақат Усмон Носиргагина насиб этган. Шундай эмасми, дўстим?! Ўтган асрнинг 60-йилларида Москвадаги жаҳон адабиёти институтида беш йил ўқиганман. Ўшанда “Ҳар бир авлоднинг ўз Пушкини бўлиши керак”, деган гапни юрагимга жо этиб юардим. Чунки Пушкин – бир жаҳон! Унинг шеърларига ошно тутинган киши табиат китобини

ўқигандек ҳайратланади, кувонади, завқланади, изтиробга тушади. Ўйлаб-ўйлаб, шундай хулосага келганиман: Пушкин мен учун ҳакикий устоз бўлганидек, Усмон Носир ҳам менинг қиблагоҳим – Пушкинимдир! Дунёнинг кўплаб шоири ёзувчиларига ана шу ҳакда айтавергач, улар Усмон Носирнинг буюклигига тан беришади, мен айтган сатрларни (ўз тилларида) эшитгач, лол колишади. Унинг шеърларига ихлос билан қулоқ тутишади. Мен таржима қилганим шеърларини, хусусан, “Юрак, сенсан менинг созим” сатрини кўчириб олишади. Унинг исёнкор қалб эгаси, шеърият уфқида балқиган юлдуз эканлигини, ўзбек халқининг шундай ажойиб шоири яшаб ўтганини айтиб юришади...

Дарҳақиқат, Усмон Носир табиатнинг бенихоя муруввати туфайли дунёга келган бетакрор истеъдод эгаси эди. “Усмон Носир деганда биз кимни тушунамиз? У шундай буюк инсонки, бамисоли теккан жойини куйдиргувчи оловдир, – дейди Қахрамон шоиримиз Абдулла Орипов у ҳақда, – шоирнинг ғоят қисқа умрига назар солган киши жуда узоқ ўйларга толиши шубҳасиздир. Чунки бу чакмоқдек умрда бенихоя катта имкониятлар ёниб кетганлигини кўриб ва ҳис қилиб турасиз. Усмон Носир улуғ ва абадий шеъриятнинг дийдасидан окиб улгурмаган шабнамдир. У ҳали қаҳқаҳага айланмай, лабларимизда мангуга котиб қолган ним табассумдир. Унинг шеърлари кўз каби тирик, жонли, тутқич бермас ҳаёт парчаларидир...”

Усмон Носир ижодий йўли билан боғлиқ мана бу воқеа ҳам унинг нечоғлик улкан истеъдод сохиби бўлғанлигидан дарак беради: 1937 йил 27 январда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Усмон Носирнинг ижодий кечаси ташкил этилади. Унда ўша пайтдаги барча таникли шоир-ёзувчилар иштирок этишади. Маърузачи сифатида сўз олган шоирлардан бири гап орасида Усмон Носир ижодида тушкунлик рухи устун деган фикрни ўртага кўяди. Аммо бу фикр Усмон Носирга ҳам, бу ерда тўпланган бошка ижодкорларга ҳам ёқмайди. Шоир Амин Умарий сўзга

чикиб, Усмон Носирнинг “Соз” шеърини ўқиб беради ва шоирни кучиб табриклайди. Эргаш Неъматуллаев эса шоирнинг аruz вазнида битилган “Ватандош” шеъри билан уни муборакбод этади. Сўнгра Ҳамид Ғулом сўз олиб, “Усмон Носир шеърлари анорга ўхшайди. Уни қанчалик кўп ўқисанг, шу анорни сиқиб, шарбатини ичгандек хузур қиласан. Унинг шеърлари бутун вужудингга анор шарбати каби таралиб боради”, – дейди.

Аммо кечадан Усмон Носирнинг кўнгли тўлмайди. Айниқса, унинг ёзганларига тушкун шеърият дея баҳо берилгани шоирни ранжитади. Усмон Носир ўша шоирдан буни исбот қилишни талаб этади. Баҳс-мунозара узок давом этади. Ким Усмон Носирни юпатади, ким танқидни маъқуллайди, хуллас, тадбир тадбирга ўхшамайди...

Усмон Носир ақл бовар қилмас даражадаги ноёб хотира соҳиби ҳам бўлган. У Пушкиннинг “Боғчасарой фонтани” достони таржимасини тугатиб, қўлёzmани нашриётга топширганида, кимнингдир айби билан таржима қўлёzmаси йўқолиб қолади. Шунда нашриёт ходимлари шоирдан таржиманинг бошқа нусхасини келтириб беришни сўрашади.

– Ҳечқиси йўқ, – дейди шоир бепарво қўл силтаб, – бирорта машинистка топиб беринглар.

Сўнгра у бир соат мобайнида хонанинг у бошидан-бу бошига папирос чекканча одимлаб, достон таржимасини ёддан айтиб туради...

“1937 йилнинг май ойида Москвада Ўзбекистон адабиёти ва санъати декадаси бўлиб ўтади, – ёзади Наим Каримов. – Делегация сафида Усмон Носир ҳам бор эди. Тошкентга бир тўп ёзувчилар поездда қайтишади. Усмон Носир: “Мана, дохийни ҳам ўз кўзимиз билан кўрдик. Ҳаммамиз қатори оддий одам экан. У менга керосин сотадиган бир дўстимни эслатди”, деб айтади. Мана шу гаплари унинг бошига бало бўлиб ёғилади. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида эса Усмон Носирнинг ахлоқи муҳокама қилиниб, у ёзувчилар сафидан ўчирилади”.

1937 йил элнинг кўплаб асл фарзандлари катори ҳали 25 ёшга тўлмаган Усмон Носирни ҳам ютади. Шеърият осмонида парвоз қилиб юрган шоир қандай қилиб “халқ душмани” тамғасини олди экан? Ўйлаб, ўйга етолмайсан! Ўша даҳшатли, ажал ёғдирган йиллар ва воқеаларнинг гувоҳи бўлган, вақти келганда, иштирокчисига айланган кишилар бугун хаёт эмас, албатта. Аммо шуниси аник: Усмон Носир каби миллат фидойиларига тухмат тошини ёғдирган, уларни давр ўйинлари қурбонига айлантирган кишилар, шубҳасиз, ўз майда манфаатларини кўзлаб, халкнинг бойлигига, бисотига чанг солган нобакорлар бўлишган. Ҳа, ана шу беомон чирик домида қолган, бечора Усмон Носир.

“1937 йилнинг 13 июлида ҳибсга олинганидан то сўнгги нафасига қадар Усмон Носир ойнинг ёруғ кунларини кўрмаган, – ёзди Наим Каримов, – сталинча қирғин йилларида минглаб-миллионлаб бетуноҳ кишилар ўлим лагерларида инсон зоти чидаши мумкин бўлмаган азобларга дучор бўлдилар. Усмон Носирчалик дўзах қийноқларини бошидан кечирган жабрдийда киши кам топилса керак. Сибирнинг 50 – 60 даражага қаҳратон кунлари унга дарахт кестиришади. Бир кондан иккинчисига элтиб, оғир ишга, азоб ва уқубатларга дучор этишади. Шу туфайли шоир ўзини совуқка олдирган. У билан бирга ишлаган шоир Элбек ўрмон кесгани борганида ҳолдан тойиб, лагерга қайтиб келолмаган. Маҳбус ишчилар уни ўрмондаги чодирда қолдириб кетганлар. Ўшанда икки оёғини совуқка олдирган. Кейин унинг икки оёғини кесиб ташлаганлар...”

Усмон Носир бу каби даҳшатли кунларни кўравериб, Москвага, Сталинга кайта-қайта хат йўллади. “Дохий! Сенга ариза ёзишга имкон беришмаяпти. Мен айборд эмасман. Улар мени узил-кесил ўлдирмокчилик. Қадрли дохий, кечир мени. Улар мени сени сўкишга мажбур этишди. Сенга бағишлаб шеърий роман ҳам ёзганман. Минг маротаба кечирим сўрайман. Алвидо. Алвидо, Ватан, алвидо, қадрдонларим!” – ёзган эди шоир сўнгти хатларидан

бирида. Афсус, ўзи башорат қилганидек, у ватанга қайта олмади, уни “узил-кесил ўлдирдилар”.

Азизлар! Эсингиздан чиқарманг: 1944 йил 9 март, пайшанба – ўзбек шеъриятининг ёруғ юлдузларидан бири Усмон Носирнинг сўнгти куни. Сталинча истибдодга асосланган тузум уни шу куни, аждаҳо сингари, ниҳоят ямлаб-ютиб юборади.

Жабрдийда, асоратда қолган ўзбек халқининг бу фожиали куни ҳакида куйидаги энг сўнгги ҳужжат тузилган:

“Далолатнома 1944 йил мартаининг 15-куни. Биз, қўйида имзо чекувчилар, 2-қисм муфаттишии Артамонова, хўжалик мудири Брюшев, ўлиқхона санитари Свищченко шу ҳақда далолатнома туздикки, вафот қилган маҳбус Носиров Усмоннинг жасади – 1912 йилда туғилган. Моддалари 67, 64, 14, муддати ўн йил – бугун Суслово қабристонида дафн этилди. Қабр 1,5 метр чуқурликда қазилди. Қўлига 12192-рақами чўпхат боғлаб қўйилди. Қабр устига 2-рақамили тахта ўрнатилди...”

Таассуфлар бўлсинки, ўзбек адабиётнинг фахрига айланажаги муқаррар бўлган, илк машқлари биланоқ бу ҳакиқатни исботлаб улгурган Усмон Носир умри ана шу тариқа аянчли якун топди. Юртга омон қайтиш умидидан маҳрум этилган жабрдийда шоир жасади ҳам бегона тупроқда қолиб кетди. Аммо кўнгилга таскин-тасалли берадиган бир муҳим ҳақиқат бор: Усмон Носир ҳаётининг сўнгти йиллари ҳакида маълумотларни тўплашда бизга яқиндан кўмак берган фидойи олим, профессор Наим Каримов ҳамда шоирнинг жияни, шоира ва олим Нодира Рашидоваларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли Усмон Носир хоки ўз Ватанига келтирилди! “Минг йиллардан кейин ҳам Унутмас мени боғим”, дея башорат қилганидек, она-тупрок уни ўз бағрига олди.

Ватанига қайтган шоирга “Гуллардан ҳайкал курмок” эса шеъриятни, адолатни, ҳакиқатни ардоқлаган хар бир юртдошимизнинг муқаддас бурчидир!

ДОРИЛФУНУН ХИЁБОНИДА

Ёдимда, 1963 йилнинг ноябрь ойи охирлари эди. Эндиғина пахтадан қайтганмиз. Факультетимиз декани Орифжон Икромов биз ўтирган аудиторияга кириб, “Укаларим, сингилларим, бугун дарсдан кейин соат учларда тўпланинглар. Ўзбекистон халқ шоири Миртемир домла билан учрашув бўлади”, – деди. “Ура!” – дедик қувончимиз ичимизга сиғмай. “Қулоқ солинглар, – деди Орифжон домла яна бизга қараб, – ораларингда Миртемир домланинг “Киприкларим” деган шеърини биладиганларинг борми?” “Мен”, – дедим қўлимни кўтариб. Яна Хотам, Карим деган дўстларим ҳам “Киприкларим”ни ёддан билишларини айтишиди. “Яшанг, укаларим, – деди декан хурсанд бўлиб. – Билсаларинг, шоир ўзининг шеърини эшитса, қўнгли очилиб кетади. Янги шеърлари ўз-ўзидан қуилиб келади. Бугун устозни бир хурсанд килайлик!”

Дарҳақиқат, ўшанда Миртемир домла биз – бўлғуси филологлар хузурига самарқандлик шоирлар – Душан Файзи, Нормурод Нарзуллаев, Суръат Орипов, Теша Сайдалиев, Барот Бойкобиловларни етаклаб келди. Кўп ўтмай, академик Воҳид Абдуллаев, Нуриддин Шукуров, Ботирхон Валихўжаев, Саъдулла Мирзаев каби олимлар ҳам даврага қўшилишди. Орифжон Икромов Миртемир домланинг ҳаёти, Самарқанддаги ижоди, хусусан, шоирнинг Ҳамид Олимжон, Усмон Носир билан дўстона муносабатлари ҳақидаги ибратли воқеаларни айтиб берди. Воҳид Абдуллаев шоирнинг “Қорақалпок дафтари” асари

хусусида сўзлади, Нуриддин Шукуров эса кирғиз эпоси “Манас” ҳақида гапирди. Миртемир домла унинг ярмидан кўпроғини таржима килганини таъкидлаб, бу – домланинг тинимсиз изланиш ва интилишда эканлигидан далолат беришини қайд қилди.

Ўша манзара ҳануз кўзим олдида: Ўртага тушдим. Домлаларим, дўстларим тингламоқда:

Киприкларим қўнғирмикан ё кора?
Киприкларим юзтамикин ёки минг?
Киприкларим мунча азиз ва сара,
Кўзгинамнинг киприклари...

Миртемир домла ҳайратда. Ҳар биримизга қарайпти. Шеър эса давом этмоқда:

Кипригимдай азизларим,
нечоғлик ҳам суюксиз,
Армонимдай буюксиз!..

Устоз ўрнидан туриб кетди. Менга караб: “Бўтам, ташаккур сенга”, – дея кўзлари оловланди. Кейин қўйин чўнтағидан қоғоз чиқарди.

– Айтсан, бугунги тонг менга гавҳар тухфа этди, – деди хурсанд бўлиб, – шеърни эшигинглар: “Дорилфунун хиёбонида...”

Тинглай бошладик. Гўё бу шеър устознинг юрагидан шалоладай, шаршарадан куйилгандай, тилсимдай! Шундай бўлдики, Миртемир домла йиглаб юборди:

Эй азиз хиёбон, менинг ёшлигим
Сенда қолган эди, ростми, ёдга ол.
Шеъру хикмат билан илк сирдошлигим
Сенда қолган эди...
Шу зум битта чол,
Чинордай чол келиб қолди ёнимга,

Ха, ўша гулчи-ку, боғбон, донишманд.
Юрагим тор келиб хаяжонимга,
Дедим: «Салом бўлсин, азиз Самарқанд!
Сенда қолган эди менинг ёшлигим,
Ўзимга қайтиб бер, Самарқанд бобо!

Сенда қолган эди қалам қошлигим,
Ўзимга қайтиб бер, донишманд бобо!”

Ҳар биримиз лол эдик. Шеър бизни ошуфтаҳол этган эди. Миртемир домланинг нақадар буюк шоир эканлигини хис этдик. У кишининг “Сен она...”, “Қарқаралик”, “Лолазор”, “Бетоблигимда” каби шеърларини эшитганимизда ҳам ниҳоятда хурсанд бўлганмиз. Хусусан, “Сурат” лирик қиссасидан катта-катта парчаларни ёд айтганларида, жуда ҳайрон қолганмиз.

Ха, устоз Миртемир ана шундай катта истеъдод сохиби эди! Профессор Наим Каримов таъкидлаганидек, “Миртемир ўзининг нозик табиати ва ҳассос қалби билан ҳақиқий шоир эди. Шунинг учун ҳам у бутун умри мобайнида шеъриятда гўзалликни, нафосатни, латофатни куйлаш санъатига содик қолиб, инсон қалбининг нафис манзараларини тасвир ва талқин этди”.

1964 йили СамДУни тугатиб, ҳарбий хизматга чакирилдим. Кавказ тоғлари, манзаралари мени мафтун этди. Шу туфайли шеърлар, ҳикоялар ёза бошладим. Уларни Тошкентга – Ёзувчилар уюшмасига юбордим, ўқиб кўринглар, деб. Кўп ўтмай, 15 сентябрда ёшларнинг семинари бўлиб ўтар экан. Ўшанга мени даъват этишди. Борсам, гурух раҳбаримиз Миртемир домла экан. Устоз мени таниб, “Бўтам, кипригим, келдингми?” дея бағрига босди. Янги дўстлар – наманганлик Ҳабиб Саъдулла, андижонлик Турсуной Содикова, Ҳалима Қорабоева, фарғоналик Ҳафиза Дехкон қизи кабилар билан мени таништирди. Бир ҳафта давомида Миртемир домланинг “Шеър – хикмат дарёси, сеҳр дарёси” деган сўзларини қалбимизга муҳрлаганмиз.

Миртемир домла адабиётимизда ўзига хос мактаб яратди. У ниҳоятда камтар ва меҳнаткаш инсон эди. Унинг ҳар бир сатр устида қанчалик ўйга толгани-ю, изланганига кўп гувоҳ бўлганмиз. Устоз ана шу фазилати билан барчамизга ибрат эди. Булардан ташкари, устознинг фақат ўзигагина хос бетакрор тили ва услуби ҳам ҳавасга муносиб эди.

Одатда, ҳаммани устоз деявермаймиз. Адабиётда ўзига хос мактаб яратган, бутун ижоди билан ҳалқ бадиий-маънавий ҳаётига кириб борган ижодкорларнигина устоз шоир ёки адиб деймиз. Шу маънода, Миртемир домлани табаррук адиб, ажойиб устоз дейиш мумкин. У киши чин юракдан меҳнат қиласидиган инсон эди, қалбда янги, илиқ хислар уйғотадиган шеърий истеъдод соҳиби эди.

Миртемир домла бетакрор таржимон ҳам эди. Бу ўринда устоз таржимасини амалга оширган “Манас” ва “Қирққиз” эпосларини, “Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон”, “Русияда ким яхши яшайди?”, “Руслан ва Людмила” каби асарларни эслаш кифоя. Пушкинни ўзбек китобхонига энг биринчилардан бўлиб танитган ҳам устоз Миртемирдир. Яна қанча буюк шоирларнинг асарлари у кишининг заҳматкашлиги туфайли ҳалқимизга етиб борган. Биз бу асарларни айнан Миртемир туфайли худди ўзбек тилида ёзилгандек завқ билан ўқиймиз.

“Миртемир деганда, – ёзган эди Озарбайжон ҳалқ шоири Сулаймон Рустам, – қўз ўнгимизда пок қалбли, юксак маданиятли, виждони беғубор, олийжаноб ва самимий инсон гавдаланади. Унинг асарлари ана шу софликдан, Ватанга, ҳалқка, кардошлигимизга ҳадсиз садоқат ҳиссидан туғилган шеърий дурдоналардир”.

Шундай, Миртемир ижоди биз учун доимо ноёб хазина. Устознинг адабиётдаги ўрни ҳамиша ардоклидир.

МИРТЕМИР

Саҳар туриб устоз Миртемир
Боғ-ховлисин айланар экан.
Хаёлларин тўплаб бирма-бир,
Шеър ёзмоққа шайланар экан,

Түйғуларнинг жиловин тутиб,
Маҳв этса гар илхом парисин,
Дунёларни бутқул унутиб,
Банд этганча сўзлар сарасин,
Бармоқлари ила... ҳавога
Мисраларни бир-бир тизаркан.
Сал ёқмаса, улар устидан
Такрор-такрор «чизиқ чизаркан»...
Сўнг арабий имлода... яна
Шеър машкида этаркан давом.
Ва... ҳавони инжа, туркона
Чулғар экан... тоза рух – калом...
Бундай мавжу бундай манзара
Еру кўкка сигарми, айтинг.
Энди бирор қавму шажара
Миртемирни туғарми, айтинг?
Кимга ёрдир илохий нафас,
Тўлсин деса замин навога.
Мехру ишқин қоғозга эмас,
Ёзмоғи шарт илк бор ҳавога!..



ЛУТФИ ЖАРАНГЛАБ ТУРСА

Умр ўтиб кетар экан. Кунлар ҳам, йиллар ҳам. Одамнинг сўзи, сози ҳам. Аммо ўша инсонни дўсту биродарим, қадрдоним деб билсанг, лутфи қалбингда доим жаранглаб турса, у бағрингга бутунлай сингиб кетар экан!

Ушбу сўзларим таникли шоир ва журналист Мурод Халил ҳакида айтилган шунчаки калом эмас. Чунки Мурод Халил зукко, меҳрибон ва ғамхўр дўст сифатида барчага бирдек қадрдон эди. Ўтган асрнинг 60–70-йилларида истеъоддли шоир, заҳматкаш журналист сифатида республикамизда кенг танилганди; қиссалари, шеър ва достонлари, очерк ва мақолалари, эсселари қўлдан-қўлга ўтиб, ўқилар эди. Хусусан, “Эргаш олов” достони, Барот Бойқобилов билан ҳамкорликда ёзилган “Мұхабbat ёлқини” қиссаси матбуот саҳифаларида ёритилган, талабаликда бу асарлар завқидан баҳраманд бўлган эдик.

Мурод ака билан поездда танишганмиз. Ўшанда Самарқанд давлат университети талабаси эдим. Таътилдан сўнг шаҳарга кетаётгандим. Қизилтепада купега чикиб, барваста зиёли, қора қўзойнакли кишининг ёнига келиб ўтирдим. Саломлашдик. У кишининг “Бухоро ҳақиқати” газетаси бўлим мудири эканини эшитгач, хурсанд бўлиб кетдим. Сўнgra Булғориянинг Варна шаҳридаги журналистлар бутунжаҳон дам олиш уйига кетаётганигини ҳам билиб олдим. Университетнинг сўнгги босқич талабаси эканлигимни, у кишининг асарларини “Шарқ юлдузи”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” каби нуфузли нашрларда

ўқиганлигимни айтганимда, Мурод ака ниҳоятда хурсанд бўлиб:

— Э, ана, укам, омон бўлинг. Яхши ўқиётганингиз билингипти. Менимча, шеър ёзсангиз керак. Менга юборинг. Газетада чоп этамиз, — деди.

— Раҳмат, устоз, — дедим бунга жавобан.

— Биласизми, мен ҳам Самарқандда ўқиганман. Амакингиз Аҳад Ҳасан, яна бир шофириконлик кора қош, чиройли дўстим Халил Қодиров билан бир хонада яшаганмиз. Аҳад Ҳасан зўр ўқир эди. Ундан катта ёзувчи чиқади. Қаттиқ ишлайпти, ҳикоялари баланд, — деганди Мурод ака.

Устоз билан Самарқандга етиб боргунча адабиёт, ҳозирги шеърият, маънавият ва ижтимоий ҳаёт ҳакида сұхбатлар қурганмиз. Тақдирнинг тадбирини қарангки, икки йилдан сўнг у киши билан яна юзма-юз бўлдик. Қисмат менга Самарқанд ёхуд Шофирикonda эмас, балки Бухорои шарифда ишлаш ва ижод килиш баҳтини насиб этган эди.

“Бухоро ҳақиқати”нинг ўша пайтдаги бош муҳаррири, буюк қалб эгаси Облокул Эгамов мени ўз жамоасига таклиф килди. Ўшанда Мурод ака ниҳоятда хурсанд бўлган, поезддаги сұхбатларни эслаб, келажакдаги ижодий ишлар, баъзи юзсиз одамларнинг феъл-хўйи ҳакида сўзлаб, бўш келмасликни маслаҳат берган эди.

Тўғриси, Мурод ака яхши инсон эди. Ҳеч кимни ёмон демасди. Аммо истеъоддини истеъоддили, иқтидорсизни иқтидорсиз дея тўппа-тўғри юзига айтарди. Шу туфайли айрим “журналистман” дея юрган кишилар Мурод акани раҳбарлар олдиди ёмонотлик қилишарди. Аммо акамиз: “Э, ана, шунақа экан-да. Майли-да, зўрни зўр, пастни паст дейиш керак-да!” дерди.

Мурод ака бир-биридан ажойиб эссе ва очерклар ёзарди. Ҳайрон қолардим: у кишининг қаламидан бир кечада ўн беш-йигирма саҳифалик публицистик лавҳалар дунёга келар эди. Мурод аканинг вобкентлик кулол аёл – Ҳамро биби Раҳимова ҳакида ёзган “Булбул навоси” очерки садоси ҳамон қулоғим остида жаранг беради. Ҳузур қилганман.

– Мурод ака, даҳшат ёзибсиз-да, қойил, – дегандим қўлини сиқиб.

– Ие, шунақами! Раҳмат, укам. Бир нарсани ёздингми, баланд бўлсин. Одамлар маъқул кўрсин-да, – деганди яйраб.

Мурод ака “Бухоро ҳақиқати”да йигирма йилга яқин ишлади. Тахририят мутасаддилари ҳам, вилоят раҳбарлари ҳам Мурод акадан каерда, қандай яшаяпсан, деб сўрашмаган. Биз ҳам шунақа яшаганмиз... Мурод ака узоқ йиллар ижара уйларда истиқомат қилганди. Оиласи қишлоқда, бола-чақаси хузурига ҳафтада бир бориб келарди, холос.

Мурод ака адабиёт бўлимини фидойилик ва катта салоҳият билан бошқарди. Кўплаб ёшларга утозлик қилди. Жамол Камол, Эшмурод Бобумуродов, Муҳаммад Салом, кейинроқ Абдужалил Халилов каби ходимларининг ёзганларини баҳолаб, “Зўр, зўр, сизлар зўр-да!” дея табассум қилиб қўярди у киши.

Мурод ака афандинамо инсон эди. Аскияни қойиллатар, ҳозиржавоблиги билан баҳри-дилингизни очар, у билан сұхбат курган киши ажиб хузур-ҳаловат топарди. “Ҳажвиябоп гап-сўзларингиз ҳақида келажакда албатта ёзаман!” – дегандим бир куни Мурод акага.

– Э, шунақами, укам, майли, ёзинг. Ҳаёт шунақа-да, кулдиринг, лекин сўлдирманг! – деганди Мурод ака.

Кейинчалик Мурод ака Қизилтепа туман газетасига муҳаррир бўлиб кетди. Лекин ора-орада Бухоро педагогика институтида ўқиётган ўғиллари – Мехриддин ва Фазлиддинларни кўргани келиб турар, тахририят ходимларини йўқлаб, “Э, ана, жўралар, бўш келманглар, соғ бўлинглар!” деб кетарди. Шундай дийдорлашувлар чоғида “Зарафшон” деган романимни Тошкентга элтиб, тез орада чоп қилдирман”, деганини эслайман. Афсуски, бу роман қўлёзмаси бировларнинг ғаладонида, кейинроқ қайсицир нашриётда қолиб кетди... Аммо орадан йигирма йил ўтгач, бу асар ўғли Фазлиддин Халилов, ёзувчилар: Муҳаммад

Салом, Азиз Сайдларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли
“Тамаддун” нашриётида босилди (2010 йил)...

Мурод ака ҳаётдан эрта кетди. Аммо қадрдон устознинг
сўзлари бағримизда, кўнглимизда. “Сайланма” китоби
босилаётганини эшишиб, бошим кўкка етди. Истеъоддли
адибнинг шеърий, насрый, публицистик бисотидан
китобхонларимизни баҳраманд этиш йўлида камарбаста
бўлаётган азизларни Яратганинг ўзи кўлласин!



“ИШВАЮ НОЗ...”

Сафар Барноев яхши дўст, иқтидорли шоир ва ёзувчи, истеъодли журналист ҳам эди. Республика газета-журналларида мақолалари, болаларбоп ҳикоялари тез-тез босилиб туарди. Уларни қўлга олишимиз билан акага телефон килардик ёки ўзлари бизларга кўнгирок қиласарди. Хуллас, дўстлигимиз кўп йиллардан бери давом этарди.

Сафар ака даврабоп, кулгисевар, асқиячи, сухбатдоши билан хоҳлаган масалада “чўкишиш”га тайёр ҳамроҳ эди. Табассуму шўхликлари кўнглимизни чоғ этарди. Баъзан бизлар ҳам акани лол қилиб қўярдик.

Нима бўлди-ю, Сафар ака бизларга айтмасдан уч-тўртта дўстини Бухорога етаклаб келди. Қарасак, ҳамроҳларининг бирортасини танимаймиз. Улар шоиру ёзувчилар эмас. Секингина сўрасак, улар қўни-қўшилари, шунчаки “Бухорода ўйнаб келгани” йўлга чиқишиган экан. Начора, меҳмон меҳмон-да. Ўша куниёқ Лабиҳовузда, иккинчи куни Ромитанда (бу жой Сафар аканинг туғилган туманлари), учинчи куни Тўдакўлда “сайратдик” уларни. Август ойлари эмасми, тўйгарчилик – ҳар куни кўчаларда, ҳовлиларда базм. Улар ниҳоятда хурсанд... Кейин у киши “Қалай, жўраларимиз сизни чарчатишмаяптими? Уч-тўрут кун деганингиз ўтиб кетади. Биз ҳам Оллоҳнинг бандаларимиз, шундай эмасми, бачам, тоңс, акам”, – деди кулиб.

– Гасанно ва лекин, – дедим у кишига мулойимгина қаріб, – нима бўлади? Тошкентдан, ҳокимиётдан ҳар шимон-ҳар замонда телефон килиб туришса. Кабинетингизда

ўтирасизми ёки йўқми, дегувчилар ҳар куни бош сүқиб келса-ю, биз маза қилиб юрсак?! А, акам, шундай эмасми?

– Э, акам, – деди Сафар ака пиёлани айлантириб хохоларкан, – энди чидайсиз-да, акам. Бухоронинг паст-баландини яхши биласиз. Шунинг учун сизни ёнимизда олиб юрамиз-да!

– Яшанг, Сафар ака, – дедим ўйлаб туриб, – анчадан бери бир гапни миямда пишишиб юрибман. Жўраларингизга эмас, факат сизнинг кулоғингизга айтаман. Улар эшишишмасин тағин. Бу маталга ўхшаган нарса. Келинг, айтайн:

– Энг гўзал инсонга (мехмонга) биринчи куни ишваю ноз қилинади.

– Хўш, хўш, – деди Сафар ака ҳайрон бўлиб, – бу нима дегани?

– Гап шундаки, – дедим мулоиймлик билан, – биринчи куни меҳмонга “Меҳмоним, жўражоним, тўрга ўтинг. Новвот, яхна чой ичинг. Қази-карта дегандай, маза қилинг. Марҳамат, марҳамат...” – дейилади.

– Аха, шунақа экан-да, хўш-хўш, – деди Сафар ака бош бармоғини кўрсатиб, – иккинчи куни нима бўлар экан?

– Энди, Сафар акам, – дедим мен, – иккинчи куни меҳмонга сабзи-пиёз берилади. Яъни эрталаб ширмой нон, қаймоқ берилади, угра ҳам меҳмонга маъқул бўлади. Кейин тушда бирин-кетин Фиждувоннинг балигу шашлиги олиб келинади. Дў-ўст дегандай, Жильвоннинг мусалласи... Кейин нўхатли, сергўшт, серсабзи жонон ош берилади. Вой-е, деб юборади меҳмон. Отавериб, ётавериб, дегандай. Яхши меҳмон кечга яқин “Энди бизга рухсат берсангизлар ҳам бўлаверади” дейди. Шунақа эмасми, ака?

Бу гапидан сўнг Сафар ака жойидан туриб кетди.

– Даҳшат, Даҳшат! – деб юборди у киши. – Демак, учинчиси чўпи дароз, яъни узун таёқ экан-да! Вой-е, акам, – деди Сафар ака бош чайқаб, – шоир акам, демак, бу матални факат сиз топгансиз. Биламан, сиз “шум бола”сиз. Аммо сенларни боплайман, бир боплайки, – дея кулиб-кулиб, ён

дафтарчасини очиб, ёза бошлади. – Айтинг, “шум бола”, зўр жакан бу мatal, уни ёшиб олай.

Мен ҳам ўша сўзларни айта бошладим: биринчи кун – ишнано ноз, иккинчи кун – сабзи-пиёз, учинчи кун – чўги дароз!

– Зўр-е, зўр! – деди Сафар ака хохолаб, – ҳали сенларни бир боплайман, шундай боплайманки...

– Энди, Сафар ака, – дедим жиддийлик билан, – кўряпман, хафа бўляпсиз. Ишимизни яхши биласиз-ку. Дунёning ҳамма жойидан Бухорога канчадан-қанча ёзувчи-шоирлар меҳмон бўлиб келишади. Деярли ҳар куни мен уларни кутиб олиб, кузатиб кўяман. Умрим шуларнинг атрофида ўтади. Нима қилай, ана шу матални топганман-да.

– Зўр, даҳшат! – деди Сафар ака тагин бош бармоғини курсантиб, – барибир боплайман сенларни, боплайман...

Боплаёлмаган акам тўртинчи куни аzonда қўни-қўшни-парини олиб, самолётда учиб кетган эди.

2008 йил 14 октябрь

“СОҒИНСАНГИЗ МЕНИ ИЗЛАНГ...”

Биз одатда истеъдодли одамларнинг қадрига ўз вактида етмаймиз. Билмадим, бу кусур баъзиларнинг вужудига қон билан кирганми дейман... Бундайларга ўзидан кўра эгаллаган мансаби, курсисини муҳофаза этиш ҳаётмамотдай гап. Ҳакиқат бу! Йўқса, Тошпўлат Ҳамиддай эл таниган, обрўли бир шоирнинг номи анча вақт “депсиниб” юрмасди. Исбот дейсизми? Марҳамат:

Бундан саккиз йилча олдин – Тошпўлат ака вафотига 5 йил тўлиши муносабати билан вилоят газетасига маҳсус мақола тайёрладик. Бир туркум шеърларини ҳам. Хотира куни олдидан эди бу хайрли ишлар. Тахририятдагилар эҳтиёткор эмасми, вилоят фирмә қўмитасидан рухсат сўрашибди. Ўшанда кўринг эди томошани: эмишки, Тошпўлат Ҳамидинг фирмавий ҳаётида кусурлар бор. У собиқ маҳбус, палончининг дўсти, маслақдоши, колаверса, Гдляннинг “кора рўйхатига” тушганлардан...

Бу сўзларни уялмай-нетмай бир масъул ходим гапи-рарди. Ваҳоланки, мана шу “арбобча” Тошпўлат акадан энг кўп илтифот кўрган, унинг бевосита қўллаб-қувватлаши, тавсиясига кўра вилоят қўмитасига ишга кўтарилиган эди. Сир эмас, айрим хушомадгўй, истеъдодсиз, шахсий садоқатли, орка суюнчиклари туфайли раҳбарлик лаво-зимига тасодифий ўтиб қолганлар оз эмас-ку. Бу чаласавод кимса ҳам шундайлар тоифасидан эди. Хуллас, “гуноҳсиз” шоирнинг хотираси ёд этилмай қолганди ўшанда.

Бу воқеаларни эслаш албатта азоб. Ҳақиқатнинг кўзига тик боқиб, айтиш жоизки, бугун амалидан ажралиб, юзи қаро бўлган ўша безбет “арбобча” ва ундан каттарокларининг ҳам Тошпўлат Ҳамид бўйнига қўйган “иллат”лари ғирт ёлғон. У ҳам кўплаб юртдошларимиз қатори даврнинг шафкатсиз “ўқига” учраганлардан. Собиқ марказ томонидан ўйлаб чиқарилган “ўзбеклар иши”нинг миси чиққанидан барчамиз хабардормиз. Ўша “иш”ларга эса Тошпўлат аканинг ҳатто этаги ҳам илашмаган. Буни биз – бухоролик ижодкорлар яхши биламиз.

Тошпўлат Ҳамид кувноқ ва дилкаш инсон эди. У қатнашган давраларда кулги гулхани ёнарди, сұхбати жонон эди. Унинг ўн беш йилча ёзувчилар уюшмасини бошқаргани, ўн йилча “Бухоро ҳақиқати” газетасида муҳаррирлик қилгани кечагидай эсимизда. Тўлиб-тошиб, қайнаб юради ҳамиша. Гарчи бағри тўла шеър бўлса-да, тўғриси, кам ёзарди. Ёзганлари эса соз бўларди. “Мендай дангаса бўлманғлар, сизлар кўп ёзинглар” дерди у шогирдларига.

Аммо сарҳисоб қилсак, Тошпўлат акадан басавлат адабий хирмон қолган. “Қуёш шаънига”, “Менинг асрим”, “Бинафша уфқлар”, “Лирика”, “Достонлар”, “Бўстон наволари”, “Асрорқулнинг кўчкори” сингари ўндан ортиқ мажмуналари унинг ижодкорлик салоҳияти юксаклигидан талолатдир. Зеро, уни ҳалқимизнинг ардоқли шоири Абдулла Орипов “Зарафшон воҳасининг хушхон булбули” дея атагани бежиз эмас.

Дарвоқе, шоир акамиз Қизилтепада – шундоққина Зарафшон дарёси бўйида таваллуд топган. Унинг кўп шеърлари жонажон Бўстон қишлоғи васфига бағишлилангани ҳам шу боисдан. Тошпўлат Ҳамид яхши журналист ҳам эди. Унинг қаламига мансуб кўплаб очерклар, публицистик маколаларни муштариyllар ҳамон эсласалар керак. Энг муҳими, у бағрикенг, ёшларга меҳрибон муҳаррир – устоз эди. Давр ва шароит тақозосига кўра у фирмә ишига кутарилганди. Аммо ижод доимий ҳамроҳи эди унинг. “Шеър

ва ғазал менинг ҳар кунги машғулотим. Мансабдаги ишим эса – кун ўтарга, савлат учун...” дерди у гоҳида ҳазиллашиб.

Хуллас, мана шунақа ажойиб инсон эди Тошпўлат ака. Гарчи узок йиллар беморланиб юрса-да, ҳаётидан зорланмасди. Тушқунликка берилмасди. “Фирқа ишидан бир амаллаб қутулсам, катта прозага ўтаман. Бир романлар ёзайки...” дея изҳори дил этарди. Бироқ, машъум ўлим шундай истеъдодли ижодкорни орамиздан бевақт олиб кетди. У 1984 йил 9 февралда Ессентуки шахрида дам олаётганида оламдан ўтди.

Тошпўлат Ҳамиддан яхши ном, гўзал шеърий китоблар, оқил фарзандлар қолгани барчамизга яхши аён. У тирик бўлганида бу йил 80 ёшга тўларди. Аммо бу истеъдод соҳибининг умри мангаликка дахлдордир. Шоир умрининг сўнгги кунларидан бирида шундай сатрларни битиб колдирганди:

Софинсангиз мени изланг
Боғ гуллари атридан.
Мен энтикиб Сизга боқай
Шеърларимнинг сатридан.

Ўтаб бўлдим хаётимни
Берилиб хис-туйғуга.
Сизга атаб ижодимни
Мангу кетдим уйқуга...

Бу шеър ҳассос шоир Тошпўлат Ҳамидинг ўз халқига, ўқувчисига бўлган меҳр-муҳаббатининг ёлқинга айланган икрори, босиб ўтган ҳаётининг асосий мезонидир. Шундай экан, у бизнинг сафимизда, у абадий яшайди.

2007 йил 15 июль

“ОДАМ КҮНГЛИ ЯРИМТА...”

Эсимда, 1982 йилнинг июль ойи эди. Шаҳримизга машҳур рус шоири Евгений Евтушенко таниқли шоир Омон Матчон билан ташриф буюрганди. Ўшанда уларни шоир, вилоят фирмаси раис ўринбосари Тошпўлат Ҳамид билан биргаликда кўп жойларга олиб борганмиз, сұхбатлар ўтказғанмиз. Шоирнинг нияти халқимиз хаёти, турмуш тарзи билан яқиндан танишиш, қадимий Бухоро ўтмишини ўрганиб, тарихий асарлар ёзиш эди.

Евтушенко—дунё кўрган шоирэди. Кўплаб мамлакатларда бўлган. Ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган. Сұхбатларнинг бирида ундан сўраб қолдим.

— Сиз жуда машҳур шоирсиз. Америка Кўшма Штатлари президенти Никсон истеъодингизга тан бериб, хатто уйига меҳмонга чақирган экан. Шу ростми?

Шоир мийиғида кулди. Чой ичди. Лабиҳовузда кўр тўкканча ёнбошлаган қадимий тутларга тикилди. Сўнгра:

— Рост, — деди мамнунлик билан. — У мард раҳбар ва гўзал инсон эди. Шоир халқини бениҳоя хурмат қиласа ва юрагидагини изҳор этишдан истиҳола қилиб ўтирмасди. У Пушкинни, Лермонтовни, Фетни, жумладан, мени ҳам яхши кўрас, шеърларимни тинглаб завқланарди. Билсангиз, унинг уйида маза қилиб ўтирганмиз.

— Ажойиб! — дедим унга чой узатар эканман. Кейин яна кўзларига қарадим.

— Кўнглингизга олманг-у, — дедим сұхбатга кўр бериб, — Никсон Москвага келганида, уни қабул қилмаган экансиз. Шу гап ҳам тўғрими?

– Нотүғри! – деди мәхмөн бошини сарак-сарак қилиб, – уч күн олдин мени Хрушчёвнинг олдига чакиришган. Ҳузурига борганимда, у мендан “Никсон Москвага келяпти, хабаринг борми?” – дея сўради.

Мен хабарим йўқлигини айтдим.

– Унда, эшит, – деди у менга тундроқ караб. – Никсон уйингга кирмоқчи. Уни яхшилаб мәхмөн қилгин. Тушундингми? Унинг уйида – Нью-Йоркда маза қилиб ўтиргансан-ку!

– Никита Сергеевич! – дедим мен кулиб. – Гапнинг пўсткалласини айттай. Мен Москванинг энг овлоқ кўчасидаги икки хонали уйда яшайман. Уйимда минг-минглаб китобларим босилиб ётиби. Тўғриси, хотиним билан балконда тураман. Кимсан, Америка президенти Никсон жаноблари Москвага келсалар, у кишини мен бундай уйда кутиб ололмайман. У мени саройни эслатувчи ҳовлисида мәхмөн қилган. Мен эса ҳамма қатори яшаб юрган бандаман.

– Ҳўш, нима қилмоқчисан? – деди Хрушчёв лабларини осилтирган кўйи. – Юрагингдагини айт!

– Никита Сергеевич, – дедим унга маъноли қараб, – биласиз, Кремль атрофидаги биноларда министрлар, казо-казо раҳбарлар яшайди. Агар химмат кўрсатиб, ўша беш хонали уйлардан бирини мебеллари билан берсангиз, марҳамат, мәхмөнни кутиб олишга тайёрман.

– Агар бермасам-чи? – ковоғини уйганича сўради Хрушчёв.

– Унда, ўша икки хонали уйда яшайвераман ва жаноб Никсонни қабул кила олмайман.

– Шунақами? – дея ўрнидан турди Хрушчёв. – Бир гап айтами? Шоир деганлари ўта қайсар, тўпори бўлади. Сен ҳам шунақалардансан. Лекин катта шоирсан. Сени дунё билади. Энди кулоқ тут. Ҳозир шаҳар ижроқўмига борасан. Ўша сен айтган уйни кўрсатишади. Мебель, жихозлари чет элники. Кўриб хурсанд бўласан.

— Никита Сергеевич, — дедим мен. — Кейин-чи, кейин.
Никсон кетгач, уй менда қоладими ёки...

— Женя, мени ким деб ўйлагандинг, — деди шунда
Хрущёв. — Ахир, менда ҳам лафз бор. Шоир деганлари
буни яхши билиши керак.

— Мени кечиринг, Никита Сергеевич! — дедим мен
ўрнимдан туриб.

— Дарвоке, — деди менга қараб Хрущёв. — Никсон
турмуш ўртоғи билан келяпти. Уларни яхши кутиб ол,
хурсанд бўлишсин...

— Ана шунаقا, укам, — дея ҳикоясини тугатди Евту-
шенко. — Никсон шарофати билан ўша пайтлар ҳашаматли
дэйишга арзигулик уйга эга бўлганман ва, албатта,
Хрущёвдан ҳам миннатдорман.

— Раҳмат! — дедим мен ҳам ўз навбатида. — Энди, яна бир
гап. Айтинг-чи, сиз нимадан қўрқасиз?

Шоир бир оз ўйлаб турди-ю, жиддий қиёфада деди:

— Агар қўрқсан, шоир бўлмас эдим. Аммо мен ҳам барча
қатори бир бандаман. Тўғрисини айтсан, айрим мансабдор
кишиларнинг зиёлиларни нодонларча калака қилишларидан
кўркаман.

Шундан кейин шоир ўз бошига тушган мусибату
кулфатлар, чеклашу камситишларни алам билан ҳикоя
қилиб берганди. “Аммо, — деганди шоир ўшанда, — имону
эътиқодинг бутун бўлса, халқ дардидан ўзгасини ўйламасанг,
сени эл қўллаб турса, ҳар қандай найранг иродангни бука
олмайди. Энг муҳими, одам ўзини ўзи енгиб яشاши керак.
Бу, албатта, катта ғалаба! Биз, ижодкорлар шуни эсдан чиқар-
маслигимиз керак. Негаки, ҳақиқатгўй ёзувчига ҳеч қачон
осон бўлмаган. Билсанг, одам кўнгли яримта... Истеъдоднинг
душмани кўп бўлган ва бундан кейин ҳам озаймайди. Сен,
укам, яххиси, ижодни кўпроқ ўйла.

Кейинчалик машхур шоирнинг ушбу сўзлари мағзини
чақишига кўп бор уриндим. Алалхусус, шуни англадимки,
барча одамда ички бир назоратчи — кузатувчи бўлар экан.

Ана шу назоратчи бизни Оллоҳга, Аёлга, Адабиётга, Халққа қарши ёзишга, инсон қадрини топташга йўл қўймас экан. Бу назоратчи – бизнинг виждонимиз. Вазифамиз эса Ўзбекистонимизга, шу улуғ элга камарбаста бўлиб хизмат қилишдир!



Бизнинг виждонаси – 1992-йилдан кийин, таъсисчидан соғирилган таъсисатни таҳлил ишлаб чирадиган макон. Бизнинг виждонаси – 1992-йилдан кийин, таъсисчидан соғирилган таъсисатни таҳлил ишлаб чирадиган макон. Бизнинг виждонаси – 1992-йилдан кийин, таъсисчидан соғирилган таъсисатни таҳлил ишлаб чирадиган макон. Бизнинг виждонаси – 1992-йилдан кийин, таъсисчидан соғирилган таъсисатни таҳлил ишлаб чирадиган макон. Бизнинг виждонаси – 1992-йилдан кийин, таъсисчидан соғирилган таъсисатни таҳлил ишлаб чирадиган макон. Бизнинг виждонаси – 1992-йилдан кийин, таъсисчидан соғирилган таъсисатни таҳлил ишлаб чирадиган макон. Бизнинг виждонаси – 1992-йилдан кийин, таъсисчидан соғирилган таъсисатни таҳлил ишлаб чирадиган макон. Бизнинг виждонаси – 1992-йилдан кийин, таъсисчидан соғирилган таъсисатни таҳлил ишлаб чирадиган макон. Бизнинг виждонаси – 1992-йилдан кийин, таъсисчидан соғирилган таъсисатни таҳлил ишлаб чирадиган макон. Бизнинг виждонаси – 1992-йилдан кийин, таъсисчидан соғирилган таъсисатни таҳлил ишлаб чирадиган макон. Бизнинг виждонаси – 1992-йилдан кийин, таъсисчидан соғирилган таъсисатни таҳлил ишлаб чирадиган макон. Бизнинг виждонаси – 1992-йилдан кийин, таъсисчидан соғирилган таъсисатни таҳлил ишлаб чирадиган макон. Бизнинг виждонаси – 1992-йилдан кийин, таъсисчидан соғирилган таъсисатни таҳлил ишлаб чирадиган макон. Бизнинг виждонаси – 1992-йилдан кийин, таъсисчидан соғирилган таъсисатни таҳлил ишлаб чирадиган макон.



БАГРИКЕНГ, ШОГИРДПАРВАР ИНСОН ЭДИ

Худди кечагидек эсимда: Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетини 1964 йилда имтиёзли диплом билан тугатгач, дорилғунунда олган билимларимни янада мустаҳкамлаш, илмий изланишлар олиб бориши фикрига келдим. Аспирантурага кириш илинжида мен учун қадрдан бўлиб қолган Самарқандда ишга колдим. Аммо аспирант бўлиш насиб этмади. Ҳарбий хизматга чакирилдим. Кўп ўтмай ўнлаб йигитлар қатори армияга жўнаб кетдим.

Арманистоннинг Степанаван деган шаҳрида – курилиш батальонида “чиникишни” бошлаб юборишга тўғри келди. Ёши катта авлод яхши билади: шўро тузуми даврида бундай кисмда хизмат қилишнинг турган-битгани азоб эди. Аскармисан ўзи, ёки мардикормисан – билолмасдинг киши. Барча кийинчиликларга чидаб, бўш пайт топдим дегунча, батальондаги мўъжазгина кутубхонага ўзимни урадим. Ўшанда китобдан яхширок дўст йўклигини, у энг яқин ҳамроҳ эканлигини яна бир карра чукур ҳис этганман. Қўлимга тушган китобларни бирма-бир ўқиб чиқардим, шеърлар ёзардим, рус тилидан таржималар килардим. Ҳусусан, авар шоири Расул Ҳамзатов ҳамда Аветик Исаакян, Ованес Шероз, Сильва Капутикян сингари арман шоирларининг шеърларини ўзбекчалаштириб, қурувчи-аскар ҳамюрларимга ўқиб берганларим ёдимда.

Булар ҳақида кисқача бўлса-да, тўхталишим бежиз эмас. Ҳарбий хизматни ўтай бошлаганимиздан чамаси саккиз ой ўтгач, ўттизтacha шеъримни “Ўқиб, фикр билдирангизлар”

деб Тошкентга – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига жўнатдим. Буни қарангки, орадан бир ой ўтар-ўтмас жавоб мактуби олдим. У – Шуҳрат домладан эди. Хатни ўқигач, кўзларимга ёш қуиилиб келди. Бу хат соғинганим – она-юртим нафасини олиб келгандек бўлди. Уни аскар ҳамюртларимга ҳам ўқиб бердим. Шоир ва адиб Шуҳрат домланинг бирэнлихати ўнлаб ватандошлиаримнинг ҳам қувончига сабаб бўлди. Мактубда машқларим маъкул тушганлиги айтилган, сентябрь ойида ўтадиган республика ёш ёзувчилари семинар-кенгашига таклиф этилганим алоҳида таъкидланган эди.

Чиндан ҳам, орадан бир неча ҳафта ўтгач, командиримиз мени ҳузурига чакириб, қўлимга телеграммани тутқазди. Бу энди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бошқарувидан семинар-кенгашга таклифнома эди. Унинг остида яна ўша меҳрибон устоз Шуҳрат домланинг имзолари туарди. Мана шу биргина телеграмма боис бошлиқларим мени ҳарбий хизматдан уч ой олдин бўшатишиб, Тошкентга кузатиб қўйишиди.

Азим Тошкентга келиб, Шуҳрат домлага ўзимни танитганимда, у кишининг қувончларини кўрсангиз эди. Ота-ўғилдай бағирлашиб кетгандик. Мен шу учрашувга қадар бу заҳматкаш ижодкорнинг кўплаб шеърларини ўқиган эдим. Уни ўзимча бағрикенг, донишманд, меҳр-оқибатли инсон сифатида тасаввур қиласдим. Асло адашмаган эканман. Бунга илк учрашувдаёқ гувоҳ бўлдим. Шуҳрат домла элга таниқли шоир ва адиб, боз устига, Ёзувчилар уюшмасида масъул вазифада ишлашига қарамай, оддий, камтарин бир инсон экан. Мени, ҳали бошловчи бир ижодкорни дарҳол хизмат машинасига чикариб, ҳайдовчидан ёзувчиларнинг Дўрмон боғига йўл олишни сўради. Манзилга етгунга қадар Шуҳрат домла ҳарбий хизмат, ижодий ишларим қандай бораёттанини сўраб-суриштириди. Кавказдан олган таассуротларим билан қизиқди. Домланинг “Кавказдафтари” деб аталган туркум шеърларини ўқигандим. Ўзим ҳам шу мавзуда шеърлар ёзгандим. Бу нарса бизни назаримда руҳан

янада яқинлаштириди. Хиёл ўтмай, Дўрмонга етиб келдик. Шуҳрат домла бу ерда мени бир йигит билан таништириди. У наманганлик Ҳабиб исмли йигит бўлиб, кейинчалик элимизга шоир Ҳабиб Саъдулла сифатида танилди. Буни қарангки, Ҳабибнинг тақдири ҳам меникига ўхшаш экан. У Тинч океанидаги ҳарбий флотда хизмат бурчини ўтаётган паллада худди мен каби ёш ёзувчиларнинг семинаркенгашига таклифнома олибди. Тадбир баҳонасида бу дилкаш инсон билан ҳам дўстлашиб кетдик. Мана шу икки далилнинг ўзиёқ Шуҳрат домланинг қўлига умид билан қалам олган ёш ижодкорлар тақдирига бефарқ бўлмаганини, бағрикенг инсон эканлигини, адабиётимиз эртасини ўйлаб яшаганини кўрсатади. Домла адабиёт майдонида нимага эришган бўлса, бариси тинимсиз меҳнат ва машаққатли изланиш маҳсулидир.

Дарҳақиқат, Шуҳрат домла адолатпарвар, ҳақгўй, ҳалол, ўта меҳнаткаш инсон эди. У киши адабиётимиз дарғаларидан бири саналган Абдулла Каҳхорнинг садоқатли шогирди бўлганини қўпчилик яхши билади, албатта. Шу сабабли домла кўп тазиيқларга учрагани ҳам маълум. Аммо домла ўзлигидан кечмади. Тақдир зарбаларига мардона дош берди. Ижод қилди. Ажойиб шеър ва романлар ёзди. Насримизда анча-мунча шов-шувга сабаб бўлган “Шинелли йиллар” романини, қатор қиссаларини талабчан китобхонга тухфа этди. Ўқувчилар меҳрини қозонди.

Дарвоқе, Дўрмонда бўлиб ўтган ўша семинардан кейин биз тез-тез учрашиб турдик. Ўзаро сұхбатлар жараёнида домла менинг ижодимни кузатиб бораётганини сезардим. Ижодий учрашувлар, сұхбатлар асносида ҳар гал бу сермаҳсул ижодкорнинг катта калб эгаси эканига шоҳид бўлардим. Домла замон билан ҳамнафас, безовта қалб соҳиби эди. Шу боис унинг ўзи каби самимий, ҳалқчил асарлари китобхонлар қалбини зabit этишда давом этади.

ПОСБОН (Шұхрат әдемлана)

Ойнинг ёруғига боқолмаганлар,
Чироқ ёқдим деб шам ёқолмаганлар.
Лочинман, деб қанот қоколмаганлар
Сизга тош отдилар ғов-ғаддор бўлиб.

Кодирий қадри деб ютдингиз оҳлар,
Чўллон деб ёнганда чўллон нигоҳлар,
Бошингизда гужгон ўйнаб у зоғлар –
Номингиз сотдилар чаён, мор бўлиб.

Болангиз гул бўлиб ётса бешикда,
Улар ов пойлаган ўғри мушукдай,
“Сен эски бидъатсан”, дея эшикдан
Куондай эсдилар совуқ кор бўлиб.

Каска тешигидан боққанда дунё,
Эрк учун жонингиз этдингиз фидо.
Шинел кийиб, ғолиб қайтсангиз хатто,
Йўлингиз тўсдилар тикан-хор бўлиб.

“Қайда Усмон Носир, қайдадир Фитрат?
Беиз йўқолгайми пок калом – фикрат?” –
Дея бонг урсангиз, жоҳиллар титраб –
Беун чайқалдилар сиртмок – дор бўлиб.

Ҳакикат кўзига тик боққан – ғолиб,
Мехру мурувватдан ўт ёққан – ғолиб.
Ғолиб муаллимсиз – биз эса толиб,
Бемаслаклар яшар чор-ночор бўлиб.

Диёнат – ҷароғдир, у сароб эмас,
Адолат – олтиндир, асло зангламас...
Диёнат, адолат посбонисиз, бас,
Ёвузлар ётибди қўшмозор бўлиб...

“МИНОРАДА УХЛАР ҚҮЁШ БУХОРО...”

Мұхаммад Юсуфни қачон күрсам, бағримга босардим. Уни “Қадрдоним, жигарбандим”, дея алқаганимда, құлині күксига қўйиб, “Сизни самимиятингиз учун яхши кўраманда, ака”, – деб қўярди. 1991 йилдаFaфур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида босилган “Табассум боғи” китобимга Мұхаммаджон мұҳаррирлик килган, ўшанда боғланган қадрдонлик ришталарини узмай келардик. У Бухорога тез-тез келиб туарди. Баъзан ўзи яхши кўрган шоирлар, баъзида бир гуруҳ санъаткорлар билан ташриф буюрар ва албатта адабий учрашувларда фаол қатнашар, янги шеъру ғазалларини марок билан ўқиб берарди. Хусусан, унинг “Туркман кизга”, “Қизил олма”, “Булбул”, “Содда Мұхаммадман”, “Кетар бўлдим”, “Ёлғончи ёр”, “Келинчак”, “Файзула Хўжаев марсияси” каби шеърларини эшитган йигит-қизлар ўрнидан туриб кетар, “Илтимос, устоз, яна шеър ўқиб беринг”, дея тавалло килишарди. Мен бу каби олкишларга такрор-такрор гувоҳ бўлганман.

Дарҳакиқат, Мұхаммаджон гўзал йигит эди. Мен уни лафзи ҳалол, сўзи пок, қўзи тийран, асл шоир деб билганман. У бир гал қўнгирок қилди:

- Ака, қайнатамни биласиз-а, Файбулла Саломовни!
- Албатта биламан, – дедим хушнудлик ила, – домлани адаб ахли жуда яхши кўради!
- Унда, эшитинг, иккаламиз Бухорога боряпмиз, – деди Мұхаммаджон хурсандлик билан, – эрталаб Когонда поезддан тушамиз. Кутиб оласизми?

– Вой, жоним укажоним-ей, кутиб оламан эмас, сизларни бағримни очиб қарши оламан. Кафтимда күтариб, Бухоро зиёратига олиб келаман! Соғинганман сизларни, тезроқ келинглар!

Сахарда уларни кутиб олдим. Лабиҳовузга етиб келдик. Бир пиёла чой ичдик, ҳовуз атрофида сайр қилдик.

– Энди, шоир укам, – деди Ғайбулла aka менга қараб, – вактингиз бўлса, Коракўлга – Тилак Жўраникига борсак. Билсангиз, укамиз анчадан бери хаста.

– Бир хафта олдин туман касалхонасиға бориб, кўриб келгандим, аҳволи ёмон эмасди. Кеча эшитсам, укамиз ҳозир каттиқ бетоб экан, – дедим Ғайбулла акага, – нима қиласиз, ҳаёт шунақа экан. Ходимларга узримни айтаман-у, йўлга чиқамиз (ўшанда “Бухоро ҳақиқати” вилоят газетасида бош мухаррир эдим).

Шу тариқа йўлга отландик. Кетаётиб, Муҳаммаджон йўл ёқасидаги кўримсизгина обидага ишора қилди:

– Ака, бу мадрасами, масжидми?

– Эшитган бўлсангиз, Чорбакр мавзеи – ана шу! Пайғамбаримиз авлодлари мангу қўним топган бу манзилда. Ҳаммалари улуғ авлиёлар бўлишган.

– Ие, шунақами, – сўради Муҳаммаджон кора кўзойнагини қўлига олиб, – ўша ерда кўхна кудук ҳам бор, деб эшитганман.

– Бор, – дедим. – Унинг ёнида ўн олтинчи асрда барпо этилган қадимий ҳовуз ҳам бор. уни Бухоронинг ўша пайтдаги хукмдори Абдуллахон II барпо эттирган дейишади.

– Ажойиб, – деди Ғайбулла aka донишмандлар каби бошини чайқаб, – қайтишда албатта бу ерни зиёрат қиласиз! Қани, шоғёр укам, газни босинг, манзилга тезроқ етайлик...

Коракўлда, шифохонанинг катта дарвозаси олдида бизни бош шифокор ҳамда бир гурух шу ерлик қалам-кашлар кутиб олишди. Тилак Жўра эндигина уйғонган,

дераза олдида янги шеър хаёлида ўртанаётган каби ўти-
парди.

— Жоним болам, Тилагим, юрагим! Нима бўлди сен-
га?! — деди устоз шогирдининг пешанасидан ўпид. — Мана,
Муҳаммад Юсуфни ҳам олиб келдим.

— Раҳмат, устоз, — деди Тилак кўзларига қўйилиб
келаётган ёшларни артар экан.

Муҳаммаджон ҳам шоирни бағрига босди.

— Тилак ака, Тошкентдан қочиб келсангиз ҳам, мана,
топиб келдик. Худога шукур, анча яхши экансиз. Сизни яна
Тошкентга олиб кетамиз. Нима дейсиз, қадрдоним, — деди
хаста шоирга далда бериб.

Тилак устози ва қадрдон дўстини қайта-қайта кўксига
босди. Менга миннатдорчилик билдири:

— Раҳмат сизга, Тошпўлат ака, ташвиш чекиб, уларни
олиб келибсиз. Энди мен ўлмайман. Ёнингда устозинг бўлса,
қадрдонларинг бўлса, ўлиш мумкинми?!

Шундан сўнг у ҳолсизланиб, каравотга ёнбошлади.
Муҳаммаджоннинг ўзига бағишлаб ёзган шеъридан айрим
сатрларни ёдга олди. Кўз ёшларини тиёлмай, анчагача
деворга қараб ётди. Файбулла ака шогирдининг ёнига ўтириб,
унинг бошини силай бошлади.

Шу пайт хонага ҳамшира кириб келди.

— Илтимос, — деди у меҳмонлардан узр сўраган кўйи, —
шоир акамиз чарчаб қолдилар. Муолажа вакти ҳам бўлиб
қолди. Кейинроқ келарсизлар.

Тилакжон “Соғ бўлинглар”, дегандек чап қўлини
кўтарди. Ташқарига йўналдик. Муҳаммаджон йиғлаб
юборди: “Бечора Тилак Жўра-я! Наҳотки, шундай одам,
шундай шоир ўлиб кетаверса...”

Машинага чиқдик. Сайёт қишлоғига бориб, Тилак
Жўранинг онаси — Ашур момони топдик. Ундан кўнгил
сўраб, дуосини олдик.

Тушдан сўнг Файбулла ака иши кўплиги учун самолётда
Тошкентта йўл олди, Муҳаммаджон эса менинг уйимда қолди.

Ўшанда шоир билан адабиёт, хаёт, янги ижодий режаларимиз ҳақида кўп сухбатлар қилғанмиз. Муҳаммаджон тарихни яхши билар экан. Унинг “Қўхна кудук”, “Қора күёш”, “Осмоннинг охири” асарларида ана шу хабардорлик ва огоҳлик ярқ этиб кўзга ташланади. Уларни бамисоли юрак парчасидек қайта-қайта ўқиганман.

Иккинчи куни зиёратни давом эттиридик. Муҳаммаджонни Абу Ҳафс Кабир Бухорий, Исмоил Сомоний, Хожа Муҳаммад Бобо Самосий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд каби буюкларнинг қабрлари бошига олиб бордим. Тиловатлар килдик. Улардаги кўхна кудуклардан, зилол чашмалардан сув ичдик.

Бухоро ҳақида ёзганлари – Муҳаммаджоннинг бу шариф шаҳарга қилган зиёратлари чоғида юз очган ноёб гавҳарлар. Шоирнинг “Файзула Хўжаев марсияси” – унинг Бухорога талпинган, озод Ватангга талпинган қалби садолари янглиғ дилга титроқ солади:

Қадим Бухорога лайлаклар келди,
Ўзингиз қайдасиз, Файзуло бобо?
Ривоятлар келди, эртаклар келди,
Ўзингиз қайдасиз, Файзуло бобо?

... Йиглар Самарқандга сирдош Бухоро,
Минорада ухлар күёш Бухоро,
Ибн Синолари талош Бухоро,
Ўзингиз қайдасиз, Файзуло бобо?

Дарҳақиқат, Бухоро – буюк ҳикмат! Муҳаммад Юсуф айтганидек, “Бухоро йиглаб қўшиқ айтаётган улуғ Ҳофиз. Унинг қўшигини барча тинглайди, унинг товуши етиб бормаган ер йўқ...” Ҳа, худди шундай!

“Бухоронинг кўхна кудуғидан сув ичган Ҳофиз”га айланган Муҳаммаджон яна шундай дейди: “Одамларнинг кўкси бир-биридан сув ичади!” Қандай ажиб бу сўзлар...

Мұхаммаджон яна айтади: “Қадим Бухоронинг оҳулари кайга кетиб қолди? Дарёлар қурийди. Тоғлар чўкади. Китоблар ёнади. Дунёда факат бир нарса – саволларгина абадий. Саволлар кийиксўқмоққа элтувчи йўлакдир. Кўксингда саволинг бўлмаса, дунёга нега келдинг, отингдан айланай, Инсон?!” Ҳа, ана шундай оташин сўз заргари эди Мұхаммад Юсуф!

Қадрли ўқувчим! Эшитинг, Элликқалъадаги ижод байрамига борганлар сафида мен ҳам бор эдим. Ўша кунлари Мұхаммаджон билан ажойиб адабиёт байрамларида қатнашдик. Ширин сухбатлар курдик. Учрашувлардан бирида Мұхаммаджонга сўз берилди. У минбарга чикиб, семинарда фаол қатнашаётган йигит-қизларнинг номини айта бошлади. Ҳаво жуда иссиқ, биз тўпланган йифингоҳ ҳам анчайин иссиқ ва дим эди. Ногаҳон Мұхаммаджон йиқилди... Мен, Рустам Мусурмон ва хоразмлик қаламкаш биродарларимиз Мұхаммаджонни кўтариб, йифингоҳдан чиқдик. Етиб келган тиббиёт ходимлари биринчи ёрдам кўрсатиб, уни туман шифохонасига олиб кетишиди. Бир неча ҳамроҳ билан биз ҳам Мұхаммаджонни олиб кетаётган тез ёрдам машинасига эргашдик. Шифокорлар муолажани бошлаб юборишиди. “Ичкарига кириб, Мұхаммаджонни кўрайлик”, – деганимизда, “Аҳволи ёмон эмас. Ҳавф ортда қолди. Ҳаммаси яхши бўлади”, – деб киришга рухсат беришмади.

Шундан сўнг ортга қайтиб, тумандаги корхоналардан бирида режалаштирилган ижодий мулокот даврасига қўшилдик. Шеърхонлик, ажойиб лутфлар авжга чиқди. Бироқ, даврада Мұхаммаджон йўқ, унинг ўрни билиниб турар, юрагимизни ғашлик, хавотир тарк этмаётганди.

Учрашувдан сўнг кечга яқин меҳмонхонага қайтдик. Қарасам, Мұхаммаджон устунга суюниб, сигарет чекяпти. Ҳайрон қолдим. Ҳовликканча сўрадим: “Жоним укам, нега чиқдингиз касалхонадан! Нотўғри қилибсиз! Бир оз ётиб даволанишингиз керак эди...” Мұхаммаджон синикқина

жилмайди: “Сизларсиз яшолмайман-да, ака”, – деди изтироб билан. Абдулла ака ҳам шоирга танбех берди: “Нега бундай килдинг?! Ўзингга жабр киляпсан, бизларга ҳам...” Сухбатга Тўлепберган Қаипберганов ҳам қўшилди: “Вой-бўёв, Юсуфjon, Муҳаммаджон, сени ҳозирок касалхонага олиб борамиз, тушундингми?”

Шу асно Муҳаммаджон яна йикилди. Боши устун қиррасига тегиб ёрилди, шекилли, соchlари орасидан қон оқа бошлади. Ёрдамга шошилдик. Сув тутдик, пиёз хидлатдик... Бироқ, уни ўзига келтириш мушкул эди. “Тез ёрдам” машинаси шоирни яна шифохонага олиб кетди. Ўша тунда ҳеч биримизнинг кўзимизга уйку келмади. Муҳаммаджонни ўйлаб сиқилар, унга Яратгандан шифо сўраб, тавалло қиласдик. Аммо бўлмади. Совук хабар барчамизни ўртаб юборди: Муҳаммаджон бизни айрилиқ ва ҳижрон азобига ташлаб, охират сари йўл олган эди...

Яхши кишилар, халқ дардини ўз дардидан устун қўйган, элим деб, юртим деб яшаган зотлар асло ўлмайдилар! Муҳаммад Юсуф ана шундай инсон эди! Халқ дардини яхши тушунарди, халқ учун, Ватан учун ёниб ёзарди, Истиқтолни завқ-шавққа тўлиб мадҳ этарди. Унинг “Ўзингдан қўймасин, халқим!”, “Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!”, “Халқ бўл, элим!” каби ўлмас сатрлари безавол шиорлар янглиғ халқимиз қалбидан жой олди! Ҳа, Муҳаммад Юсуф доимо тирик! У бетакрор шеърларида, қўшиқларида яшайверади!

ШАРИФ ОТАНИНГ ЯМ-ЯШИЛ БОҒЛАРИ

Халқимиз орасида шундай истеъдод эгалари борки, уларнинг асарлари ҳеч бир ташвиқотсиз тилдан-тилга, дилдан-дилга кўчиб юради. Ана шундай ижодкорлардан бири, шубҳасиз, Шариф Нурхон эди...

Шариф ота хаёт бўлганида шу йили 105 ёшни каршиларди.

Начора, мана йигирма беш йилдирки, бу табаррук инсон орамизда йўқ. Ҳамон эсимизда: 1980 йилнинг февраль ойи ўрталари эди. Шариф ота вафотидан атиги бир кун олдин ўз қишлоғидаги Навоий номли ўрта мактаб ўқувчилари билан учрашув ўтказган, ўзининг ўнлаб шеъру ғазалларини ўқиб берган эди. Аммо кейинги куни отахонни бутун Бухоро тумани ва вилоятимиз ахли сўнгги манзилга кузатиб кўйишганди...

Шариф Нурхон домла мумтоз адабиётимиз анъаналарини изчил давом эттирган салоҳиятли шоир эди. У кишининг тоғаси Самад маҳсум саводхон киши бўлиб, Бухоро мадрасаларида ўкиб юрган Садриддин Айний билан яқин ошна экан. У 1916 йилнинг пишиқчилик пайтида қишлоққа қовун сайлига келган Садриддин Айнийга шеъриятга кўнгил қўйиб, ўзи ҳам айрим байтлар тўқишини машқ қилиб юрган Шарифни таништиради. Шунда Айний ўртоқлари томонидан “Хофизча” тахаллусини олган Шариф Нурхонни яхшилаб имтиҳон қиласди. “Синовдан яхши ўтдинг. Иктидоринг ғоят дуруст, – дейди улуғ адиб, – факат ўқишиш ва ўрганишни канда қилма, шеър ёзиш ҳавасга эмас,

доимий машғулотингга – тақдирингга айлансин”. Шу тариқа устоз ва шогирд ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари узоқ йиллар давом этади. Бу самимий муносабат ҳакида:

Самад Махсум билан Садриддин Айний
Киришиб мангу дўсту ҳам оғайни...

Қилиб она-Ватанга дилни пайванд,
Халойик ғами бирлан эдилар банд.

Баъзи сұхбатларыда бор эдим ман,
Фаму кулфатларига ёр эдим ман.

Уларга сув бергувчи жомчи эрдим,
Улар денгиз эса, мен томчи эрдим... –

деб ёзган эди шоир кейинрок ўз шеърларидан бирида.

Шариф Нурхон никоби йиртилган, сохта “Бухоро инқилоби”дан сўнг шаҳардаги ишчи мактабларидан бирида ўқиди. Халқ оғзаки ижоди, ёзма адабиёт манбалари, ўзбек, тоҷик ва озарбайжон мумтоз шоирларининг асарларини қунт билан мутолаа қиласди. Ўзлари ҳам ижод билан шуғулланиб, шеър ва ғазалларини “Шариф ҳофиз”, “Шарифий”, “Шариф Нурхон” имзолари билан ёзиб, маҳаллий матбуот саҳифаларида тез-тез кўрина бошлияди. Жўшқин меҳнат кучоғида ҳам жонбозлик кўрсатиб, Катта Фарғона канали, Каттакўрғон сув омбори қурилишларида фаол иштирок этади. Канал қурувчилари ҳакида шеърлар ёзиб, катта-катта давраларда ўқиб беради, жумҳурият раҳбари ва оддий халқ олқишига сазовор бўлади.

Шоир Ватан уруши йиллари оддий кузатувчи бўлиб турмади.

Қаламининг ўткир тигини фашист босқинчиларини фош этишга қаратади. Унинг “Олға бос”, “Марди майдон”, “Йиғилинг” каби бир қанча шеърлари республика ва вилоят газеталарида босилади. Шарифий ўзининг “Олға бос”

сарлавҳали шеърида жангчиларимизга мурожаат қилиб, уларни душмандан қасос олишга чақиради:

Ол қасос боскинчи ёвдан жангда ўлғанлар учун,
Доги фарзандга гулдек ранги сўлганлар учун,
Шаҳри қишлоғи бузилиб, ғамда қолганлар учун,
Бу урушда куйди юзлаб кўшку айвон, олға бос!

Шоир урушдан кейинги йилларда ёзган “Зар дарёси”, “Бухоронинг юрак қўри”, “Бухоромиз”, “Мевазор бўлсин”, “Арзир”, “Тураг жойим” сингари ўнлаб шеърларида она-юргатга, шу азиз тупроққа, унинг бунёдкор қишиларига бўлган меҳр-муҳаббатини самимий мисраларда изҳор этади.

Таъкидлаш жоизки, Шариф Нурхон тўла маънода ҳозиржавоб шоир эди. У ўз асарларини халқ бахшилари сингари хаётда рўй бериб турган воқеалар таъсирида яратарди. Яна ҳайратланарли томони шунда эдики, шоир ўзи яратган деярли барча шеъру ғазалларини завқ ва ҳавас билан ёд айта оларди, учрашув ва йигинларда тингловчиларни ўзига мафтун этарди. Бунингдек қувваи ҳофиза, ажиб чехра, хушгуфторлик камдан-кам қишиларгагина насиб этади, албатта.

Бир гал шундай бўлган эди: Бухоро туманидаги “Янги турмуш” жамоа хўжалиги клубида Ўзбекистон халқ шоири Уйғун домла билан учрашув бўлаётган эди. Тасодифан чирок ўчиб қолди. Ғала-ғовур бошланди. Шунда навбатни Шариф отаға бердик. У киши чирок ёнгунча – роса бир соат ёддан шеър айтди. Ҳар бир шеър тугаганда гулдурос қарсаклар ёғиларди. Чирок ёнгач, Уйғун домла ўзини тўхтатолмади: “Э қойил-е, Шариф ота, – дея ўринида туриб, шоирни улуғлай кетди, – булбул келиб сиздан сабоқ ўргансин, тасанно, тасанно!” Шундай воқеанинг Бухоро давлат педагогика институтида – Ойбек домла билан учрашувда ҳам содир бўлганини биз ҳамон яхши эслаймиз.

Хали-хали ёдимда: 1975 йилнинг баҳорида давлат ва жамоат арбоби, атокли ёзувчи Шароф Рашидов вилоятимизга ташриф буюрганди. У киши Шариф Нурхонни ёнига олиб, Қоракўлу Жондор, Ромитану Пешкў, Фиждувону Шоғиркон туманларини машинада кезиб чикканди. Ана шунда Шариф ота деярли кун бўйи раҳбарга яқиндагина ёзиб тутгатган “Жиззах кўзголони” достони ва бошқа кўплаб шеърларини ёд айтиб берган. Рашидов аэропортда – Тошкентта жўнаш олдидан Шариф отани бағрига босиб хайрлашади ҳамда вилоятимиз саркотибига: “Ўрток Муртазоев! Шариф отани асранг, бундай кишилар миллатимизнинг бойлиги, ғуури” деб тайинлаган экан...

Ўша воқеадан кўп ўтмай, Шариф Нурхонга “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими” фахрий унвони берилганди. Бутун вилоятимиз жамоатчилиги шоирнинг 75 йиллик юбилейини тантана билан нишонлаган эди.

Шариф Нурхоннинг бу қадар халқка сингиб кетганлигининг яна бир боиси шунда эдики, унинг шеърияти ғоятда халқчил, содда ва самимийдир. Шоирнинг баъзи ибратомуз мисралари афоризмларга айланган. Уларни ўқиганинг сари яна ўқигинг келаверади:

Қайроққа тиш ботолмайдир,
Сояни тиғ чополмайдир.
Аклу жоннинг бозори йўқ,
Бирор ясад сотолмайдир.
Даврим донғи ойдек балқди,
Ойни этак ёполмайдир.
Ишқ шаробин ичган киши
Тўлғонадир, ётолмайдир.
Шарифийнинг иши кўпдир,
Қаришга вакт тополмайдир...

Шариф ота ҳаётда ҳам, ижодда ҳам ҳар жиҳатдан ибрат намунаси эди. У кишидан бизга ёдгорлик бўлиб қолган “Яхшидан шарофат” номли китобига кирган “Насиҳат”,

“Кадрдонимга”, “Азизим”, “Бўлмагил ғофил”, “Кексалар”, “Мен ўлсам” каби ўнлаб ғазалларида кишиларни халолликка, тўғрилиқка, ҳимматли, саховатли, ҳамиша эл хизматига камарбаста бўлишга давват этилганки, булар гўё кекса донишманднинг фарзандларига насиҳатномасидай таассурот колдиради кишида.

Яна ифтихорлиси шундаки, Шариф Нурхоннинг саховатли боғбон эканлигини нафакат Бухорою Самарканда, балки бутун республикамизда яхши билишарди. Чунки отахон ўн миллиондан ошиқроқ мевали ниҳоллар етиштирган эди. Айни пайтда ўша ниҳоллар дараҳтларга айланиб, Шариф ота умрининг давомидай яшнаб ҳосил бермоқда. У киши яшаган хонадон чироғини қизлари – Истат опа, Лолаҳон, Гулчехрахон, Зебинисоҳонлар, ўғиллари – Лутфий, Нодирбеклар ёкиб ўтиришибики, улардан Шариф отанинг уйғоқ руҳлари ҳамиша хабардор.

Бугун шахримиздағи марказий кўчалардан бири Шариф Нурхон номи билан аталмоқда. Бухоролик шоир ва ёзувчилар Жамол Камол, Омон Мухтор, Неъмат Аминов, Гулом Шомурод, Самандар Воҳидов, Садриддин Салимов, Бахшулло Ражабов, Усмон Файзий ва ушбу сатрлар муаллифи ҳам Шариф Нурхонга бағишлиб қатор манзумалар битганларки, бу ҳам отахоннинг умри мангаликка дахлдор эканлигидан шаҳодатдир.

ТИЛЛАРИДАН БОЛ ТОМАРДИ

Во ажаб? Умр шунчалик югурикми? Наҳотки кунлар оқар дарё бўлса? Инон-ихтиёrsиз сендан узоклашаверадими?.. Хоҳласанг ҳам, хоҳламасанг ҳам, бу – тайин гап. Туғилиш – улғайиш билан, улғайиш – шаклланиш билан боғлиқ. Аммо умрнинг бош мазмуни қандай улғайишда-ю, қай хилда шаклланишинг билан ўлчанади. Улғайсанг-у, шаклланмасанг, бу – фожия! Шакллансанг-у, тароват таратмасанг, бу – икки карра фожия!

Бухоролик таникли ёзувчи, шоир ва журналист Аминжон Шукуров хақида ўйлаганимда, шундай фикрлар кечади, хаёлимдан. Хўш, нега? Аввало, Аминжон ака ёзувчиликни ҳавас эмас, такдир деб билган заҳматкаш адид эди. У шунчаки кўнгил хуши деб эмас, қалб йўриғи билан қўлига қалам олганди. Ўртаниб, қийналиб ёзишни афзал қўради. Ёзганлари ўзига, ўзгаларга маъкул тушмагунча, эълон килдиришга шошилмасди. Ана шу боисдан қатор киссалари, қанчадан-қанча хикоялари унинг ижодхонасида қайта-қайта сайкал топарди.

Ёзувчининг “Дунёи боумид”, “Нону намак”, “Дийдор”, “Жар”, “Бозгашт”, “Гумбади сипеҳр” каби ўзбек ва тожик тилларида нашр этилган китоблари уни салоҳиятли адид сифатида элга танитганди. У зуллисоннайн санъаткор эди. Тожик тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам баббаравар қалам тебратарди. Шу билан бирга, у “Бухоро хақиқати” газетасининг саноат бўлимини бошқаар экан, ажойиб очерклар, лавҳалар ёзиб, сахифалар тайёрлаб, хал-

кимизнинг турмуши, матонати, маънавиятини тариншум этар ва шу тариқа ўз иқтидорини ҳам намойиш қиласарди.

Дўстимиз Жалол Икромий домлани ардоқли устозим деб биларди, унинг ижод мактабидан сабоқ олгани билан фахрланарди. Ўз навбатида, устоднинг Аминжон акани садоқатли шогирдларимдан, дея алқаганларига ҳам кўп бора гувоҳ бўлганман. Шу туфайли Душанбеда ҳам у кишининг обрў-эътибори ғоят баланд эди. Аминжон aka Тожикистанда ўтадиган адабий анжуманларнинг доимий иштирокчиси эди. Шоири ёзувчилар, олиму уламолар борки, бариси у кишини кўрганда, “Аминжони мо” дея тилларидан бол томарди. Бу хурматга дўстимизнинг энг аввало, истеъдодли ёзувчилиги, шинавандалиги, одамохунлиги, камтаринлиги замин яратган эди. Бу эса ўзини ижодга бахшида этган одам учун чинакам баҳт!

Фақатгина шуларми? Йўқ, Аминжон акани ўзбек китобхонлари ҳам яхши билишарди. У вилоятимиз матбуотида, нуфузли давлат идораларида, яъни матбуот йўриклиги лавозимида йиллаб, зўр ихлос, масъулият билан меҳнат қилди. Ёш журналистларни жой-жойига қўйишга алоҳида эътибор берди. Энг муҳими, Аминжон aka ижодий фаолиятни ташкилотчилик ишлари билан қўшиб олиб бораарди. У қарийб ўн йилга яқин вилоят телевидение ва радио эшиттиришлари компанияси раислиги вазифасини мудаффакиятли адо этди. Бу йилларда қанчадан-қанча публицистик манзумалар битди, меҳнат фидойиларининг ёрқин образларини яратди. Мухтасар айтганда, Аминжон aka улғайгани сари ёзувчи сифатида шаклланиб, ажойиб асарлар яратди. Унинг Тошкентда, Душанбею Самарқандда қатор-қатор китоблари чоп этилди. Қадрдонимизнинг рус тилида битилган “Пропаст” (“Жарлик”) ҳикоялар тўплами катта қизиқиш билан кутиб олинди. Бухоро ва бухороликлар ҳақидаги “Мардумони шариф” номли романи, сўнгра трилогиясининг биринчи ва иккинчи китоблари босмадан чиқди.

Аминжон ака иқтидорли шоир ҳам эди. Оғир хасталик түшакка михлаб қўйган бўлса-да, қаламини кўлдан қўймади. Шоирнинг “Гул қадаҳ” деб номланган шеърлар, рубоййлар, ғазаллар ва достондан иборат китоби (Исройл Субҳоний таржимасида) “Бухоро” нашриётида босилди. Бу унинг бағрига босиб, лабларида котиб колган, “кўзимнинг нурисан, кўнглимнинг парчасисан”, деган сўzlари эди гўё...

Аминжон Шукуровга захматли, аммо шарафли меҳнатлари учун “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист” фахрий унвони берилганди. Дўстимиз сафимизда бўлганида, бугун 80 ёшли қаршилаган бўларди. Афсус... Аммо ягона таскин бор: Аминжон ака уни билганлар, кўрганлар қалбида абадий яшайди!



МАХТУМҚУЛИ ВА БУХОРО

Шоир ва мутафаккир, туркман булбули Махтумқули Фироғий ҳаёти ва ижоди Бухорои шариф билан чамбарчас боғлик ҳолда кечганлиги илм ва ижод аҳлига яхши маълум. Отаси Давлатманд Озодийдан, кейинчалик Ниёзсолих мулладан илк таҳсилини олган бўлажак шоир кейинрок Чоржўйдаги Идрис бобо мадрасасида, Хивадаги Шерғозиҳон мадрасасида илмини камолга етказган. Бу билан чекланиб қолмай, Бухородаги Кўкалдош мадрасасида ҳам таҳсил олиб, дунёвий ва диний илмлар сирларидан огоҳ бўлган. Айниқса, шариат ва тариқат илмларида камолга етишни қўзлаб, Бухоронинг Халифа Худойдод, Халифа Ниёзқули каби машхур шайхлари, тариқат пирларидан илм ўрганганд. Улардан “Ҳақиқат нимадир?” деб сўраганида, “Ҳақиқат бу – илмдир”, деган жавобни, “Илм нимадир?” деб сўраганида, “Илм бу – ҳақиқатдир”, деган жавобни олган ёш истеъдод эгаси “Қалб гуноҳлардан қанчалик покланса, илм шу қадар мунаvvар ва мукаммал бўлади”, деган хulosага келган ва бутун ҳаётию ижоди давомида ана шу муқаддас ақидага амал килган.

Файласуф олим, филология фанлари доктори, профессор Нажмиддин Комилов, шоир, тасаввуфшунос олим Садриддин Салимов Махтумқулини увайсий авлиёлар қаторига кўшадилар. Улар Махтумқулининг Бухоро ва бухоролик тариқат алломалари ҳақида битган сатрларидан келиб чиқкан ҳолда шундай хulosага келадилар. Дарҳақиқат, шоирнинг қуидаги сатрлари буни яққол тасдиқлайди:

Бир кечадан ётардим шохи Накшбанд
Карами жўш айлаб, бир нон келтирди.
Ўнг қўлида бода – гулгун шароби,
Чап қўлида тоза бирён келтирди.

Махтумкули, турдим тавоф этмокка,
Тил фармон бермади жавоб бермокка.
Ишқ ахлининг холин хароб этмокка,
Аклим олиб, маству ҳайрон келтирди.

Демак, Махтумкулига буюк тариқат пири Баҳоуддин Накшбанд руҳи тарбия берган. Шу боис шоир назмий пандномалар битишга алоҳида эътибор қаратган, уларда тариқат сабоклари сингдирилган. Шу боис шоир асарлари шоху гадога бирдек манзурдир.

Махтумкули Бухорони яхши кўрган. Унинг кўчалари, бозору расталарини кезиб, ҳалқ аҳволини, кайфиятини ўргангандан. Ҳусусан, кумушкентлик шоир Мужрим Обид билан ижодий ҳамкорлик ўрнатган. Зеро, ўша пайтларда Мужрим Обид Бухоронинг малик уш-шуароси даражасига етган эди. Форсий ва туркий тилни яхши билган Махтумкули ана шу дўстлик муносабатлари туфайли Бухорода ташкил этилган мушоираларда ҳам фаол иштирок этган.

Устод Садриддин Айнийнинг “Эсадилклар” китобида шундай сўзлар бор: “Одамлар шаҳардаги дўконлар, савдохоналарни аср намозидан олдинрок бекитиб, Девонбеги Лабиҳовузга боришади. Ундаги чойхоналарда, расталарда, бозорларда ҳофизлар ашулахонлик килар ва баъзи жойларда киссаҳонлик бўларди. Мана шу ишларнинг жамиини бозори шаб, яъни тунги бозор дейишарди. Тунги бозор ёпилгандан, ярим кечадан сўнг ҳам бундай кўча кезиши давом этарди...”

Бу фикрлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ўша даврларда Бухорода яшаб ижод этган кўплаб қаламкашлар, жумладан, Шавкат Бухорий, Имло Бухорий, Мулҳам Бухорий, Киром Бухорий, Ворис, Мирзо Содик Мунший, Мирзо

Ато, Мужрим Обид ва бошқа күплаб ижодкорлар ана шу халқ сайилларида илк маротаба шеър сабоқларини олишган, кейинчалик уларда иштирок этиб, камолот касб этишган. Бу фикр айни шу даврларда Бухорда мадраса таҳсилини ўтаган Махтумқулига ҳам дахлдордир.

Махтумқули шеърларини мутолаа қилганда, ўз халқини севган, унинг дарду ҳасратлари билан ёнган, истиқболи учун қайғурган фидойи ватанпарвар сиймоси кўз олдимизда яққол гавдаланади. Ватан ва халқ мавзуси – Махтумқули шеъриятининг ўқ илдизини ташкил этади. У қатор шеърларида тарқоқ туркман уруғларини бирлашишга, улар ўртасидаги ўзаро низоларни бартараф этишга даъват қиласди. Шоирнинг бу борадаги фикрлари бугунги мураккаб шароитда, бутун дунёда эл-элатлар ўртасидаги низолар кескинлашиб бораётган бир пайтда ғоят муҳимдир.

Махтумқули шеъриятида панд-насиҳат етакчилик қиласди. Шоир кўрган-кечирганларини қаламга олиб, улар юзасидан ибратли хуносалар чиқаради. Бу фикрлар ҳикмат каби, сабоқ каби садо беради:

Ҳар йигитнинг аслин билай десангиз,
Маъракада ўтириб-туришин кўринг.
Бирор билан ошно бўлай десангиз,
Аввал иқоринда туришин кўринг.

Ёки:

Номардлар ҳам ярамаслар, ноchorлар
Тузинг ичиб, ишинг бўлса, кочарлар.
Сирингни фош этиб, айбинг очарлар,
Қадринг билган улфатингдан айрилма...

Демак, Махтумқули Фироғий таъсирли, халққа ёқадиган, туркманга ҳам, ўзбекка ҳам, қорақалпоққа ҳам ўз тилидек тушуниладиган шеърлари билан бутун Шарқ бадиий оламини ёрита олди. Унинг асарларини нафақат Туркманистон

ва Ўзбекистонда, балки Сурия ва Ироқда, Туркия ва Эронда, Афғонистон ва Саудия Арабистонида ҳам севиб ўқишида. Шу боис муҳтарам Юртбошимиз шоир ижоди ҳақида гапирав экан: “Оламга донғи кетган ва ўз юртида юлдуз каби чакнаб, тарихда ёркин из қолдирган буюк зотлар қаторида туркман халқининг улуғ шоири Махтумқули ўзбек халқига ҳам, туркман халқига ҳам бирдек азиз ва суюкли сиймодир”, дея таъкидлайди.

Бухоро халқи Алишер Навоий ва Бобур каби улуғ сўз санъаткорларини қанчалик ардокласа, Махтумкулини ҳам шунчалик севиб ўқииди. Хоғизларимиз унинг шеърлари билан айтиладиган қўшикларни тўй-базмларда, адабий давраларда севиб куйлашади. Махтумқули шеърларидан таъсиrlаниб шеър ёзмаган бухоролик шоирни топиш мушкул. Жумладан, мен ҳам шоир асарлари мутолаасидан таъсиrlаниб, катор шеърлар битганман:

БОРАДИР

Ҳаётинг гоҳо хуш, гоҳида нохуш,
Гоҳ сўниб, гоҳ ёниб ўтиб борадир.
Кунлар омонатдир – бамисоли туш,
Тонг отиб ботгандай кетиб борадир.

Бировга бу дунё – умри жовидон,
Ҳатто хору хас ҳам азиз, жонажон.
Кўнгил боғи унинг бегард, бехазон –
У сизга гулдаста тутиб борадир.

Бировга бу жаҳон мол бозоридир,
Имон ҳам, виждон ҳам пул бозоридир.
Истаса элу юрт кул бозоридир,
Бундайлар инсофни сотиб борадир.

Не-не йўлбошчиман деганин кўрдик,
Халқ мулкини текин еганин кўрдик,
Томоғи тўрт қулоч наҳангни кўрдик –
Улар ўз кўзин ҳам ютиб борадир.

Ночордир, ўз қавмин сотмайди гадо...
Бир бойвучча сири бўлгач хувайдо,
“Бизлар кўпчиликмиз... йўқ менда гунох” –
Дея разолатга ботиб борадир.

Фисқ-фасод хайлиниңг дунёси забун,
Юзлари қародир, иchlари тутун,
Ҳалоллик қошида йиглайдилар хун –
Бундайлар сарғайиб, тутаб борадир.

Эътиқод инсонга қанотдир мудом,
Наҳот етим колмиш бу азиз қалом.
Таянчим ўзингиз, элим, батамом –
Буни чин фарзандлар айтиб борадир.

Кўксимга осмондир, ҳалким, ғууриинг,
Қаддингни баланд тут, ошсин кўз нуринг.
Мангу сарбаландсан, янграт суруринг –
Сени кўролмаган котиб борадир.

Шеърда, Махтумкули, сиз ҳам бир сарбон,
Таъзим-эҳтиромдир – не битдим бу он.
“Кимлар бу дунёда айлаб кўп армон,
Кимлар хандон отиб, ўтиб борадир”.

Бухорода Махтумкули шеърларини таржима қилиш соҳасида ҳам ўзига хос ютукларга эришиб келинмоқда. Ажойиб олим ва таржимон Эргаш Очиловнинг бу борадаги ишлари таҳсинга сазовор. Муҳаммад Пирриев, Азимжон Қаландаров каби ижодкор дўстларимиз ҳам бу борада хайрли ишларни амалга ошириб келмоқдалар. Нафақат Бухорода, мамлакатимизнинг бошқа вилоят ва шаҳарларида, дунёning қатор мамлакатларида ҳам бу йўналишдаги хайрли ишлар давом этмоқда. Бу эса шоир ижодининг умумбашарият аҳамиятига молик қадриятлардан бири эканлигидан далолатдир.

ҚАЛБ МУЛКИНИНГ ХАЗИНАБОНИ

Олтинранг кузнинг қуёшли кунларидан бири эди. Йўлим тушиб, Минораи Калон ёнидан ўтаётсан, камтарин кийинган, озғирок, аммо нуроний бир отахон Масжиди Калон пештокидаги ёзувларни синчиклаб ўкир, нилий кошинлар, турфа жилодаги тошларни ҳавас билан томоша қиласди. Тўхтаб, астойдил разм солдим: Мутал Бурхонов! Ҳа, донгдор ва номдор бастакор, ўзбек мусика санъатининг довругини олам аро таратган, тунларни тонгга улаб, клавишларга дил пардасини улаган ҳолда умрбокий асарлар ижод этган, халқини, она-юритини катта қалб билан севган, сева оладиган фидойи инсон Мутал Бурхонов эди у киши!

Эшитганим бор: ҳақиқий ижодкор ранглардан, товланишлардан, гўзал манзаралардан сўз ва куй ахтараркан. Ҳаёлимга келган нарса шу бўлди: отахон ҳам ёзажак асарларига янги куй излаётган бўлсалар, не тонг! Ахир Бухорои шарифнинг ҳар бир обидаси, нилий гумбазлари, токлари, пештоклари, мадрасаю масжидларидағи битиклар, шоҳ байтлар – бари-бариси бетакрор оҳанглар-ку! Уларни қалб кўзи билан идрок этиб, қоғозга тушира олсангиз бас, у шаксиз юраклар меҳваридан жой олади. Зеро, отахон улуғ пирлар, тасаввуф оламининг буюк намояндлари, мутафаккирлар, ҳофизу машшоқлар, шоирлар маскани бўлмиш мана шу шаҳарда дунёга келди. Гарчи болалиги оғир йиллар тўфонида кечган бўлса-да, машҳур Домла Ҳалим Ибодов, Ота Жалол, Ота Ғиёс, Левича ҳофизлар кўшикларини тинглаб, санъатнинг оташин сеҳрини тыйди, ўзининг ҳаёт йўлини мусика оламида деб билди. Дутору танбур чёртмоқни ўрганди, чилдирмаю най унинг доимий ҳамрохига айланди. Тақдир такозоси туфайли Самарқандга

бориб, толиби илмликнинг машаккатларига бардои берди, улкан мусиқашунос олим, бастакор Николай Назарович Мироновнинг устозлике марҳаматидан баҳраманд бўлди. Эҳке, у бел боғлаб кирган йўл узундан-узун, паст-баланд ва айтиш мумкинки, фаҳрли эди!

Мен йўлимдан қайтиб, отахонга яқинлашдим. Астойдил кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашгач, мадрасаи Мири Араб ҳамда Масжиди Калонни бир-бир айландик. Сухбатимиз, табиийки, шариф шаҳар ва у киши бошдан кечирган воқеалар хусусида бўлди.

— Бухоро, Ойбек домла таъбири билан айтганда, соҳир ранглар, такрорланмас жилолар, бир сўз билан ифодалаганда, тутён шаҳардир, — дея обидаларга ишора этди у киши, — буни болалигимдаёқ қалбга уққанман. Ва мана шу сехр борлиғимга меҳр бўлиб нақшланиб колган. Менинг қариб 65 йилдан сўнг яна она-шаҳримга кўчиб келиб, яшаётганим, авлодларим, қариндош-уругларим даврасида хушхол юрганимнинг боиси ҳам шунда. Колаверса, ота-онамнинг табаррук хоклари шу муazzзам тупроқда.

Мутал отанинг шоирона сўzlари чинакам донишмандона, чинакам файласуфона эди. Ҳа, ҳаётнинг не-не талотумли кечинмалари, оғир синовларини мардона енгиб, тириклигига ёк сўз ва создан ўзига ҳайкал кўя олган бу инсоннинг умр йўлига ҳар канча ҳавас килса арзиди.

У дастлаб Самарқанд мусиқа ва хореография институтида илк сабоқлар олади. 1934 йилдан Москвада, аввал мусиқа рабфаги, сўнгра ўзбек опера студияси ва ниҳоят, П.И.Чайковский номидаги Москва Давлат консерваториясида таникли мусиқа алломаларидан таҳсил олади. 1941-1942 йилларда Москва мудофааси кўнгиллilarи сафида бўлади, соғлиғи ёмонлашгани сабабли Тошкентга қайтиб, ижод билан шуғулланади. Урушдан кейин 1949 йилда ушбу консерваторияни муваффакиятли тугатади.

Атоқли санъаткор, мана, ярим асрдан зиёдрокки, узлуксиз ижод билан шуғулланиб, турли баркамол асарлар яратди. Ўзбекистон мусиқа санъати ривожига улкан ҳисса кўшди. Унинг кўплаб қўшиклари, лирик романслари, жўрсиз хор учун қайта ишланган Шарқ ҳалклари асарлари, Ўйғун ва Иззат Султоннинг “Алишер Навоий” драмасига,

шунингдек, “Бой ила хизматчи”, “Орол баликчилари”, “Абу Али ибн Сино”, “Мафтунингман”, “Самолётлар кўна олмади”, “Сурайё” фильмларига басталаган мусиқалари, “Алишер Навоий” номли операси ва бошқа саҳна асарлари замонавий мусиқа санъатимиз олтин фондидан муносиб ўрин олган. Бастакор илк романси – “Табассум қилмадинг ҳеч”, “Алишер Навоийга қасида”, “Алишер Навоий” операси билан республикамизда мусиқий навоийномага асос солганд.

Мутал Бурхонов бундан икки йил олдин 80 баҳорни қаршилаган эди. Ўшанда бу мумтоз санъаткор ушбу муборак санани улуғ шоир Абдураҳмон Жомий шеърига басталаган “Ширу шакар” номли янги кўшиқ ва ўз сўзларига “Абадий хотира” номли реквием – марсияси билан кутиб олганди. Айтиш жоизки, бу асар халқимизнинг 30-йиллар катагонида шаҳид кетган асл фарзандлари, Мутал отанинг ҳақиқий маслакдошлари – Файзулла Хўжаев, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Чўлпон, Усмон Носир ҳамда бастакорнинг акаси Мисбоҳ, амакилари Масҳариддин, Муқаммил, Муаммир Бурхоновларнинг порлоқ хотираларига бағишлилангани билан ҳам кимматлидир. Яна ифтихорлиси шундаки, Мутал ота Бурхонов Мустақил Ўзбекистон давлати Гимни – Мадхиясининг ҳам муаллифи. Мана бир неча йилдирки, атокли шоир, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов шеърига басталанган бу Мадхия етти иқлимда янграб, давлатимиз шон-шавкатини бор бўйи билан тараатмоқда.

Ўзбекистон халқ артисти, Давлат мукофотлари совриндори Мутал Бурхонов 1955–1960 йилларда Республика бастакорлар уюшмаси бошқаруви раиси лавозимида ишлаганида ва кейинги йилларда ҳам ижодкорлик ҳамда мураббийликни бақамти олиб борди. У кишидан таълим ва тарбия олган юзлаб шогирлар борки, отахон ҳамиша ардоқда ва давралар тўрида. Фидойи хизматлари эса муносиб тақдирланиб келинмоқда. Мустақиллигимизнинг етти йиллиги арафасида отахоннинг “Буюк хизматлари учун” орденига муносиб кўрилганлиги бунинг яна бир исботи.

Биз Мутал Бурхоновни ушбу олий мукофот билан кутлаётганимизда бир гурух “шашмақом”чи санъаткорлар келиб қолишибди. Улар истеъдодли бастакор ва хонандалар – Ўлмас Расулов, Аҳмаджон Шукуров, Ҳикмат Ражабов, Ориф

Атоев, Эшпўлат Ортиков, Мавлуда Самандарова, Алишер Бобожонов, Раҳматулла Иноятовлар эдилар. Мехмонлар ҳам самимий салом-аликдан сўнг отахонни юксак орден билан астойдил табриклишди.

– Юртбошимиз Ислом Каримовдан беҳад миннатдорман, – деди Мутал ота қўлларини қўксиларига қўйиб, – дуо қиласман: илоҳим умрлари узоқ бўлсин. Бу киши адабиёт ва санъатга, ушбу соҳа намоёндаларига, анъаналаримиз ривожига, умуман, маънавиятга шу қадар катта эътибор бераятиларки, бундай олийжанобликни сўз билан ифодалаш қийин. Менга берилган мукофотни ўзбек санъати, юксак маънавиятга берилган мукофот деб биламан.

– Айтинг-чи, отахон, – дея сўраб қолди дўстларимиздан бири, – Бухорои шарифда яшаётганингизга ҳам бир йилча бўлиб қолди. Янги асарлар ёзяпсизми ва барча-барчага тилакларингиз.

– Ёзяпман. Мени туқкан, қалбимга мусиқа сехрини сингдирган шариф шахримдан, юрагимга пайванд одамларидан, эркин ва озод яшаётган она-халқимдан ҳали бир оз “қарз”ларим бор. Шу боисдан икки-уч бухоролик шоирнинг тарихий ва замонавий мавзудаги шеърларига мусиқалар басталаяпман. Улар ҳозирча сир, – дея жилмайди отахон, – тугасин, кейин айтаман. Ўзларинг куйлайсанлар. Тилакларим эса шундай: Илойим тинчлик ва дориломонлик бўлсин. Халқимиз бошидаги Эрк офтоби абадулабад сўнмасин, янги-янги тафаккур, куй ва оҳангларнинг чашмалари очисин. Сизлар, болаларим, илҳом билан ижод килинглар, биз етолмаган маънавият чўқкиларига етинглар.

1998 йил

“ХАЛҚИМ, СЕН БИЛАН ҚАЛБИМ...”

Үйлаб күрсангиз, ушбу сатр сизни уйғоқ этади, құнглингизни нурафшон айлайды, бағрингизни нурга айлантиради. “Мехр-оқибат ришталари дилдадир, иймон, инсоф диёнатли элдадир”, деган сүзларни әшитиб, очилиб кетасиз. “Үзбегим, яқдил бўлу одам бўл” хитобини тинглаб, жонажон әлимизга қарат “Малҳаму ҳамдамлигинг буюк карвонга ўхшайди, элим”, дегингиз келади. Шеъриятнинг бетакрор латофатидан, шоирнинг нафис туйғуларидан баҳраманд бўласиз. Шоир шундай деган:

Оллоҳ берган эрк офтобим – хуррият,
Истиқолим, баҳт китобим – хуррият,
Авлодларга қалб хитобим – хуррият,
Эй, она халқим, сен билан қалбим!

Дарҳақиқат, Ўзбекистон халқ шоири Нормурод Нарзуллаев ана шундай оташин сатрларни битганки, уларда ижод йўлига чиққан шоирнинг замину замон ҳақидаги ўз ўйлари, ўз талқини ифода топган. Адибнинг “Юракдаги ўқ парчаси”, “Ер – менинг планетам” каби асарлари ҳам инсонга муҳаббат, унинг тақдири ҳақида қайғуриш, она-ерни эъзозлаш туйғулари билан китобхонни ҳаяжонга солади. Шоирнинг “Юрт ишқида ёнаман” қўшиғи юртимиз ва унинг сарҳадлари бўйлаб ҳали-хануз садо бермокда. Юзлаб шеърлари, қўшиқлари эса халқимизнинг меҳр-муҳаббатига сазовор бўлган.

Унинг “Мехр чашмаси”, “Ёғду”, “Яхшилик деб яшайман”, “Лаҳза ва ларза” шеърий китоблари сизни хушнуд этади. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Туроб Тўла шоиримиз ижодига шундай баҳо берган эди: “Нормурод Нарзуллаев шеърият мухлислари тилига тушган, танилиб қолган, севиб ўқилаётган муаллифлардан бири, катта-катта китоблар, туркумлар, баллада ва достонлар соҳиби. У фикри теран санъаткорлар сафида”.

Нормурод Нарзуллаев – ҳақиқий самимият шоири. Унинг кўпгина шеърлари равонлиги, табиийлиги билан бастакору хонандалар эътиборини дарҳол ўзига тортади. Бу бежиз эмас. Кўшиқ – сўз ва куйнинг чамбарчас пайвасталиги. Шунинг учун шоирнинг ёнига машҳур Рустам Абдуллаев, Анор Назаров, Дилором Омонуллаева, Нуриддин Ҳайдаров, Фиёс Бойтоев каби санъаткорлар тез-тез келиб, ижодий ҳамкорлик килишганига шахсан гувоҳ бўлганман. Шоир уларга қаратади: “Мана, бу шеърларни кечагина ёзганман. Марҳамат, куйланглар. Ҳар бирида кўнглимнинг малҳами бор” дер, уларни кузата туриб: “Эй, она халқим, сен билан қалбим”, деб қўярди.

Эсимда, наманганлик шоир Ҳабиб Саъдулланинг 60 йиллик юбилейига етиб бориш учун ҳамроҳлар билан йўлга чиққанмиз. Устоз Жуманиёз Жабборов, Нормурод Нарзуллаев, Мирпўлат Мирзаев ва мен бир машинадамиз.

– Ҳей жўралар, келинглар, бир шеър ёзайлик! Ҳабиҷон эшитиб хурсанд бўлсин! – деб қолди Нормурод ака.

– Бўпти, маъқул, – деди Жуманиёз ака, – ҳар биримиз тўртлик ёзамиз. Кейин бандларни кўшиб, бир шеър холига келтирамиз.

Жуманиёз аканинг таклифи ҳаммамизга маъқул бўлди. Хаёл оғушига шўнгидик. Бир оз фурсат ўтгач, Жуманиёз ака, сўнгра мен ва Мирпўлат ёзганларимизни кўрсатдик. Нормурод ака эса одатдагидек жарангдор овозда ўкий бошлади:

Шеър – шоирнинг кўзин нуридир,
Шеър – оловли юракнинг кўри.
Халқ дилига завқ-шавқ сололса,
Шеър – шоирнинг иккинчи умри...

Жуманиёз ака бу тўртликни эшитгач, “Қойил, Нормуроджон, уни аввалданам ўйлаб юргансиз, чамаси”, – деди.

– Йўқ, устоз, ёнингизда ёздим-ку, – деди Нормурод ака жиддийлик билан.

– Икки-уч банд қўшса, ажойиб шеър бўлар экан, – деди Жуманиёз ака самимият ила.

– Албатта, ўйлаб кўраман, – деди Нормурод ака хурсанд бўлиб.

Шу тариқа Ҳабиб Саъдуллага бағишлиланган шеърга Нормурод аканинг ҳам тўртлигини қўшиб, юбилярга тақдим этганмиз. Ўша оқшом Нормурод ака дам олиш онларини бехуда ўтказмай, “Шоирнинг иккинчи умри” деган шеърни ёзиб тутатди. Шеър кўлма-қўл бўлиб ўқилганди ўшанда. Кўп ўтмай у қўшиққа айланиб, санъат ихлосмандлари қалбидан жой олди.

Дарҳақиқат, Нормурод Нарзуллаев қўшиқчи шоир сифатида чинакам маънода шуҳрат козонди. Шеърлари билан айтиладиган қўшиклар республикамиздан ташқарида ҳам маълум ва машхур. Шу кунларда ҳам шоирнинг кўплаб қўшиклари сахна ва эфир мавжларида мунтазам жарангламокда.

Нормурод ака Қашқадарёда туғилган, Самарканда ўқиган, Бухорои шарифни илм бешиги деб билган. Дўст-биродарлари, шогирдлари кўплигидан Бухорога тез-тез келар, адабий давраларда юрагидагиларни изҳор этарди. Уни Бухорога боғлаб турадиган яна бир муҳим ришта бор эди: шоир уруш йилларида ота-онаси, ака-укалари, сингиллари билан Бухородаги Лоша қишлоғида бир муддат яшаган. Ўша ерлик Имом бобо исмли чинакам

ўзбекона қалб соҳиби уларнинг оиласини бағрига босиб, мехр кўрсатган.

– Жоним укам, – дерди Нормурод ака Имом бобо ҳакида тўлқинланиб гапирар экан. – У киши биздан ҳеч нарсасини аямасди, топганини бизга тутарди. Ҳовлиси-даги балхи тут, томоркасидаги уч-тўрт туп ўрик ўша оғир йилларда бизнинг дардларимизга малҳам бўлгани – чин ҳакиқат! Тасаввуримда шундай баҳрамандлик бор: ёшлигим Лоша далаларида кўй боқиб ўтган, шу йилларда Бухоронинг кенгу тор кўчаларини кезганман, Накшбанд бобомизнинг ҳикматларига қулок тутганман, Мир Кулол бобомиз насиҳатларини тинглаганман. Бу манзил менинг илк шеърларимга доя бўлган. Бу икки улуғ зот руҳини ҳали-ҳануз чинакам устозларимдек ардоқлайман, уларга топинаман...

Нормурод ака узоқ йиллар Ўзбекистон Ёзувчилар ўюшмасида раис ўринбосари лавозимида фаолият кўрсатди. Ўша йилларда кўп жойларга – Москва, Хоразм, Наманганд, Самарқанд, Жиззах каби шаҳарларга биргалиқда адабиёт байрамларига борганимиз. Учрашувлар, дийдорлашувлар завқидан баҳраманд бўлганмиз. Нормурод ака ёзганларимни ўқиш ва улар ҳакида фикр билдиришдан чарчамасди. Шеърларим, достонларим у кишининг қимматли фикрлари туфайли сайқал топган, ўкувчилар эътиборига сазовор бўлган.

2001 йил июлида шоир Муҳаммад Юсуф Элликқалъа туманида бизнинг кўз ўнгимизда вафот этганди. Ўшанда шоир укамиз барчамизни ёндириб, йиглатиб, юрагимизни куйдириб юборганди. Бир ҳафта давомида алангага ўхшаб юрганман. Ким билади, Муҳаммаджоннинг руҳи менга мадад берганми, янги бир асар ёзган эдим. Ана шу достон “Заъфарон нидолар” номи билан пайдо бўлди. Асарни тезда Тошкентга, Нормурод Нарзуллаевга олиб бордим. Нормурод ака асарни ўқиб, “Ажойиб!” деб юборди. Кейин мени кучиб:

– Жоним укам, яхши асар ёзибсиз. Ўқиб, жуда хурсанд бўлдим! Келинг, уюшмадагилар хам достонингизни ўкишсин, мутахассислар фикрларини айтишсин, – деди.

Дарҳақиқат, Нормурод ака туфайли достон кўлдан кўлга ўтди. Абдулла Орипов, Жуманиёз Жабборов, Жамол Камол, Омон Мухтор, Ахмаджон Мелибоев каби қадрдонларим хам асарни қайта-қайта ўкишди, мулоҳазаларини билдиришди. Достон “Фидойилар” номи билан Бухоро вилояти мусикали драма театрида қўйилди. “Ёзувчи” газетасида эълон қилинди. Профессор Наим Каримов битган мен учун кимматли фикрлар билан биргаликда янги китобимдан ўрин олди.

Нима бўлди-ю, хасталаниб қолдим. Нормурод ака шу қадар буюк қалб эгаси эдики, жисмимга дард ёпишиб, тўшакка михланиб ётганимни эшитгач, дархол Бухорога етиб келди. Ўшанда юртимиз пойтахтидан бир машхур профессорни етаклаб келган Нормурод аканинг меҳрибончилиги, мени деб куйиб-пишгани, “Мана, профессор айтаяптилар. Ҳали бу касалликни кўрмагандай бўлиб кетасиз! Ажойиб асарлар ёзасиз! Бунга мен кафилман!” – дея кўнглимни кўтарганлари ҳали-ҳануз ёдимда. Ўшанда Нормурод аканинг дарди менинидан енгил эмас эди. Чўнтағида дорилар олиб юрар, аммо ўзини қийнаётган хасталик азобини сездирмасликка харакат киларди.

Нормурод аканинг ички олами шу қадар гўзал эдики, бундай одамларни ҳар кун хам учрагавермайсиз. Шу боис унинг шеър ва қўшиклари китобхонлар қалбидан чукур жой олди. Қўлма-қўл бўлиб ўқиладиган дурдона асарларга айланди. Унинг мана бу сатрлари эса оташ қалбидан отилиб чиққан тоза булоқ суви сингари дилга хуш ёқади, гўзал самимияти билан барчамизни ўзига мафтун этади:

Жон ўзбегим, яқдил бўлу одам бўл,
Эл дардига дармон бўлу малҳам бўл.
Йўлбошчингга қанот бўлу ҳамдам бўл,
Эй, она ҳалқим, сен билан қалбим!

ҚАЛБИ НАВРЎЗДЕК ПОК

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ҳалқ шоири Абдулла Орипов Бухоро ва буҳороликларни жуда яхши кўради. Ҳар гал шариф шаҳримизга ташриф буюрганда, албатта, улуғ устозларимиз мангу кўним топган масканларни зиёрат киласди, биз билан елкама-елка туриб, ижод килаётган ёши улуғ адиблар сұхбатидан баҳраманд бўлишга ошиқади. Шундай дийдорлашувлардан бири – таниқли ёзувчи ва журналист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Аҳад Ҳасан хонадонида, ажойиб ҳангомаларга бой кайфияту руҳиятда кечган эди.

Ёзувчи Аҳад Ҳасан яшайдиган Денов қишлоғига қараб кетяпмиз.

– Оксоколни кўрар эканмиз-да! – деди Абдулла ака лутф ила. – Билсангиз, у кишининг “Чироклар” деган китобларини Нью-Йоркдаги машҳур оммавий кутубхонада кўрганман. Ўшанда “Чироқлар” жуда кўп давраларда мулокот ва баҳсларга мавзу бўлган, бир лўли қизнинг қисмати китобхонлар қалбида улкан таассурот қолдирган эди.

Абдулла ака ўнчай дея мийифида кулиб қўйди:

– Аҳад ака лўли қизга уйланганларми дейман-да. Шу ҳикояни жуда зўр ёзганлар-да. Нима дейсиз?

– Маъқул! Зўр! Энди бир гапни айтай: Аҳад ака лўли қизни эмас, лўли қиз Аҳад акани топган. Ишонмасангиз, у кишининг ўзларидан сўраб олишингиз мумкин, – дедим жиддийлик билан.

Мехмоннинг келишини аввалдан билган Аҳад ака дарвозаси олдига сув сепиб, ўғиллари ва неваралари билан кутиб турганди. Машинадан тушишгач, меҳмону мезбон бағирлашдилар.

– Буни қаранг, Абдуллажон! Келаркансиз-да бизнинг кулбай вайронамизга, – деди хурсанд бўлиб кетган Аҳад ака.

– Ҳар ишнинг вақти бўларкан-да, – деди меҳмон, – бундан 2500 йил муқаддам Элладада тош устига ўйиб ёзилган бир шиорни эслатай. Қулок солинг: “Кучли бўлишни истасанг – югар, чиройли бўлишни истасанг – югар, ақлли бўлишни истасанг – унда ҳам югар!” Мана, югуриб-югуриб келяпмиз-да, оксоқол.

– Э, омон бўлинг-е, укажоним, – кўзлари порлади Аҳад аканинг, – минг йилдан бери сизни кутаман. Қани, қани, марҳамат, – дея меҳмонни кўркам айвонга бошлади. Дуо қилдик.

– Энди, Абдуллажон, одам дегани ўзининг яхши қадрдонини ёки шоирини қўрганда, атиргулга ўхшаб кетаркан-да. Шундан юрагимга маҳкам ўрнашган баъзи бир сўзлар борки, мен уларни доим бағримда илитиб юраман. Хусусан, сизнинг ҳам шеърларингизни. Қаранг:

Инсон қалби билан ҳазиллашманг сиз,
Унда миллат яшар, унда тил яшар.
Унда аждод фахри яшайди сўзсиз,
Унда истиқомат қиласи башар.

Инсон қалби билан ҳазиллашманг сиз,
Унда она яшар, яшайди Ватан.
Уни жўн нарса деб ўйламанг ҳаргиз,
Ҳайхот! Қўзғалмасин бу қалб дафъатан!..

Мен бу сўзларни Ёрилтош бағридан сизиб чиқкан гавҳар деб биламан. Нима дейсиз, Абдуллажон?

– Сизни ёзувчи десам, катта олим экансиз-ку, Аҳад ака. Ахир ҳар бир кекса ҳам донишманд бўлавермайди-

да! Одамларнинг фазилатида ҳам худди меваларга ўхшаб ўзининг пишадиган вақти бўлади. Тўғрими, оксокол?

— Яшанг-е, укажоним! Биласиз, кишлоқда яшайман. Ёзаман, чизаман – одамларга, ўкувчиларимга манзур бўлса, ёзаман-да! Қолаверса, умринг узоқ бўлишини истасанг – одамларга меҳрибон бўлиш керак экан. Ўзгаларни эмас, ўзингни бошқаришни ўрганиш зарур экан. Тўғрими, Абдуллажон?!

— Ажойиб, Аҳад ака, – деди ўйлаб туриб Абдулла ака. — Баъзи одамлар қўшикка ўхшайди. Яъни ҳазрат Навоий бобомизга ўхшаб. Уларнинг ҳар бир сўзи эзгу дуо каби янграйди. Буни каранг:

Бўлмаса ишқ – икки жаҳон бўлмасун,
Икки жаҳон демаки, жон бўлмасун.

Ёки:

Кимки бир кўнгли бузукнинг хотирин шод айлагай,
Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлагай.

Назаримда, бу сатрлар шунчаки сўзлар эмас, – ҳаяжонини изхор этди Абдулла ака, – улар Куръон сураларига ўхшаб кетади. Шунинг учун Навоий бобомиз авлиё-да! Бу ҳакда бир тўртлик ёзгандим:

Абадият билан қай сўз эгизак,
Балки яхши орзу, яхши ниятдир.
Мангулик англанар Навоий десак,
Навоийнинг ўзи абадиятдир.

— Тасанно, Абдуллажон, ҳар бир сатрингиз тилло қолипга куйилгандай.

Шу пайт “Ассалому алайкум. Хуш кўрдик”, дея Оҳиста янгамиз келиб қолди.

— Дадаси, меҳмонга бир пиёла чой қуйинг, болачақаларини сўранг. Шеър деганиям бор бўлсин, – деди

хушнудлик ила янгамиз. – Илтимос, меҳмон, залга ўтиңглар, дастурхон мунтазир бўлиб қолди.

Оҳиста янга ортга қайтаркан, Абдулла ака кулимсиради.

– Аҳад ака, сиз топган “лўли” янгамиз шу киши эмасми?

– Вой, ажойибсиз-е, Абдуллажон, – деди хохолаб Аҳад ака, – бу Тошпўлат дўстингиз ҳақиқий “шум бола”. Баъзан у мени, баъзан эса мен уни боплаймиз. Ҳозир эса у лўли масаласида сизни ишонтирибди.

– Ҳа, энди, Абдулла ака, “шум бола”лигим бор. Аҳад аканинг ўзлари эса ҳақиқий Афандилар. Бутун Бухоро ахли у кишини бу масалада жуда яхши билади.

– Э, шунака денг, билмас эканман, – хурсанд бўлиб кетди Абдулла ака.

– Энди, оғайнижон, – дея сўзни илиб кетди Аҳад ака, – гапимиз чала қолмасин. Янгангиз лўлиmas, ҳақиқий ўзбек қизи. Тожик тилида ҳам бурро-бурро гапиради. Қайнатам Бобохон ака ажойиб одам эдилар. У кишининг Олимхон, Орифхон, Иброҳимхон деган ака-укалари бўларди. Ҳаммалари бизга яқин Маҳаллиболово кишлоғида истиқомат қилишарди. Барчалари Садриддин Айнийнинг ҳақиқий жиянлари. Янгангиз ана шу авлоднинг вакиласи. Мен ана шу оиланинг чинакам куёвиман. Айний бобомизнинг ўғиллари профессор Камол Айний билан тез-тез учрашиб турамиз. Қолаверса, Шоғиркону Ғиждувоннинг ҳар бир фарзандини Бухорои шариф фарзанди деб биламан. Тўғриси, гапнинг зўри шу.

– Э, яшанг, Аҳад ака, – дедим мен ҳам гапга қўшилиб, – ўтган асрнинг 80-йилларида Жалол Икромий бошлиқ бир гуруҳ тожик ёзувчилари Бухорога келишди. Тошкентдан эса шоир Жамол Камол ташриф буюриб, кўп жойларда учрашувлар ташкил этгандик. Ўшанда устоз Жалол Икромий шундай деганди:

– Тожику ўзбекнинг номи ҳам, қони ҳам, жони ҳам бир, яъни нони ҳалол! Инчунин, ўзбекни тожикка пайванд этсан, Ўзтоҷ бўлади. Тўғрими?

— Йўқ, домлажон, — деди қувноклик ила Жамол Камол,
Ўзтож эмас, Тожбек бўлгани маъқул!

— Тасанно, тасанно, — олқишлишди бошқа шоир-
ёзувчилар ҳам.

Мен шу пайт Faфур Fуломнинг “Қардош тожик халқига
ўзбек халқидан салом” деган шеъридан бир парчани ўқиб
бердим:

Панжакент Қазмасининг Варахшдан не фарки бор,
Икки тил, икки номли кардош халқ ишидир бу.
Сўғдийларнинг авлоди, ака-ука беғубор,
Бундан ким фарқ ахтарса, тарихда бўлар кулгу.

— Зўр бўлган экан ўша учрашувлар, — деди коникиш билан
Абдулла ака, — мен Жалолхон ака, Боки Раҳимзода, Мирзо
Турсунзодалар билан кўп марта учрашиб, сухбатлашганман.
Энди улар буюк адиллар эдилар-да! Ойбек, Faфур Fулом,
Абдулла Қаҳҳор домлалар ҳам улар билан дўст, биродар
бўлганлар. Шунинг учун дунё биларди уларни. Улуғ
одамларнинг шуҳратини ўлчайдиган мөъёр — бу шуҳратга
қай йўсинда эришганлари дир. Ўша пайтларда бу зотларнинг
улуғ қалби ҳақида шундай сатрлар битгандим:

Дўсту қардошdir азалдан ўзбегим тожик билан,
Иккиси бир байт ғазалдан ўзбегим тожик билан.

Бахтга ёр доим Навоий токи Жомий бор экан,
Биз улар кўйган тамалдан ўзбегим тожик билан.

— Ажойиб шеър экан, — деди Аҳад ака лутф ила, —
бир файласуфнинг қизиқ гапи ёдимга келди: ўтмишни
унутма, келажак пойдеворига тош кўй, бугунги кун би-
лан яша! Шундай бўлгач, кимдир меҳнат билан, кимдир
куруқ гап билан тирик. Буюк боболаримизга улуғлик
бахш этган фазилат, шубҳасиз, уларнинг ҳалол меҳнатни
касб қилганлари дир. Ҳа, машварат ҳам, шеърхонлик ҳам
гўзал бўлди. Энди марҳамат, дастурхонга қаранглар.

Шундай дея ноз-неъмат тўла дастурхон устидаги докани олиб кўяр экан, Абдулла аканинг кўзлари чакнаб кетди:

– Вой-бўй, буни каранг: кўк сомса, кўк чучвара, барра кўк ўтлар, ўрик шарбати, ҳалим, қази-карта... Ҳатто Бухоро амири ҳам буларни кўрган эмас... Факат бир нарса йўқ эканда, – хохолаб кулди меҳмонимиз.

– Тушундим, тушундим, – деди Аҳад ака кулимсираб, – сиз учун барча нарсани мухайё киламиш. Аммо ҳозир Наврӯз кунлари! Ҳаммасидан ҳам тотлироғи – гулоб! Гулоб ичамиш, гулоб!

Барчамиш кулиб юбордик.

Ҳа, Аҳад ака ана шундай сермутойиба, қалби Наврӯздек пок инсон эди!



ЧАШМАДАЙ ШАФФОФ

Оғир, жуда оғир Илҳомжон ҳакида ёзиш.

Бошим зил, идроким пароканда, хаёлларим тўзгин-тўзгин бўлиб кетади уни эслаганимда. Шундоқкина китоб жавонларим устида унинг ўйчан, табассум билан боқиб турган сурати туради. У билан ҳар тонг, ҳар оқшом ғойибона, юракдан сухбатлашаман.

Ҳаёт шу қадар шафқатсиз эканки, ўша мудхиш қаро куннинг содир бўлганига ҳам бир йил тўлибди.

Илҳомжон эрта кетди, ниҳоятда эрта кетди орамиздан. Ҳали ўн гулидан бир гули очилмай, не-нетиник орзуларининг шарбатидан ичолмай, бизни армонларда колдириб кетди. Ҳудди Бухорони тарк этган оппоқ лайлаклардай оппоқ руҳга айланиб кетди. Оғир, жуда оғир бу ҳақда сўзлаш. Ҳозир ҳам қўлларим қалтираб-қалтираб, кўзда ёшим билан битаётиман ушбу сатрларимни...

Илҳом Ҳасан менинг жигарбандим эди. Зеро, унинг ҳақдаги одил сўзни ҳам бир ижодкор, ҳам амакиси сифатида айтмоқ менинг инсонийлик бурчимдир. Илҳомжон ғоятда иқтидорли, меҳнаткаш, ижод мاشаққати, заҳматларидан қочмайдиган фидойи йигит эди. У акамиз, таникли ёзувчи Аҳад Ҳасанов оиласида туғилиб ўсади. Унинг онаси – Шохиста янгамиз ўзбек ва тожик адабиётининг йирик намояндаси Садриддин Айний авлодига бориб туташади. Шундан бўлса керак, илмга ташналиқ, туғма ижодий салоҳият Илҳомда ҳали ўкувчилик йилларидаёқ шакллана бошлаган эди. Илҳомжон ўрта мактабни олтин медаль билан, Самарқанд

Давлат университетини эса имтиёзли диплом билан тугатди. Йигирма етти ёшида филология фанлари номзоди бўлди. У илм билан бадиий ижодни кўш қанот билар эди.

Илҳомжон Шоғирконни, туғилган она қишлоғи – Деновни, камсукум, захматкаш одамларни яхши кўрарди. Ҳар гал қишлоққа келганида қадим Вардонзе қалъаси, Чилдухтарон кенгликлари, Жилвон чўлларини кезарди. Оддий чўпонлар, сувчилар, дунё кўрган кекса отахонлар, онахонлар даврасида бўларди. Уларнинг саргузаштлари, сухбатларини соатлаб тингларди. Кейин уйга қайтгач, тонггача унинг хонасида чирок ўчмасди. Ёзарди, чизарди, хикоялари, қиссаларининг режалари, хомаки нусхаларини қофозга туширади. Ҳали-ҳали эсимда. Бир гал у менга:

– Биласизми, акажон, бугун излаганимни топдим, – деди ўта мамнунлик билан, – Вардонзедан, қалъанинг нақ устидан топдим.

– Нимани топдинг? – сўрадим ажабланиб.

– “Ялпиз”нинг якунини... Ҳа, айтгандай кечирасиз. Сизга айтмовдим. Якинда “Оlam тўла ялпиз” деган қисса ёздим. Хуросаси ёқмай турувди. Бугун атайлаб Вардонзега бордим. Қари дўланани кўргансиз-а? Худога шукур, ўша билан сухбатлашаётганимизда бирдан туғилди якуни...

Унинг кўзларидаги қувончни кўриб, хайратга тушдим. Бағримга босиб самими табрикладим. Кейин, иккинчи куни қиссани менга берди. Бир ўтиришда бош кўтармай ўқиб чиқдим. Шоирона ҳассослик билан ёзилган эди бу асар. Образлар талкини, воқеалар, ҳар бир сўз қўшиқдай янграрди унда.

Илҳомжон мана шундай яратарди асарларини, у локайдликни, худбинлигу худписандликни, нодонлигу жоҳилликни сира-сира ёқтирмасди. Пахта дея сариқка чалинган болакай ўқувчилар, уззукун далада меҳнат қилиб, косаси оқармай яшаётган дехқонлар, пестицидлар, дефолияция туфайли она-табиатнинг ҳалок бўлаётганлиги, ночор турмуш туфайли ўзига ўт қўяётган қиз-жувионлар фожиаси Илҳом-

жон қалбининг оғриқлари эди. У баъзида турмушнинг мана шундай азоб-уқубатларини кўриб, оғриниб-ўртаниб кайтиб кетарди Самарқандга. Бир оз фурсатдан сўнг бу воқеалар унинг асарларига кўчарди. Бугунги Истиқлол унинг орзу-армони эди.

Билмадим, Илхомжон ухлаб, дам олардими ёки йўқми, менга коронфу. Ҳар қалай, у шошилиб яшаётгандай тууларди менга. Шошилиб ишларди, ҳар дақика вақтни азиз билib, шошилинч ёзарди. Асарларига такрор-такрор сайқал бернишдан эринмасди. Сўнгра, туркум-туркум ҳикоялари, қиссалари, илмий мақолалари бирин-кетин босилиб чиқарди ойномаю рўзномалар сахифаларида.

Кези келди, айтайн: Илхомжон ғоятда дилкаш дўст, хуисухан нотик, шеърни койилмақом айтувчи санъаткор, устозларига садоқатли шогирд, ўзи доцент бўлиб дарс берадиган шогирдларига талабчан устоз, турмуш ўртоғига суюкли ёр, Беҳзоджон, Бобуржон, Мехрангизларга ғамхўр ота, Бухорою Самарқанд учун, азиз ота-онаси, қишлоқдошлари учун ардокли фарзанд эди.

Афсус, минг афсуски, мана шундай олийжаноб, дарёдил йигитни, нозиктаъб олим ва адабни фожиали ўлим 1991 йилнинг 31 марта 31 ёшида орамиздан бевақт олиб кетди. Аммо Илхомжон шу кисқа умри давомида ҳам неча-неча йилларга етгулик ибратли ишлар килиб кетди.

Ундан уч қисса, элликка якин катта-кичик ҳикоялар, адабиётшуносликка оид қатор кўркам мақолалар мерос бўлиб қолди. Бу асарларнинг бир кисми якинда “Камалак” нашриётида “Оlam тўла ялпиз” номи остида босилиб чиқди. Якин кунларда эса ёш адабнинг истеъдодли ёзувчи Хайдариддин Султонов сўнгсўзи билан “Ой тиниклашар” номли қиссалар ва ҳикоялардан иборат китоби ўқувчилар кўлига бориб тегди. Асримиз бошларида яшаган рус сайёхи Логофет қаламига мансуб “Бухоро тоғлари ва кенгликлари” номли йирик тарихий асар ҳам Илхомжон томонидан ўзбек тилига ўгирилган. Ҳаётининг сўнгги кунларида “Бири кам

дунё” фожиавий драмасини ёзib тугатган экан. Каттақүргон шаҳар драма театри ушбу асарни ўтган йили саҳнага кўйди. Айни кунларда бу драма Садриддин Айний номидаги Бухоро вилоят мусикали драма театрида ҳам саҳналаштирилмоқда.

Ха, Илҳом Ҳасан, шубҳасиз, истеъодоли, ғоятда беназир санъаткор эди. Туйғулари чашмадай шаффоғ, покиза эди.



“ҚОНИМНИНГ ҲАР ТОМЧИСИДАН...”

Шоирлар халқ қалбининг таржимонлариидир. Тарих гувоҳ: халқ дардини ўз дардидан, халқ ташвишини ўз ташвишидан устун кўйган чин қаламкашлар доимо эл ардоғида бўлганлар. Бугун хотирлаётганимиз ажойиб шоир, чин дўст, оташин ватанпарвар, олим ва муаллим Тилак Жўра ҳакикий маънода халқ қалбининг таржимонига айлана олган нодир истеъдод эгаси эди. Адабиётга дахлдор инсонлар ичида шоирнинг “Райхон”, “Оlam остонаси”, “Юлдузлар табассуми”, “Чорраҳадаги уй”, “Сандувоч” сингари шеърий мажмуаларини варакламаган, улкан соғинч ва муҳаббат билан йўғрилган сатрларини ўқиб, завқланмаганларни топиш мушкул.

Тилак Жўра адабиётни жуда севар, уни жон қадар, иймон қадар авайлар, шеъриятнинг покиза дунёсига муносиб бўлиш учун бутун борлигини бахшида этишга тайёр эди. Унинг мана бу сатрлари шеъриятга бўлган бекиёс муҳаббати нишонасидир:

Тутдек тўкилди юрагим
Армоннинг хўп санчишидан.
Сени соғиниб кутаман
Кўзларимнинг ачишидан.

Тутдек тўкилди юрагим
Аламларнинг камчисидан.
Сени соғиниб кутаман
Қонимнинг ҳар томчисидан.

Шоирни замон ва мухит, тўғрироғи, замон ва мухит олдидағи бурч яратади. Булар шоирга мавзу беради, ижод мундарижасини белгилайди. Тилак Жўрани шоир қилган, халққа танитган хислат ҳам ҳаёт билан доимий ҳамнафаслик туйғусидир.

Тилак Жўра – қишлоқ фарзанди. У ўзи туғилиб вояга етган Сайётни, туркман элига туташ Қоракўл дея аталган масканни, Бухорои шарифдан ҳам қадимийроқ Пойкантни жону дилидан севарди. Шу жойларнинг ҳар зарра тупроғини, тошини, гулинни, тиканини, сандувочларини бағрига босгиси, азиз ҳамқишлоқларининг дарду аламларини айтгиси, уларнинг орзу-армонларини ижобат этгиси келарди. Ана шундай бағри уммон шоир эди Тилак Жўра!

Унинг “Содда дехқон саргузашти” туркуми, “Дехқон кўшиғи”, “Умр ҳакида баллада”, “Мурод бобонинг хастаҳонадаги хаёли”, “Осмоннинг ранги”, “Бобомнинг ўгити” сингари ўнлаб шеърлари кадрдон Сайёт қишлоғи багрида яратилганлигини илғаш кийин эмас. Бу шеърлардан атиргулнинг хуш бўйи таралади гўё.

Бухорои шарифнинг олис бир қишлоғида туғилиб ўсган Тилак Жўра ижод ва меҳнатга чин эътиқоди боис республикада тан олинган шоир, иқтидорли олим ҳамда таржимон даражасига етди. Филология фанлари номзоди, Тошкент Давлат университети доценти сифатида анча муддат ёшларга сабоқ берди. Ғайбулла Саломов, Жамол Камол, Нажмиддин Комилов каби устозлар назарига тушди, ИброХим Ҳаккул, Шавкат Раҳмон, Усмон Азим сингари ўнлаб ижодкор дўстлар орттирди, Сирожиддин Сайид, Рустам Мусурмон, Иқбол Мирзо каби катор навқирон ижодкорлар интилишларига қанот берди. Шу тариқа ўзбек адабиёти ва фанидаги ўз ўрнини топди.

Шоир дўстимизнинг тилаклари соғ, умидлари бисёр эди. Ижод бўстонидан янги-янги гулдасталар саралаш, кўркам шеър ва достонлар битишга орзуманд эди. Афсус шафқатсиз

ўлим уни айни ижодий кучга тўлган бир пайтида орамиздан олиб кетди.

Аммо бугун барчамиз унинг шеърлари яшаётганига, фарзандлари унинг ушалмаган орзулари рўёби учун камарбаста эканлигига гувоҳмиз. Беназир шоир ўзи башорат килганидек, шеърлари бағрида яшаяпти ва биз билан доим биргадир:

Оҳанглар оғушида қолажак менинг умрим,
Гўзаллик товушида қолажак менинг умрим.
Умримни куйга ўраб, нурга ўраб яратдим,
Шу куёш ёғдусида қолажак менинг умрим.

Умрини куйга ўраб, нурга ўраб яшаган Тилак Жўранинг нурли шеърлари адабиётимиз хазинасининг нодир дурдоналари бўлиб қолишига шубҳа йўк!

2007 йил 26 май

ХАҚИҚИЙ ҲАЖВЧИ

Ассалому алайкум, азиз меҳмонлар, қадрли талабалар, бетакрор сўз устаси Неъмат Аминов ижодининг чин ихлос-мандлари!

Ушбу дақиқаларда устоз шоир Максуд Шайхзоданинг абадий умрлар хақидаги ўлмас ҳикмати такрор-такрор ёдимизга келгандек бўлади. Дарҳақиқат, шундай инсонлар борки, ўз ҳаёт ва фолиятларини илохий маърифат, сўз ва қаламга содиклик нури билан ёритиб, номларини абадиятга муҳрлашга эришадилар.

Таникли сўз устаси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, бир-биридан қувноқ ва рангин асарлари билан ҳажвий адабиётимиз ривожига муносиб хисса қўшган бағри кенг устоз – Неъмат Аминов ўз ҳаётини адабиёт зиёси билан чароғон эта олган ва ўз номини мангулик сахифаларига ёзиб қолдира олган қалам сохиби эди.

Неъмат ака ижодининг авж нуктаси миллатимиз бошига кўпдан-кўп синовлар, йўқотиш ва фожиалар олиб келган 70–80-йилларга тўғри келади. Неъмат Аминов адабиётни чиғириқдан ўтказиш, муаллифни ҳол-жонига кўймасдан таҳrir ва тазийқ қилиш иллати барҳам топмаган бир пайтда устоз адиллар – Абдулла Қодирий, Faфур Ғулом, Абдулла Қахҳор, Сайд Аҳмадлар анъанасининг муносиб давомчиси сифатига сўз майдонига чиқди ва ўз ҳажвий ижодхонасини кура олди.

Биз яшаган ўша замонларда – ойда-йилда тишининг оқини бир кўрсатишни ўзига ор биладиган Муслим Алие-

вичдек “серёзний” раҳбару раҳбарчалар тұлиб ёттан, мансаб учун бошлиғининг отаси лаҳадига ўзини ташлашында тайёр турган Қаймоқовлар бижғиб ётган бир мухитда одамларни кулдириш осон эдими?! Лекин Неъмат ака кулдириди. “Истасангиз ҳам, истамасангиз ҳам – бўлганим шу!” – дея ҳажв тифини қайрайверди. Қизиги шундаки, у киши ён-атрофимизда “Мен ҳам одамман” деб дайдиб юрган бაъзи сўхтаси совуқ нусхаларнинг суратини ўзига кўрсатиб берди. Факат суратини эмас (суратни сураткаш ҳам бир лахзада “чирқ” этиб, қофозга тушириб бериши мумкин), сийратини ҳам кўрсатиб берди. Янаям аникроги, ўша нусхаларнинг ўзи бу ҳажвияларни ўқиб; “Ўв, шу ўзимизнинг Неъматжон балода... Қаердан топади бундай типларни! Кимни ёзган экан? Э-э, маладес” деб қарсак чалганларини кўп кўрганмиз. Биз эса бундайларга қараб ичимизда, юзимизни ўгириб эса қаҳ-каҳ уриб кулганмиз. Ҳаётдаги, яъни биз билан бир ҳаводан нафас олиб юрган Зайнишевлар, Мардон Тоҳировичлар, “жоним директор”лар, “универсал домла”лар, “красний партизан”лар, “юмшоқ пластишка”лар, “устоз”лар, Умматжон акалар, Дандоновлар устидан юмалаб-юмалаб кула-верганмиз. Нега кулмайлик? Ахир, буларни ўзимизнинг Неъмат акамиз ёзган! Неъмат ака латифа тўқимас эди: ҳақиқий ҳажвий асар яратар эди. Шу боис кулар, ҳажвчи акамизнинг санъаткорлигига қойил қолиб, кулар эдик.

Неъмат ака бугун орамизда йўқ. Лекин унинг асарлари, хандон кулгиси, беозор табассуми ҳануз юртимиз узра кезиб, хонадонларимизга завқ-шавқ улашмоқда.

КЎЗИ ТИЙРАН, СЎЗИ ТЕРАН АЛЛОМА

Хали-ҳали эсимда: 1961 йилнинг ёз фасли эди. Самарқанд Давлат университети иккинчи босқичини тутатиб, таътилга чиқишга хозирланардик. Ўкув китобларини топширгани адабиёт кабинетига кирсам, академик Воҳид Абдуллаев бир гурӯҳ олим шогирдлари даврасида яйраб-яшнаб, Бухоро сафари хотираларини сўзлаётган экан. Ўшанда устозимиз Бухоро педагогика институтига давлат имтиҳони комиссияси раиси бўлиб жўнаганидан хабаримиз бор эди. Суҳбатга халақит бердимми, дегандай, ийманиб турган эдим, домланинг ўзлари:

– Кир, киравер, тулпор (у киши яхши кўрган шогирдларини шундай деб атарди), сен ҳам эшйтганинг маъқул бу гапни, – дея яна суҳбатга шўнғиб кетди. – Биласанлар, бултур Бухорога борганимда, Тожи Қораевни кашф этиб келган эдим. У якинда аспирантурага киради. Бу гал яна бир тулпорни кўз остимга олиб қайтдим. Охунжон Сафаров экан исми-шарифи. Мен айтсам, бу боланинг кўзларидан ўт чақнайди-я! Турган-битгани илму эҳтирос. Сўзлаганда тошиб-тошиб кетади. Халқ оғзаки ижодидан бир олам материал тўплаган экан. Уни аспирантурамизга таклиф этиб келдим. Бу болани албатта тарбиялашимиз керак. Ундан келажакда етук олим чиқади.

Кейин устоз мен томонга ўгирилди:

– Балки сен уни танирсан. У Шоғиркондан экан. Болаларга бағишлиб шеърлар ҳам ёзиб туради.

Мен танимаслигимни айтдим.

— Унда, албатта, танишгин. У оқил ва оқибатли йигит.

Улутғустозимизнинг сўзларини маъқуллаб, ташқарига чикиб кетдим. Тақдир бизни орадан икки йил ўтгач — Охунжон ака Самарқандда ҳарбий хизматни ўтаб юрган кезлари юзма-юз қилди. Ётоқхонамиздаги дастлабки учрашувданоқ уни Воҳид Абдуллаевдай машхур академик бекорга мақтамаганига, илм йўлида безовта, куюнчак инсон эканига астойдил иқрор бўлган эдим. Охунжон ака ҳарбий хизматни тугаттгач, СамДУ аспирантурасига кирди. Билдим, қадрдоним аввал олим ва сўнгра шоир экан. Ижодкорлик дарди орамиздаги дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини тобора мустаҳкамлади.

Қанча сувлар оқиб ўтди. Азиз биродаримнинг умр йўлига назар солсам, ҳаёти бесамар ўтмаганига, унинг эл кўрса кувонадиган, кўз нури, қалб шуури сингган салмокли адабий хирмон бунёд этганига такрор-такрор ишонч ҳосил қиласман.

Афсуски, Охунжон ака вафот этмаганида (2014 йил 14 март), бутунлай бошқача — ранго-ранг илм ва ижод хиёбонига ҳар биримизни етаклаб борарди. Нима қилайлик, ҳаёт шунақа. У киши дунёнинг пасту баландини билар, юрагидаги изҳорини айтар, озоридан ҳам, бозоридан ҳам чиройли қилиб кулибгина кўярди.

Акамизнинг устидан “хат ёзғувчилар” пайдо бўлса-да, у шунчаки “Кўйинг, бу дунёда яшайлик, ахир, ҳар биримизнинг йўлимиз, кўнглимиз ок бўлсин. Уни обод этайлик”, деб кўярди. Ҳа, ана шунақа гўзал инсон эди дўстимиз. У ҳеч кимни ёмонламас эди. Шогирдларини доим бағрига босар, қадрдонларини, “улар менинг хақиқий юрагим, қалбим, кўзим”, дея алкарди.

Охунжон Сафаров болалар адабиётининг катта билимдони эди. Буни республикамизнинг катор машхур олимлари эътироф этишган. Таниқли олимларимиздан бири, профессор Раҳим Воҳидов: “Мен Охунжон акани ҳалқ донишмандлик хазинасининг Бухородаги хушёр хази-

набони, дейишдан истиҳола қилмайман”, деганида ҳам тамомила ҳақ эди. Негаки, олимнинг бу соҳадаги самарали, заргарона меҳнати бунга яккол далил.

Энг аввало, Охунжон аканинг ўзига хос олимлик киёфаси ҳақида таъкидлайлик. У баъзи бирорларга ўхшаб илмнинг турли соҳаларига кўр-кўрона бош урган эмас. Ҳали талабалигига ёк борлигини банд этган болалар адабиётининг кашф этилмаган томонлари Самарқанд университети аспирантурасида таҳсил кўриб юрган кезларида ҳам унинг тадқиқот мавзуига айланган эди. Ёш олим 1971 йилда чуқур илмий кузатишлари ҳосиласи сифатида “Шукур Саъдулла – болалар адиби” мавзуидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. Филология фанлари номзоди бўлиб, яна қадрдон Бухоро олийгоҳи бағрига қайтди. Энди у бу даргоҳда ўзбек адабиёти, болалар адабиёти, ҳалқ оғзаки ижоди ҳамда ифодали ўқиши фанларидан маъруза ва амалий машғулотлар ўтказиш билан бирга, жамоат ишларида ҳам фаол қатнаша бошлади. Бир неча йил давомида олийгоҳ кўп ададли “Илғор фан учун” газетаси муҳаррири, 1977–1979 йилларда эса мусиқа-педагогика факультети декани вазифаларида ишлади. 1988 йилдан эътиборан эса ўзбек адабиёти кафедрасини бошқариб келди. Энг муҳими, у жамоатчилик ишларини қизғин илмий-ижодий фаолият билан қўшиб олиб борди. Шундай фидоийлик туфайли олимнинг “Болалар кўйчиси” (1978), “Ўзбек болалар поэтик фольклори” (1985), “Болаларни эркаловчи ўзбек ҳалқ қўшиклари” (1983) сингари монографиялари босилиб чиқди. Республика педагогика институтлари бошланғич таълим усулиёти факультетлари талабаларига мўлжаллаб 1976 йилда нашр этилган “Ўзбек болалар адабиёти” дарслик-хрестоматияси муаллифларидан бири бўлди.

Истебдодли олим фаолиятида болалар фольклорини тўплаш, тадқиқ ва нашр этиш алоҳида салмоққа эга. Шундай изланишлари туфайли ўзбек фольклоршунослик

тариҳида илк марта болалар халқ қушиқларининг йирик нашри амалга оширилди. “Ўзбек халқ оғзаки ижоди” сериясида 1984 йилда босилиб чиқкан “Бойчечак” тўплами унинг салкам ўн беш йиллик гайрати ва ташабbusи маҳсули сифатида майдонга келди. Мажмуанинг афзаллиги шундаки, унда ўзбек болалар қушиқ фольклорининг йигирмадан зиёд жанри намуналари жамланган. Булардан ташқари, унинг ўзбек болалар адабиёти, фольклори масалаларига онд тозга якин мақолалари босилиб чиқкан.

Охунжон Сафаров 1986 йилининг 30 июнида Узбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти илмий кенгашида “Ўзбек болалар халқ қушиқларининг жанрий таркиби ва бадиияти” мавзууда филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация ёқлади. Узок йиллар давомида олиб борилган изтиробли изланишлар, чуқур илмий мушоҳада ва мулоҳазалар тажассумини топган бу ишни Олий аттестация комиссияси 1987 йилнинг 20 февраляда яқдил тасдиқлади. Айтиш мумкинки, бу юксак тадқикот унга фольклоршунос олим сифатида шуҳрат келтирди. Жумладан, Охунжон Сафаров диссертациясидан ғоятда таъсирланган қозогистонлик машҳур адабиётшунос, профессор Раҳмонкул Бердибоев “Охунжоннинг тадқикоти жуда зарур ва ўз вактида ёзилган иш. Аслида, мазкур докторлик диссертацияси иттифоқда яшаётган туркий халқларнинг болалар фольклори масалаларига бағишиланган биринчи йирик тадқикотdir”, деса, коракалпоғистонлик фольклоршунос олим, профессор Қ.Мақсетов “О.Сафаров томонидан болалар фольклорининг йигирма жанри ишланган – бу кашфиёт! Жанр ва унинг асосли тасниф этилиши – бу назария”, дея ўз иқрорини ҳаяжон билан ифода этган эди. Шунингдек, бу илмий ишга расмий ҳакамлик қилган Москвадаги жаҳон адабиёти институти профессори В.М.Гацак, таникли фольклоршунос олим Тўра Мирзаев ва бошқа қатор олимлар ҳам дил изҳорларини ифода этган эдилар.

Истеъдодли олим ўз хаётини илмий ва ижодий изланишларсиз тасаввур этолмасди. Баъзи олимларга ўхшаб, “кўзлаган чўккини забт этолмадим, шу ёғи ҳам етарли”, дея талтайиш ва хотиржамликни ор деб билди. Бунга кейинги йиллардаги жўшқин фаолияти ҳам яққол мисолдир. Жумладан, О.Сафаров ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти фольклор бўлимининг бир гурӯҳ олимлари билан ҳамкорликда Ўзбек фольклоршунослигининг илк улкан тарихи – уч томлик “Ўзбек фольклори очерклари” (1988–1990)ни, шунингдек, ўзбек адабиёти бўлими ходимлари билан ҳамкорликда “Ўзбек болалар адабиёти ва адабий жараён” (1989) тадқиқотини яратишида катнашди. Бухородаги адабий ҳаракат тарихини ўрганиб, “Адабий Бухоро” (1989) рисоласини эълон қилди. Тўқсонинчи йиллар ўрталарида эса унинг ҳаммуаллифлигига республика университетлари ва педагогика институтлари ўзбек филологияси факультетлари талабалари учун “Ўзбек ҳалқ поэтик ижоди” дарслиги босилиб чиқди.

Умуман, Охунжон ака ўз илмий фаолияти давомида мазкур икки йўналишда изланишлар олиб бориб, 600 га яқин илмий макола, 50 дан ортиқ рисола, қўлланма, монография ва дарсликлар яратди. Ўзбекистон Ёзувчилар ва Журналистлар уюшмалари аъзоси сифатида салмоқли публицистик мақолалар эълон қилди, қатор шеърий тўплам ва сайланмаларини нашр эттириди. Қатор дарслик ва қўлланмалари республика олий ҳамда ўрта маҳсус таълим муассасалари педагог ходимларининг яқин қўмакчиси сифатида хизмат қилиб келаётир. Шуларга кўра, у кишини етук жамоат арбоби дейишга тўла асос бор. Ахир, асл одамларнинг башорати улуғ келади, дейишади. Бундан кирк йилча олдин пири комил устозимиз, академик Воҳид Абдуллаев эътиборига тушган ва унинг адабий мактабида таҳсил олган Охунжон Сафаров, домла айтганидай, таникли ижодкор, етук аллома бўлиб етишди. У оташин ватанпарвар, ажойиб шоир, заҳматкаш олим, кўзи тийран, сўзи теран

ижодкор, дилкаш сухбатдош эди. Унинг меҳр ва теран заковат балкиб турган нигоҳларини унутиб бўлар эканми?! Сўзсиз, Охунжон ака ана шундай улуғ инсоний фазилатлари, илм ва меҳнатдаги ибрати билан дўсту биродарлари қалбида, илм-фган ҳамда адабиёт саҳифаларида абадий яшайди.

ҚАЛАМ ДЕҲҚОНИ ХУСУСИДА СЎЗ

Якинда Қоракўлга кетаётганимда, кадрдоним, ажойиб ёзувчи Музаффар Турсунов ётган қабристон олдида машинадан тушдим. Тепаликка караб, сағаналар оралаб Музаффар акани “топдим”. Хайрият, дўстлари, фарзанду невараалари у кишининг сағаналарини оҳаклаб, тозалаб қўйишибди. Чўккалаб, тиловат килдим. Кейин тут дарахтининг соясида ўтириб, дўстимнинг умр дафтари хусусида ўйлаб кўрдим.

Хўш, Музаффар Турсунов қандай одам эди? Ёзувчилиги қандай? Фарзандларимиз, талабаларимиз у кишининг кимлигини, қандай ёзувчи бўлганлигини биладими? Шуларни ўйлаб, секингина машинамга чиқдим. Кечқурун уйга қайтгач, бир пиёла чой ичиб, аканинг “Оқар сув” номли сайланмасини қўлга олдим. Тўғриси, китобни анча йил олдин ўқиганман. Мана, қайта ўқияпман. Нимасини айтасиз, китоб кўркам бўлган экан. Ундаги фантастик қиссани, ҳикоялар, хажвиялар, публицистик манзумалар, ён дафтиридаги битикларини ўкиб, рости гап, маза килдим. Яратган қаҳрамонлари шу қадар табиий, шу қадар самимийки, уларнинг гап-сўзида, хатти-ҳаракатларида сохталик, жимжимадорликни кўрмадим. Гўё улар менинг, ҳаммамизнинг атрофимизда юргандай. “Оқар сув”, “Чўпон”, “Ўтмишдаги йўлбонлар”, “Қишлоқдаги осойишта тун”, “Лолага етдим деганда”, “Умидли дунё”, “Энг хунук аёл”, “Бошлиқлар қаерда туғилади?”, “Бахт қуши”, “Мехнат дарси” сингари ҳикояларидаги тиниқлик ва мавж-

лар “Шашмақом”нинг гоҳида сокин ва мискин, гоҳида дилўрттар авжларига ўхшаб кетади. Хўш, нега? Негаки, уларда кўнгилни маҳв этгувчи жозиба, хаёлни ром этгувчи мафтункорлик бор. Демак, яхши насрнинг тутал назмдан колишадиган жойи йўқ экан. Дўстимиз шунга эришибдики, оғарин дейман-да! Маҳорат санъаткорлик бўлса, шунчалик бўлар-да!

Шу сўзларни ёзяпман-у, бундан ўттиз йил олдин у киши ва мен ўртамиизда бўлиб ўтган бир воеа ёдимга тушиб кетди. Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими саркотиблигига ишга ўтган кунларим эди. Музаффар aka идорага ноҳушшрок кайфиятда кириб келди. Қўлида ётавериб, сарғайиб кетган “семизроқ” папка бор эди. Саломлашгач, уни олдимга қўйди.

– Дўстим, шу “зормандалар”ни бир ўқиб чикинг. Бўлса, бўлишини, бўлмаса, бўлмаслигини рўйи-рост айтинг. Факат исбот қилиб, мен ёлғонни ёқтирумайман.

Ҳайрат ичра у кишига тикилдим. Шунда Музаффар aka изоҳ бера кетди:

– Биласизми, беш йилча олдин бир катта одамга берган эдим, шу папкани. Ўқиб, фикрингизни айтинг, деб. У киши ҳам, мен ҳам жим юравердиқ, ҳозиргacha. Бугун суриштирувдим, шкафларини роса титкилаб, топиб қўлимга тутқазди. “Ука, буларингиз ярамайди, сиз, яхшиси, журналистлигингизни килаверинг, ёзувчилик осон эмас”, деб хайрлашди. Энди, дўстим, адойи тамом бўлдим, бу гапни эшитиб. Лекин бир гумоним бор: мен ўзимга ишонаман. У киши ҳикояларимни ўқимаган бўлиши керак. Ўқиб кўрганда, бундай демасди, албатта.

Музаффар aka кетгач, каттами-кичикми, ижодкор ахлининг кўнгли нозиклигини, гоҳида бир оғиз ноўрин сўз, унинг каддини эгишиний, хаёлларига гард юқтиришини ўйладим. Шу боисдан ҳар бир қаламкашга донолик ва эҳтиёткорлик билан муомала килмоқ лозимлигини кўнглимга такрор-такрор тушиб, унинг “зорманда”ларини ўқишга тушдим. Бир эмас, икки-уч марта қўздан кечирдим,

сарагини саракка, пучагини пучакка айирдим. Кўп ўтмай, бўлимда ёзувчи Аҳад Ҳасан маърузачилигида Музаффар аканинг тўплами муҳокамасини ўтказдик. Бухоронинг номдор адиллари – Самандар Вохидов, Садриддин Салимов, Фулом Шомуродов, Жўра Фозил, Тожи Қораев, Охунжон Сафаровлар унинг машклари хусусида ижобий фикрлар билдиришди. Ҳикоянавислик ва ҳажвиянависликда қалами чархланиб қолганини, ўзига хос ёзувчи сифатида шаклланиб бораётганини астойдил таъкидлашди.

Орадан кўп ўтмай, бу фикрлар ва ишонч тасдиғи ўлароқ, Музаффар аканинг “Ойдин кун”, “Поччам озмоқчилар” номли китоблари бирин-кетин босилиб чиқди. Республика радиоси эшиттиришларида, “Муштум”, “Шарқ юлдузи” журналлари, вақтли матбуот сахифаларида унинг ҳикоя ва ҳажвияларига ўрин ажратила бошланди. Бу орада истеъоддли адаб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаев унга “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”да оқ йўл берди. Шу тариқа Музаффар aka Ўзбекистон Қаҳрамони, устоз Саид Аҳмаднинг, Носир Фозилов, Ўткир Ҳошимов, Омон Мухтор, Машраб Бобоев, Нусрат Раҳмат каби ёзувчиларнинг назарига тушди. Улар адаб ижоди ҳакида илик фикрлар билдиришди. Боиси, Музаффар аканинг заҳматкашлиги битикларида акс этиб туради, ёзганлари сунъийликдан йирок эди. Бадиий асарми, мақолами, публицистик лавҳаларми – барини ҳаёт қўйнидан саралаб, танлаб, воқеаларни моҳирона тасвирларди. Ҳа, у йиллар оша чинакам қалам дехқонига айланиб ултурган эди.

Адаб жўшқин фаолиятининг яна бир кирраси шундаки, у бадиий ижод билан журналистикани бақамти олиб борди. Қарийб ўттиз йил давомида “Жондор овози”га муҳаррирлик қилди. Газетани туман кўзгусига айлантирди. Унинг хира тортмаслиги учун қанчалар фидойилик, ранжу машакқат лозим бўлса, барини ўз зиммасига олди. Ҳозирда у қўлига қалам тутқазиб, бошларини силаган шогирдлари бу ишни вижданан улдалаб келмоқдалар.

Музаффар аканинг қалби шу қадар кенг, шу қадар мусаф-
фо эдики, ўзи катта йўлга чиқарган баъзи бир муҳбирчалар
унинг устидан ёзганида ҳам, асло оғринмади. “Ҳа, шу болаям
худонинг бир бандаси-да, билган номаъқулчилигидан
қолмасин. Ким ҳак, ким ноҳақлигини ёлғиз Оллоҳнинг ўзи
билади”, дея мийигида кулиб қўя қолганди. Бу энди хақиқий
устознинг сўзи эди. Буни қарангки, ҳақиқат Музаффар ака
томонда экан. Унинг хизматлари муносиб тақдирланди.
“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист” унвонига
сазовор бўлди.

Дарвоқе, Музаффар ака нафақат чинакам ёзувчи ва
публицист, балки истеъодли драматург ҳам эди. Унинг
“Хўжа Насриддиннинг Бухорога қайтиши” ҳажвий асари
вилоят театрида бир неча йил қўйилганди. Бу асар респуб-
лика Муқимий театрни сахнасида ўйналганда, пойтахтлик
томушабинлар олқишига ҳам сазовор бўлган эди...

Дилбар инсон, ажойиб ёзувчи ва устоз Музаффар
Турсунов ёди қалбларимизда ҳамиша яшайверади.

“ИККИ АЖИБ ПАРДАСИ БОР...”*

Агар ижодкор бўлиш кишига тўқис баҳт, битмас-туганмас қувонч ва фаровонлик бағишлаганида, шубҳасиз, ҳамма қоғоз ва қаламга ёпишган бўларди. Шу сабабдан бўлса керак, ижодкор бўламан деганларнинг аксари дастлабки машакқатларга дуч келгандаёқ, адабиёт билан хайр-хўшни насия қилиб, бошқа бир юмушнинг бошини тутадилар. Русиянинг машҳур куйчиси Сергей Есенин шоирлик ҳакида сўз юритиб, шеър ёзиш:

Пичоқ уриб нозик таънингга,
Ўзгаларга баҳш этмоқ лаззат, –

деганида накадар ҳақ эди.

Ҳамшахrimiz, шоир ва носир Омон Мухтор ҳам ижод машакқатини чекиб, адабиёт муҳлисларига чин маънода лаззат бағишлаган бетакрор ижодкор эди. Қадрдонимиз кўп йиллар илгари “Учкур поездлар” изларидан юриб, ниҳоятда гўзал шеърлар, ғазаллар, киссалар, ҳикоялар, ажиг романлар ёзди. Афсуски, бевакт ўлим 2013 йил май ойида дўстимизни даврамиздан олиб кетди.

Омон Мухтор Бухоро шаҳридаги ўрта мактабни битириб, вилоят босмахонасига оддий ишчи бўлиб кирган кезларидаёқ илк машклари билан адабий муҳитда номи тилга тушди. Кейин Тошкент давлат университети бўлғуси адиб учун чинакам ҳаёт мактаби бўлди. Дорилфунунни тугатгач, орадан икки йил ўтар-ўтмас нашр этилган дастлабки шеърий китоби – “Чорлар куёшли йўллар” унинг адабиётга

катта ихлос билан кириб келганинги тасдиклади. Адиб ана шу қуёшли йўллардан юриб, ўттиздан ортиқ китоб нашр эттириди.

Омон Мухтор созининг овозининг икки пардаси бор, десак муболага бўлмайди. Бири назм бўлса, бири насрдир. У қалбига сигмаган туйғулар ва хайратларни шеърда ифода этолмаган чоғларида насрда баён этишга, насрда айттолмаган гапларини эса тиниқ ва ёник шеърий сатрларда куйлашга муваффак бўлган истеъдод соҳиби эди.

Омон ака буни шундай изоҳлашга ҳаракат килганди: “Назмдан кўпроқ насрий китобларим босилганига қарамай, шеърга нисбатан хеч қачон кўнглим совигани йўқ, хар гал соғиниб, янгидан унга мурожаат қилдим”. “Марварид”, “Ёғду”, “Оҳанг”, “Шиддат” сингари шеърий тўпламлар шоир эътирофининг исботидир. Гап бу ерда сўз масъулияти ҳақида бораёттир. Омон Мухтор қалбининг туб-тубларидан қайнаб чиқаётган туйғулар селини қоғозга тушириш учун кўлига қалам олар экан, аввало, ана шу масъулиятни хис қилган ва буни бир шеърида “Юрагингда дардинг бўлса, осон экан шоирлик”, – дея алоҳида таъкидлаган эди.

Омон Мухтор ижодкор сифатида, Сафар Барноев таъбири билан айтганда, “Тошкенти азимга келиб, ранги-рўйи очилганлардан”. Пойтахтда кўним топиб, устозлар, истеъдодли тенгкурлари даврасида адабиётда ўз ўрни, ўз овозини топди. Ижоднинг эса хушвакт ва маҳзун лаҳзалари, юлдузли ва омадсиз онлари бўлади. Лекин Бухоро, унинг содда ва зукко кишилари шоир шеърларида ҳамиша макон топиб келдилар.

Бухорога ҳар йили қанчадан-қанча сўз усталари келиб-кетишади. Уларнинг ҳаммаси ҳам Бухородан мавзу топиб кетолмайди. Омон Мухтор шеърларининг аксариятидан эса қадимий Бухоронинг кадрдон нафаси келиб туради. Унинг шеърларини ўқир эканмиз, ўтмиш ва бугуннинг мужассами бўлган шахримизнинг бетакрор манзаралари кўз олдимизда намоён бўлади. У каерда бўлмасин, руҳий озиқни киндик

кони тўкилган, болалиқдан шеърга ошно этган Бухородан олади:

Эски чопон кетган одамдек худди,
Эски бу ҳовлилар кисиниб.
Бир-бирининг пинжига кирган.
Бирдан титраб кетар менинг вужудим,
Тўйиб кечаги кун исини,
Қайтган каби ўтмишга бирдан...

Истак бўлса, юракка ижод дардининг ҳовури тушмаса, ижодкорлик бурчи ҳам бир четда колиб кетмас экан. Адибимиз ўз муҳлисларини “Йиллар шамоли” ва “Эгилган бош” романлари билан хушнуд этди. Бу катта ишлари орасида энг хайларни ўтюрак шоир, фидойи ватанпарвар Султон Жўра хақида хикоя килувчи “Учкур поездлар” қиссаси бўлди. Бу асарни яратиш асносида не машакқатлар чеккани биргина ўзига аён. Ёзувчимизнинг бу beminnat хизмати туфайли жасур шоир Султон Жўранинг порлоқ сиймоси бадиий бўёкларда ўзининг мукаммал ифодасини топган. Бу ижодкор холислиги ва ҳалоллигининг белгисидир.

Тилимизда “журъат”, “жасорат” ва “захмат” деган ниҳоятда ёлкинли сўзлар бор. Мен бу сўзларни бекорга келтирмаяпман. Омон Мухторнинг бутун онгли ҳаёти журъат, жасорат ва захматкашликдан иборатдирки, бунга унинг чоп эттирган ўттиздан ортиқ китоби ёркин мисолдир. Хусусан, кейинги ўн йил ичida Омон аканинг ижоди ниҳоятда камолот касб этди. Бу йилларда ўндан ортиқ романи ўкувчиларнинг маънавий мулкига айланди. Булар – “Тўрт томон қибла” трилогияси, “Минг бир киёфа”, “Кўзгу олдидаги одам”, “Тепалиқдаги хароба”, “Ффу”, “Аёллар мамлакати ва салтанати”, “Афлотун”, “Майдон”, “Ишқ ахли”, “Навоий ва рассом Абулхайр” (дилогия), “Одамлар кулишлари керак”, “Хотун подшоҳ”, “Мухаббат ўлимдан кучли” романларидир. Буларнинг ҳар бири ўкувчилар ва адабий жамоатчилик томонидан қизғин кутиб олинди,

жиддий баҳс-мунозараларга сабаб бўлди...

Бу ўринда устоз адабимиз – Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид Ғуломнинг Омон Мухтор хақидаги мухтасар сўзларини келтириш жоиз. У шундай деган: “Омон Мухторнинг кейинги йилларда эълон қилинган асарлари ўзбек насрода ва умуман ўзбек адабиётида катта воқеа бўлди. Адаб бадиий ижодда ўзига хос услугуб эгасидир. Бу асарлар ижоднинг туб моҳияти, ижтимоий илдизлари ва миллийлиги нуктаи назаридан ўзбек қиссаларига якинdir...” Бу ғоят тўғри ва катта баҳо!

Мамлакатимиз мустақиллигининг ўн саккиз йиллиги арафасида Ўзбекистон Республикаси Санъат арбоби, ёзувчи Омон Мухтор “Навоий ва рассом Абулхайр” асари учун Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотига сазовор бўлди. Омон Мухтор “Ишқ аҳли” ва “Буюк фаррош” деб номланган икки қисмли бу роман-диологияда устоз Ойбекдан кейин улуғ Алишер Навоийнинг монументал қиёфасини яратишга муваффак бўлди.

Мухтасар айтганда, Омон Мухтор қалбида халкимиз маънавияти ва адабиётига бекиёс мухаббат яшарди. Ва у ҳақли равишда ана шу маънавият ва адабиётнинг бир бўллагига айланди!



“БУХОРО – ЛАФЗИМИЗ, НИГОХИМИЗ...”

Машхур ёзувчи, ажойиб инсон Үткир Ҳошимов Бухорога тез-тез келиб турарди. Уни Бухорога боғлаб турган бир жиҳат бор эди: турмуш ўртоғи когонлик эди. Тўй-маъракаларга икковлашиб келишар, қайната-қайнанаси, қайниларини кўриб, бағрига босиб, кўни-кўшнилар билан омонлашиб, уларнинг дуоларини олиб қайтарди. Ҳар келганида муқаддас кадамжоларга бориб, Бухоро авлиёлари кабрини зиёрат этар, хусусан, ҳазрат Баҳоуддин мангу қўним топган зиёратгоҳдаги кудукдан сув ичар, үтганлар хақига тиловат қиласарди.

Бир гал идорадаги телефон гўшагини кўтарсам, Үткир акамиз: “Жоним укам, Бахтиёржоннинг (кайниси) янги ҳовлисидамиз. Келсангиз, тошкентлик акаларингизни кўриб, хурсанд бўласиз, – деб қолди.

– Ким экан улар? – деб сўрадим.

– Ҳозирча “сир,” укажон, келаверинг, – деди Үткир ака.

– Бўпти, етиб бораман, – дея йўлга чикдим.

Борсам, айвондаги сўрида ёнбошлаб, “қаҳқаҳа” гулханини ёндириб, Үткир Ҳошимов, Абдуғафур Расулов, Баҳодиржон ака ўтиришибди. Уларни кучоқлаб, бағримга босиб, давраларига қўшилдим.

– Вой акажонлар-ей, қачон келдинглар, – дедим хурсанд бўлиб.

– Кўпмас, икки соатча бўлди, машинада етиб келдик, – деди Абдуғафур ака. – Ислом бобомиз (Үткир аканинг қайнатаси) ҳам, ўғиллари ҳам сизни топа олишмабди.

Биз эса сизни беш секундда топдик. Шундай эмасми,
Баходир ака!

— Шундай, шундай, — деди устоз. — Баҳтиёржон ўғилчасининг суннат тўйини ўтказар экан. Биласиз-ку Ўткиржонни, бизни қўярга-қўймай етаклаб келди. Бухоронинг мусалласи бошқача бўлар эмиш. Унга баҳори асал қўшилганмиш. Шу гап тўғрими, укам?!

— Бу тўғри, Баҳодир ака, — дедим қулимсираб. — Мусалласга асал қўшилган-қўшилмаганини билмайману, аммо Баҳтиёржон укамиз сизларга атаб бир ажойиб хонаки гулоб тайёрлаган. Унга шинни қўшган. Маза қиласиз.

— Унда шинни ичиб, жинни бўларканмиз-да, — пайров килди Ўткир ака.

— Ҳа, худди шундай. “Шинни – жинни” дегани. Садриддин Айнийдан қолган гап бу. Бобомиз, ҳақиқий буюк инсон бўлган. Шундай эмасми, — дея Абдуғафур акага қарадим.

— Жуда тўғри, — деди бунга жавобан у киши. — Айний бобомизни ёшлигимда Самарқандда кўрганман. У киши ЎзДУ (ҳозирги Самарқанд давлат университети)да дарс берган. Бир гап эсимга келди. Раҳим Муқимов деган бир йигит Айний бобомизга аспирант бўлади. Бир куни устоз шогирдига шундай деган: “Эртага фалон соатда уйта келасан. Ёзганларингни олиб келгин, ўқиймиз”. “Хўп, устоз”, — дейди аспирант. Иккинчи куни бўлғуси олим нима бўлади-ю ногоҳ бир дўстини учратиб қолади. Дўсти ҳоли-жонига қўймай уни чойхонага бошлайди. Ўртада сухбат қизигандан қизиб, устоз Айний айтган вақт бўлади. Аспирант жон талвасасида Айний домланинг уйига югуради. Етиб келса, кичкина дарвоза занжирланган. “Устоз, мен келдим” дея овоз беради у. Ичкаридан Айний домланинг овози эшитилади.

— Падарлаънати, вақтида келсанг бўлмайдими? Мени сендан бошқа ишларим кўп. Энди уч кундан кейин келгин, тушундингми?

Буни айтишдан максад шуки, Айний домла каби алломалар ҳар бир дақиқанинг қадрига етишган. Уни бехуда ўтказишмаган. Нима дейсиз, Ўткиржон?

– Албатта, тўғри! Энди сизга айтсам, – дея менга юзланди Ўткир ака. – Бугун тўйни ўтказамиз. Азонда эса акаларингизни Тошкентга кузатамиз. Улар эртага кафедра йиғилишига етиб боришлиари шарт. Мен эса икки-уч кун қоламан. Хўп десангиз, Етти пирни зиёрат килсак. Анчадан буён шунга орзумандман.

Иккинчи куни Ўткир Ҳошимов билан Гиждувонга бордик. Хўжа Абдухолиқ Гиждувоний қабрини зиёрат қилдик. Кейин Ўткир акага Ҳазратнинг қуидаги тўртлигини ўқиб бердим:

Бир юртки, бутун тупроғи анбарсоро,
Тонг котғуси кўрса уни Хусрав, Доро.
Ер юзини уч марта кезиб чиқдим мен,
Билдим: латифу шариф замин – Бухоро!

– Ажойиб шеър экан, – деди Ўткир ака ҳайратланган кўйи.

– Қаранг, авлиё бобомиз катта шоир экан-да!

– Шунинг учун бир шоир у киши ҳакида шундай ёзган:

Гар Ҳожаи Жаҳон йўлларида хок бўлгайсен,
Гуноҳлардан гўдак мисол пок бўлгайсен...

Сўнгра Соктаре кишлоғига йўл олдик. Назаримда, Айний бобомиз ҳам авлиёларга ўхшаб яшаган. У кишининг музейини, ўзларидан қолган кичкина ҳовлини, у киши ўқиган масжидни кўриб, шундай фикрга келасан, киши.

– Биласизми, – дедим Ўткир акага. – Айний бобо 1949 йилнинг июнида шогирдлари Улуғзода, Раҳим Ҳошимовни етаклаб, Бухорага келган. Уларни вилоят обқўмининг ўринбосари кутиб олади. Сухбат асносида устоз “Айтинг-

чи, ўртоқ, “Даҳмаи Бехиштиён” кабристонини биласизми?” деб сўрайди.

– Билмайман, – дейди у.

– Унда Ахмад Доңиш қабри борми ёки йўқотдиларми?

– Билмайман, – дейди яна у.

– Унда айтинг, Ҳазрати Имом мозористонида ётган Афросиёб қабрини кўрганмисиз? Ёки Жондордаги кабристонда мангум қўним топган Маҳмуд Торобийнинг кимлигини биласизми?

– Йўқ, – дейди елкасини кисган кўйи раҳбар. – Мен узокдан келганман, энди ўрганаман.

Устоз афсусланганча ортига қайтади. Ҳа, ўша дамларда миллий қадриятларимизга муносабат шунаканги ачинарли аҳволда эди. Агар устоз Айний хозир ҳаёт бўлганида, мустақиллик шарофати билан обод бўлган кадамжолар, таъмирланган тарихий ёдгорликлар, йил сайин файзига файз кўшилиб бораётган Бухорони кўриб, нақадар кувонган бўларди...

Ўткир ака билан Шоғирконга бордик. Бизни Ҳожа Ориф Ревгари (Моҳитобон) масжидининг имом-хатиби кутиб олди. Ўткир ака Моҳитобон бобонинг буюклигини, хусусан, “Орифнома” асарини такрор-такрор ўқиганлигини айтди. “Бу китоб инсон қалбини пок тутмоқ, уни мулойим этмоқ, ойнага айлантирмоққа хизмат этувчи шоҳ асаддир”, – деди меҳмон.

Масжид имоми эса шундай деди: “Ҳожа Ориф – қувваи назар ва қувваи қалблари беҳад ўткир авлиёуллоҳ тоифасидан бўлганлиги учун хам Кутб ул-авлиё, Моҳитобон, Ориф биллоҳ номлари билан машхур бўлган. У киши шундай дейди: Эй Ориф! Бу дунёда вужудинг билан ва у дунёда қалбинг билан бўл! Эй Ориф! Сени Оллоҳдан тўсувчи парда бор. Ул парда дунё ҳисобланур!..

Ўткир ака бу сўзларни эшитгач, “Демак, юксак мақомларни эгаллаганда хам камтарин бўлмоқ керак экан” деб кўйди.

Икковлон тиловат килгач, йўлга чиқдик. Аста-аста Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий, Хожа Али Ромитаний, Хожа Мухаммад Бобойи Самосий, Хожа Сайид Мир Кулол, Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг даҳмаларини тиловат килдик.

– Шу ўринда бир гапни айтай, Ўткир aka, – дедим Лабиховузга келганимизда. – Бухоронинг ҳар кариҷ ерида ҳикмат бор, зийнат бор. Етти авлиёнинг даҳмаларидағи қудуклар сувидан ичсангиз, ором оласиз. Ҳар томчиси дуодай бағрингизни илитади. Боболаримиз ҳаждан кайтганларида, албатта, Зам-зам сувидан олиб келишган ва уни бу ердаги қудукларга дуо каби қўшишган. Шунинг учун қудуклар ҳеч качон куримаган. Айтадиларки, бу етти зиёратгоҳ қудукларининг томири Маккадаги Зам-зам чашмасига уланиб кетган эмиш...

“Мана бу зўр гап бўлди”, дея хурсанд бўлди шунда кадрдонимиз. Эртаси куни эса Чорбакр, Чашмаи Айуб, Шайх ул-Оlam (Боҳарзий), Абуҳафз Кабир даҳмаларига бориб тиловат килди.

– Шуни биламанки, – деди Ўткир aka нурли кўзлари яшнаб, – Пайғамбаримиз (с. а. в.) Бухорони Фохира деб атаган. Араб тилида “Фохира” – “илм, тафаккур булоғи”, “нур чашмаси” дегани. Бухоро сўзсиз Имон қалъаси, Турон бешиги, Ирфон дунёси, Ўзбекистоннинг ҳақиқий гавҳаридир! Демоқчиманки, Бухоро ҳаммамизники, Бухоро – лафзимиз, нигоҳимиз, сўзимиз. Унга асло кўз тегмасин! Агар Худо умр берса, Бухоро ҳакида албатта ёзаман!

Ўткир aka бу ниятни рӯёбга чиқара олдими ёки йўқ – билмайман. Аммо етти пир ва Бухоронинг бошқа кадамжолари зиёрати у кишига катта руҳий куч-кувват бергани аниқ.

У киши ажойиб асарлари билан қалбларга йўл топиб бораверади.

“ОҚ ЙЎЛ”ГА ОҚ ҚЎЙ ЖОИЗ

Темур Норовни 70-йиллардаёқ шоир сифатида билардим. У ўша пайтларда институтда тилшунослик йўналиши бўйича дарс берар, ва албатта, газета таҳририятига ҳам тез-тез келиб турарди. Ўшанда у кулимсираган кўйи “Жўралар, шеър олиб келгандим, шунга ёрдам берсангиз”, дерди. Шунда шоир Тошпўлат Ҳамид, Мурод Халил, Жамол Камол ва камина уни дўст-устоз сифатида кўллаб-куватлардик. Хусусан, мен дўстимизга ҳамкор сифатида ёрдам берганман.

Бир куни шу дўстимизга Мурод Халил билан иккавингизнинг ўртангиздаги “ҳазил”ни нима қиласай, газетага берайми ёки уни йўқотайми, дедим. У бир оз ўйланиб туриб, “Жўражон, беринг, газетагами, журналгами беринг, одамлар буни билади-ку, ахир. Майли, беринг”, дея жавоб қилди.

Кўп ўтмай, дўстимиз вафот этди. Ўша “ҳазил” эса қадрдонимиз айтганидек, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида босилди. Кўпгина дўстларимиз уни ўқиб, хурсанд бўлишиди.

Азизлар, ҳазилнамо бу асарни сизга ҳам илинмокни жоиз деб билдик. Темур дўстимизнинг рухи эса шод бўлсин!

* * *

“Бухоро ҳақиқати”да Мурод ака билан бирга ишлардик. Ёз ойлари эди. Очик турган эшик аввал чертилиб, сўнг ичкарига бўйчанрок, миқти гавдали, ҳабашмонанд бир йигит кириб келди.

– Э, ана ўзларидан сұрасак, қxxx, – дея қоғозлардан бош күтариб завқланганча ўрнидан қўзғалди Мурод ака, – келсинлар, келсинлар, Пол Робсон жаноблари.

Пол Робсон дегани Бухоро педагогика институти ўқитувчиси, шоир Темур Норов эди. Ўзи шеър ёзиб, ўзи куй басталаб, торда ўзи куйладиган бу хушчакчақ йигит билан яқинда танишган эдик.

– Ассалому алайкум, домулло, – дея у Мурод аканинг кўлини сергўшт панжалари орасига олди. Бир неча бор силкитгач, “домулло”ни маҳкам қучоклаб күтариб, икки-уч бор айлантириб, ерга қўйди.

– Хой, Робсон, белни синдириб юбординг-ку! – инқиллаб кетди Мурод ака. – Шоир ҳам шунақа бесўнақай бўладими?

– Чиданг-да, домулло, – кўзойнагини тўғрилаб, каҳ-каҳ ура бошлади Темуржон, – ўзингиз менга Пол Робсон деб ном қўйгансиз. Пол Робсончасига би-ир қучокладим-да энди.

– Ҳе, ўргилдим сендай ҳабашдан. Бўлди, бугундан бошлаб Темур Норбексан, Робсон деган ном сенга оғирлик қиласи, шекилли...

Мурод ака шундай дея ўрнига ўтириди. Темуржон мен билан ҳам самимий кўришгач, стулга чўкди. Сухбатимиз қўр олгандан қўр олди. Гап айланиб, унинг уч-тўрт кун олдин қолдириб кетган бир даста шеърига бориб тақалди.

– Гап бундай, Робсон жўра, тоис Темур Норбек, – дея менга қараб секин кўз кисди Мурод ака, – шеърларинг менга маъқул. Манави дўстинг ҳам ўкиди. Тўрттасини танлаб, чиройли “оқ йўл” ёздим.

– Э, раҳмат-е, ра-ахмат! – мамнунлик изхор қила кетди Темуржон. – Биз ҳам любой хизматга тайёрмиз!

– Э, ана, ростми? – табассум қилди Мурод ака. – Ўзларига келдилар чоғи Робсон, тоис шоир жаноблари.

– Рост, тортинмай айтаверинг, – кўлини кўксига қўйди яна Темуржон, – бизники хизматга тайёр!

– Шоир! – менга қараб хитоб қилди Мурод ака, – бу Робсон зў-ўр йигит-да! Ичингдагини билиб туради-е. Нима дедингиз?

Мен бөш силкиб, маъкуллаган бўлдим.

— Бўлмаса, гап бундок, — ўрнидан туриб, жиддий таъкидлар кетди Мурод ака, — мен ҳар кимгаям “оқ йўл” ёзмайман, жўра. Биласан-а?

— Ҳа, албатта!

— Шундай бўлгач, “оқ йўл”нинг бир шарти бор.

— Қанақа шарт? — ажабланиб сўради Темуржон.

— Ҳайрон бўлмагин, жўра, билсанг, “оқ йўл”га оқ қўй жоиз! Яъниким, битта зиёфат қарздорсан.

— Э, бор бўлинг-а, домулло. Шундай демайсизми? Ўнта зиёфат сиздан ўргилсин-да!

— Ана айтмадимми, Тошпўлат, бу Робсон жуда зў-ўр йигит-да, — чапак чаларди Мурод ака ташлаётган кармоғига ов илинаётганидан хурсанд бўлиб, — би-ир оқ қўйдан тандиркабоб ерканмиз-да.

— Домулло, — бирдан хушёрланди Темуржон, — қора ёки сур қўй бўлмайдими? Оқ қўй бўлиши шартми?

— Шарт-да, шоир, шарт! — кўрсаткич бармоғини силкитиб, уктириди Мурод ака, — қизигиям шунда-да! Яъни оригинал шеърларга оригинал зиёфат лозим. Оқ йўлга оқ қўй! Қандай жаранглайди, бу сўзлар, шоир. Тўғрими!

“Тў-ўгри” дея Темуржон бир оз хаёлға толди. Кейин бир карорига келди, шекилли, бурни устига тушган кўзойнагини тўғрилаб туриб сўради:

— Бўпти, мен рози. Қачон борасиз бизникига?

— Бунча хасис бўлмасанг. Борасиз эмас, борамиз. Шоирларнинг каттаси бор-ку, Тошпўлат Ҳамид, ана ўша киши бошчилигида беш-олти кишилаб борамиз, — таъкидлади Мурод ака, — кўнгилни тор килмай, даврани кенг қил, шоир. Мен ҳар кимгаям оқ йўл ёзмайман.

— Узр, неча кишини олиб келсангиз ҳам, бош устига!

— Ана бу бошқа гап-да, Робсон жаноблари, — мамнун жилмайди Мурод ака, — бугун чоршанба. Якшанбагача уч яrim кун бор. Эртага пайшанба бозори, сўнгра якшанба бозори дегандай. Оқ қўйни bemalol топиш мумкин. Шундай

эмасми? Тайёргарликни зўр килавер, ука. Ҳазилакам меҳмонлар бормайди уйингга. “Оқ йўл” душанбадан сешанбагача чиқади. Келишдикми?

– Келишдик, домуло. Демак, якшанба куни намозшом пайти сизларни кутаман! – Темуржон шундай дея мамнун ҳолатда биз билан хайрлашди.

– Қалай бўлди, шоир, – жилмайди Мурод ака, – шу болани туширолмай юргандим, қxxx. Кошки, Бухорода оқ кўй топилса? Майли-да, ахтарсин, овора бўлсин. “Оқ йўл”ни осонгина берсак, қадри қолмайди. Ё йўкми?

– Жуда ажойибсиз-да, Мурод ака, – дедим нима дейишимни билолмай, – бечора Темуржон оқ кўйни қайдан топади энди?

– Менга деса, Қорақалпоқча бориб топиб келмайдими. Сиз билмайсиз, бу болани қўли узун. Терлаб бир эриса, нима кипти? Шундай эмасми?

Мурод аканинг саволи жавобсиз колди. У кишини муҳаррир чақиртирган экан, шекилли, бир даста коғозни олиб, ташқарига йўналди. Мен эса Мурод аканинг гоҳ ҳазил, гоҳ жиддий сўзлари, Темуржон дўстимнинг соддалигини ўйлаб, анчагача хаёл оғушида қолдим.

Томошанинг давоми эса якшанбада содир бўлди. Мурод ака рост айтган экан. Ўша куни намозшом пайти Тошпўлат Ҳамид бошчилигида Темур Норбекнинг уйига олтovлон бўлиб жўнадик. Келсак, ҳовли атрофлари супуриб-сирилган, сувлар сепилган. Хонандалар “Муножот”ни авж пардаларда қўйлашяпти. Бизни дарвоза олдида Темуржон бошлиқ уч-тўрт йигитлар кутиб олишди. Ичкарига кадам қўйишимиз билан Темуржон овоз берди:

– Ҳой, қассоб жўра, қўчкорни ечинг. Устозларимиз пойқадамига сўйинг-е, бир қон чиқазайлик! Кўчкор дегани чоғроқкина совлиқ эди. Қассоб уни ечиб, биз томонга етаклаб келди. Саломлашгач, таъзим бажо келтириб, совликнинг оёқларини тушовлай бошлади. У “бисмилло” дея пичоғини қинидан чиқазаркан, синчков

Мурод ака “Қассобжон, тұхтанг!” деб қолди. Барчамиз ҳангу манғмиз. Қассоб эса пичогини тишилганча “тинчликми?” дегандай у кишига жавдираб қаарди. Мурод ака бирдан кийкириб кула бошлади. Тошпұлат ака бўлса, “Мурод ака, нима бало, жиннимисиз?” деда елка қисарди.

Нихоят, Мурод ака кўз ёшлирини артиб, Темуржон томонға қайрилди.

— Ҳой, Пол Робсон, нега биқиниб ўтирибсан? Бу ёққа кел. Шум бола бўлмай кетгин-да сен. Нима, бизни анқов деб ўйловдингми? Бу оқ кўй эмас-ку. Нега унга оқ бўёқ суртдинг?

Қарасак, ҳақиқатан ҳам совликнинг тумшуғи, оёқлари, коринининг остки қисми, куйруғининг усти, калтагина думчаси оқ бўёқка бўялган эди.

Бирдан Темуржоннинг ҳовлисида кулги гулхани аллангаланди. Хусусан, Тошпұлат ака қорини ушлаганча, Тожи Қораев елкаларини силкитиб кулар, колганлар ҳам кўз ёшлиари чиққунча завкланишар, Темуржоннинг “ихтироси”га тан бермасликининг иложи йўқ эди.

— Ҳай, нима қиласай бўлмаса, — деда тушунтира бошлади Темуржон, — сидирга оқ кўй тополмадим-да. Пайшанба куни мол бозорига тушдим: оқ кўй йўқ. Жума куни Варахша чўлига бордим, учта ўтовдан суриштирдим: оқ кўй йўқ. Кеча Қоракўлга бордим, яна оқ кўй йўқ. Бу савил колтурни битта жияним бугун Чоржўйдан обкелди. Қарасам, бунинг ҳам ярми оқ-у, ярми кора. Сезмайсизлар деб оқ бўёқ суртувдим-да.

— Йўқ, Робсон жўра, бўлмайди бу хунаринг, — бош чайқаб, жиддийлашди Мурод ака, — масалан, мен уйингга кирмайман. То оқ кўй сўйилмас экан...

— Э, майли-е, воз кечдим ўша “оқ йўл”ингиздан. Лекин уйга киринглар, — ялинишга ўтди Темуржон, — онам билан хотиним қараб туришибди, мени шарманда қилманглар, илтимос, киринглар.

— Гап битта бўлади, шоир, кўп эланма, — деда дарвоза томон йўналди Мурод ака гўё аччиғи чиққандай, — майли, булар киришсин, лекин мен кетаман.

— Ўв, эсингиз борми, домулло? — Мурод аканинг олдини тўсди жаҳли чикқан Темуржон, — ҳозирча қўйни сўйлик, шуни еб кетинглар. Келгуси хафта ернинг тагидан бўлсаям топаман ўша оқ қўйни!

— Келинг энди, Мурод ака, — кула-кула ўртага тушди Тошпўлат Ҳамид, — кўп ўжарлик қилманг энди. Топаман деяпти-ку, укамиз ўша оқ қўйни.

— Бу бошқа га-ап, — дея ортга қайтди Мурод ака, — лекин жўра, бу зиёфатинг ҳисобга ўтмайди. Ўша гапим гап: “оқ йўл”га оқ қўй жоиз...

Қўй сўйилди. Ўтириш жуда қуюқ ўтди. Мехмонлар жониворнинг калла-почасигача еб битиришди. Ҳаражатларнинг ҳисобини ҳеч ким олган эмас. Факат Темур Норбек деган ажойиб, меҳмондўст дўстим Қашкадарёнинг аллакайси чўлидан оқ қўй топиб келтириб, такрор зиёфат уюштиргач, газетада унга аталган “оқ йўл” босилиб чиқди.

Саккиз-ўн каторгина “оқ йўл” остида бизнинг афандимонанд шоир акамиз Мурод Ҳалил имзоси савлат тўкиб турарди...



ОНА ДИЁР КУЙЧИСИ

Таниқли шоир, ажойиб драматург, мунакқид ва моҳир таржимон Туроб Тўла 1918 йилнинг 24 декабрида Тошкент якинидаги Турбат қишлоғида туғилган. Бўлажак шоир мактабни битириб, Тошкент давлат театр техникумига ўқишга кирди. Сўнг В.Г.Белинский номидаги ўқитувчилар ва Низомий номидаги давлат педагогика институтларида таҳсил олди.

Унинг илк шеъри 1934 йилда матбуотда эълон қилинди. Кўп ўтмай, ёш ижодкор кенг китобхонлар оммаси эътиборига тушди. Адиб ижоди такомилида, айниқса, Ҳамид Олимжоннинг таъсири катта роль ўйнади. Чunksи меҳрибон устоз ўз шогирдини назм гулшанинг мушку анбарли гўшалари сари бошлаган, унга эргашган шогирд ҳам оташин санъаткор куйлаган она диёрни, шу диёрнинг беҳисоб бойликларини, қаҳрамон халқ меҳнатини тараннум этишга интилди. Ушбу ҳол шоирнинг, хусусан, қуидаги сатрларида кўзга яққол ташланади:

Билармисиз булбул тилини?
У куйлармиш она элинин.
Она эли бўлмиш бир бўстон,
Ўзбекистон деган гулистон.

Бундан ташкари, Уйғун, Faфур Гулом, Ойбек, Шайхзода, Файратий, Усмон Носир каби ижодкорлар даврасидаги сухбатлар, муҳокамалар Туроб Тўлани мумтоз адабий ме-

росимизни, шунингдек, жаҳон адабиёти намояндалари асарларини ҳам ўрганишга рағбатлантириди.

Шоир доимо бетакрор ватанимизни, унинг буюк фарзандларию порлок келажагини мадҳ этди.

Азизим, ростин айтсам, менга сен
Аълодин ортиқсан,
Улуғ ҳазрат Навоий қўйлаган
Лайлодин ортиқсан...
Нихолсан, чашмасан, гулсан,
Менинг наздимда, ҳатточи
Сенга деб парвариш топган
Гули Раънодин ортиқсан.
Менинг наздимда, олам бўлмагай
Сенсиз бу оламда,
Ватансан, соҳиби кўнглимдаги
Дунёдин ортиқсан.

Ўз вақтида шундай азиз ва мўътабар ватан ҳимояси йўлида ёш шоир қўлига курол ҳам олди. Уруш йилларида битган шеърларида эса мард жангчилар жасоратини, улардаги эркка ташналиқ, ватанпарварлик, ор-номус туйғуларини алқади.

Унинг урушдан кейинги ижоди фан-техника ютуклирига, халқимиз кудрати ва ташаббускорлигига ҳамоҳанг бўлди. Шу жихатдан шоирнинг ўзбек ва рус тилларида нашр этилган “Шеърлар”, “Шодлигим”, “Табассум”, “Бахт тонготари”, “Муборакбод”, “Қанотлан, қўшиқларим”, “Маки на крише”, “Оромижон”, “Тайна моих струн”, “Гулёр”, “Камалак”, “Лирика”, “Офтоб найзада” номли тўпламларидан, икки жилдлик “Танланган асарлар”идан ўрин олган лирик манзумалари дикқатга сазовордир.

Шу билан биргалиқда, Туроб Тўла қаламига мансуб қатор балладалар, “Ҳамият”, “Трамвайда топилган дафтар” достонлари, фольклор услубида ёзилган “Суюк момо” асари ўзбек адабиётининг теран мазмунли намуналари сирасига киради.

Адиб шундай дейди:

“Шоир бу – мусика. Мусиқа эса нафосату назокатни севади. Унингиз шеър ҳам йўқ. Мен шеърни ўқиб ёзаман. Ҳар бир мисрани, ҳар бир сўзни чиннидек чертиб ёзаман. Мен унинг ўқилгандা эмас, қўлга олингандაёқ жаранглаб туришини истайман”.

Дарҳакиқат, шоир сўзлари билан айтилгувчи “Дилором”, “Мафтунингман”, “Уч дугона”, “Олтин сандик”, “Йўлларим”, “Тошкент нахори”, “Нон нашидаси”, “Бизга ҳам” сингари ўнлаб дилбар қўшиқларни тинглаганингизда жонон пиёланинг totли жарангини туясиз. Самимилик руҳиу чукур лиризмдан тўйинган ушбу қўшиқларда бунёдкор ҳалқимизнинг сермазмун хаёти ифодаланган. Шу боис Туроб Тўла эл орасида юртимизнинг энг яхши ғазалхон қўшиқнависларидан бири сифатида довруқ қозонган.

Туроб Тўла ижодида Бухоро мавзуси алоҳида мақомга эга. Чунки шоир кўп маротаба бу қадим гўшага ташриф буюрган, шу ерлик турли касб эгалари – ўзининг бўлажак қаҳрамонлари билан юзма-юз мулокотда бўлган. “Газли кўхликлари”, “Жилвон жилолари”, “Зухроназар Бухоро” шуларнинг мевасидир.

Ушбу шаҳар ўтмиши, бугуни ҳамда келажаги тўғрисида сўзларкан, шоир илҳоми авж пардаларга чиқади:

Дилбар диёри дилҳоҳ зебо шаҳар Бухоро,
Зебо шаҳарлар аро кўп мўътабар Бухоро...

Туроб Тўла драматургияда ҳам маълум ютуқларга эришган. “Карикиз”, “Кизбулоқ” сингари саҳна асарлари, Ойбекнинг “Кутлуғ кон” романи асосида ёзилган “Зулматдан зиё” опера либреттоси, “Самарқанд афсонаси” балети либреттоси, “Кувваи қаҳқаҳа” драматик фожиаси фикримиз далилидир.

Мазкур ижодкор кино санъатимиз ривожига-да салмоқли ҳисса қўшган. Айнан унинг сценарийлари бўйича суратга туширилган “Мафтунингман”, “Фурқат”, “Шашмақом” фильмлари ҳалқимиз томонидан илик кутиб олинган.

Туроб Тўла бадиий публицистикада ҳам, таржимонликда ҳам ўз сўзини айта олган серқирра истеъдод эгаси эди. Санъат ва адабиёт масалаларига бағишланган “Нафосат”, “Камалак” китоблари сўз санъатидан баҳс этса, Шекспир, Шиллер, Пушкин, Лермонтов, Некрасов, Шевченко, Якуб Колос, Самад Вурғун, Собит Муқонов, Мирзо Турсунзода, Абдулла Тўқай асарларидан қилинган кўплаб таржималар ўзбек китобхонини жаҳон ҳамда қардош халқлар сўз санъати намуналари билан ошно этади.

Ўзбекистон халқ шоири, она диёримизнинг толмас куйчиси Туроб Тўланинг ижод боғида ўсган “гулу чечак”лар тароватидан эса адабиёт ихлосмандлари мудом баҳра олаверади.





ШУКРИМ СЕНГА, ШЕЪРИЯТ!

Кавказда – Степанаван шаҳридаги ҳарбий қисмда хизмат килаётганимда бир ҳат олдим. Ҳатжилдни очиб қарасам, мактуб билан бирга “Шоғиркон” туман газетасини ҳам юборишибди. Ҳатда қуидагилар битилганди:

“Дўстим, хизматлар қалай? Омонликми? Қачон қайтасиз? Шеърларингизни ўқиб хурсанд бўлдим. Газетада уч-тўртта шеърингиз чиққан экан. Уни сизга юборяпман. Ҳамиша омон бўлинг. Ака-укачилигимиз бардавом бўлсин. Жамоа хўжалигида ишлайпман. Институтга кирмоқчиман. Доим соғ бўлинг.

Хурмат ила, Самандар Воҳидов”

Ўйланиб колдим, ким экан бу йигит? Шеър ёзса керак. “Ака-укачилигимиз бардавом бўлсин”, деяпти. Демак, у институтга, албатта, киради. Дўстлигимиз давом этади. Шуларни ўйлаб, Шоғирконга – Талисафет қишлоғидаги Самандар Воҳидов номига ҳат ёздим. Бу билан юрагимдаги кўп нарсаларни баён этиб, биродарлик ришталарини боғлашга аҳд қилгандим.

Эътиборлиси, ўртамиздаги шу биргина сўз – “Жўражон” калимаси қалбларимни равшан этди. Мен, Самарқанд давлат университетини тамомлаган йигит, хизматдан қайтганимдан сўнг кўп ўтмай “Бухоро ҳакиқати” газетасида муҳбир бўлиб ишлай бошладим. Бу вақтда Самандар Бухоро педагогика институтига кирган, бир-биримизни ана ўша чоғларда топган эдик.

Қадрдон дўстим шоир, журналист сифатида эл-юрт назарига тушди. Икковимиз Тошкент, Андижон, Наманганд,

Самарқанд, Жиззах каби шаҳарларда адабий-маърифий анжуманларда қатнашдик.

Бир куни у менга шундай деганди:

– Жўражон, бу хаётда кўп нарсанинг тагига етдик. Расул Хамзатов айтганидек, менинг қалбимда ҳам шодлик ва қайғу, табассум ва кўз ёш, қудрат ва ожизлик ёнма-ён яшайди... Шундай эмасми?

Бунга жавобан эса мен куйидагиларни таъкидлаган эдим:

– Тўғри, дўстим. Расул оға яна шуни ҳам айтганки, қалб қўрингни уйингни ёнғиндан, ўзингни ўтдан асрарсансимон сақлашинг керак.

Дарҳақиқат, Самандар дўстим катта шоир эди. Юрагидаги ажиб сўзлар достон, баллада, ғазалу рубоийлар шаклида куйилиб чиқарди.

Шоир – халқ қалби таржимони. У эзгу ниятлар, орзу-интилишлар, дарду аламлар ифодачиси, муҳтасар айтганда, халқ хотирасидир.

Ҳамфир ва маслакдошим Самандар Воҳид ҳақида ўйлаганимда шундай фикрлар кечади хаёлимдан. Унинг қатор-қатор китобларини ўқисангиз, шеърларидағи рангин туйғулар ҳаётий кузатишларнинг, ҳаёлот парвозининг маҳсули эканлигига астойдил ишонч ҳосил қиласиз. Бу туйғулар ғоятда самимий, юракка “жаз” этиб ёпишадиган, сизни кечинмалар дунёсига чўмдирадиган туйғулар. Унинг бундан қарийб кирк йилча олдин “Самолётда ёзилган шеър” и бор. Мана шу шеър Самандарни бутун республикага шоир сифатида танитган. Ҳатто Миртемирдай салоҳиятли, устоз шоирнинг эътиборига тушган: Мана унинг бошланиши:

Бу дунё ажиб яралганданда...

Юқоридан туриб қаралганда:

Тоғ – култепа,

Дарё – энсиз камар,

Саҳро – тарам-тарам кафт,

Уйлар – гугурт қути,

Дараҳтлар – гугурт донаси.

Одамлар ғивир-ғивир чумоли –
Ёлғиз тирикчилик хаёли...
Юқоридан туриб боқсанг оламга –
Шундай туюларкан одамга...

Сүнгра ундан кейинги сатрларда қуюқ тасвирлар, жилолар, тимсоллар бамисоли шалоладай мавжланиб-мавжланиб оқади. Хулоса эса кашфиёт даражасида:

Инсон қалби ҳам дунё:
Унинг ҳам бор ўз тоги, дарёси, сахроси.
Дарахти, уйлари, одами,
Бор – шу рангин оламдай олами!..
Бу дунёга бермок-чун баҳо –
Юқоридан кўз солма, бўлсанг ҳам даҳо!

Чиндан-да, шоир ҳақ. Инсон қалби ҳамиша уйғоқ ва теран дунё. Бу дунёни забт этмоқ эса ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Бунинг учун тоза кўнгил, покиза лафз, мусаффо имону эътиқод, юртга садоқату элга фидойилик лозим. Назаримда, шоир дўстимнинг лирик қаҳрамонларида шундай фазилатлар мужассамини топгандай.

Сиғмагай борликқа олам – жо бўлар қалбимга лек,
Гавҳаридир кўзни ул, киприк каби посбониман.
Баъзилар эпчил бўлишса, тергали олам гулин,
Мен жаҳонни гулга кўммоқ истаган бобониман, –

дейди шоирнинг “Бу жаҳон” шеъридаги фидойи инсон. Зоро, бу фидойиликнинг бош сабаби қуидаги талқинда эмасми?

Мен ҳаётда муҳаббатни
Дарахтлардан ўргандим.
Дарахтлардан ўргандим мен –
Саботни, катъиятни...

Гўзал инкишоф! Кошкийди, ҳамма ҳам “Чўнг бардошни”, “Яшил умид ва яшашни” куртаклари шан куйларга тўлиқ дараҳтлар”дан ўрганишса. Бунинг учун “собит кўнгилга собит кенглик” зарур. У “Ғафур Ғулом тафаккури каби улуғвор, устоз Ойбек ҳофизаси каби беканор” бўлиши лозим.

Инчунин:

Куйлаганда юлдузларни яшнатса хур соз,
Сўйлаганда тўсикларда синмаса овоз...
Бу кенгликнинг қай бурчида оқса ноҳақ қон,
Одамзоднинг нигоҳидан қолмасин пинҳон...

“Кошкийди!” дегинг келади бу мисраларни ўқиганингда. Хусусан, бизга ёндошу диндош бўлган қатор мамлакатлар бошидан кечётган шу алғов-далғов кунларда, ноҳақ, ножӯя қонлар тўклилаётганда, юракларингга зирқироқ оғриклар сизиб кираётганда...

Бу мисралар нечоғли даъватбахш. Улуғларимиздан бири рост айтган экан: “Шоирни изтироб яратади ва бу изтироб шеърият учун кувонч бўлади”. Самандарнинг ижодида эса бундай кувончли жиҳатлар истаганча топилади. Энг муҳими, унинг кўпчилик манзумалари катта ижодий эҳтиёжнинг меваси. Шоир дўстим ёзиш заруриятга айлангандагина кўлига қалам олди. Шеър шакллари, вазн услублари бобидаги изланишлари ҳам дикқатга молик. Бу изланишлар инжа ирмоқлар бўлиб, гоҳо эса ўзанидан тўлиб-тошиб оқади. Бунга китобхонлар кўлига бориб теккан “Кенгликларни қўмсаш” китобига кирган шеърлари ҳам гувоҳ. Тўпламда юздан ошикроқ турли мавзудаги шеърлар бор. Булар Самандарнинг катта истеъдод эгаси бўлганлигидан далодат бериб турибди. Айниksа, унинг ижодида қишлоқ ва жонфило дехқон мавзуси айрича ўринга эга.

Табиийки, шоирни замон ва муҳит яратади. Тўғрироғи, замон ва муҳит олдидаги бурч яратади. Булар шоирга

мавзу беради, ижод мундарижасини белгилайди. Самандар Воҳидни шоир қилган ва халққа танитган хислат ҳам хаёт билан доимий ҳамнафаслик туйғуси. Шу туфайли унинг “Корбобонинг истаги”, “Қафтимда гул”, “Қатраларда нур ёнар”, “Асал бобо”, “Оламдан ранг излаб”, “Кенгликларни кўмсаш”, “Хаёлинг мен билан”, “Бухором бор, Бухором бор”, “Сунбула”, “Умр чорбоги”, “Ҳаловатни ҳалолликдан изладим”, “Ҳаж дафтари”, “Гуллаётган кунлар”, “Бу боғда баҳра боқийдур...”, “Истиқлол қасидаси”, “Дунё дарсхонадир”, “Дунё ками битмагай” сингари йигирмага яқин китоби аллақачон ўз ўкувчиларини топган. Шоирнинг уч жилдлик “Сайланма”си ҳам китобхонларга муносиб тухфа бўлгани, шубҳасиз.

Тожикистон ҳалқ шоири Лойик Шералининг “Муҳабатим”, қалмиқ шоири Давид Күгултиновнинг “Ғаройиб қуш”, Фитрат Вардонзехийнинг “Изларингдан айланай”, Ҳожа Исмат Бухорийнинг “Мисли баҳор келдик яна...” Эшони Имло Бухорийнинг “Муҳаммад (с.а.в.) хиди келгай” асарлари, шунингдек, X–XX асрларда Бухорода яшаган шоирлар ижодидан сараланган “Бухорийлар бўстони” китоби айнан унинг таржимасида ўзбек китобхонлари маънавий мулкига айланган. Бундан ташкари, у қарийб ўттиз йил давомида Бухоро вилояти телевидение ва радиоэшиттириш компаниясининг бош муҳаррири сифатида фаолият кўрсатди. Ана шундай ижодий ютуқлари ҳамда вилоят маданий равнақига қўшган самарали ҳиссаси учун меҳнатлари муносиб тақдирланиб, унга “Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими” фахрий унвони берилди.

Таъкидлаш жоизки, Самандар Воҳидов ҳеч кимни ҳеч маҳал ранжитмаган. Мабодо бошқалардан у кишига бирон озор етса, астагина шундай дерди: “Дуо олган омондир, қаргиш олган ёмондир...”

Эсимда, раҳбарларнинг биридан “Болаларим кўпайган. Ҳовли қурмоқчиман. Шу масалада ёрдам беринг”, дея

илтимос килганда ҳалиги амалдор “Шаҳарда ер йўқ, марҳамат, қишлоғингга кетавер” деганди. Самандар дўстимнинг ўша чоғдаги аҳволини тушунаверинг энди. Шунда юраги хаста қадрдоним менга караб, “Жўражон, сиз ҳам раҳбарсиз. Нима, қишлоқка кетаверишим керак экан-да. Шу тўғрида бир шеър ёзсангиз яхши бўларди”, дея таклиф билдирганди.

Сал ўтмай шундай шеър дунёга келди. Мана, ўша мисралар:

ШАҲАРДАН ЗЕРИККАНДА

Дўстим Самандарга

Иккимиз Жилвоннинг сувин ичганмиз,
Баъзида лойлатиб уни кечганмиз.
Тупроғу тошини бирга кучганмиз,
Орзуни саман от килиб учганмиз –
Шу заминни бошга кўтарамиз деб.

Ел эсса, йўлига кўксимиз тутдик,
Сел ёғса, оҳ чекиб ўзни унутдик,
Гиёҳлар сўлмасин дея кўз тутдик,
Гоҳида қувондик, гоҳо ғам ютдик,
Шу замин шўрини аритамиз деб.

Шаҳарга туташди аммо йўлимиз,
Ҳаёт мавжларини туди кўнглимиз,
Бировга тиканмиз, бировга гулмиз,
Бировга чаманмиз, бировга чўлмиз –
Ҳар калай, бор бўлсин, элнинг гап-сўзи!

Шукур, теграмизда дўсту ёр бисёр,
Шоирмиз, гул тутган гулбаҳор бисёр.
Бирок, ортимидан шундай савол бор:
“Сенлар сахройисан, шаҳарда не бор?” –

Эх, бунча аянчли риёнинг кўзи!
Бахилдан ҳеч қачон Хотам чиқмайди,
Сафарда сирдошу ҳамдам чиқмайди.
Ҳак сўзни айт десанг, ҳакам чиқмайди,
У дунё, бу дунё одам чиқмайди –
Эх, бунча қародир ҳасаднинг юзи!

Кел, дўстим, кетайлик ўша Жилвонга,
Шовқинлар, мишмишлар тегди-ку жонга.
Меҳримиз сочайлик ота маконга,
Янги қон югурсин вужудга-жонга.
Кел, дўстим, кетайлик гулгун Жилвонга!

Бунда имон бутун, ёлғон тўкишмас,
Биров-биров учун милтиқ ўқимас.
Бунда соддалик бор, ҳеч ким кув эмас,
Оқибат, орият ҳар дилга пайваст,
Кел, дўстим, кетайлик ўша бўстонга!

Қирларнинг қатига шеърлар ёзамиш,
Ўроққа, кетмонга шеърлар ёзамиш.
Яйловлар бетига шеърлар ёзамиш,
Асали, сутига шеърлар ёзамиш,
Жон дўстим, кетайлик ўша чаманга!

Бизларни Айнийнинг рухи қўллайди,
Донишнинг юлдози, Моҳи қўллайди.
Иброҳим Мўминнинг ёди қўллайди,
Барча яхши-ёмон зоти қўллайди,
Фидойи бўлайлик ўша гулшонга!

Шоир Самандар Воҳидовнинг азиз хотираси доимо
биз билан бирга. Бу инсон ҳаётда нимагаки эришган бўлса,
бариға шеърият сабаб. Зоро, унинг ўзи ёзганидек:

Дилга таскин – тасалло,
Берари танҳо ният.
У дунёю, бу дунё
Шукрим сенга, шеърият!



И вновь грустно и печально
Сквозь пыль и дым
Мечты мои, как вспышки
На фоне ярких красок

Сквозь пыль и дым
Мечты мои, как вспышки
На фоне ярких красок
Сквозь пыль и дым
Мечты мои, как вспышки
На фоне ярких красок

Сквозь пыль и дым
Мечты мои, как вспышки
На фоне ярких красок
Сквозь пыль и дым
Мечты мои, как вспышки
На фоне ярких красок

Сквозь пыль и дым
Мечты мои, как вспышки
На фоне ярких красок
Сквозь пыль и дым
Мечты мои, как вспышки
На фоне ярких красок

Сквозь пыль и дым
Мечты мои, как вспышки
На фоне ярких красок
Сквозь пыль и дым
Мечты мои, как вспышки
На фоне ярких красок

“ОРИФ КҮНГЛИН МАКОН АЙЛАБ...”

Фуломжонни биринчи марта 2006 йилда “Бухоро мавжлари” таҳририятида учратганман. Ўшанда у ўзининг янги шеърлари, ҳикояларини кўрсатганди. Дўстим тарихчи олим, профессор Қахрамон Ражабов, адабиётшунос, таржимон, шоир Эргаш Очиловга эргашиб, орамизда дўстлик ришталарини боғлаган инсон эди. У мақола, эссе, очерк, ҳикоялари, чет эл адибларидан қилган таржималари билан журналиниз саҳифаларини бойитган эди. Мабодо иш юзасидан Тошкентга борсам, мени қўярда-қўймай ҳовлисига олиб кетар, у ерда бошқа дўстлари даврасида адабиёт, санъат, маданият ва, албатта, Бухоро тарихи ҳакида, бу шаҳарнинг бутунги ҳаёти тўғрисида сухбат қиласидик.

Бир гал икковимиз Чирчик соҳилларига борганимизда Фуломжон Ҳамид Олимжоннинг деярли барча баллада ва достонларини, қўплаб шеърларини ёддан айтиб, мени лол қолдирган. У Фирдавсий, Румий, Фаридуддин Аттор, Жомий, Навоий, Абдурауф Фитрат, Чўлпон, Усмон Носир каби ижодкорларнинг асарларини қайта-қайта ўкир, ва албатта, улар борасидаги мулоҳазаларини билдирад эди. Хусусан, ўзининг бир мақоласида Мирзо Бедил ҳакида қуйидагиларни айтиб ўтганди:

“Бедил – маънолар кони. Унинг ижтимоий-аҳлоқий қарашлари, сўфиёна хаёллари беҳудуд. Бу денгизга шўнғиган одам албатта гавҳар доналарини олиб чиқади...”

Фуломжон Жалолиддин Румийни хам ниҳоятда яхши кўрар, алломанинг “Маснавийи маънавий” асарини юрагига

жо этганди. Хусусан, бу достондаги қуйидаги сатрларни ўзгача бир меҳр билан тез-тез айтиб тургучи эди:

Агар ўлсам, мени асло қаро тупроқдин ахтарманг,
Яшарман аҳли ориф кўнглини мангумакон айлаб...

Қандай гўзал сўзлар! Ўз вақтида ушбу мисраларни қишлилек аҳли орасида ҳам, институтда ҳам, дўстлар даврасида ҳам такорлаб юрган ўша йигит, Бухоронинг ардокли фарзанди Ғулом Каримий 1962 йил 30 апрелда Олот туманида таваллуд топган. Мактабни битиргач, 1982–1987 йилларда Тошкент давлат университети Эрон филологияси бўлимида таҳсил олади. 1987–1989 йилларда 2-афғон дивизиясида, 1989–1990 йилларда эса Термиздаги ҳарбий кисмда таржимон сифатида хизмат қиласди. 1992 йилга келиб ЎзР ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтига ишга киради. У ерда манбашунослик йўналишида фаолият кўрсатади. Истеъоддли олим мазкур соҳага оид юздан ортиқ мақола, йигирмага яқин китоб яратган.

Лекин айнан бадиий ижод Ғулом Каримий учун чинакам кисматга айланганди. “Карвон”, “Турон қоплони”, “Соҳибқирон ва аллома” тарихий қиссалари, “Наршах қалъаси” тарихий романи ҳамда халқимиз ўтмишидан ҳикоя қилувчи ўнлаб ҳикоялари билан турли ёшдаги китобхонлар эътиборини козонган адаб, айниқса, сўнгги йилларда яратилган ҳикоя, эссе ва қиссалардан иборат “Арслонхон минораси” китоби, шунингдек, “Лангар фожиаси” романи билан ушбу жабҳада ўзига хос услугга эга қалам соҳиби эканлигини намоён этди.

Бундан ташқари, адаб таржимонлик бобида ҳам маълум муваффақиятларга эришган. Сайид Муҳаммад Носир ибн Музаффарнинг “Бухороарки ҳақида тадқиқот”, Муиниддин Натаанзийнинг “Мунтахаб ут-таворих Муиний”, Мавлоно Муҳаммад Қозининг “Хукмдорга ўгитлар”, Носир Хисравнинг “Сафарнома” асарларини, Содик Хи-

доятнинг “Эрини йўқотган хотин” ҳикоялар тўпламини форсийдан ўзбек тилига ўгирган. У Муҳаммад Толибнинг “Матлаб ут-толибин”, Ўтамиш Ҳожи Дўстийнинг “Ўтамиш Ҳожи тарихи” асарларини, “Себзор даҳаси қозиси фаолиятига оид хужжатлар”ни ҳозирги тилимизга табдил қилиб, фидойи манбашунос сифатида ҳам ҳамкасб ва шогирдларига ибрат бўлган. Шу сингари хизматлари боис Ғуломжонга “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими” деган унвон берилганди. Афсуски, у 2014 йилнинг 12 апрелида эллик икки ёшида вафот этди.

Ғулом Каримий илмпарвар ва меҳмондўст оила сардори, ижодкор дўстларининг доно маслаҳатгўйи, якинларига ғамхўр инсон эди. “Бухоро мавжлари” журнали таҳрир ҳайъати аъзоси сифатида ўзининг кимматли маслаҳатлари ва кўмаги билан журнал илмий-ижодий савиясини оширишга муносиб ҳисса қўшди.

Ҳамиша фаол илмий-адабий мухитда яшаш ва фикрлашга интилган, кўплаб ютуқларга эришган Ғулом Каримий ана шундай гўзал инсоний фазилатлари, фавқулодда теран илмий-маърифий нигоҳию услуби, ранг-баранг асарлари билан яқинлари, дўстлари ва ҳамкаслари қалбида, адабиётимиз саҳифаларида абадий яшайди.

* * *

Ғулом Каримий ҳақиқий дўстим, биродарим, адиб, катта олим эди. Бухорога, албатта, журнал учун ёзилган ёки каминага бағишлиланган мақолалари билан келар, ўз навбатида биз бундан мамнун бўлардик.

— Домлажон, — деганди бир сафар кулиб-кулиб Ғуломжом, — “Шарқ гавҳари” номли китобингизни ўқиб, маза қилганман. Шу тўғрида макола ёзгандим.

— Марҳамат, ўкинг!

— “Янги китобларингизни ҳам кўриб, кўнглимизни гулоб

ДАРДНИ ДАРД БИЛАН ЕНГГАН ШОИР

Ўзбек адиблари орасида тақдир тақозосига кўра оғир хасталикка дучор бўлишига қарамай, фавқулодда матонат билан дардни енгиб ёки унга бардош бериб, гўзал асарлар яратишда давом этган кишилар бор. Ойбек, Самар Нуров, Озод Шарафиддинов каби адибларнинг қатор етук асарлари айни хасталик йилларида ёзилгани маълум.

Хаёт ва ижод йўли ибрат бўлгулик шундай ижодкорлардан бири таникли шоир, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими”, Ёзувчилар уюшмаси Бухоро вилоят бўлими раҳбари, устоз Тошпўлат Аҳмаддир. Шўро даврида бир тўплами хориж матбуотида мақталгани сабабли турфа идораларга сўрокқа чакирилиб, саргардон қилинган шоир Истиқлол берган имконият туфайли яна енг шимариб, ижодга ва бошқа эзгу тадбирларга киришди. Унинг мураббийлигига Бухоро адабий муҳити ўсди, кенгайди, мамлакат миқёсида ном қозонган ижодкорлар пайдо бўлди. Давр даъвати ва вилоятнинг маънавий эҳтиёжини чуқур англаған устоз Бухоро адабий муҳити ва барча зиёлилар учун кўпдан зарур бўлган “Бухоро мавжлари” журналининг нишона сонини улуғ адиблару мўътабар ташкилотларнинг қутлов ва оқ йўллари билан нашр эттирди. Бироқ, айни шу дамларда аллақаёқдан ёпишган дард домлани оёқдан йикитди. Оиласи, ёр-дўстлари ва шогирдлари чеккан изтироблар унинг истеъоддли шогирди Сулаймон Шодиевнинг “Илтижо” шеърида яхши акс этган:

Дардан халос бўлса, яйраса, кулса,
Багридан яна шеър дурдай тўкилса.
Ахир шоирликнинг ўзи дард бўлса,
Сен унга дард эмас, шифо бер, Тангрим!

Шоирнинг ёр-дўстлари ва шифокорлар ўз мададларини дариг тутмадилар. Домланинг рафикаси, касби ўқитувчи Ойша ая муолажалардан сўнг қайта “тили чиқаётган” умрдошига устозлик килиб, “мана бу чойнак, бу пиёла... нон... дарахт... гул...” дея сабр-тоқат билан ўргатар, китоб, газета, журналлар ўқиб берарди. Шоир бу сўзларни такрорлаб, тили ва хотирасини машқ килдиради. Нутки бир даража тиклангач, бир куни рафикасига: “Софайгач, мана шу меҳр-оқибатинг учун сени ҳажга жўнатаман”, – деди. Карами кенг Оллоҳ бу эзгу ниятни ижобат қилган эканки, бир неча йилдан сўнг аямиз ҳожи она бўлди. Шоир қўйидаги мисраларни бежиз битмаган:

Ҳаётнинг паст-баланд, ўнги-сўли бор,
Такдирни такдирга улаш йўли бор.
Кимки тож айласа меҳрни бошга,
Уни кўллагувчи Оллоҳ қўли бор.

“Бухоро мавжлари”нинг нишона сонини ўқиганлар унинг кечикиб қолган навбатдаги сонларини орзиқиб кутишар, энди ҳол сўрагани келган таҳририят ходимлари журнал учун йиғилган янги материалларни маслаҳат учун олиб келишарди. Шунингдек, шогирдлар ўз машқларини кўрсатиш учун келтиришганда рад этиш ўрнига домланинг чехрасида қувонч ифодалари зохир бўларди. Ажабо, эзгу тадбирлар тадорики, ижод ва адабиёт дарди шоирни тобора ўз оғушига тортиб, оғир хасталик домидан чиқара бошлади.

Тошпўлат Аҳмад “Бухоро мавжлари”ни мунтазам нашр этишни йўлга қўйди. Унинг ҳар бир сони бир алломага бағишлиниб, журналистикада янги ва ўзига хос бир йўлдан борилди. Журнал тез орада вилоятдан ташкарига ҳам ёйилиб, мамлакатимиздаги мўътабар адабий-маърифий нашрлардан

бирига айланди. Унинг катор сонлари мазмун-мундарижаси “ЎзАС” саҳифаларида ҳам ёритилди.

Тошпўлат Аҳмад фаол ижодга қайтиб, долзарб мавзуларда қатор мақола, бир неча шеърий тўпламлар нашр этди. Бутун ҳаёти давомида элимиз ва адабиётимизга килган холис хизматлари учун 2007 йилда Юргашимиз фармонига кўра “Эл-юрг хурмати” ордени билан мукофотланди.

Сўнгги йилларда устознинг бир эмас, иккита: назмий ва насрий сайланмалари чоп этилди. Назмий сайланма “Шарқ гавҳари” номи билан “Шарқ” нашриётида 5 минг нусхада нашр этилди. Мазкур китоб Тошпўлат Аҳмаднинг кариб қирқ йиллик назмий ижоди – шеър, ғазал, достонлари ҳамда тўртлик ва саккизликларидан саралаб тузилган гулдастадир.

Китобни вараклар эканмиз, шоирнинг асосий илҳом манбаи кўхна ва навқирон Бухоро, унинг шонли ўтмиши ва шукухли бугуни ҳамда меҳнаткаш ва бунёдкор ҳалқи эканига ишонч ҳосил киламиз. Дарҳақиқат, Самарқанд, Хива, Тошкент каби шаҳарлар каторида Бухоро ўзбек ҳалқининг меъморий даҳоси ва нодир шаҳарсозлик истеъдодининг якқол исботи сифатида жаҳон ахлиниң ҳайрат ва таҳсинига сазовор бўлиб келаётган гавҳар шаҳардир.

Мана қирқ йилдирки, баайни булбул безавол бўстонга мадхия ўқиганидек, Тошпўлат Аҳмад Бухоро ҳақида тўлибтошиб, бисотидаги энг гўзал ва жарангдор сўзлар билан турфа оҳангларда куйламоқда:

Айтаверсан оқиб келади,
Рангин-рангин ҳаяжон, хислар.
Тонг нуридай балқиб келади,
Ифор-ифор дурахшон сўзлар.

“Бундай муқаддас шаҳар ҳақида ёзиш – бахт! Бундай муқаддас шаҳар ҳақида ёзмаслик – армон! – дея таъкидлайди Ўзбекистон Каҳрамони, ҳалқ шоири Абдулла Орипов “Сайланма”га ёзган сўзбошисида. – Бухорони ўз ижодининг илҳом манбаи деб билган истеъдодлар сафининг бошида

улкан сўз санъаткори Садриддин Айний турса, бу кутлуғ анъянанинг бугунги кундаги муносиб давомчиси сўзсиз, Тошпўлат Аҳмаддир”.

Ранго-ранг гуллар барқ уриб очилиб ётган гулзорни эслатадиган тўпламдан ўрин олган қатор лирик шеърлар китобхонни ром этиб, уни нафосат диёрига элтади:

Ҳой, қалдирғоч, баҳор элчиси,
Кел, кўзимга тухми райхон эк.
Мен бехато ундирай, ўссин,
Унга меҳрим берай дехқондек.

Хўш, шоирнинг ўз кўзида райхон уруғи ундириб, ўстиришидан мақсади не? Балки уни ёрига тортиқ этмоқчиидир. Саволимизга жавоб шеърнинг кейинги бандларидан аён бўлади:

Сўнг кўчириб бир-бир ўтқазай,
Дала, боғлар, йўллар бўйига.
Кекса-ёшга узиб узатай,
Тортиқ қиласай севги тўйига.

Ки чулғасин дейман заминни,
Райхон ҳиди, райхон ифори.
Ва тилагим: ҳар бир одамнинг
Райхонгулдан бўлсин тумори.

Тошпўлат Аҳмад достон жанрида ҳам баракали ижод килиб келаётган шоир. Унинг ўнга яқин достонидан “Сайланма”га учтаси киритилган. “Бухоронома” достонида муаллиф шаҳарнинг кўп асрлик тарихидаги асосий воқеаларни назм воситасида бир ипга тизиб чиқмоққа жазм этади:

Хаёлда жонланар мозий бетартиб,
Давронлар, карвонлар ўтар саф тортиб.
Кечмишнинг шу сўнгсиз денгизи аро
Излаганим сенсан она – Бухоро!

Достон мутолааси жараёнида Бухоронинг юксалиши, дучор бўлган айрим фожиалари хамда унинг буюк фарзандлари фаолияти, шаҳар жаҳон тамаддунидан муносиб ўрин эгаллагани сирларидан воқиф бўламиз. Олимларнинг тадқиқотига кўра, ўтмишда Навоийнинг улуғ “Хамса”си кўлёзма ҳолида энг кўп кўчирилган шаҳар Бухородир! Бундан шоирнинг ифтихор килишга тўла ҳаққи бор, албатта:

“Хамса”дан мавжланган нурлар, жилолар,
Жиломас, киприкдан томган тиллолар.
Асрлар мулкини асраб қалб аро,
Ўчмас килиб ёзган хаттот Бухоро!

Шоирнинг “Заъфарон нидолар” драматик достонида Фитрат, Чўлпон, Қодирий, Усмон Носир, Файзулла Хўжаев каби улуғ аждодларимизнинг қалб изтироблари ажойиб бадиий восита, яъни ҳозирги замон тарихчисининг саволларига уларнинг жавоблари тарзида катта маҳорат билан тасвирланган. Асарни илк бор қўлёзма ҳолида ўқиб чикқан атоқли адабиётшунос, филология фанлари доктори Наим Каримов ижобий фикр-мулоҳазалар баён этиб, жумладан, шундай ёзган эди: “Тошпўлат Аҳмаднинг шу мавзуда оловли қалб ва ёлқин сўз билан қалам тебратиши айни муддаодир. Худди шундай асарга катта эҳтиёж бор эди. Адиб шу эҳтиёжни чукур ҳис этиб, ҳаяжонбахш достон ёзибдики, уни кутлаб, асарни халққа тезроқ етказиш жоиз, деб ўйлайман”.

“Шарқ гавҳари” шеърият мухлисларига ажойиб тухфа, шоир ижоди билан кенгрок танишиш учун имконият яратиб берувчи мазмундор “Сайланма”дир. Ундан баҳра олган ҳар бир қалбда эзгулик ва нафосат туйғулари зиёдалашса, ажаб эмас. Зеро, Тошпўлат Аҳмад шеър ёзишдан мақсад инсоният аро эзгулик ва гўзаллик уругини сочиш деб билади:

Магар соҳир эсанг, тилни тилга ула,
Моҳир шоир эсанг, дилни дилга ула.
Дунёда тафаккур чаманлари кўп,
Улардан гул йигиб, элни элга ула.

Адибнинг насрый сайланмаси “Қалам ва алам” номи билан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриётида чоп этилди. У ҳикоя, ҳажвиялар ва туркум хотиралардан иборат. Бир неча ҳикояларнинг қаҳрамонлари Иккинчи жаҳон уруши тақдирига таъсир кўрсатган кишилардир. Бу бежиз эмас, албатта. Тошпўлат Аҳмад журналист сифатида уруш ўтган ўлкаларни кўп кезган. Кўплаб юртдошларимизнинг қабрларини аниқлаб, қатор очерклар ёзган. Бу очерклардаги маълумотлар асосида оталари ёки қариндошлари қабри жойлашган ерларни билиб олиб, бориб тавоф қилиб келган кишилар бор.

“Бир чаноқ пахта” ҳикояси уруш қаҳрамонининг хотираси тарзида ёзилган. Кекса Равшан ота фронтда кечган йигитлик даври, илк ва бир умрлик мухаббатига сабаб бўлган бир чанок пахта ҳакида ўйга берилар экан, ёзувчи бадиий тасвир имкониятларидан маҳорат билан фойдаланади: “Илғамаган экан, яқинда арраланган қари толнинг кундаси ёнидан ўн саккиз яшар қизнинг сочидай нафис тол-хивич кўкарибди...”

“Даврон Замоний саргузаштлари” ҳажвий туркумининг қаҳрамони хозиржавоблиги ва бошқа жиҳатларига кўра замонамиз Насриддин Афандисига ўхшаб кетади. У ўз шеърларини олиб борганида: “Бизнинг газетамиз хўжалик газетаси, ўртоқ шоир! Бизга дехқончилик, дала ишлари ҳакида ёзиб келинг”, – деган газета мухарририга жавобан: “Яхши, мен газетага вилът тушгани ҳакида ёзаман”, – дейди.

“Адиблар Бухорода” туркумини камина бошқа бир ном билан “Бухоронинг адабий меҳмонномаси” деб аташни

истардим. Қайсики адаб Бухорога келмасин, Тошпўлат Ахмад билан учрашган, аксарияти унинг хонадонида бир пиёла чой ичишган. Домла номдор адиларнинг ҳар бир ташрифи Бухоро адабий мухитида бир из қолдиришига интилган ва бунга эришган. Ойбек, Зулфия, Уйғун, Сайд Ахмад ташрифлари чоғида катор мароқли учрашувлар ўтказилган.

Ибн Синога ихлос қўйгани туфайли Бухорога келиб, икки йилча ўзини ҳеч кимга таништирмай, шаҳарда яшаб, ёзилажак тарихий романи учун материал тўплаган грузин аёли Лидия Салдадзе хақидаги лавҳа ҳам жозибалидир.

“Адилар Бухорода” турқумини варақлар эканман, тўплам ҳажми ҳисобга олинган ҳолда, устоз бу ўринда ўз хотираларининг бир қисминигина баён қилганини кузатдим. Баъзи хотиралар, масалан, тожик адаби Жалол Икромий Бухорода бўлганида ундан Фитрат ҳақидаги эсдаликлар сўраб ёзиб олиниб, сўнгра “Бухоро мавжлари”да эълон қилинганидан хабардорман. Бундан ташкари, шахсан ўзим домладан Расул Ҳамзатов ва Евгений Евтушенконинг Бухорога ташрифлари, Чабуа Амираджабининг хонадонида меҳмон бўлгани, ҳовлидаги гулзор қаршисидаги сўрида Абдулла Ориф билан тонготар сухбатлар, Ўткир Ҳошимовнинг оиласиий ишлар билан Бухорога сафарлари ва ҳоказолар хақида қизикарли ҳикоялар эшитганман. Энг муҳими, бу учрашувларда адабий мавзуларда сухбатлар кўп бўлган. Агар буларнинг бари тўпланса, ҳали ёзилмаганлари ҳам қоғозга туширилса, “Бухоронинг адабий меҳмонномаси” бир неча жилд бўлиши, шубҳасиз. XX аср адилари ҳаёти ҳамда адабий алоқалар тарихини ёритиш учун зарур бўлган ушбу эзгу юмушда устозга Оллоҳдан илҳом ва куч-куvvat тилаб коламиз.

181 “...НЭДНОИРМОТ ҶАХ ТИНИМИНОЙ”
181
181
181
181
Гулом КАРИМ,
Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси
ЕВА БЕДНЯВАСЧАҲИХ НОҚХАД МИЛЛА

МУНДАРИЖА

Сўзбоши. Жўра Фозил.....	5
Мен кўрган биринчи ёзувчи – Айний эди.....	8
Тош түғён	15
Буюк олим хузурида	25
Ҳақрост	31
Үйгун ва бошқа адиллар Бухорода	40
Сайд Аҳмад Бухорода	61
Қадим-қадимдан буён.....	69
Устоз Икромий сабоқлари	73
Одамийлик сабоғи.....	91
Бухоро тилло тоғ!	101
Мардлик ҳайкали	106
“Буғдой сўзинг бўлсин...”	112
“Юрак, сенсан менинг созим...”	115
Дорилфунун хиёбонида	120
Лутфи жаранглаб турса	125
“Ишваю ноз...”	129
“Соғинсангиз мени изланг...”	132
“Одам кўнгли яримта...”	135
Багрикенг, шогирдпарвар инсон эди	139
“Минорада ухлар қўёш Бухоро...”	143
Шариф отанинг ям-яшил боғлари	149
Тилларидан бол томарди	154
Махтумкули ва Бухоро.....	157
Қалб мулкининг хазинафони	162
“Халқим, сен билан қалбим...”	166
Қалби Наврӯздек пок	171
Чашмадай шаффоф	177
“Конимнинг ҳар томчисидан..”	181
Ҳақиқий ҳажвчи	184
Кўзи тийран, сўзи теран аллома	186
Қалам дехкони хусусида сўз	192

“Икки ажиб пардаси бор...”	196
“Бухоро – лафзимиз, нигохимиз...”	200
“Оқ йўл”га оқ кўй жоиз	205
Она диёр куйчиси	211
Шукрим сенга, шеърият!	215
“Ориф кўнглин макон айлаб...”	223
Дардни дард билан енгган шоир. Ғулом Карим.	227

Адабий-бадиий нашр

Тошпӯлат Ахмад

Соғинсангиз мени изланг

(Эсселар, хотиралар, лавҳалар)

Мухаррир *Илҳом Зойиров*

Бадиий мухаррир *Иzzат Юлдашев*

Техник мухаррир *Екатерина Корягина*

Мусахих *Доно Тўйчиева*

Компьютерда сахифаловчи ва дизайнер *Юсуф Исломов*

Нашр. лиц. АI № 154. 14.08.09.

Босишига 2015-йил 9-сентябрда рухсат этилди.

Бичими 84x108 $\frac{1}{32}$. Офсет босма.

12,39 шартли босма тобок. 10,53 нашр тобоги.

Адади 1000 нусха. 458 ракамли буюртма.

Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

Фаур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа

ижодий уйида чоп этилди.

100128 Тошкент, Лабзак кўчаси, 86.

Телефон: (371) 241-25-24, 241-48-62, 241-83-29

Факс: (371) 241-82-69

www.gglit.uz E-mail: info@gglit.uz





Сөзинсанғиз мени изланг...



ISBN 978-9943-03-664-2



9 789943 036642